



Минг бир кеча



Биринчи китоб

АРАБ ЭРТАКЛАРИ



1-27 КЕЧАЛАР

БИРИНЧИ КИТОБ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

«Минг бир кеча» эртаклари ўз мавзуларининг кўплиги, рангоранглиги билан ҳам жаҳон адабиёти миқёсида шуҳрат қозонди. Бу араб эртаклари саккиз томлик китоб шаклида 1960 йилда Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти томонидан нашр қилинган эди.

Кўпчилик китобхонларнинг талабларига биноан «Минг бир кеча» китобини янги кўринишда қайта нашр қилишни лозим топдик. Умид қиламизки, машҳур араб эртаклари китобхонларимиз учун ажойиб тўхфа бўлади.

Арабчадан Солиҳ Муталлибов таржимаси
Шеърлар таржимони Собир Абдулла

Қайта нашр

ISBN 978-9943-08-295-3

© «Минг бир кеча». Араб эртаклари. Саккиз томлик. Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1960 й.

© «Минг бир кеча». Араб эртаклари. 1-27 кечалар. Биринчи китоб. «Янги аср авлоди» нашриёти. 2008 й.



Эртак – оғзаки халқ ижодида бениҳоя муҳим тарбиявий ўрин тутган қўшиқ ва лапарлар, мақол ва маталлар каби кўҳна адабий жанрлардан биридир. Эртак ёзма адабиёт тараққиётига катта хизмат қилган. У йирик бадиий асарлар учун манба бўлгани каби ўзи бевосита турмуш далиллари асосида вужудга келган. Унинг ранг-баранг мавзулари халқлар ҳаётининг турли кўринишларидан ва уларнинг ҳаёт учун олиб борган кураш усулларидан намуналар беради.

«Минг бир кеча» эртаклари узоқ ўтмишнинг ажойиб воқеаларини юксак бадиий маҳорат билан тасвирлаб берувчи асардир. Бу асар ўзида акс этган ва ёритган мавзуларининг кўплиги, ранго-ранглиги билан ҳам жаҳон адабиёти миқёсида алоҳида ўрин олган, ҳамма халқлар орасида шуҳрат қозонган.

Асар ўзининг ёзилиш услуби жиҳатидан ҳам диққатга сазовордир. У асосан насрда ёзилиб, шеърий парчалар ҳам ора-сира учрайди. Бу парчалар эртак мазмунини тўлдиради, унга ёқимлилиқ бағишлайди, таъсирчанлик кучини оширади. Бу шеърий парчалар асар сюжети билан узвий боғлиқдир.

Афсуски, асардаги шеърий парчалар кўп нусхаларда ҳар хил ўзгаришларга учраган, баъзи нусхаларда тушириб қолдирилган. Ўзбек тилига қилинган олдинги таржималарда ҳам айни ҳолни кўрамиз.

«Минг бир кеча» эртакларининг қаерда ва қачон ёзилгани ноаниқдир. Энг ишончли ва пухта манба «Кашфуззунун» муаллифи, котиб Чалапий фақат «Алиф лайло ва лайло» деган исмни кўрсатиш билангина чекланган («Кашфуззунун», I китоб, 139-бет).

Асарнинг ўзидан ҳам бу ҳақда аниқ бир маълумот олиш қийин. Асарда кўрсатилишича, воқеа Сосонийлар давлатида юз берган. Сосонийлар эса 226-652 йилларда Эронда ҳукм сурган эди.

«Минг бир кеча»нинг қачон ёзилгани аниқ бўлмаса ҳам, унинг қадим даврлардаёқ юзага келгани аниқдир. Асарнинг аҳамияти ҳам шу қадимги даврлар воқелигини, ҳаёт фожиаларини, халқ бошидан кечирган оғир кулфат ва аламларни, ҳатто ўша давр ҳаёти учун мудҳиш ҳисобланган дев ва жин афсоналари ҳамда бошқа воқеалардан намуналар беришдадир. Шунингдек, дастлаб асарнинг қайси тилда ёзилгани ҳақида ҳам турлича фикр юритилади. Баъзилар асардаги бош қаҳрамонлар: Шаҳризод, Шаҳриёр исмлари форсча эканини ва бошқа далилларга кўра, асар аслида форсча эканини, у форсчада «Ҳазор афсона» («Минг эртак») асарининг араб тилига қилинган таржимаси асосида юзага келган, деб даъво қилсалар, баъзилар «Минг бир кеча» эртақларидаги кўпчилик воқеалар араблар халифаси Хорун ар Рашид исми билан боғлиқлиги ва бошқа далиллар унинг асли араб тилида ёзилганлигидан далолат, дея даъво қилдилар. Ҳар ҳолда масаланинг бу томони яна кўп жиҳатлар асосида текширишга боғлиқ бўлган келажакнинг ишидир. Чунки асарнинг дастлабки нусхасини аниқлаш учун бу кунгача олиб борилган тадқиқотлар етарли эмас, албатта.

«Минг бир кеча»да тасвирланган воқеалар тарихий тараққиёт тизимини бир хил шароитда ўтаган бир қанча халқлар учун умумийдир. У даврлардаги воқеалар, меҳнаткаш омманинг кечирган фожиали ҳаёти, юқори табақаларнинг меҳнаткаш оммага муносабати, сарой доирасидаги мудҳиш бузуқликлар тасвирланган. Бу тарих кўпчилиги Шарқ халқлари учун ҳам умумийдир. Бу халқларнинг ҳар бири бундай таҳликали кунларни ўз тарихидан осонгина топа олади. Асарнинг барча халқлар тилларига таржима қилиниши ва ҳар бир халқда севиб ўқилишининг сири ҳам шундадир.

«Минг бир кеча»да мустабид шоҳ саройидаги бузуқликлар, кишилиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинган қуллар, чўрилар, жориялар ва тавошиларнинг аянчли аҳволи, меҳнаткаш халқнинг оғир азоб-уқубатлари, юқори табаканинг фаҳш ва разолатлари тўла тасвирлаб берилган.

«Минг бир кеча» биринчи марта шоир Сидқий Хандайлиқий томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда нашр этилган. Бу таржимада бир қанча ўзгариш ва ўринсиз қисқартиришларга йўл қўйилган. Бу асар иккинчи қайта Аҳрор Маҳзум томонидан арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда босиб чиқарилган эди. Бу таржима аввалгисига нисбатан анча муваффақиятли бўлса-да, унда ҳамма таржима қоидаларига риоя қилмаслик каби муҳим нуқсон бор.

Биз ўз таржимамизда Мисрда қайта-қайта нашр қилинган энг тўлиқ нусхага асосландик ва уни тўла сақлашга интилдик. Фақат айрим ибораларнинг бироз пардали бўлишига эътибор бердик.

ТАРЖИМОНДАН



ШАҲРИЁР ВА ШОҲИЗАМОН ҲИКОЯСИ

Ўтганларнинг бошдан кечирган кунлари, ҳаётлари, ҳар қандай ҳодиса, воқеалари келажак авлод учун улуғ тажриба ва буюк ибрат бўлди.

Ўтмишнинг ана шундай ибратли меросларидан бири «Минг бир кеча» ҳикояларидир. Подшоҳ Шаҳриёр ва унинг биродари Шоҳизамонларнинг отаси Ҳиндучин ороллари­нинг подшоҳи бўлиб, ўзи Сосонийлар авлодидан эди. Унинг ҳисобсиз аскарлари, хизматчилари, дабдабали саройлари ва икки ўғли бор эди. Ҳар иккиси ҳам зийрак ва баҳодир йигитлар эди. Каттаси Шаҳриёр кичигидан кўра етук ва ҳушёр бўлиб, у ҳукм сурган мамлакат обод эди. Кичигининг исми Шоҳизамон бўлиб, у Самарқандда ҳукмронлик қиларди. Ҳар икки ака-ука ўз мамлакатларида адолат билан иш кўриб, шод ва хуррам яшар эдилар. Йигирма йиллар чамаси аҳвол шундай кечди. Шаҳриёр укаси Шоҳизамонни соғинди. Бир куни вазирини чақирди-да, укаси Шоҳизамоннинг мамлакатига бориб, уни олиб келишни буюрди. Вазир буйруқни жону дили билан қабул қилди. Йўлга чиқиб, эсон-омон Шоҳизамон ҳузурига етиб борди. Оғаси Шаҳриёрнинг саломини етказиб, уни жуда соғинганини, кўришга интизор эканини, иложи бўлса, бирга олиб кетиш учун келганини сўзлади.

Шоҳизамон хурсанд бўлиб, сафар жабдуғини ҳозирлай бошлади: чодирлари, туялари ва хачирларини тайёрлатди. Бир қанча хизматчи ва маслаҳатдошларини бирга боришга таклиф қилди. Мамлакатни идора қилиб туриш



учун ўз ўрнига вазирини тайинлаб, акасининг мамлакатига қараб равона бўлди.

Йўлда кета туриб, уйда керакли бир нарсасини унутиб қолдиргани ёдига тушди-ю, орқасига қайтди. Ярим кечада саройга етиб келиб, ичкари кириб қараса, хотини тўшакда бир бедаво қул билан бирга ётибди. Кўзига дунё қоронғи бўлди. Ўз-ўзига: «Мен узоқлашмай туриб аҳвол шундай бўлса, акам юртида туриб қолсам, бу хиёнаткор хотин нима ишлар қилар экан?» деб ўйлади-да, жаҳлига чидолмай, қиличини қинидан суғуриб, ҳар иккаласини ҳам ётган ерида саранжом қилди. Эсдан чиқарган нарсасини олиб, шу заҳотиёқ яна йўлга тушди.

Бир неча кун йўл юриб, акасининг шаҳрига етиб келди. Унинг келиши шарафига акаси шаҳарни безаттирди, укасини кутиб олгани мулозимлари билан пешвоз чиқди. Ака-ука севинч билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Махсус безатилган уйда шодлик мажлиси қурдилар. Акаси Шаҳриёр укасидан оилавий ҳоли ва мамлакат аҳволидан сўрай бошлади. Шу пайт Шоҳизамон хотини ҳақидаги воқеани эслаб, ранги ўчди, қони қочди, бутунлай кутилмаган бир вазиятга тушди. Бу ҳолни сезган акаси, ўзича: «Балки мамлакатидан узоқлашгани учун шундай ҳолга тушгандир», деб саволларини тўхтатди. Укасини дам олиб, тинчланишга ундади. Лекин Шаҳриёр эртасига ҳам укасининг рангида ўзгариш сезмади. Балки унинг рангида кечагидан ҳам оғирроқ сиқилиш ва изтироб изларини кўриб, бунинг сабабини сўради.

Шоҳизамон воқеани сир тутиб, ҳеч нарса демади. Ичимда кичик бир жароҳат бор, деб баҳона қилди. Акаси: «Бирга овга чиқайлик, зора кўнглинг очилиб тузалсанг» деса, Шоҳизамон бу таклифни ҳам рад қилди.

Акаси овга кетиб, Шоҳизамон саройда ёлғиз қолди. У турган уйда акасининг боғчасига қараган дераза бор эди. Қараса, қаср эшигидан йигирмата қул билан йигирмата канизак, улар ўртасида Шаҳриёрнинг хотини –



малика безаниб, ҳуснга тўлиб чиқишаётган эмиш. Улар ҳовуз бўйига келишиб, кийимларини ечишди-да, биргалашиб ўтиришди. Шундан сўнг шоҳнинг хотини: «Ҳай, Маъсуд!» деб чақирган эди, «Лаббай, маликам» деб, бир қора қул югуриб келди-ю, малика билан қучоқлаша кетди. Бошқа қуллар ҳам канизаклар билан жуфт-жуфт бўлиб қовушдилар. Ҳар ким ўз жуфти билан кечгача маишатда бўлди. Буни кўрган Шоҳизамон ўзига таскин бера бошлади. Бошидан кечирган воқеа бундан энгил эканини эслаб, ғазаби сўнди, дарди энгиллашиб, рангига қон югура бошлади. Чеҳраси очилди, иштаҳа билан овқатлана бошлади.

Акаси овдан қайтди, сўрашдилар. Шаҳриёр укасидаги бу ўзгаришни сезиб, ундан сўради:

– Бугунгача рангинг синиқ, дилинг сиқиқ, табиатинг мунгли эди. Ҳозир, аксинча, аҳволингга катта ўзгариш бор. Шу бир-икки кун ичида тамоман олдинги ҳолингга қайтибсан, сабаби нима?

– Рангимнинг сарғайиш сабабини айтмай, лекин ўз ҳолига қайтиш сабабини айтишга ожизман, – деди Шоҳизамон.

– Бўлмаса, – деди Шаҳриёр, – аввал рангингнинг сарғайиш сабабини сўзла, эшитай.

Шоҳизамон воқеани сўзлай бошлади:

– Вазирингиз ҳузуримга боргач, жуда севиниб сафарга чиқдим. Анча йўл юрдик. Сизга аталган тортиқни саройда унутган эканман. Орқамга қайтдим. Ярим кечада етиб бориб, хотинимнинг бир қора қул билан бирга ётганини кўриб қолдим. Ҳар иккисининг ҳам бошини олиб, яна йўлга тушдим. Шу аҳволда ҳузурингизга етиб келдим. Рангимнинг сарғайиш сабаби шу, аммо ўз ҳолига қайтиш сабабини айтмаганим яхшироқ, – деб сўзини тўхтатди Шоҳизамон.

Лекин Шаҳриёр уни зўрлади. Айтишга мажбур қилди.

Шоҳизамон акаси овга кетганда рўй берган воқеани айтди. Йигирмата канизак билан йигирмата қул акаси-



нинг уйидан чиқиб, ҳовуз бўйига келганлари, акасининг хотини Маъсуд исмли бир қора қулни чақириб, қилган шармандачилиги, бошқа канизакларнинг ҳам қуллар билан жуфтлашиб қилган айшу ишратларини бирма-бир сўзлади.

Акаси ғазабланди. Кўзларидан ўт чақнади, лекин нима учундир бу ҳолни ўз кўзи билан кўрмоқ истади.

– Бўлмаса, – деди Шоҳизамон акасига, – сиз бир неча кунлик овга чиқишингиз ҳақида овоза тарқатиб, ўзингиз мен турган уйда беркиниб қолсангиз, бу ҳолни ўз кўзингиз билан кўрасиз.

– Яхши, – деди акаси.

Ў а³ ðè, ð ààððî á î áää³ î çèðèèè è° ðà áí øèààè. Àñêàð-èàð áèèáí îá ó-óí çàðóð á°èääí í àðñàèàððí è øà³ àð òàø-çàðèñèèää ÷èçàðèøíè è áóð ðèá, °çè³ àì øà³ àððááí ÷èçàè. ×î àèðää èèðèá, ààðáí çááí í ää³ á÷ èèì í è èèðèè àñèèè è è áóð ðàè. Êáèèè³ °çè èèèèè èì è °çääðòèðèá, ñàððí èää óèañè °òèðääí óéää ýøèðèí ÷à èèðèá, ààðàçàääáí áí ø-áí è èóçàòà áí øèààè.

Í ðáááí è°î áàçò °òì áè áèðääáí èáí èçàèèàð, çóèèàð, èáèèè í àèèèá ýøèèááí ÷èçàè. Êá÷ää÷à áéí áí Øí³ èçàì í í áèóääáí è÷à í àèøàò çèèèøàè. Áí çááí è è°ðääí Øà³ ðè, ð àçèääáí í çà, çàè.

– Óòò! – àääè Øà³ ðè, ð óèañè Øí³ èçàì í í ää, – áó³ îèèàð áí øèää òøääí èèøèèàððí è ó÷àðèá, è°í äèè äèç è ñí áóò àääí -÷à, áèçää øí³ èèè³ î äàðò ýí àñ, áóí áàè³ à, çááí áèçää °èèì ýøèèðí ç.

Áèà-óèà ñàððí èáááè ýøèðèí ýøèèááí³ á÷ èèì ää áèè-àèðì áé ÷èçàè èáðàèèàð. Ê°î è°è ððèá, ø°ð ààð, çèðøí-øèàáèè °ðèí ç í ðañèàà °ñääí áèð ààðàðò òàèèää áí ðèá àòàèèàð. Ó ààðàðò òàèèàáè áóèí çááí ñóá è÷àèèàð. Áàçò òøää ýçèí áàçò ýàè. Áàð, ø°èçèí èáí à áí øèààè. Ø°èçèí í ðañèááí á°èè ñí í ää àòàèèääí áà³ èì áèè çí ðà óñóóí ää °òøàø áèð í àðñà ïáéáí á°èèè-ð, áóèàð °òèðääí °ðèí ç òí í í ää çàðáá èáèàáàðèè. Óí è è°ðèøè èèèáí í ç àèà-óèà



кўрққанларидан апилтапил ўринларидан туриб, дарахт тепасига чиқиб олдилар-да, қандай воқеа юз беришини кутиб турдилар. Гумон қилганлари– бошида сандиғи бор, бўйи ниҳоятда узун, боши катта, кўкраклари кенг, баҳайбат бир дев эди. У қирғоққа чиққач, дарахт ёнига келиб ўтирди. Сандиқни очган эди, ичидан бир қути чиқди. Қутининг ичидан бўлса қоматлари келишган, жуда ҳам чиройли бир қиз бор эди. Бу ҳақда шоир шундай деган экан:

Қоронғи кечани кундуз қилур, нигоҳ этса,
Жамоли тобишидан тонг отиб, мунаввар ўлур.
Ниқобини юзидан олса, партави етса,
Унинг бу партавидан офтоб жилогга тўлур.
Карам чақинлари гар кўкда ярқ этиб кетса,
Кўзимнинг ёшлари ёмғир мисолида тўкилур.

Дев қизга қараб:

– Эй хур, энди мен бироз ухлаб олай, – деди□да, қизнинг тиззасига бош қўйиб, уйқуга кетди. Қиз бошини кўтариб дарахт тепасига қараган эди, кўзи дарахт устидаги ака-укаларга тушди. Қиз дев бошини тиззасидан олиб, ерга қўйди-да, ака-укаларга: «Тушинглар, девдан кўрқманглар», дегандек ишора қилди. Ака-ука қиздан ўз ҳолларига қўйишни итпимос қилди. Қиз:

– Агар тушмасангиз, девни уйғотаман. У сизларни қийнаб ўлдиреди, – деди. Улар титраб-қақшаб қиз ёнига тушдилар. Қиз кийимларини ечиб, уларнинг ёнига келди-да, яқинлашишни буюрди. Улар бош тортдилар. Қиз: «Девни уйғотаман, сизларни ўлдиреди», – деб кўрқитди. Шаҳриёр кўрқув ичида укасига:

– Эй Шоҳизамон, қизнинг таклифини қабул қил, – деди.

– Сиз яқинлашмагунча, мен яқинлашмайман, – деди Шоҳизамон.



Ака-ука саросимада бир-бирларига қарашиб, ҳайратда туришар эди.

– Кўз қисишаётганларингизни кўриб турибман, агар таклифимни бажармасанглар, девни уйғотаман, – бақирди қиз. Ака-ука кўрққанларидан қизнинг ёнига келишиб, бирин-кетин унинг илтимосини бажардилар. Шундан кейин қиз ёнидан беш юз етмишта узук боғланган бир ипак боғич олди.

– Буни биласизларми? – деб сўради улардан қиз. Улар «Билмаймиз», деб жавоб беришди. Кейин қиз уларга тушунтира бошлади:

– Бу узукларнинг эгалари, худди сизга ўхшаб дев қошида мен билан алоқа қилиб, хотира учун биттадан узук ҳадя қилганлар. Сизлар ҳам биттадан узук беришларингиз керак.

Булар ҳам қўлларидан биттадан узук чиқариб бердилар. Қиз сўз бошлади:

– Бу дев мени никоҳ кечаси олиб қочди. Қутига солиб, сандиққа жойлади. Сандиққа етита қулф солиб, мавж уриб оқаётган дарёга ташлади. Аммо у бизнинг турли йўллар билан истаган мақсадимизга эриша олишимизни англагани йўқ.

Шоирлардан бири айтганидай:

Хотинлар лафзига асло ишонма,
Уларнинг ваъдаси пуч ёнғоқ каби.
Сиртқи чиройига учма-ю, ёнма,
Вафосизлик эрур унинг матлаби.

Кўнгли бошқа билан, чеҳрада кулги,
Сени ўз ишқига чорлар ҳамиша.
Сенга қош қоқишнинг маънисини шулки:
Қасдингда қилишни қилмоқда пеша.



Унга ошиқ бўлган сен эмас танҳо,
Айтилган сўзларни кўплар эшитмиш.
Бунга мисол бўлур «Юсуф Зулайҳо»,
Хотинлар макрда шундай зўр эмиш.

Момо Ҳаво учун қувилди шайтон,
У эди фаришта, сўнг бўлди мардуд.
Кўплар шундай бўлмиш расвойи жаҳон,
Сен ҳам расво бўлмай бошқа йўлни тут.

Бу тўғрида яна бир шоир шундай ёзади:

Ишқимни таъна этма менга, кайфу гашти бор,
Ишқ ўзи ҳолат туғдирар, бахш этар мадор.
Сўнмас бу ўтда ёнмоқ учун мард бўлиш керак,
Кўпдир хотинлар фитнаси, бер шунга эътибор.
Шундан саломат қолса киши: бу таажжуб иш,
Кимдирки, ишқ сайдига тушмас, у бахтиёр.

Ака-ука шоҳлар қиздан бу сўзларни эшитгач, жуда ажабландилар. Улар бир-бирларига: «Ана дев! Унинг ҳоли бизникидан батгарроқ экан. Бундай ҳодиса эҳтимол ҳеч кимнинг бошига тушмагандир», дейишди.

Шундан кейин улар йўлга тушиб, шаҳарга қайтиб келдилар. Шаҳриёр ўз саройига келиб, хотинининг ҳам, канизакларининг ҳам, қулларининг ҳам бошларини таналаридан жудо қилди.

Шу ҳодисадан кейин Шаҳриёр ҳар кеча бир қизга ўйланиб, эртасига уни ўлдирадиган бўлди. Бу аҳволдан хабардор бўлган халқ қизларини бошқа юртларга қочира бошлади. Ниҳоят, орадан уч йил ўтмай, мамлакатда қиз зоти қолмади. Шоҳ одатдагича, вазирга қиз топиб келишни буюрди. Вазир мўлжалдаги жойларнинг ҳаммасига борди-ю, лекин қиз топа олмади. Охири ғамгин бўлиб, ўз уйига қайтди. Вазирнинг икки қизи бор эди. Ҳар иккиси ҳам ҳусн бобида замонасининг кўрки эди.



Каттасининг исми Шаҳризод, кичигиники эса Дунёзод эди. Каттаси ҳамма тарихий асарларни пухта ўрганган, эртақ китобларнинг ҳаммасини хатосиз кўздан кечирган эди. Ҳатто унинг қўлида минглаб адабий, тарихий асарлар тўпланган эди. Қиз отасини маънос кўргач, аҳвол сўради. Қайғуга бардош бермоқ лозим, деб ушбу шеърни ўқиди:

Қайғулиларга бу ғам ўткинчидир деб қил хабар,
Чунки шодлик битганидек, қайғу ҳам бир дам, ўтар.

Қизнинг сўзини эшитгач, отаси шоҳ саргузаштини бошдан оёқ сўзлади. Қиз отасидан ўзини шоҳга эрга беришини ўтиниб сўради:

– Ё барча қизларни ҳалокатдан қутқаришга сабабчи бўлиб, шоҳ билан умрбод ҳаёт қураман ёки бутун халқ қизлари қатори мен ҳам шоҳ қиличи остида ҳалок бўлман, – деди.

Вазир қизининг бу фикрдан қайтишини илтимос қилди. Лекин қиз ўз фикрида маҳкам туриб олди.

– Деҳқон, эшак ва ҳўкиз ҳодисаси сенда ҳам юз бермаса деб қўрқаман, – деди отаси.

– У қандай ҳодиса экан? – деб сўради Шаҳризод.

Вазир сўз бошлади:

ҲЎКИЗ, ЭШАК ВА БОЙ ДЕҲҚОН ҲИКОЯСИ

Кўп дунё ва қора молларга эга бўлган бир бой бор экан. У хотин, бола-чақалари билан қишлоқда яшар, ҳайвон ва қушлар тилини билар экан. Унинг бир ҳўкиз ва бир эшаги бор экан. Бир куни ҳўкиз эшакнинг ётар жойларини айланибди. Қараса, эшак турадиган жойга



сув сепилган ва супурилган бўлиб, охурида эланган арпа, сомон ортиб ётганмиш. Эшак бўлса тинчгина дам олаётганмиш.

Баъзан хўжайин бир ерга борадиган бўлсагина уни минар, яна ўз жойига келтириб боғлаб қўяркан. Эшакнинг бу роҳатига хўкизнинг ҳаваси келиб, ўз ҳолига ачинибди.

Бой бир куни қулоқ солса, хўкиз эшакка шундай деяётган эмиш:

– Бу қандай гап, сенинг роҳатинг учун мен меҳнат қиламан. Сен эланган арпаларни еб, роҳатланиб ётасан, яна сени ювиб, тараб ҳам қўйишади. Сени гоҳо-гоҳо хўжайин миниб келади, холос. Мен бўлсам эртадан кечгача ер ҳайдаганим ҳайдаган.

– Сени ишга олиб чиқиш учун бўйнингга бўйинтуруқ солганларида, – деди эшак, – ерга ётиб ол! Ўрнингдан турма! Зўрлаб уриб турғизсалар ҳам қайтадан ётиб ол! Шунда сени ишлатишмайди, яхши қараб, яхши емлар келтириб беришади. Лекин сен ўзингни касалликка солиб, овқатга ҳам қарама. Бир-икки кун чўп ва сувдан ўзингни торт! Шундай қилсанг қийинчиликдан қутуласан.

Кечқурун молбоқар хашак олиб келганда, хўкиз озгина ебди. Тонг отар, молбоқар хўкизни ишга олиб кетиш учун кириб, унинг касаллигини дарров сезибди. Молбоқар аҳволни хўжайинига баён қилибди. Хўжайин бугун ерни эшак билан ҳайдашни буюрибди. Молбоқар дарров эшакни етаклабди. Кун бўйи хўкиз ўрнига эшакни ишлатибди. Кечқурун эшак ишдан қайтгач, хўкиз эшакка ўз роҳати ҳақида сўзлаб, фойдали маслаҳати учун унга миннатдорчилик билдирибди.

Эшак хўкизга берган маслаҳати учун пушаймон қилган бўлса ҳам, лом-мим демабди.

Эртасига эрта билан яна молбоқар келиб, эшакни етаклаб қолибди. Кечгача эшак билан ер ҳайдабди. Кечқурун эшак ҳолдан тойиб қайтибди, ҳатто қимирлашга



ҳам мадори қолмабди. Ҳўкиз яна кечагидек, эшакка миннатдорчилик билдирибди.

«Тинчгина ётган эдим, – ўйлабди эшак, – ортиқча гапим ўзимга зарар бўлди».

Кейин у ҳўкизга қараб дебди:

– Яхши биласанки, мен доим самимий маслаҳат бераман. Бугун сен ҳақингда бойнинг фикрини эшитдим. У молбоқарга: «Агар ҳўкиз эртага ҳам ўрнидан турмаса, қассобга топшир! Сўйсин, терисини шилиб, пўстак қилсин», деб буюрди. Шунга қараб иш қилмасанг, ҳолингга вой.

Ҳўкиз эшакнинг бу сўзинин эшитиб, қайғуга ботди.

– Эртага ишга боравераман, – дебди-да, охурдаги ем-хашакларни еб битирибди, ҳатто охурни ялаб ҳам қўйибди.

Бой буларнинг гапларини эшитиб турган экан. Тонг отгач, хотини билан молхона ҳовлисига келибди. Ҳўкиз ҳўжайинни кўргач, пишқирибди, думларини кўтариб, қадамларини тезлатибди.

Бой қотиб-қотиб кулибди. Хотини ундан кулиш сабабини сўрабди. Бой:

– Бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Шунга кулаётirman. Лекин уни сенга айтишга қодир эмасман. Айтсам ўламан, – дебди.

– Ўлсанг ҳам айтасан, – дебди хотини эрига.

– Бу сирни айтолмайман. Ўлимдан кўрқаман, – дебди бой яна таъкидлаб.

– Йўқ, – дебди хотини аччиқланиб, – сен мендан кулаётисан.

Уларнинг мунозаралари анча чўзилибди. Ҳатто масала шунгача бориб етибдики, бой қози билан бир неча гувоҳлар чақириб, васият қилгандан кейин сирни айтмоқчи бўлибди. Хотини ўз амакисининг қизи бўлиб, бой уни жуда яхши кўраркан. Ниҳоят, у қариндош-уруғ, қўни-қўшниларни ва маҳалладаги таниш-билишларини чақиртириб, хотини билан ораларида бўлиб ўтган жожа-



рони уларга сўзлабди. Сирни бирор кишига айтганидан кейин ўлажагини тушунтирибди.

Тўпланган кишилар ҳаммаси хотиндан ўз талабидан қайтишини сўрабдилар:

– Ахир қадрдон эрингдан айрилишга, ўз болаларингни етим қолдиришга қандай рози бўласан? – дейишибди.

– Ўлсам ҳам қайтмайман, – деб ўжарлик қилиб туриб олибди хотин. Ҳамма сукут қилишга мажбур бўлибди. Бой ўрнидан турибди-да, таҳорат қилиш учун молхонага кирибди. Унинг бир хўрози, элликта товуғи, ити ва бир неча бош қора моли бор экан. Хўжайин қулоқ солса, ит хўрозга: «Хўжайин ўлим олдида-ю, сен шодланаяпсан», деб таъна қилаётган эмиш. Хўроз хайрон қолиб, воқеани сўрабди. Ит хўрозга хўжайиннинг бошига тушган ташвишни айтиб берибди. «Худо ҳаққи, – деди хўроз, – хўжайиннинг ҳам ақли кам экан. Битта хотинни ҳам эпполмайди-я, менинг эса элликта хотиним бор. Ҳаммаси ҳам «гаҳ» десам қўлимга қўнади. Бирига қаттиқ гапираман, бирини эркалатаман, ишқилиб, тинч умр ўтказаман. Бойнинг ўрнида бўлсам, – дебди хўроз, сўзида давом этиб, – хотинимни ҳужрага олиб кирардим-да, хивич билан ўлгудек урардим. Ё ўларди, ё бундай масалани сўрамасликка онт ичиб тавба қиларди».

Бой бу сўзни эшитиши биланоқ, хивич излаб қолибди.

Вазир сўзини тўхтатиб қизига:

– Сенинг бошингга ҳам шу хотин устига тушган кулфат тушмаса эди, – деди.

– Қандай кулфат, – сўрабди қиз отасидан.

Отаси давом этиб деди:

– Бой тут хивичлар кесиб тайёрлабди-да, ҳужрага кириб, хотинини чақирибди.

– Ҳужрага кир, – дебди бой, – сирни сенга ўша ерда айтаман. Ҳеч ким кўрмасин. Кейин мен ўламан, – дебди.



Хотини хужрага киргач, бой эшикни қулфлаб олиб, хотинини савалай бошлабди. Орадан кўп ўтмай, хотин ҳолдан тойибди-да, эрининг қўл-оёғини ўпиб, ялина бошлабди. Эри уришдан тўхтабди. Икковлари ҳам тинчланиб, ташқарига чиқибдилар. Тўпланганлар шодланишибди.

Лекин Шаҳризодга отасининг сўзлари таъсир этмади. У ўз фикридан қайтмаслигини айтди. Отаси ноилож қизини кийинтириб, шоҳ саройи томонга йўл олди. Кетар экан, Шаҳризод синглиси Дунёзодга шундай дуб уқтирди:

– Мен шоҳ олдига боргач, сени йўқлатаман. Сен бориб, шоҳ олдидан мендан қизиқ эртак айтиб беришимни илтимос қил! Кейин мен эртак бошлайман, худо хоҳласа шу йўл билан қутуламиз.

Вазир ўз қизи билан шоҳ ҳузурига кирди. Шоҳ қизни кўриб, шодланди. У қизни бағрига тортмоқчи бўлган эди, қиз йиғлади.

– Нега йиғлайсан? – деб сўради шоҳ қиздан.

– Улуғ шоҳим, – деди қиз, – бир кичик синглим бор, шу билан видолашишни истайман.

Шоҳ киши юборди. Шоҳ бу кеча Шаҳризод билан бирга бўлиб, шаҳвоний нафсини қондирди. Синглиси келди: Опаси билан кучоқлашиб кўришди– да, тахт ёнида ўтирди. Ўтириб сўзлаша бошладилар. Кейин синглиси Шаҳризодга қараб:

– Уйқусиз кечани қисқартириш учун бирор қизиқ эртак айтиб беринг, – деди.

– Жоним билан, – деди Шаҳризод,– агар улуғ шоҳим рухсат этсалар, айтайин.

Уйқусизликдан азобланган шоҳ ажойиб эртак эшитишга қизиқиб, рухсат берди. Шаҳризод эртак бошлади.



БОЙ БИЛАН ЖИН ҲАҚИДА



Биринчи кеча

Қадим замонда бир бой бўлиб, молу мулки ҳаддан ортиқ экан. Бошқа шаҳарларда ҳам унинг дўконлари бўлган экан. Бир кун у насияларини ундириш учун Ғарб томонга сафар қилибди. Ёзнинг иссиқ кунлари экан. Ҳавонинг иссиқлиги қаттиқ таъсир қилиб, бироз дам олиш ниятида бир дарахт тагига келиб ўтирибди. Халтасидан хурмо билан бир бурда нон олиб ебди. Хурмони еб, уруғини бир четга отган замоноқ, қилич яланғочлаган бир жин пайдо бўлибди. У бойнинг ёнига келиб: «Боламни ўлдирдинг. Мен ҳам сени худди шундай ўлдиршим керак», деб дўқ ура бошлабди. «Болангни қачон ўлдирдим?» сўрабди бой. Жин жавоб бериб дебди:

– Хурмони еб, уруғини отганингда, боламнинг кўкрагига келиб тегди. Шу ондаёқ у тил тортмай ўлди.

– Қулоқ сол, ҳой жин, – деди бой, – менинг кишилардан қарзим, анча-мунча молларим ҳам бор, хотин, бола-чақаларим, яна муҳим олди-бердиларим бор, менга муҳлат бер, ўз шаҳримга борай, ҳар кимларнинг ҳақларини ўзларига топширай. Бошқа ишларимни битириб, сўнг қайтай, нима қилсанг қиларсан.

Жин қабул қилибди. Бой йўлга тушиб, уйига етиб борибди. Йил охиригача бола-чақаси олдида туриб, ҳамма ишларини битирибди. Бошига тушган ҳодисани болаларига, хотинига айтибди. Келгуси ишлар тўғрисида уларга васият қилибди. Кейин кафанини қўлтиғига олибди-да, болалари, хотини, қўни-қўшнилари ва қавму қариндошлари билан видолашиб, бўйнига сиртмоқ солиб судрагандек йўлга чиқибди. Ҳамма ёқни қий-чув, йиғи босибди.

Бой ваъда қилган жойига етиб борибди. Шу куни янги йил кирадиган кун экан, бой ўтириб йиғлабди. Шу



вақт оппоқ чопонли бир чол пайдо бўлибди. Унинг ёнида занжирга боғланган оҳу ҳам бор экан. Чол бойга салом бериб, жинлар маконида не сабабдан ёлғиз ўтирганини сўрабди.

Бой жин билан бўлган воқеани сўзлаб берибди. Чол ҳайратга тушибди. «Биродар! – дебди у бойга хитоб қилиб. – Балли! Бу саргузашт игна билан кўзга ёзарлик ибратомуз экан. Энди мен не воқеа рўй беришини ўз кўзим билан кўрмагунча, бу ердан силжимайман».

Чол бойнинг ёнига ўтирибди. Бой билан нималарнидир сўзлаша бошлабди. Борган сари бойнинг хавфи ортар, поёнсиз хаёлларга чўмар, ташвиш ва қайғуси зиёда бўлар эмиш.

Шу вақт икки ит етаклаган иккинчи мўйсафид пайдо бўлибди. Итлари бўрига ўхшаш баҳайбат экан. У ҳам саломлашибди-да, бу жинлар маконида ўтиришларининг сабабини сўрабди. Ҳар иккови ҳам воқеани бошдан оёқ сўзлабдилар. Булар сўзни тамомламай туриб, учинчи бир хачирли чол етиб келибди. У ҳам салом бериб, уларнинг бу ерда нима сабабдан ўтирганларини сўрабди. Воқеани бошдан оёқ айтибдилар.

Шу орада бирдан тўзон кўтарилибди, ғоят даҳшатли қора устун намоён бўлибди. Чанг ичидан қилич яланғочлаган бояги жин чиқиб келибди. Кўзларидан ўт чақнаган жин, бойга тикилган ҳолда, ўтирганлар томон келибди:

«Сен кўзимнинг нури, ҳаётим ғурури, сўнги боламдан айирдинг. Мен ҳам сени шундай қилиб ўлдираман» деб, бойнинг қўлидан тортибди. Бой фарёд қилибди. Чоллар ҳам йиғлай бошлабдилар. Биринчи келган оҳулик чол ўрнидан кўзғалибди-да, жиннинг қўлини ўпиб, шундай дебди:

«Эй жинлар подшоҳи, агар гуноҳкорнинг учдан бир қонидан кечсанг, мана бу оҳу ҳақидаги ҳикояни сўзлаб берар эдим. Ҳикоям таҳсинга сазовор бўлмаса, ихтиёр ўзингда».



«Дуруст, – дебди жин, – агар ажиб ҳикоя сўзласанг, менга ёқса, учдан бир қонидан кечаман».

ОҲУЛИ ЧОЛ ҲИКОЯСИ

– Эй жин, – дебди чол сўз бошлаб, – бу оху менинг ўз қоним, ўз суюгим, амакимнинг қизи эди. Ёшлигимда мен унга уйландим. Ўттиз йил чамаси бирга умр кечирдик, лекин бола кўрмадик. Иккинчи бир қизга уйланган эдим, тўлган ойдек бир бола туғди. Қош-кўзларини, қалдиқоматини киши мақташдан ожиз. Аста-секин катта бўлиб, ўн беш ёшга тўлди. Шу вақтларда мен кўп мол билан ўзга бир шаҳарга кетдим. Амакимнинг қизи ёшлигидан сеҳргарлик, жодугарликдан таълим олган экан. Мен кетгач, сеҳр қилиб, ўғлимни бузоқ ва онасини сигир суратига киргизиб, икковини подага қўшиб юборибди. Мен сафардан кеч қайтдим. Ўғлимни, унинг онасини сўрадим. «Хотининг ўлди, ўғлинг қочиб кетган, қаёққа кетганини билмайман», деди амакимнинг қизи.

Аламли кўз ёшларим билан бир йилни ўтказдим. Қурбон ҳайити келди. Чўпонга қурбонлик учун моллар орасидан бир семиз қора мол танлаб келтиришни буюрдим. Чўпон семиз бир сигир келтирди, этагимни белимга қистириб, энгимни шимардим-да, қўлга пичоқ олиб, сўйишга ҳозирландим. Сигир бўкириб йиғлай бошлади. Тоқат қилолмай ҳаракатдан тўхтадим. Чўпонга сигирни сўйиб, терисини шилишни буюрдим. У бўғизлади, терисини шилди, унда тери билан сўнгакдан бошқа на гўшт, на ёғ бор эди. Сўйилганига пушаймон бўлдим. Бироқ вақт ўтгач, пушаймон фойдасиз эди. Уни чўпонга бериб, семиз бир бузоқ келтиришни буюрдим. Чўпон сеҳрланиб, бузоққа айланган ўғлимни келтирди. Бузоқ мени кўриши биланоқ арқонни узиб, мен томонга чопди. Зорлангандай



типирчилаб, менга суйкалар эди. Раҳмим келиб, бўша-тишга буюрдим. Чўпонни бошқа бир сигир келтиришга юбордим.

Қисса шу ерга етганда, тонг отди. Шаҳризод ҳикояни тўхтатди.

– Қандай ажойиб, ёқимли ҳикоя экан, – деди синглиси.

– Агар шоҳ карам қилсалар, саломат қолсам, – деди Шаҳризод, – эртага ҳикоям бундан ҳам қизиқроқ бўлади.

Шоҳ ўзича қолган ҳикояни эшитмагунча ўлдирмайман, деб ҳукм маҳкамасига чиқиб кетди. Вазир эса қизига кафан ҳозирлаб келган экан, ҳар дақиқада бирор фожиали хабар эшитишни кутар, қўйғуларга чўмиб, эзилар эди. Шоҳ ҳукмга ўтирди, кимларни ишдан ҳайдаб, кимларни ишга тайинлади. Қабул тўхтагач, ўз қасрига кирди. Вазир аниқ бир хабар эшита олмай, дам шод, дам қайғули кундузни тунга улади.



Дунёзод опасидан бой билан жин ҳикоясининг давомини сўради.

– Шоҳим рухсат этсалар, – деди Шаҳризод, – жоним билан бошлайман.

Иккинчи кеча

Шоҳ бошлашга амр қилди. Шаҳризод ҳикояни давом эттирди.

– Эй саодатли шоҳ, енг шимариб, бузоқни сўймоқчи бўлган эдим, – деди оҳули чол, – бузоқ типирчилаб, бўкира бошлади. Унинг овози ҳам, ҳаракати ҳам аллақандай туюлди. Ҳаяжонга тушиб, ихтиёрсиз пичоқни ирғитдим. Чўпонни чақириб, буни моллар орасига қўшиб кўйишни буюрдим.

Жин бу ажиб ҳикояни завқ билан тинглар эди.

«Эй жинлар подшоҳи, – деб сўзида давом этди оҳули чол, – амакимнинг қизи қайта-қайта уни сўйишга зўрлади, чунки у семиз бузоқ эди. Бироқ нима учундир уни сўйишга журъат қилолмадим. Эртаси уйда



ўтирган эдим, бирдан чўпон ҳовлиқиб келиб: «Хушхабар келтирдим», деди. Севинч билан қулоқ солдим. Чўпон сўзлай бошлади:

«Менинг бир қизим бор эди. У ёшлигида яқинимиздаги бир кампирдан жодугарлик ҳунарини ўрганган эди. Кеча мен бузоқни бу ердан ҳовлига олиб бордим. Қизим уни кўрди-да, аллақандай бир ҳолатга тушди. Олдин йиғлади, сўнгра кулиб:

«Сизнинг қаршингизда озгина бўлса қадрим йўқми? – деди у. – Нега устимга бегона эркакни олиб кирдингиз?»

«Қани бегона эркак? Нимага олдин йиғладинг-у, сўнг кулдинг?» – деб сўрадим мен. «Сиз келтирган бу бузоқ хўжайинимизнинг сеҳр қилинган арзанда ўғли□ку. Уни ҳам, онасини ҳам бойнинг хотини сеҳр қилган. Шунга кулган эдим. Йиғлашимнинг сабаби онаси учун, онасини отаси сўйгани учундир», – деб жавоб берди қизим.

Мен бениҳоя ажабландим ва тонг ёришар-ёришмас сизга билдириш учун шошилдим.

«Буни эшитгач, – деди бой жинга қараб, – чўпон билан бирга чиқдим. Лекин камоли шодлигимдан чўпоннинг уйига етгунча, шароб ичмай маст бўлдим. Унинг уйига етдик. Чўпоннинг қизи салом бериб қўлимни ўпди, бузоқ ҳам ёнимга келиб суйкалди. Мен қиздан: «Бу бузоқ тўғрисидаги гапларинг ростми?» – деб сўрадим. «Рост, – деди қиз, – бу бузоқ сизнинг кўрар кўзингиз, ҳаёт томирингиздир». Мен қизга:

– «Агар ўғлимни бу ҳолдан қутқазсанг, отанг қўлидаги бутун мол сеники» – дедим.

«Эй хўжам, – деди қиз кулиб, – менга мол керак эмас, аммо икки шартим бор, биринчиси: ўғлингизни мен билан никоҳ этишга рухсат этасиз. Иккинчиси: буларни сеҳрлаган хотинингизнинг ўзини сеҳрлаш учун розилик берасиз. Бўлмаса, у бизни тинчитмайди».

– Чўпон қизининг сўзини эшитгач, – дебди бой жинга қараб, – ҳамма шартига рози бўлдим. Ёлғиз отасининг



қўлида эмас, ҳамма борим уники эканини англадим. Жавобни эшитгач, қиз қўлига бир тос олиб, сув тўлдиргач, аллақандай дуолар ўқиди. Кейин бузоқ устига бориб:

«Агар бузоқ бўлсанг, ўз ҳолингга қол, ўзгарма, агар сеҳрланган бўлсанг, олдинги ҳолингга қайт!» деди-да, сувни бузоқ устига сепди. Бузоқ бир сескандию, одам шаклига кирди.

Шу пайтдаёқ мен унга ташланиб, амакимнинг қизи у билан онасига нималар қилганини сўрадим. У воқеани менга батафсил сўзлади. Сўнг чўпон қизига ўғлимни уйлантирдим. Чўпон қизи амакимнинг қизини сеҳр билан оҳуга айлантирди.

– Ҳикоя ажиб экан, – деди жин, – учдан бир қонидан кечдим.

Шу пайт иккинчи чол ўрнидан турибди.

ИККИ ИТЛИК ЧОЛ ҲИКОЯСИ

– *М*ана бу икки ит, – деди у сўз бошлаб, – мен билан туғишган биродарларим. Мен кенжаман. Отам ўлиб, бизга уч минг динор пул қолди. Учовимиз минг динордан бўлишиб олдик. Мен савдо қилиш учун дўкон очдим. Катта биродарим савдо қилиш ниятида сафарга жўнади. Ҳамроҳлари билан бир йилча дараксиз кетди. Бир кун мен дўконда ўтирган эдим, бир гадой келиб ҳайр сўради.

«Худо берсин», – дедим мен.

«Мени танимадинг», – деб йиғлаб юборди у киши. Қарасам, бедарак кетган акам экан. Дарров ўрнимдан туриб, салом бердим ва дўконга олиб кириб, аҳвол сўрадим.

– Кўргилигим кўп экан, ука, ҳеч нарсам қолмади, ортиқча гап бефойда, – деб сўзни қисқа қилди акам.



Уни ҳаммомга олиб бордим, янги кийимлар кийдирдим. Овқатландик.

«Хафа бўлма, – дедим мен унга, – бир йиллик фойдамни ўртада бўламиз, – дедим-да, ҳисоблаб қарасам, икки минг динор фойда қилган эканман, бениҳоя қувондим. Фойдани тенг бўлиб, минг динорни акамга бердим. У ҳам дўкон очди. Бир қанча вақт шод-хуррам яшадик. Кунлардан бир куни акаларим яна сафарни орзу қилиб қолишди. Бирга борасан деб, мени ҳам зўрлашди, унамадим.

«Сафардан нима фойда қилибсизки, мени ҳадеб қис-тайсиз?» – дедим. Уларни ҳам бу йўлдан қайтардим. Шундай қилиб, ўз дўконларимизда олди-сотди билан машғул бўлдик. Олти йил шундай ўтди. Улар кўп марта йўлга отландилар. Ҳар сафар мен уларнинг таклифларини рад қилар эдим. Ниҳоят, олтинчи йили боришга мажбур бўлдим.

«Лекин, – дедим мен уларга, – пулимизнинг бир қисмини кўмиб кетайлик. Бирор ҳодиса юз бергудек бўлса, яна иш қилиш ва оч қолмаслик учун тамадди қилишимиз мумкин бўлар». Бу маслаҳатни улар ҳам маъқул топдилар. Пулни ҳисоб қилдик. Олти минг динор экан. Ярмини йўлга олиб, қолган ярмини ерга кўмдик. Шундан кейин сафар жиҳозларини ҳозирлаб, кемага ўтирдик. Бир ой деганда шаҳарга етиб бордик. Бирни ўнга сотдик. Ишларимизни битириб, қайтишга ҳозирландик. Дарё лабига келганимизда йиртиқ-ямоқ кийимларга ўралган бир қизга йўлиқдик. Қиз қўлимни ўпиб:

«Менга бирор мурувват қилмайсизми, мен ҳам қайтаришга қодирман», – деб илтижо қилди. Мен унга: «Қайтармасанг ҳам эҳсон қилишга қудратим етади», – деган жавобни бердим.

«Мени ўз никоҳингга олиб, шаҳрингга олиб кет! Ўзимни сенга бағишладим. Марҳаматинг натижасини кўришинг муқаррар, менинг бу аҳволимдан жирканма», – деди қиз.



Қизнинг сўзини эшитиб раҳмим келди. Қалбимда унга нисбатан бир муҳаббат пайдо бўлди. Қизни никоҳлаб олдим. Қимматбаҳо кийимлар, зийнатли жиҳозлар тақдим этдим. Уни ҳурматладим, бирга қайтдик. Борган сари муҳаббатим ортиб, кеча-ю кундуз ундан ажралмайдиган бўлиб қолдим. Бу сирни ҳатто биродарларимдан ҳам яширдим. Улар мени кўролма, молим учун жонимга қасд қилдилар. Неча вақт ухламай пайимга тушдилар. Мени ўлдириб, молимга эга бўлишга қарор қилган эканлар. Бир кеч хотиним билан уйқуда ётган чоғимизда, иккимизни ҳам кўтариб сувга отдилар. Хотиним уйғониб, бир сескандию, парига айландида, мени кўтариб учди. Бир жазирага¹ олиб бориб туширгач, ўзи кўздан ғойиб бўлди. Тонг отгач, қайтиб келиб:

«Мен, – деди у, мағрур бир қиёфада, – сени сувга ғарқ бўлиб ҳалок бўлишдан қутқазган хотининг бўламан. Мен париман. Сени кўриб астойдил севиб қолдим. Одам суратига кириб, сенга кўриндим ва дилимдагиларни айтдим. Сен кўниб, менга уйландинг. Сени ўлимдан қутқаздим, аммо биродарларинг қилган ишга ғазабим келяпти. Уларни, албатта, ўлдираман».

Унинг сўзларини эшитгач, таажжубландим. Қилган ишдан севиндим. Лекин биродарларим тўғрисидаги фикрига қарши чиқиб, улар ҳақидаги воқеани батафсил тушунтирдим. Аммо у ўз фикридан қайтмади.

«Бугун улар келаётган кема устига учиб бораман-да, ҳаммаларини ҳам ғарқ қиламан», – деди у. Акаларимни ҳалок қилмаслик тўғрисида ҳар қанча илтимос қилмай, барибир, қаршилиқ кўрсатаверди. Ниҳоят, мени кўтариб учди. Эшигимиз ёнига келиб кўндик. Эшикни очдим. Кўмилган динорларни олиб, яна аввалгидек савдога машғул бўлдим. Кечқурун дўкондан қайтсам, ҳовлида икки ит боғлиқ турибди. Мени кўргач, итлар баримни искаб,

¹ Жазира – орол.



бизларни қутқар дегандек инграй бошладилар. Бу сирга ҳайрон бўлиб турган эдим, хотиним: «Булар сенинг биродарларинг», – деди.

«Уларни ким бу ҳолга киргизди?» – деб сўрадим.

«Мен – деди хотиним, – буларни онамга юборган эдим, онам ит суратига киритибди. Булар энди ўн йилдан сўнг ўз ҳолларига келсалар ажаб эмас».

Мен буларни қутқариш мақсадида унинг онаси томонга кетар эдим. Шу ерга етиб келгач, мана бу ҳамроҳларга йўлиқдим. Улар менга бой воқеасини сўзладилар. Нима бўлар экан, деб кета олмай қолдим.

«Бу ажойиб ҳикоянг учун, – деди жин, – жиноятчининг яна учдан бир қонидан кечдим».

Шу пайт хачирли учинчи чол оёққа турибди.

ХАЧИРЛИ ЧОЛ ҲИКОЯСИ

Агар, – деди у жинга қараб, – жиноятчининг қолган қонидан кечсанг, уларнинг ҳар иккисидан ҳам ажиброқ ҳикоя сўзлайман.

«Ҳикоянг ажиб бўлса кечираман», – дебди жин.

«Эй жинларнинг султони, – дебди чол, – бу хачир менинг хотиним, у билан сафарга чиқдим. Роса бир йил уни йўқотиб қўйдим. Сафардан кечаси қайтиб уйга кирсам, хотиним бир қора қул билан бир ўринда ўйнашиб, кулишиб ётибди. Менга кўзи тушган ҳамон шошиб ўридан турди. Сувлик қумғон яқинига бориб, бир нималар деб пичирлагач, менга қараб: «Бу суратдан чиқиб, ит суратига кир», – деди да, сувни устимга сепди. Ўша замоноқ ит суратига кирдим. Кейин мени уйдан ҳайдаб юборди. Эшикдан чиқдим. Юра-юра бир қассоб дўконига етдим. Дўконга кириб, сўнгак кемира бошладим. Қассобнинг қизи мени кўргач, юзини ўгирди ва отасига:



«Нега эркак кишини ҳовлига олиб кирасиз?» – деб дўқ қилди.

«Қани эркак?» – деб сўради отаси.

«Бу ит, – деди қиз, – бир эркак киши. Хотини сеҳр қилиб қўйибди. Мен уни қутқаришга қодирман».

Бу сўзни эшитгач, отаси ёлвориб, қутқазиишнн илтимос қилди. Қиз сув солинган бир кумғонни қўлига олди. Сувга қараб алланималарни пичирлади-да, сувни менга сепиб:

«Бу суратдан чиқ, ўз ҳолингга қайт», – деди.

Мен ўз ҳолимга қайтиб, унинг қўлини ўпдим. Қиздан хотинимни сеҳр қилишини ўтнндим. Қиз менга бироз сув бериб, ухлаб ётганда сочсам, кутганимча бўлажагини англатди. Хотинимнинг ухлаш вақтини пойлаб, сувни сепдим-да: «Бу суратдан чиқиб, хачир суратига кир», – дедим. Ўша пайтнинг ўзидаёқ мана шу хачир суратига кирди, эй жинлар подшоҳи, улуг султон, – дебди чол.

Жин хачирга қараб: «Тўғрими?» – деб сўрабди. Хачир боши билан ишора қилиб, тўғрилигини тасдиқлабди.

Чол сўзини тўхтатгач, жин завқланиб кулибди-да, бойнинг қолган қонидан ҳам кечибди.

Шаҳризод тонг ёришганини пайқаб, ҳикояни тўхтатди.

Синглиси ҳикоянинг ажиблигини айтиб, миннатдорчилик билдирди.

– Шоҳ рухсат этсалар, ўлмай қолсам, давоми яна ҳам ажиброқ, – деди Шаҳризод.

– Бу қизиқ ҳикоялар тамом бўлмагунча ўлдирмайман, – деб онт ичди шоҳ.



Учинчи
кеча

Синглиси Дунёзод ҳикоянинг давомини сўради.

Шаҳризод: «Жоним билан», – деб сўз бошлади:

– Эй саодатли шоҳ, – деди у, – жин бойнинг қонидан кечгач, бой қарияларга ўлимдан қутқазганлари учун ҳадсиз ташаккур билдирибди. Ҳар қайсилари ўз юртларига йўл олибдилар.

– Лекин, – деди Шаҳризод, – бу ҳикояни балиқчи ҳикояси олдида қизиқ дейилмаса ҳам бўлади.

– Балиқчи ҳикояси қандай? – сўради шоҳ.

БАЛИҚЧИ БИЛАН ДЕВ

– Эй марҳаматли шоҳ, – деб бошлади Шаҳризод.

Қадим замонда бир қари балиқчи яшар экан. Унинг уч фарзанди ва хотини бўлиб, улар қашшоқлик билан кун кечирар эканлар. Балиқчи дарёга ҳар куни тўрт марта тўр солиб, нима илинса, шу билан қаноатланар экан.

Ҳар кунги одатича, у бир кун туш вақтида дарё лабига борибди. Тўрни ёзиб, сувга ташлабди. Бироз кутгач, кўтариб кўрса, тўр жуда ҳам оғир эмиш. Кучи бориचा ҳаракат қилиб, тортиб олмоқчи бўлибди, аммо сувдан чиқариб ололмабди. Тўрининг учини бир тошга бостирибди-ю, ўзи яланғоч бўлиб сувга тушибди. Кўп уриниб, тўрни дарё лабига тортиб чиқарибди. Кейин сувдан чиқиб қараса, у нарса ўлган эшак экан. «Шу ҳам ўлжа бўлдимиз?» – деб ачинибди.

Эшакни тўрнинг ичидан олиб ташлабди-да, тўрни ёйиб яна сувга ташлабди. Кутибди. Тўрни кўтариб кўрса, олдингидан ҳам оғирроқ эмиш. Балиқчи севинганидан:



«Катта балиқ бўлса керак», – деб ўйлабди. Яна ечиниб, сувга тушибди. Қийинчиликлар билан ўлжани сув лабига олиб чиқибди. Қараса, лой тўла бир хум экан, таъби хира бўлиб, шундай дебди:

Дарғазаб тақдир, юмшал, қаҳрдан санчмай тикан,
Ризқ истаб чиққан эрдим, у тамом бўлган экан.

Хумни улоқтириб юборибди. Яна тўрни сиқиб, тоза-лаб, учинчи марта дарё лабига келибди. Тўрни ташлабди. Бир дам кутибди. Бир нарса илингандек, тўр оғирлашибди. Тўрни тортибди. Қараса, сопол, сўнгат ва шиша синиқлари эмиш. Қайғу, аламга ботибди, юраги сиқилибди, осмонга қараб: «Эй худо,– дебди у,– била-санки, мен тўрт мартагина тўр соламан, тўрни уч марта дарёга ташладим, аммо ҳеч нарса илинмади».

Балиқчи тўртинчи марта «Бисмилло», деб тўрни яна ташлабди. Бироз кутиб тургандан кейин тўрни кўтарибди. Тўр ерга ёпишгандай оғир эмиш: «Тавба» деб шу байтни ўқибди:

Бўлса гар турмуш шу хилда доимо, афсуским,
Унда мен қайғу аламлар остида ҳар вақт жим.

Кийимларини ечиб, яна сувга тушибди. Тушган ўлжани аранг олиб чиқибди. У нарса оғзи қалайланган кўза бўлиб, ичи нима биландир тўла эмиш. Оғзининг қалайланган жойида Сулаймон пайғамбар узугининг нақши бор эмиш. Буни кўриб, балиқчи хурсанд бўлибди. Буни мискарларга сотсам, ўн динор олтинга олар деб чама-лабди. Аввал кўзани очиб, ичида нима борлигини кўрмоқчи бўлибди. Ёнидан пичоғини суғурибди-да, кўза оғзидаги қалайни кўчира бошлабди. Кўзаниннг оғзини ерга қаратиб, ичидагиларни тўкиш учун силкитибди. Лекин ҳеч нарса тушмасдан, ичидан бурқираб тутун чиқар эмиш. Бир пастда еру осмонни тутун босиб кетибди. Сўнгра



тутун йиғилиб, қуюқлашибди. Бир айланибди-да, дев тусига кирибди. Унинг бесўнақай оёқлари баҳайбат бўлиб, бўйи баландлигидан боши булутга тегар эмиш. Оғзи ўпирилган ўра сингари қўрқинчли, тиши эса ўйнаб чиққан қиррали тошга ўхшар эмиш. Бурун катаклари карнайга ўхшаб, кўзлари ёниб турган ўт каби қип-қизил чўғ эмиш. Баданидаги ҳурпайган туклари уни яна ҳам мудҳиш бир тусга киритганмиш. Буни кўрган балиқчининг жон-пони чиқиб, аъзойи бадани қалтирай бошлабди. Қўрққанидан тишлари такиллаб, кўз олди қоронғилашганидан, олдидаги йўлни кўролмаё қолибди. Дев балиқчини кўриб: «Мен сени ҳозир азоблаб ўлдираман», – дебди.

«Эй, малъун, сени сув остидан қуруқликка чиқариб, зиндондан қутқаздим. Энди мени нега ўлдирасан?» – деб сўрабди балиқчи.

«Менинг саргузаштимни эшит!» – дебди дев балиқчига хитоб қилиб. «Сўзни қисқа қил», – дебди балиқчи, жоним ҳалқумимга келди.

«Мен, – дебди дев сўз бошлаб, – морит² девларидан бўламан. Менга Сулаймон ўзининг вазири Осиф ибн Бурхиёни юборди. У мени менсимаё, зўрлаб келтириб Сулаймонга рўбарў қилди. Сулаймон мендан ўзига итоат қилишни талаб қилди. Мен рад этдим. Рад жавобини олган Сулаймон шу кўзани келтиришни буюриб, мени кўза ичига жойлатди. Оғзини қалайлатиб, жинларга буйруқ берди. Улар мени дарё ўртасига ташлашди. Дарё тагида юз йил қолиб кетдим. Ўз-ўзимга: «Ким мени шу балодан қутқарса, умр бўйи унинг хизматини қилаё», дедим. Юз йил ўтди, лекин ҳеч ким мени қутқазмади. Яна юз йил ўтди. «Қутқазган кишига бойлик бераё», деб аҳд қилдим. Ҳеч ким қутқазмади. Бу ҳолга сира чидай олмай ғазабландим. «Мени ким қутқазса ўлдираман, лекин ўлдиришдан аввал ўзидан қандай ўлдиришни сўрай-

² Морит – девлар тоифасининг бир тури.



ман», деб қасамёд қилган эдим. Сен мени ўлимдан қутқаздинг. Шунинг учун сени қандай қилиб ўлдирай?»

Балиқчи девга илтимос қилибди. Аммо дев қаттиқ туриб, уни ўлдиражagini айтибди. Балиқчи шу шеърни ўқибди:

Уларга ончинон қилдик яхшилик,
Улар бизга қилди энг ёмон қилиқ.
Муъжирнинг онаси Омирга ўхшаб,
Бизга ҳам ёмонлик қайтди шекиллик.

Балиқчи ўзича: «У дев бўлса, мен ақлли соҳиби тадбир инсон бўламан-у, унинг макру ҳийлаларидан енгилсам, менга уят эмасми?» деб ўйлабди. Кейин девга қараб: «Ўлимдан қутула олмаслигимга астойдил ишондим. Аммо сендан бир нарсани илтимос қилиб сўрайман, ростини айт, бу кўзага қандай қилиб сиғдинг, бунга бир қўлинг, лоақал бир оёғинг ҳам сиғмайди-ку! Бу ишга жуда ҳайронман», – дебди.

«Менинг бу кўзадан чиққанлигимга ишонмайсанми?!», – дебди бақриб дев. «Ўз кўзим билан кўрмагунча, ҳечам ишонмайман», – дебди балиқчи.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўртинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб сўз бошлади Шаҳризод. Балиқчининг сўзини эшитган дев бир силкинибди-да, тутунга айланиб ҳамма ёққа ёйилибди. Кейин аста-секин кўзага туша бошлабди. Тутун тамом бўлиши билан балиқчи кўзанинг оғзини узук нақшли қалай қопқоқ билан бекитибди. Девга қараб: «Хўш, энди қалайсан, қандай ўлим билан ўласан? – деб қичқарибди. – Мен сени дарёга ташлайман-да, ўзим шу ерга иморат қуриб,



балиқчилар келса, бу ерда одамхўр дев бор, деб уларни қайтараман», – дебди.

«Эй девларнинг олчоғи, – дебди балиқчи, – сен инсон билан ўйнашинг. Энди кўзанинг ичидан ҳеч қачон чиқолмайсан!»

Кейин у кўзани дарё лабига келтирибди. Нима учундир дев «Йўқ, йўқ» дер, балиқчи эса «Ҳа, ҳа» дермиш. Ниҳоят дев: «Нима қилмоқчисан?» – дебди майин овоз билан. Сени дарёга ташлайман, саккиз юз йилми, ортиқроқми, ўлгунингча ва ўлганингдан кейин ҳам сув остида абадий қоласан. Бошда мени қутқаз, ўзингга ҳам яхши бўлади, мени ўлдирма, ўзинг ҳам узоқ умр кўрасан деб айтдим, сўзимга қулоқ солмадинг, мени алдамоқчи бўлдинг, энди ўзинг қўлга тушдинг. Иккови-мизнинг ишимиз Юнон подшоҳининг вазири билан Ҳақим Рўён воқеасига ўхшашдир.

«Хўш, ҳақим Рўён воқеаси нимадан иборат?», – сўради дев.

ЮНОН ШОҲ, ВАЗИР ВА ҲАКИМ РЎЁН ҲИКОЯСИ

Қадим замонда Рум мамлакатининг ерларида форслар шаҳрида бир подшоҳ яшаган экан. Унинг исми Юнон шоҳ деб машҳур бўлган экан. У бениҳоя бой бўлиб, бисотида ҳар турли мол, қурул ва ҳар хил бойликлар ортиқ даражада кўп экан. Унинг баданида пес касали бор экан. Табиблар, ҳақимлар уни даволашдан ожиз эканлар. Унга қарши ичадиган, сурадиган, сепадиган бирор дори қолмай ҳаммаси ишлатилибди-ю, аммо ҳеч қайсиси фойда бермабди. Юнон шоҳининг шаҳрига қаёқдандир ёши улўф бир ҳақим келган экан. Уни Рўён ҳақим деб аташаркан. У олим киши бўлиб,



юнонча, форсча, румча, арабча, сурёнча тилларда гапиришга жуда моҳир экан. Тиб илми ва илми нужумда оламда тенгги йўқ экан. У илмларнинг бутун қоидаларини, барча асосларини тўла ўзлаштириб олган экан. Бу соҳада нималар фойдали, нималар зарар эканини бекаму кўст билар экан. Ўсимликларнинг турларини нинасидан то ипигача билар, ўсимликлар илдизи, тана-си, барги унинг олдида тилга кирар экан. Фалсафа илмида ҳам ҳеч кимдан қолишмас экан. Турли касалликларни даволашда донг таратган ҳақим экан. Бир неча кундан кейин ҳақим Рўён шоҳ воқеасини эшитибди. Унинг касалини ҳеч ким даволай олмаганини билибди. Эртаси ўзининг яхши кийимларини кийиб, шоҳ ҳузурига кириб таъзим қилибди. Шоҳга доимий давлат, битмас-туганмас бахт-саодат тилаб, дуо қилиб, ўзининг табиб эканини билдирибди. «Мен, – дебди ҳақим, – табиблар даволай олмаган бу касалингизни даволаш учун келдим. Хоҳласангиз ҳеч нарса ичирмасдан, ҳеч нарса суртмасдан даволайман».

Юнон шоҳи таажжубланиб ҳақимга: «Агар бу касалимга даво топсанг, бунинг эвазига катта мукофотлар бераман, тилаган тилакларингга етказаман. Бола-чақаларингга катта инъом-эҳсонлар бераман. Сени ўзимга маслаҳатчи қилиб, дўстлик муносабатида бўламан», – деб сарупо кийгизибди, зўр ҳурмат кўрсатибди. Шоҳ: «Доридармонсиз тузатишинг тўғрими?» – деб яна сўрабди. «Тўғри, сизнинг баданингизга озор бермай даволайман», – дебди ҳақим.

«Эй ҳақим, – дебди шоҳ, ҳайратланиб – бу ишни қайси соатда бошлайсан? Иложи бўлса тезлатиш керак!»

Ҳақим «Бош устига», деб итоаткорлик билан шоҳ ҳузуридан чиқибди. Бир уйни ижарага олиб, китобларини, дори-дармонларини, хушбўй илдизларни шу уйга туширибди. Илдиз ва бошқа дорилардан ўртаси кавак



човгон³ ясабди, унга мос копток ҳам ишлабди. Бу ишларни тахт қилиб, эртаси эрталаб шоҳ саройига томон йўл олибди. Саройга кириб, шоҳ ҳузурида таъзим қилибди. Шоҳни майдонга чақириб, човгон ўйнашга таклиф қилибди. Шоҳ олдида амирлар, вазирлар ва бошқа давлат арбоблари бор экан. Ҳақим ўтирмасдан шоҳга човгон билан коптокни тутқазибди-да, дебди: «Човгоннинг дастасидан ушлайсиз. Шу билан коптокни бутун кучингиз билан уриб ўйнайсиз, копток кетидан чопиб, етган ерда яна урасиз, қўлларингиз, баданларингиздан тер чиққунча ўйнайсиз. Шунда дори кафтингиздан баданингизга тарқалади. Тер чиқиб, дори таъсир қилади, сингиб кетади. Шундан кейин уйга қайтинг, ҳаммомга кириб ювининг, дарддан қутуласиз!»

Шоҳ дарров човгонни қўлига олибди. Ҳақим айтган усулда ўйнай бошлабди, ўйинни кузатиб турган ҳақим тер чиққанини, дори баданга таъсир қилганини сезибди-да, дарҳол уйга қайтиб, ҳаммомга тушишни буюрибди. Юнон шоҳи ўйинни тўхтатиб, шошилинич уйига йўл олибди. Ҳаммомни бошқалардан бўшатишга буюрибди. Шоҳ ҳаммомга тушибди, яхшилаб ювиниб, кийимларини кийиб чиқибди. Жайронига миниб уйига қайтиб келгач ухлабди. Рўён ҳақим ҳам ўз уйига келибди. Эртаси тонг отгач, шоҳ томонга йўл олибди. Саройга келиб шоҳ ҳузурига киришга рухсат сўрабди. Шоҳ рухсат бергач, қасрга кириб, таъзим қилибди. Шоҳ ўрнидан туриб, уни қучоқлаб ўпибди. Ўз ёнидан жой бериб, қимматбаҳо саруполар кийдирибди. Чунки шоҳ ҳаммомдан чиққач, баданида песлик касалидан асар ҳам қолмабди. Бадани оппоқ кумуш сингари топтоза бўлиб қолибди. Шоҳ бениҳоя севинибди. Кўкраги тоғдек кўтарилиб, олам кўзига равшан бўлиб кўринибди. Тонг отгач, шоҳ девонга кириб, тахтга ўтирибди.

³ Човгон — копток уриб ўйнайдиган ёғоч даста.



Давлат арбоблари ҳам шоҳ ҳузурига киришибди. Ҳақим ҳам кириб борибди. Шоҳ ҳақимни кўргач, ўрнидан туриб, ўз ёнидан жой кўрсатибди. Дарров сарой дастурхони ёзилиб, шоҳ ҳақим билан бирга овқатланибди. Кейин у билан суҳбат қила бошлабди. Кеч киргандан кейин шоҳ ҳақимга қимматбаҳо саруполардан ташқари, икки минг динор пул берибди. Ўзининг йўрғасига миндириб, уйига кузатибди. Юнон шоҳ ҳақимнинг донолигига қойил қолибди. Бир нарса ичирмай, сурмай, ҳақим баданининг ташқарисидан даволади. Ҳикмат бундан ортиқ бўлмас, шунинг учун бу кишига ҳар қанча инъом берсам ҳам оз. Ҳақимни доим ўзимга маслаҳатчи қилиб фойдаланишим керак, деб ўйлабди. Касалдан қутулганлиги учун шоҳ кечани бениҳоя шодлик билан ўтказибди. Тонг отгач, яна биринчи кундаги аҳволнинг айнан ўзи такрорланибди. Фақат бу гал қимматбаҳо сарупо ва бўлак мукофотлар бараварида минг динор пул ҳам берибди. Ҳақим шоҳга миннатдорчилик билдириб, уйига қайтибди.

Тонг отгач, шоҳ ҳар кунги одати бўйича девонга чиқибди. Амирлар, вазирлар ва бошқа девон арбоблари шоҳ ҳузурига йиғилибдилар. Шоҳнинг назари паст, бировларни кўргани кўзи йўқ, қора юрак, очкўз, бахил, бировлар гул тақса, тикани унга қадалувчи бир вазири бор экан. Шоҳ билан ҳақим орасидаги бу дўстликни кўриб, унинг кўзларидан ўт чиқиб кетибди. Ҳақимга берилган мукофотлар унинг юрагига отилган ўқ каби қадалибди. Бу қадар меҳрибонликни издан чиқариш учун у ҳар хил ҳийла ва найранглар излай бошлабди. Ҳийла ва найрангларни топиш учун кечалари ухлай олмабди. Ниҳоят, ўзича ҳийла ишлатишга киришибди. Шоҳ ҳузурига борибди-да, унинг қаршисида тиз чўкиб, ер ўпибди: «Эй асримизнинг пушти паноҳи, – дебди у, – сен ҳаммага эҳсонни беҳисоб тарқатган зот. Сенга муҳим бир маслаҳатим бор, агар



айтмасам, қаршингда жиноят қилган бўламан. Маъқул бўлса, сўзлайин», – дебди.

Ҳаяжонга тушган шоҳ, ғазаб билан: «Қандай маслаҳат?», деб сўрабди.

«Эй улўғ шоҳ, – дебди вазир, – қадимгилар пухта мулоҳаза юритмаганларнинг келажаги фожиали деганлар. Кўряпманки, бугун шоҳ ўз душманини ҳурмат қилмоқда, оёғига болта урмоқчи бўлган кишига иззат-икром кўрсатяпти, унга энг яқин дўстларидек ҳадялар қиялпти. Мен бу нотўғри ҳаракатдан бениҳоя хавфдаман».

Шоҳ ғазабдан ранги оқариб: «Ким тўғрисида гапираётирсан, душман бўлган кишига яхшилик қилаётган ким экан?» – дебди. «Ухлаган бўлсанг кўзингни оч, эй шоҳ, мен ҳақим Рўён ҳақида гапираётирман». «У менинг жонажон дўстим. Назаримда ундан кўра ҳурматлироқ киши йўқ. У мени ҳеч ким тузата олмаган дарддан халос қилди, дунёда ўзидан кучли, ўзидан доно ҳақим йўқлигини амалда кўрсатди! Қайси журъат билан сен шундай доно кишини қоралайсан. Мен шу кундан бошлаб унга бир ойга минг динор маош тайинлайман. Ҳақиқатан эса унга мамлакатимни бўлиб берсам камлик қилади. Шубҳасиз, бу сўзларни сен ҳасад билан айтаётирсан. Сенга қўшилиб ҳақимни ўлдирсам, шоҳ Синдбод сингари пушаймон бўлишим муқаррар».

– Шоҳ Синдбод воқеаси ҳали хотирамдан кўтарилганича йўқ, – дебди шоҳ аччиқланиб.

«Синдбод воқеасини гапириб берсанг», – деб сўрабди вазир.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Бешинчи
кеча

– Э й саодатли шоҳ, – сўз бошлади Шаҳризод. Юнон шоҳ, шоҳ Синдбод воқеасини ҳикоя қилибди.

ШОҲ СИНДБОД ҲИКОЯСИ

Ф орс мамлакатида Синдбод номли бир подшоҳ бор эди. У ўйин-кулгини, ов қилишни гоят севарди. Унинг тарбияланган бир туйғуни бор эди. Кеча-кундуз шоҳ уни қўлидан қўймай сақлар эди. Овга чиқса ўзи билан олиб кетар эди. Ўз вақтида овқатланиш ва сувсамаслиги учун олтиндан ишланган нозик сувдонни бўйнига осиб қўйган эди. Бир кун шоҳ тахтада ўтирган эди. Ов қушларига қарайдиган ходим шоҳ олдига келиб, овга чиқиш вақти келганлигидан хабар берди. Шоҳ ҳозирлик кўрди. Туйғунни қўлга олиб, бир водийга етиб бордилар, тўрни ёйдилар, тўрга бир оҳу келиб кирди. Шоҳ оҳуни қочирган кишига ўлим жазоси берилишини эълон қилди. Овчилар тўрт атрофни ҳалқа қилиб ўрай бошладилар. Бирдан оҳу шоҳ турган томонга келиб, ҳурмат қилгандай таъзим қилди-да, олдинги оёқларини кўксига қўйиб, кейинги оёқлари устида тик турди. Шоҳ бошини силади. Шу онда оҳу шоҳнинг боши устидан сакраб, сахро-ю, биёбон томонга қараб қочди. Шоҳ аскарларга қараган эди, уларнинг кўз қисишаётганларини кўрди. Вазирига қараб: «Аскарлар нима деяпти?» – деб сўради. «Улар оҳуни қочирган киши ўлимга маҳкум этилади, дейишяптилар», – деди вазир.

«Танамда жоним бор экан, уни топиб келтирмагунча қўймайман», – деди-да, шоҳ оҳу кетидан қувиб кетди. Оҳуни кўргач, туйғунни учирди. Туйғун оҳу бошига



кўниб, унинг кўзларини чўқий бошлади. Ҳали тамоман кўзини кўр қилмасдан шоҳ ёй билан отиб оҳуни йиқитди. Бориб бўғизлади. Терисини шилиб, эгар қошига осди. Кун иссиқ, даштда сув кўринмас эди, шоҳ ҳам, от ҳам ташна эди. Узоқдан бир дарахт кўринди. Ундан худди ёғ сингари сув томиб турарди. Шоҳнинг қўли ов қалқони билан банд эди. Туйғуннинг бўйнидаги сув идишини олиб сув тўлдирди. Шоҳ ичиш олдида эди, туйғун идишни қаноти билан ағдариб юборди. «Туйғун ташна бўлса керак», – деб ўйлади шоҳ, иккинчи қайта тўлдириб, туйғунга тутди. Туйғун қаноти билан яна ағдарди. Шоҳнинг ғазаби келди, учинчи гал тўлдириб, отга тутди. Бу гал ҳам туйғун қаноти билан сувни ағдарди. «Эй бадбахт қуш, мени ҳам, ўзингни ҳам, отни ҳам сув ичишдан маҳрум қилдинг», – деди-да, қиличини қинидан суғуриб, туйғуннинг қанотларини қирқиб ташлади. Шу вақт туйғун бошини кўтариб, дарахт тепасига ишора қилгандай бўлди, шоҳ қараса, дарахт устида заҳарли илон бор экан. Оқаётган сув томчиси эса унинг заҳари экан. Шоҳ қилган ишига пушаймон бўлди. Оҳуни олдию, отини миниб йўлга тушди. Саройга етди, оҳуни ошпазга бериб, қовуришга буюрди. Ўзи тахтига чиқиб ўтирди. Туйғун қўлида эди. У бирдан қаттиқ қичқириб ўлди. Шоҳ дод-фарёд қилди. Чунки у ўзини ўлимдан қутқарган туйғунини ўлдириб, ундан ажралган эди. Шоҳ Синдбод ҳикояси шулардан иборатдир, – дебди шоҳ.

Вазир Юнон шоҳ ҳикоясини эшитгач, сўзга кирибди: «Эй улуғ шоҳ, Рўён ҳақим ҳеч кимга ёмонлик қилганича йўқ. Мен ҳам ундан ёмонлик кўрмадим. Бу гапларни мен сенга раҳмим келгани учун айтаётирман. Бунинг тўғрилигини ўзинг ҳам тезда билиб оларсан. Бўлмаса подшоҳнинг ўғлига ҳийла қилган вазир сингари ҳалок бўларсан».

«У қандай бўлган эди», – сўрабди шоҳ.



ҲИЙЛАКОР ВАЗИР ҲИКОЯСИ

Подшоҳлардан бирининг бир ўғли бор эди, у ниҳоятда овга берилган эди. Отаси вазирга ўғли борган жойга бирга бориш ва бирга туришга фармон берган эди. Кунларнинг бирида шаҳзода овга отланди. Вазир ҳам унга йўлдош бўлди. Икковлари бирга жўнадилар. Вазир кўзи катта бир ёввойи ҳайвонга тушди. Шаҳзодага уни кўрсатиб: «Ана ов», – деди. Шаҳзода унинг кетидан чопиб, бир неча дақиқадан кейин кўздан ғойиб бўлди. Ёввойи ҳайвон саҳронинг бир бурчагига биқинди. Шаҳзода қаёққа боришини билмай, йўлдан адашди. Бирдан йўл бўйида йиғлаб ўтирган бир қизга кўзи тушди. «Кимсан?» – деб сўради шаҳзода қиздан.

«Ҳинд шоҳларидан бирининг қизиман. Биз баҳор ойларида кетиб борардик, уйқу элтиб, отдан тушиб қолибман. Қандай тушиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Ҳамроҳларимдан ажралиб нима қилишимни билмай ўтирибман», – деди қиз.

Бу сўзни эшитгач, шаҳзоданинг раҳми келди. Отининг орқасига мингаштириб, йўлга тушди. Жазирама бир хароба ёнидан ўтаётганда, қиз ҳожатга тушмоқ истади. Шаҳзода уни туширди-ю, бир муддат кутди. Чиқавермагач изидан борди. Қараса, ғоят бадбуруш дев, болаларига қараб: «Бугун сизларга жуда семиз бир йигит келтирдим», – деди. «Тез келтиринг, қорнимиз оч», – дейишди дев болалари. Бу сўзни эшитиб, шаҳзода ҳалок бўлишига кўзи етди. Бутун аъзосига титроқ кирди, вужудини қўрқинч босди. Билинтирмай жойига қайтди. Дев чиқиб, шаҳзодани ранги ўчган, титраган ҳолда кўриб: «Нега қўрқаётирсан?» – деб сўради. «Менинг душманам бор, шундан қўрқаётирман», – деди шаҳзода. «Шоҳнинг ўғлиман», дейсан-ку, – деди дев. «Тўғри», – деди шаҳзода. «Душманга бирор нарса бериб рози қилсанг, қутуласан», – деди дев.



«Йўқ, – деди шаҳзода, – у молга рози бўлмайди, унга жон керак».

Дев четланган эди, шаҳзода отга қамчи берди, омон-эсон уйига етиб келди. Ҳодисани отасига айтди. Шу ондаёқ шоҳ вазирни жаллодга топширди.

«Эй шоҳ, сен ҳам Рўён ҳақимга ишонсанг, у ҳам сени фожиали ўлим билан ҳалок қилади, – дебди вазир. – Сени ташингдангина даволашга қодир бўлган ҳақим, сездирмай ҳалок қилишга ҳам қодир».

«Насиҳатинг тўғри, – дебди шоҳ, – ҳақим мени ўлдириш учун келган жосус бўлиши мумкин. Энди бунинг чораси тўғрисида қандай маслаҳат берасан?» «Ҳозир уни чақиртир, – дебди вазир, – келгач, жаллодга буюр, калласини олсин. Шунда унинг зараридан қутуласан, тинч нафас оласан. Шунда сени у алдамасдан илгари сен уни алдаган бўласан». «Тўғри», – дебди шоҳ ва дарҳол ҳақимга киши юборибди. Воқеадан беҳабар бўлган ҳақим қувониб, келибди-да, бир шоирнинг шеърини эслабди:

Каромат кўрсатиб, оламга ёй, бор фазлу ҳикматни,
Бўлак фазл аҳли сўнгра фазлу ҳикматдан ибo қилсин.
Намойиш айла адлинг, эй шаҳаншоҳим, бу оламга,
Ҳамма зулм аҳлини қон ютдириб, мотамсарo қилсин.

Назар сол, обираҳматдек кўкартир дашту саҳрони,
Агар тошга назар ташлар экансан, кимий қилсин.
Қоронғи кулбаларни адл нури бирла қил равшан,
Адолат партави тушганда, оламни зиё қилсин.

«Нима учун чақирганимни биласанми?» – дебди шоҳ ҳақимга ғазаб билан. «Йўқ», – дебди Рўён ҳақим.

Гаму ғуссадан қоч, яшаш истасанг,
Бўлиб ўтган ишга қуйиб, бўлма танг.
Бугунги ишингдан бугун сен қувон,
Қилиб эртани ўй, бугун ютма қон.



Билимдон топиб, айт бутун мушкулинг,
У қай йўлга юрса, шу бўлсин йўлинг.

Ўғирлар ақлни ҳамма хом хаёл,
Муяссар бўлиш-бўлмаси эҳтимол.
Юриб эҳтимол кетидан, ғам ема,
Муяссар эмас бўлса, сўз ҳам дема.
Ўзинг бандаи ожизу қисқа қўл,
Йиғиштир ғаминг, ўйна, кул сен нуқул.

«Сенинг бошингни танангдан жудо қилиш учун чақир-
тирдим», – дебди шоҳ.

Рўён ҳаким бу гапни эшитиб ҳайратда қолибди.

«Нима учун мени ўлдирасан? Мендан нима гуноҳ
ўтди?»

«Билишимча, сен мени ўлдириш учун келган жосус
экансан, шунинг учун мени алдамасингдан олдин, сени
ўлдиришга қарор бердим», – дебди шоҳ ва жаллодни
чақирибди: «Бу маккорнинг калласини ол, ёмон ниятдан
бизни хотиржам эт!» «Мени тирик қолдир, тангри сенга
умр беради. Мени ўлдирма, худо сени ўлдиради», –
дебди ҳаким.

Шоҳ кўнмабди. «Мен сени ўлдирмагунча қўймайман.
Чунки сен менга бир нарсани ушлатиб, касалимни даво-
ладинг. Бас, бир нарса ҳидлатиб ёки бошқа бир йўл
билан ўлдиришинга ҳам сўз йўқ».

«Яхшиликнинг мукофоти ўлимми, эй шоҳ», – дебди
ҳаким.

«Кечиктирмасдан сени ўлдиришим керак», – дебди
шоҳ.

Ҳаким тирик қолишдан умидини узиб йиғлабди.

Номардга қилган яхшиликларига ачиниб, қуйидаги-
ларни хаёлидан ўтказибди. Жаллод келиб, унинг кўзла-
рини боғлабди, қиличини яланғочлабди. Ҳаким шу шеъ-
рни ўқибди:



Насиҳат қилиб, бўлмадим муҳтарам,
Хиёнат қилиб, баъзилар бахтиёр.
Насиҳатни қилмасга ичдим қасам,
Насиҳат мени қилди безътибор.

Насиҳат йўлидан йироқроққа қоч,
Кимики қочар, унга мен ёрмен.
Насиҳат қилурман яна ноилож,
Ўзим бу балога гирифтормен.

Ҳақим шоҳдан кечирим сўрабди, аммо шоҳ кўнмабди,
шундан сўнг ҳақим фарёд қила бошлабди. Шу пайтда
шоҳнинг яқинларидан бири оёққа туриб:

«Рўён ҳақим қонини бизлар учун кечинг. – Бу киши
барча ҳақимлар ожиз бўлган касалингизни даволади.
Сизга бирор гуноҳ қилганини кўрганингиз йўқ», – деб
ялинибди.

«Сен, – дебди шоҳ унга, – бу ҳақимни нега ўлдираёт-
ганимни англамасан. Агар мен бунга ўлдирмасам, ўзим
ҳалок бўламан. Мени ўлдириш учун келган бундай жо-
сусларни энди кўраётганим йўқ!»

«Эй, шоҳ, – дебди ҳақим, – модомики ўлишим муқар-
рар экан, менга муҳлат бер, уйга борай, болалар билан,
қўшнилар билан рози-ризолик тилашай, васият қилай.
Шу билан бирга, шоҳлар хазинасига лойиқ қимматбаҳо
бир китобим бор, уни сенга тақдим этай. Хазинанг
зийнати ўрнида сақла!»

«Қандай китоб?» – сўрабди шоҳ.

«Унда шундай қимматли нарсалар борки, – дебди
ҳақим, – уларни санаб битириб бўлмайди. Унинг фази-
латларидан кичкинаси шуки, менинг бошимни кесгач,
унинг уч варағини оч, шу бетдан уч йўл ўқи! Шу вақтда
каллам сен билан сўзлаша бошлайди, нима сўрасанг
жавоб беради».

Шоҳ ҳайрон бўлиб, сесканиб кетибди.



«Калланг кесилгач, у мен билан сўзлашадими, эй доно?»
– деб сўрабди шоҳ.

«Ҳа», – дебди ҳаким. «Бу қизиқ гап», – дебди шоҳ ва соқчи кўшиб, ҳакимни уйига жўнатибди. Ҳаким уйига борибди. Шу кун уйдаги ишларини битириб, эртаси куни девонга борибди. Амирлар, вазирлар ва бошқа давлат арбоблари тўпланибдилар. Девон гулистон тусига кирибди. Ҳаким ҳам девонга кириб борибди. Икки ёнида икки соқчи қоровуллик қилар экан. Шоҳ ҳузурига келибди. Қўлида эски бир китоб билан сопол идишда сурмага ўхшаш бир нарса бор экан. Ҳаким ўтирибди-да, бир жом келтиришни буюрибди. Жом келтирибдилар. Ҳаким жомга текис қилиб дори сепибди. Шоҳга қараб: «Бу китобни ол, лекин менинг калламни узмагунча китобни очма, калламни узгач, шу жомга сол, бўйнимга мана бу дорини сеп! Шундай қилсанг, қони тийилади, ундан кейин китобни оч», – дебди.

Шоҳ ҳакимнинг калласини кесишга буюриб, қўлига китоб олибди. Жаллод каллани танасидан жудо қилибди. Кейин уни шоҳ жомга солибди, дорини суртган экан, қони тийилибди. Ҳаким кўзини очибди.

«Китобни оч!» – дебди у шоҳга.

Шоҳ китобни оча бошлабди. Лекин китоб варақлари ёпишиб кетганидан очилмабди. Шоҳ бармоқларини оғзининг суви билан ҳўллаб очибди. Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи варақларни ҳам оғзининг суви билан аранг очибди. Лекин у ҳеч қандай ёзув кўрмай, ҳайрон бўлибди. «Бунда ҳеч қандай ёзув йўқ-ку», – дебди шоҳ ҳакимга. «Яна бир неча оч», – дебди ҳаким.

Шоҳ яна уч варақ очибди.

Озгина вақт ўтмай, подшоҳнинг бутун баданига заҳар тарқалибди. Чунки китоб заҳарланган экан.

Шоҳ вой-войлаб: «Баданимни заҳар қоплади!» – деб бақарибди.

Ҳаким шу шеърни ўқибди:



Ҳокимлар золимдир, яшай олмас кўп,
Ўз зулми етади унинг бошига.
Зулм этиб элга кўп, сурар даврон хўп,
Бир кун заҳар тушар ширин ошига.

Рўён ҳақим сўзини битирмай, шоҳнинг жонсиз гавдаси ағдарилиб, ерга тушибди.

Қисса шу ерга етганда, тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Олтинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Шоҳнинг гавдаси ерга ағдарилиб тушди.

«Сени қутқарар эдим-у, аммо сен мени кечириб ўрнига ўлдириш фикрида бўлдинг. Шунинг учун сени шу хумга қамаб ўлдираман, дарёга ташлайман», – дебди балиқчи девга қараб.

«Эй балиқчи, – деб сўз бошлабди дев, – гуноҳим учун қасос олма, мени қутқар. Мен гуноҳқорман, сен карамли бўл, ахир, ёмонларнинг ўз қилмишлари ўзларига бало, деган мақол ҳам бор! Сен ҳам Умома билан отлиқнинг ишини қилма!»

«Хўш, бунда не маъно бор?» – сўрабди балиқчи.

«Мени қутқазмагунингча, бу аҳволда сўзлаёлмайман, овора бўлма», – дебди дев.

«Ҳеч шубҳасиз дарёга ташланажаксан! Сени бўшатишга ҳеч илож ва йўл йўқ. Мен гуноҳсиз бўлганим ҳолда сендан сўрандим, ялиндим, ёлвордим, аммо сен менга ўлим тиладинг, ҳолбуки, мен сенга яхшилик қилган эдим. Сув остидаги зиндондан қутқазган эдим, шунга қарамай, менга қилган муомаланг энг ёмон таъсир қолдирди. Шуни билгинки, сени дарёга ташлайман. Сени тортиб олувчиларга, орада бўлиб ўтган кўрқинчли воқеаларни айтман, тўсқинлик қиламан. Ўлгунингча шу азобда қолиб кетасан».



«Марҳамат қил, – дебди дев, – мени кечир, энди мен сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман. Доимий давлатга эришишинг учун ёрдам қиламан».

Балиқчи девнинг ваъдасини пухталабди. Қутқазгач ҳеч қачон ёмонлик қилмай, доим яхшилик қилишга ваъда олибди. Кўзанинг оғзини очган экан, тутун чиқибди. Дев аввалги ҳолига кирибди-да, кўзани тепиб, дарёга ирғитибди. Бу ҳаракатни кўрган балиқчи жуда кўрқибди. Ўлишига кўзи етибди. У ўзини бироз босиб олиб, дебди: «Эй дев, ваъдага вафо қил! Мени алдамаслик ҳақида қасам ичган эдинг. Мен сенга ҳақим Рўённинг шоҳга айтганларини ҳам сўзлаб бердим, кечир мени!» Дев кулибди.

«Менинг орқамдан юр!» – дебди дев. Балиқчи қутилишга ишонмаган ҳолда унинг орқасидан бораверибди. Тоғ устидаги тепаликка етиб боришибди. Қараса, у ерда бир кўл бор эмиш. Дев кўл тепасига бориб, балиқчинини чақирибди. Балиқчи унинг ёнига борибди. Дев тўр ташлаб ов қилишни буюрибди. Балиқчи у ерда ҳар турли: оқ, қизил, сариқ балиқларни кўргач, ҳайрон бўлиб, тўр солибди. Кўтариб қараса, тўрга ҳар хил рангли балиқ тушибди. Балиқчи севинибди.

«Бу балиқларни, – дебди дев, – олиб бориб султонга тақдим қил! У сени етарли бойлик билан мукофотлайди! Мени кечир, йўлни билмайман. Чунки мен бир минг саккиз юз йилдан бери шу денгизда ҳаёт кечираман. Ер устини ҳозиргина кўриб турибман».

Дев: «Бу кўлдан фақатгина кунига бир маротаба балиқ овлаш керак», – дебди-ю, балиқчидан узр сўраб, ерни тепибди. Ер ёрилиб, девни ютибди.

Балиқчи шаҳарга жўнабди. У дев билан бўлиб ўтган воқеадан ҳайратланган ҳолда уйига етиб борибди. Бир идишга сув тўлдириб, балиқларни сувга солибди. Девнинг сўзига мувофиқ балиқли идишни бошига қўйиб, шоҳ ўрдасига олиб борибди. Кейин шоҳ ҳузурига кириб,



балиқларни тақдим қилибди. Умрида бу хил рангли балиқларни кўрмаган шоҳ бутунлай ҳайрон бўлиб қолибди.

«Балиқларни бундан уч кун илгари Рум шоҳи томонидан тухфа йўсинида юборилган ошпазга топширинглари, қовурсин, – дебди шоҳ. – Ҳали у синалмаган ҳам эди».

Вазир балиқларни ошпазга топширар экан, дебди: «Бу балиқлар шоҳга келтирилган ажойиб тортиқ. Санъатингиз, қобилиятингизни ҳам шоҳ бугун аниқлайди. Сиз бу синовга бутун кучингиз, бутун ҳунарингизни сарф қилишингиз керак».

Шоҳ балиқчига тўрт юз динар беришни буюрибди.

Вазир балиқчига пулни топширибди. У суюнганидан уйига йўл олибди. Йўлдан оиласи учун зарур нарсаларни сотиб олибди. Хотинининг олдига боришга ошиқибди.

Ошпаз балиқни тозалаб, товага солиб қовурибди. Бир тарафи қовурилгач, иккинчи томонини ағдарибди. Шу пайт бирдан ошхона девори ёрилибди-да, қоматлари келишган, кулча юзли, ложувард⁴ атлас кўйлак кийган, қимматбаҳо тошлар ўрнатилган қўлтиқ туморли, икки билагиди мақташга сазовор бўларли билакузук, бармоқлари лаълу ёқут кўзли узуклар билан безатилган, қўлида эса Ҳиндистон қамишидан нозик ишланган калтак қиз пайдо бўлибди. У калтак билан товани туртибди-да: «Ваъдангизни унутмадингизми, эй балиқлар?» – дебди.

Бу ажойиб аҳволни кўриб, ошпаз ҳушидан кетиб йиқилибди. Қиз бу сўзни икки-уч қайта такрорлабди. Бир балиқ идишдан бош кўтарибди-да: «Ҳа, ҳа», – деб жавоб берибди. Ҳаммаси бирдан шу байтни ўқишибди:

Сен ваъданга турмас бўлсанг, биз ҳам турмаймиз,

Сен қайтсанг ўз аҳдиндан, биз ҳам юрмаймиз.

Сен ўгирсанг юзингни биздан, биз ҳам шу,

Биз ҳам ҳаргиз сен сари юзни бурмаймиз.

⁴ Ложувард – тўқ ҳаво ранг.



Шу вақтнинг ўзида хотин товани тўнқариб ғойиб бўлибди. Девор ҳам олдинги ҳолатига қайтибди. Кейин ошпаз ҳушига келиб, кўзини очибди. Қараса, тўртта балиқ ҳам кўмир сингари қорайиб куйган эмиш.

«Аттанг, биринчи синашдаёқ яхши бўлмади», – деб ўзини-ўзи қойибди канизак. Шу пайт вазир кириб келибди.

Канизакнинг тепасига келиб: «Шоҳнинг балиғи қани?», – деб сўрабди.

Ошпаз йиғлаб, воқеани бир-бир айтибди.

Вазир бу ҳодисадан таажжубланиб, балиқчига киши юборибди. Балиқчини келтиришибди.

«Эй балиқчи,– дебди вазир,– яна ўшандай тўртта балиқ келтиришинг керак».

Балиқчи кўлга бориб тўр солибди. Тўрни кўтарган экан, қараса, тўртта балиқ тушибди. Балиқни олиб, вазирга келтирибди. Вазир ошпазга бериб:

«Қани менинг олдимда қовур-чи, бу ҳодисани ўз кўзим билан кўрай», – дебди.

Ошпаз каниз балиқни товага солиб ўт ёқибди. Кўп ўтмай, девор ёрилибди. Девор оралиғидан ясанган бир қиз чиқиб, қўлидаги қамчи даста билан товани туртибди: «Ваъдаларингда турибсизларми, эй балиқлар?» – дебди қиз. Балиқлар бошларини кўтариб, қуйидаги байтни ўқибдилар:

Сен ваъдангда турмас бўлсанг, биз ҳам турмаймиз,

Сен қайтсанг ўз аҳдингдан, биз ҳам юрмаймиз.

Сен ўгирсанг юзингни биздан, биз ҳам шу,

Биз ҳам ҳаргиз сен сари юзни бурмаймиз.

Балиқлардан бу сўзни эшитган қиз товани айлантириб ғойиб бўлибди. Девор ҳам олдинги ҳолатига қайтибди. Шу вақт вазир ўрnidан турибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Еттинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – сўз бошлади Шаҳризод.

«Бу ҳол шоҳдан яшириш мумкин бўлмаган ҳодиса», – дебди вазир. Шоҳ ҳузурига кириб, уни бу ҳолдан хабардор қилибди.

«Ўз кўзим билан кўришим керак», – дебди шоҳ. Балиқчига киши юборишган экан, у келибди. Шоҳ балиқчига яна тўртта балиқ келтиришни буюрибди, уч кун муҳлат берибди. Балиқчи бориб тўртта балиқ келтирибди. Шоҳ тўрт юз динор беришни буюрибди.

– Менинг олдимда ўзинг қовур! – дебди шоҳ вазирга. «Бош устига», – дебди вазир.

Товани ҳозирлаб, балиқни тозалаб, ўтга қўйибди. Иккинчи томонини ағдарибди. Бирдан девор ёрилибди-ю, девор орасидан ниҳоятда улуғ, Од қавмидек баҳайбат бир қора қул чиқибди. Унинг қўлида яшил ёғоч дастаси бор эмиш.

«Балиқлар, ҳо балиқлар, – дебди у алоҳида товуш билан, – шартларингизни унутмадингизларми?»

Балиқлар идишдан бош кўтаришибди-да: «Йўқ», деган жавобни бериб, юқоридаги байтни қайтаришибди. Сўнг у тованинг тескарисини ағдарибди. Балиқлар қора кўмир ҳолига айланибдилар. Қора қул келган жойига қайтиб, ғойиб бўлибди.

«Бу ерда қизиқ бир сир бор», – дебди шоҳ, кейин балиқчини келтиришни буюрибди, балиқчи келибди.

«Бу балиқлар қаернинг балиғи?» – деб сўрабди шоҳ.

«Сизнинг шаҳрингиз қирғоғидаги тўрт тоғ орасида катта бир қўл бор. Булар ўша қўлнинг балиғи», – дебди балиқчи. «Неча кунлик йўл?» «Ярим соатча». Шоҳ ҳайрон бўлибди. Дарров аскарларига балиқчи билан отланиб, йўлга чиқишга фармон берибди. Балиқчи уларнинг олдида девга лаънат ўқиб бораверибди. Улар тоққа кўта-



рилишибди. Кўз олдиларида умрларида кўрмаган кўл пайдо бўлиб, унинг ичида тўрт хил: оқ, қизил, сариқ, кўк балиқлар кўриниб турар эди. Бу воқеадан шоҳ ҳам, бошқалар ҳам таажжубланибдилар.

«Бу ерни илгари ҳеч ким кўрган эдими?» – деб сўрабди шоҳ одамларидан. «Бир умр кўрмаганмиз», – дейишибди қолганлар бир овоздан. «Бу кўлдаги балиқларнинг сирларини билмагунча шаҳарга қайтмайман, тахтимга ўтирмайман», – дебди шоҳ. Кейин у кишиларни тоғ атрофига жойлашишга фармон бериб, вазирни ёнига чақирибди.

Вазир бениҳоят илмли, ақлли, тadbирли, зийрак, ҳар нарсага ақли етадиган, доно киши экан. У подшоҳ ҳузурига келибди-да, боши ерга теккунича эгилиб, таъзим қилибди.

«Миямга бир фикр келди, – дебди вазирга шоҳ. – Кечаси бу ажойиб сирни шахсан ўзим текшираман. Ҳеч кимга билдирмаслик учун сен менинг чодирим эшигида ўтириб, амирлар, вазирлар ва мени сўраган бошқаларга касал, деб эълон қиласан. Кириш учун ҳеч кимга рухсат бермайсан».

Вазир эътироз билдиришга ожиз қолибди. Шоҳ кийимларини ўзгартириб, қиличини яланғочлабди-да, йўлга тушибди. Кеч киргандан эрталабгача айланавериб чарчабди. Аммо ҳеч кимни кўрмабди. Бироз дам олиб, эртасига ҳам куни билан юрибди. Иккинчи кеча тонг отар вақтида узоқдан бир қора нарсага кўзи тушибди. У ўзича, зора, у ерда бу аҳвол тўғрисида маълумот берувчи кимса топилса, деб севинибди. У ерга яқинлашиб қараса, деворлари қора тошдан ясалган катта бир сарой, эшигининг бир табақаси очиқ, бири берк эмиш. Шоҳ эшик олдига бориб, секингина тақиллатибди. Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмабди. Кучининг борича тақиллатибди. Бу гал ҳам ҳеч ким жавоб бермабди.

«Балки сарой томоман бўш, кимсасиздир, – дебди шоҳ ўзича, кейин у ичкари кириб борибди. – Эй сарой-



бон, – дебди шоҳ қичқириб, – мен бир йўловчиман. Бирор нарса бериш учун ҳайрларинг бўлмасми?» Шоҳ бу саволни икки-уч марта такрорласа ҳам жавоб бўлмабди. Дадил бўлиб қасрнинг ичига кирибди. Қаср юлдуз тамғали ипак гиламлар билан ясатилган-у, аммо у ерда ҳеч ким кўринмасмиш. Қаср ўртасида бир ҳовуз, бурчакларида олтиндан ишланган йўлбарс оғзидан кумуш сингари сув мавж уриб отилиб турармиш. Гуллар атрофида қушлар учиб, гоҳ-гоҳ кўниб ҳам турармиш. Қушларнинг учиб кетмаслиги учун тўр ўрнатилган эмиш. Шоҳ ҳайратда қолибди. Булар тўғрисида маълумот берувчи бирор киши йўқлигига ачинган ҳолда хаёл суриб ўтирган экан, бирдан қайғули ингроқ товуши эшитилибди. Кимдир шеър ўқиётган эмиш:

Оҳим, махфий ишқим қилди ошкор,
Тепчиб ўйнамоқда бу юрак бежо.
Айланмай тўхтаб тур, чархи кажрафтор,
Нафас ростлагунча, сенга илтижо.

Кўзлар уйқусиз□у, таним беором,
Орзу-умидларим хавф□у, хатарда.
Бечора кўнглимни аввал қилиб ром,
Маҳвашим юзига тўсмишдир парда.

Шоҳ ўрнидан туриб, товуш чиққан томонга юрибди. Қараса, эшик олдида тўсилган бир парда кўринибди. Пардани кўтарибди. Қараса, баланд қилиб ўрнатилган тахт устида бир ёш йигит ўтирган эмиш. Йигит беҳад келишган бўлиб, кўзлари, қошлари, айниқса, лабининг устидаги қора ҳоли ўзига ажойиб чирой бериб турганмиш. У саломга жавоб қайтарар экан:

– Эй кимса, ўрнимдан турмаганим учун мени кечир!
– дебди.



СЕҲРЛАНГАН ЙИГИТ ҲИКОЯСИ

– **М**енга бу қаср, бу ҳовуз, рангба-ранг ба-ликлар ҳақида, ўзингнинг изтироб чекиб, ёлғиз яшашинг боиси ҳақида сўзлаб бер!» – дебди шоҳ.

Йигитнинг кўзи жиққа ёшга тўлиб, ҳўнграб йиғлай бошлабди.

«Эй йигит, нега йиғлайсан?» – дебди шоҳ. «Бу аҳволда йиғламаслик мумкинми? – дебди йигит. – Белимдан пасти тош», – деб кийимини кўтариб кўрсатгандан кейин, бошидан ўтганларни шоҳга ҳикоя қилиб берибди.

Бу балиқларнинг ҳикояси ғоят ажойиб, нина билан кўз оқига ёзишга арзийдиган воқеа. Менинг отам шу шаҳарнинг шоҳи эди. Шу жазиралар билан шу тоғнинг ҳаммаси унинг ҳукмида эди. Отамнинг исми Маҳмуд, етмиш йил шу ерларда ҳукм сурди. Отам ўлгандан кейин шоҳлик менга мерос бўлиб қолди. Амакимнинг қизига уйландим. У мени беҳад севарди. Менсиз унинг томоғидан овқат ўтмасди. У мен билан беш йил турди. Бир куни у ҳаммомга кетди. Ошпазга кечки овқат ҳозирлашни буюрдим. Шу уйга кириб, ҳозир ўтирган жойимда ухладим. Икки канизакнинг бирини бошимда, бирини оёғимда туришга буюрдим. Хотиним йўқлиги учун ухлай олмадим. Кўзим юмуқ бўлса ҳам, ўзим уйғоқ эдим. Бошимда турган канизак оёқ томонимда турган канизакка: «Эй Маъсуда, мен хўжамизнинг аҳволларига ачинаман, ёш умрларига раҳмим келади» деса, иккинчиси: «Ҳийлагар маликамининг кирдикорлари кимни ачинтирмайди, худо кўтарсин ўшандоқ сеҳргар хотинни», дер эди. Бирини: «Хўжамиз бу аҳволни сезмасмикин ёки сезса ҳам индамасмикин» деса, иккинчиси: «У уйқудан олдинги бериладиган ичимликка банг қўшиб ичиради. Эрталаб бир нарса искатиб ҳушига келтиради. Бу орада ўзи ясаниб-безаниб, азонгача қаерларга боради. Қандай бе-



маъни ишлар қилади. Хўжамиз бўлсалар сезмайдилар», дер эди. Канизларнинг сўзларини эшитиб, кўз олдим қоронғилашиб, хаёлга ботдим. Буларнинг сўзлари чинми, ёлғонми, деган шубҳа билан кеч бўлди. Хотиним ҳаммомдан келди. Дастурхон ёзилди, овқатландик. Бироз сўзлашиб ўтирдик. У уйқудан олдин ичиладиган шаробни келтиришни буюриб, менга қадаҳ тутди, олдим. Худди одатдагича ичган бўлиб, бир четга тўкдим. Ўша ондаёқ ухлагандек хуррак олдим. Бирдан хотиним менга қараб: «Бутун кеч ухла, ҳеч кўзғалма! Сени кўришга тоқатим йўқ. Сенинг билан маишат қилишдан юрагим сиқилади», – деди-да, ўрнидан турди. Упа-элик сурди, яхши кийимларни кийди, қаср эшигини очди-ю, кўчага чиқди. Мен ҳам туриб, унинг кетидан чиқдим. Шаҳар дарвозасигача унинг орқасидан бордим. Дарвоза олдига келиб, алланарсалар деб сўзлади. Фаҳмлай олмадим. Қулф олиниб, эшик очилди. У эшикдан ичкарига кирди. Аммо менинг бораётганимни сезмади. Гиштдан ясалган гумбаз орқасидаги эшикдан ичкарига кирди. Мен гумбаз томига чиқиб жойлашиб олдим. Қарасам, хотиним лаблари ямоқ билан ямаб қўйилгандек қалин, юзлари йирик кумлар ёпишиб қолган тошдек ғадир-будур, бадбашара қора қул ёнига келди. У жузом⁵ касалига мубтало эди. Чурук латгалардан тикилган кийимга ўралиб, бўйра устида ётарди. Хотиним унинг қаршисида ер ўпди. Қул бошини кўтарди.

«Шу вақтгача нима қилиб юрибсан? Қариндош-уруғлар келишган эди, базм қилдик, ичдик. Мен сен бўлмаганлигинг учун ичмадим», – деб бақриб берди қул. «Эй хўжам, эй кўзимнинг нури, эй севганим, – деди у. – Билмайсизми, мен амакимнинг ўғлига хотинман. Бироқ унинг афтидан ҳазар қиламан, жирканаман. Унинг суҳбатидан ғазабланаман. Сизни риоя қилмаганда шаҳарни

⁵ Жузом – даволаш қийин бўлган тери касаллиги.



хароб қилиб, қарға-қузғунга макон қилар эдим. Ҳашаматли бинолар тошини Кўҳи тоғ орқасига олиб бориб ташлар эдим». «Ёлғон айтасан, мальун, – деди қул бақириб, – қора танлар ҳурмати қасам ичаман. Бизнинг эрлигимизни оқларникидай деб ўйлама! Агар иккинчи марта кечиксанг, ўша кундан алоқани узаман, эй мальун, эй оқларнинг олчоғи! Сен биз билан ниманга суюниб ўйнашаётирсан?»

Мен томдан ҳамма сўзларни ўз қулоғим билан, ҳамма ҳодисаларни ўз кўзим билан кўрдим. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб қолди. Қаерда турганимни билмас эдим. Амакимнинг қизи бўлса, қулга ялиниб: «Эй кўрар кўзим, севгим, агар сиз мендан ўпкалансангиз менга ким раҳм қилади, – деб ёлвориб, – сиз мени ҳайдасангиз, ким менга жой беради»,– деб ялинар эди. Қора қул кечиргандан кейин амакимнинг қизи йиғидан тўхтади. Севиниб дарров ечинди.

«Чўрингизга еярлик бирор нарса йўқми?» – деб сўради амакимнинг қизи. «Лаганнинг тагида пиширилган сичқон сўнгалари, тоғорада бўза бор, олақол», – деди қўли билан кўрсатиб қул.

Амакимнинг қизи у кўрсатган нарсани олди, ўтириб еди, ичди, кейин қўлини ювди. Бўйра устида латта-путталарга ўралиб ётган қулнинг қўйнига кирди. Бу аҳволни кўргач, эсимни йўқотдим. Гумбаз устидан тушиб, ичкари кирдим. Амакимнинг қизининг қиличини олдим-да, ҳар иккисини ўлдиришга ташландим. Олдин қулнинг гарданига урдим. Уни ўлдирдим, деб ўйладим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Сақимчи
кеча

– Эй, саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод.

Қулнинг бошини кесиш учун урган қиличим томоғининг териси билан гўштини шилиб чиқди. Ўлдирдим, деб ўйладим. Қаттиқ хириллай бошлади. Амакимнинг қизи типирчилаб қолди. Мен кетганимдан кейин ўрнидан турди-ю, қилични олиб жойига қўйди. Шаҳарга қайтдим. Қасрга кирдим. Тонг отгунча ухладим. Амакимнинг қизи сочини қирққан, мотам кийимига бурканган ҳолда кириб келди.

– Эй амакимнинг ўғли, – деди у, – менинг қиладиган ишларимга маломат қилма! Эшитдимки, онам вафот қилибди. Отам урушда ҳалок бўлибди. Икки биродаримнинг бири заҳарланиб ўлибди. Иккинчиси қўлимда жон берди. Шунинг учун мен йиғлашга, қайғуришга ҳақлиман.

Буларни эшитиб, индамадим-да, бир дамдан кейин: «Истаганингни қилавер, қаршилигим йўқ», – деб жавоб бердим. У бир йилни қайғу билан йиғлаб ўтказди. Бир йилдан кейин, бир кун менга: «Сенинг саройингда даҳма ясаб, қайғу уйида ўз ғамим билан куйиниш орзусидаман», – деб арз қилди. «Истаганингни қил», – дедим.

У ғам уйи қурди. Уй ўртасида сағанага ўхшаш гумбаз ясади. Қора танли қулни келтириб, шу ерга ётқизди. Лекин у барзангининг унга ҳеч фойдаси тегмасдан ичимлик ичарди, холос. Мен уриб ярадор қилганимда ажали етмаган экан, ўлмабди. Лекин у тилдан қолган эди. Амакимнинг қизи ҳар кун эртаю кеч унинг ёнига кирарди. Оҳ-воҳ тортиб йиғлар, унга ичимлик ичирарди. Роса бир йил шундай ўтди. Мен чидаб келдим. Кунлардан бир куни тўсатдан унинг олдига кириб қолган эдим, хотиним унга: «Эй дилимнинг қувончи, кўзимнинг нури, нега гапирмайсан, бироз сўзла, жоним ором олсин», – деб ялинар эди:



Сен кетдинг, орқангдан руҳим эргашиб,
Менга қоқ суякни қолдириб кетди.
Ҳижроннинг дардлари танга ўрнашиб,
Завқимни яширин олдириб кетди.

Кўзларинг аксида қолган суратим,
Ўтганда эслатсин менинг қабримни.
Илтимос қилишга етмас журъатим,
Чунки тугатгансан тоқат, сабримни.

У яна шеър ўқиди:

Қўрқинчли лаҳад! Севгили ёримни яширдинг,
Қоши қалами, кўзи хуморимни яширдинг!
Гул сайр қилар чоғида топмай гўзалимни,
Келдим қидириб, лола узоримни яширдинг!

Ёр ўғриси? Ёки жаҳаннам эшиги сен,
Фирдавси беҳишт, юзлари норимни яширдинг!
Осмон ҳам эмас, боғ ҳам эмассан, бу таажжуб,
Ой юзлигиму сарв нигоримни яширдинг!

Менинг ғазабим келиб унга: «Шунча хоинона сўзлар,
вафосизликлар етар», – деб қилич кўтардим-да, амаким-
нинг қизини урмоқчи бўлдим. Амакимнинг қизи ўрнидан
турди. Барзангини ярадор қилган мен эканимни билди.
Бир нималар деди-ю, ярмиси тош, ярмиси одам бўлсин
деб, бир коса сувни менга сепди.

Шундан сўнг кўриб турган суратингга кирдим. Турол-
майман, ўтиролмаيمان. На тирикман, на ўлик. Хотиним
мени бу ҳолга киргизгандан кейин шаҳарни ва ундаги
бор-йўқнинг барчасини сеҳр қилди. Шаҳримизда тўрт
хил тоифа одамлар яшар эди: насоралар, мусулмонлар,
яхудийлар ва маъжусийлар. Уларнинг ҳаммасини сеҳр-
лаб, тўрт хил балиққа айлантирди. Кўки – насоралар,
оқи – мусулмонлар, сариғи – яхудийлар ва қизили –



маъжусийлардир. Тўрт жазирани эса қўлни ўраб турган тўрт тоққа айлангирди. Ҳар куни у мени юз дарра уриб, аъзой-баданимдан қон чиққунча азоблайди. Сўнгра тўним остидан белимдан юқори томонга қилли кийим кийгизади, – деб ҳўнграб йиғлаб юборди.

«Эй йигит сен ғамимни яна орттирдинг. Хотин қаерда, ярадор қул ётган даҳма қаерда?» – деб сўрабди шоҳ. «Қул гумбаз остидаги даҳмада, хотин эса эшик орқасидаги уйда. У ҳар куни бир марта қуёш чиқар олдидан бу ерга келади. Кийимларимни ечиб, мени юз дарра уради. Йиғлайман, додлайман, аммо уни итариб ташлашга ожизман. Мени қамчилаб бўлгандан кейин, барзангининг олдига кетади. Унга ичимлик беради», – дебди йигит.

Шунда шоҳ: «Мен бир иш қилайки, қиёматгача унутилмайдиган бўлсин», – дебди-да, кечгача йигит билан сўзлашиб ўтирибди. Кеч бўлгандан кейин ётиб ухлабди. Эрта саҳар ўрнидан туриб, кийимларини ихчамлаб, кейин барзанги турган жойга томон йўл олибди. Даҳмага кирибди. У ерда шамдон, ёғ идиши, хас-чўплар ётган эмиш. Шоҳ барзанги яқинига бориб қилич билан унинг калласини узибди. Кийимларини шилиб олибди. Барзангини елкасига қўйиб, саройдаги қудуқ ичига ташлабди. Ўзи даҳмага қайтиб келиб барзангининг кийимларини кийибди-да, унинг ўрнига кириб ётибди.

Бироздан кейин сеҳргар хотин кириб келибди. Йигитнинг кийимларни ечиб дарра билан ура бошлабди. Бечора йигит: «Етар, раҳм қил!» – деб ялинар эмиш. «Сен менга раҳм қилдингми», – деб яна қаттиқроқ урибди хотин.

Сеҳргарнинг қўллари толиб, уришдан тўхтабди. Кийимларини кийдирибди-да, ичимликни олиб барзанги томон қараб кетибди. Барзангига ичимликни тутиб, сўзласанг-чи, жоним, деб йиғлар экан. Шу шеърни ўқибди:

Қувгай мени ҳамиша бу ҳижрон, қачонгача,
Ҳижрон чекарда қийналадир жон, қачонгача, –



деб хотин: «Сўзла жоним», деб йиғлар эмиш. Шоҳ товушини ўзгартириб, судонча сўзлабди. Хотин унинг сўзини эшитиб, шодлигидан бақириб йиғлаб юборибди. «Сўзлаганингиз рост бўлсин, эй хўжам», – дебди у.

Шоҳ овозини пасайтириб: «Эй малъун, сен билан сўзлашиш нолойиқ», – дебди. «Нега?» – деб сўрабди аёл.

«Чунки сен ҳар куни эрингни урасан. У эса кеча-кундуз йиғлайди, додлайди, эртадан-кечгача сени қарғаб, мени уйқудан маҳрум қилади, жонимга тегади. Агар шундан тинчисам, балки тезда тузалиб кетардим. Сен билан сўзлашишга мана шулар халал беради», – дебди шоҳ хотинга қараб. «Сизнинг розилигингиз учун уни бу азобдан озод қиламан», – дебди хотин. «Уни бўшат! Мени тинчит!» «Жоним билан», – дебди хотин.

Кейин даҳмадан саройга чиқибди. Бир тос олиб, уни сувга тўлдирибди. Сувга қараб нималарнидир сўзлабди. Сув кўпириб, қозонда қайнаётган каби қайнай бошлабди. Кейин сувни йигит устига сочибди-да:

«Агар менинг сеҳрим билан шу ҳолга тушган бўлсанг, олдинги ҳолингга қайт!» – дебди. Бирдан йигит сесканиб, оёққа турибди. Бениҳоя хурсанд бўлибди.

«Чиқ! Иккинчи бу ерга қайтма! Агар қайтсанг, ўлдираман», – деб бақирибди хотин. Йигит бу жойдан чиқиб кетибди. Хотин яна даҳмага кирибди. «Эй хўжам, бери келинг, чиройли суратингизни бир кўрай», – дебди у.

«Нима қилдинг? – дебди барзанги ўрнида ётган шоҳ майин овоз билан. – Мени шоҳидан қутқаздинг, лекин ҳали танаси турибди».

«Танаси деганингиз нима?»

«Танаси деганим бу шаҳарнинг халқи ва тўрт жазира-дир. Ҳар кечаси ярим кечадан туриб, балиқлар бошларини кўтардилар. Ёрдам сўрайдилар, сени ҳам, мени ҳам қарғайдилар. Мана, менинг соғаймаслигимнинг иккинчи сабаби. Тезроқ уларни қутқаз-у, кейин келиб қўлимдан торт!»



Хотин бу сўзларни тинглар экан, уни барзанги деб ўйлаб: «Буйруғингиз бош устига!» – дебди. Кейин сеҳргар хотин хурсанд бўлиб ўрнидан турибди-да, шошилганича кўл олдига борибди, кўлдан озгина сув олибди. Қисса шу ерига етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўққизинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – давом этди Шаҳризод. Кўлдан озгина сув олибди. Сувга қараб тушуниб бўлмайдиган нималарнидир пичирлабди. Балиқлар бош кўтариб, одам ҳолига қайтибдилар. Шаҳар ҳам аввалги ҳолига қайтибди. Ҳар ким ўз ҳолига, ҳамма нарса ўз жойига келибди. Жазира илгариги аслига қайтибди. Сеҳргар хотин дарров шоҳ ёнига келибди. Уни ўша барзанги деб ўйлабди.

«Муборак қўлингизни беринг, ўрнингиздан туринг!» – дебди у. «Яқинроқ кел», – дебди шоҳ секин. Хотин яқинлашибди. Шоҳ қиличини олиб малъуннинг кўкрагига урган экан, орқасидан тешиб чиқибди. Иккинчи қайта уриб, ер билан яксон қилибди. Кейин ўрнидан туриб, ташқарига чиқибди. Йигит кутиб турган экан. Улар саломлашибди. Шоҳ уни қутлабди, йигит эса шоҳнинг қўлини ўпиб, унга ташаккур билдирибди.

«Ўз шаҳрингда қоласанми ёки мен билан кетиб, бизнинг шаҳарда турасанми?» – деб сўрабди шоҳ йигитдан. «Эй замонамизнинг шоҳи, биз билан шаҳрингиз ораси қанча йўл эканини биласизми?» – дебди йигит. «Ярим соатлик йўл», – дебди шоҳ. «Янглишасиз, бу ер билан шаҳрингиз ораси энг тез юрувчи йўловчига роса бир йиллик йўлдир. Шаҳар сеҳрланганлиги учун сизга ярим соатлик йўл кўринган. Мен сиздан бир дам ҳам айрилмайман, – дебди йигит. – Қаерга борсангиз, ўша ерга бораман. Нимани буюрсанингиз шуни қиламан».



Шоҳ унинг сўзидан хурсанд бўлибди: «Бир умр фарзандсиз эдим. Сен менга ўғил бўл», – дебди. Икковлари ҳам севинишиб, бир-бирларини ўпиш билан ота-бола бўлганликларини тасдиқлабдилар. Икковлари саройга қайтиб келибдилар. Давлат арбобларига ҳажга сафар қилиш орзулари борлигини билдирибдилар. Сафар жабдуқларини ҳозирлашга фармон берибди. Ўн кунлик сафарга керак бўладиган нарсаларни ҳозирлабдилар-да, йигит билан шоҳ йўлга чиқишибди. Шаҳарни ташлаб кетиш йигит учун қанчалик оғир бўлишига қарамай, шоҳ билан кетишга рози бўлибди. Улар ўзлари билан эликта қул, совға-саломлар олиб йўлга тушибдилар. Бир йил кечаю кундуз йўл босиб, ўз шаҳарларига кириб борибдилар. Шоҳнинг соғ-саломат қайтиб келаётгани ҳақида вазир хат олган экан. У шоҳ ва унинг ҳамроҳларини қарши олиш учун қўшин билан пешвоз чиқибди. Шоҳ саройга кириб, тахтга ўтирибди. Вазирга йигит кечирган ҳодисаларни батафсил сўзлаб берибди. Вазир воқеани эшитиб, шоҳнинг жасоратига қойил қолибди. Ҳикоя тамом бўлгандан кейин шоҳ кўп кишиларга инъомлар ҳадя қилибди.

Шоҳ вазирга балиқ келтирган балиқчини чақиришни буюрибди. Вазир бутун шаҳар халқини қутқазिशга сабабчи бўлган балиқчига киши юборибди. Балиқчи келибди. Шоҳ унга инъом-эҳсонлар берибди. Шоҳ унинг уй аҳволи ва бола-чақалари бор-йўқлигини сўрабди. Балиқчи икки қиз, бир ўғли борлигини айтибди. Шоҳ уларни ҳам чақиришни буюрибди. Бир қизига ўзи ўланиб, иккинчисини йигитга никоҳлаб берибди. Ўғлини эса ўз саройида хазиначилик вазифасига тайинлабди. Шоҳ вазирни йигитнинг мамлакатига шоҳ қилиб тайинлабди. У ердаги амирларга совға-саломлар бериб, вазирни кузатиб қолибди.



ҲАММОЛ БИЛАН ҚИЗЛАР ҲИКОЯСИ

Боғдод шаҳрида бир ҳаммол бўлиб, ёши улғайиб қолганига қарамай, бўйдоқ экан. Бир кун у бозорда ўз одатича қоплари билан арқонларини қўлтиқлаб турган экан. Унинг ёнига бир хотин келиб тўхтабди. У ипак иштон почаларига чиройли жияк таққан, ковушлариди ҳам олтин симлардан чакма қилинган, камзули, кўйлагиди ва бошқа кийимлари ҳам жуда ўзгача эмиш. Хотин чачвонини кўтарган экан шаҳло кўзлари, қайрилма қошлари барқ уриб кўринибди. Ана кўзу ана қош, ҳаммаси жозибадор, хуллас ҳар томонлама келишган эмиш. Хотин ҳаммол ёнига келибди-да, ғоят ёқимли овоз билан: «Қопингизни олиб, менинг орқамдан юринг», – дебди.

Ҳаммол бу гапга ишониб-ишонмай, шошилиб қопини олибди-да, «ё қутлуғ кун» деб ҳовлиққанча хотин орқасидан юрибди. Хотин бир ҳовли эшигига бориб тўхтабди. Тақиллатиши биланоқ бир киши кирибди. Хотин унга динор берибди-да, ундан бир шиша зайтун ёғи олиб, ҳаммолга берибди. Кейин ҳаммолга кўтартирибди-да, орқамдан юринг деб йўлида давом этибди. Ҳаммол хотин орқасидан борар экан ўз-ўзига: «Қандай бахтли, қандай шодлик кун», дер эмиш. Хотин мева дўкони ёнида тўхтаб, шом олмаларидан, турк беҳиларидан, усмония шафтоллаларидан, халаб ёсуманларидан, дамашқ меваларидан, кўмкўк бодринглардан, миср лимонларидан, султоний афлисинларидан, хушбўй марсинлардан, турли гуллардан, тоғ лолаларидан, анор, анжирлардан олибди. Уларнинг ҳаммасини ҳаммол идишига солибди-да: «Орқамдан юраве-ринг», – дебди. Хотин қассоб дўкони олдида тўхтаб, ўн ритл гўшт олибди, уни ҳам ҳаммол идишига солиб, баққол дўконига борибди. Ҳаммол ҳам унинг орқасидан бораверибди. Газак учун баққолдан писта, мағиз, тухум, майз ва бошқа турли мевалардан олиб ҳаммолга бериб-



ди. Хотин бир тоғорача сотиб олибди. Ширапаз дўкони-дан: пашмак, совинак ҳолва, парварда, қанд, хуллас, турли хил ширинликлар олибди-да, тоғорага солиб, ҳам-молнинг идишига жойлабди. Ҳаммолнинг юки биринчи-дан оғир, иккинчидан беҳад ўнғайсиз экан.

«Буни билдирганингизда бу юклар учун бирорта эшак келтирган бўлар эдим», – дебди ҳаммол. Хотин кулиб, аттор дўкони олдида тўхтабди. Ўн хил ичимлик – пушти, оч сариқ, оқ нилуфар шарбат ва бошқалардан олибди. Ҳар хил хушбўй буюмлар: уд, анбар, мушқлар олибди. Искандария шамларидан ҳам олибди. Ҳаммасини ҳаммол қопига жойлабди. Хотин олдинда юриб, ҳашаматли бир бино ёнига келгач, тўхтабди. Чачвонини кўтариб, секин-гина эшикни тақиллатибди. Ҳаммол хотиннинг хуснини ўйлаб, хаёлга чўмиб келаверибди. Дарҳол эшик очилиб-ди. Ҳаммол эшик очувчига разм солибди. Қараса, ўрта бўйли, кўкраклари кўтаринки, қоматлари келишган, ғоят чиройли бир жувон эмиш. Унинг кўзлари кийик боласи-ни эслатар, қошлари янги туғилган ойдек, юзлари лола билан мусобақа ўйновчи, оғиз бамисоли Сулаймоннинг узуги, ҳар томони келишган, жозибадор эмиш. Ҳаммол қопни ташлаб юборишига оз қолибди. У бутунлай ўзини йўқотиб қўйибди.

Шоирнинг шу шеъри унга мос келади:

Қоматингни гулга ўхшатмиш кишилар, бу хато,
Чунки гул ҳар турли барг ила безатгай қаддини.
Сен агар чиқсанг либоссиз, бўлғуси жонлар фидо,
Гул бўлак, сен бошқа, билмак яхши, мавқе, ҳаддини.

«Бундай яхши кун бўлган эмас», – дебди ҳаммол ичида. Хотин ичкари кирибди, ҳаммол ҳам унинг ораси-дан кириб борибди. Дарвозани очган хотин ҳам бирга экан. Кенг бир ҳовлига кирибдилар. Қатор қуббали устунлар билан чиройли қилиб солинган баланд айвон.



Унинг ёнида махсус шийпон, ҳовли ўртасида катта ҳовузда лиммо-лим кўм-кўк, тиниқ сувда кичкина қайиқча чайқалиб турган эмиш. Ҳовлининг тўрида мрамардан ясалиб, турли қимматбаҳо тошлар билан безалган тахт ярқираб, кўзни қамаштирармиш.

Шу вақт учинчи бир хотин чиқиб келибди. Бу аввалги хотинларга қараганда кўркам ва жозибадор экан. У сингиллари ёнига келибди-да:

«Нега қараб турибсизлар. Бечора йигитнинг устидан юкни олмайсизларми?» – деб ўзи ҳам ёрдамлаша бошлабди. Уч кишилашиб юкни тушуришибди. Кейин ҳам-молга икки динор пул берибдилар-да, кетишга рухсат этибдилар. Ҳаммол гаранг бўлиб қолибди. У зўрлик билан юришга ҳаракат қилса ҳам, кўз олдидаги озиқ-овқатлар, ичимликлар, рангба-ранг мевалар, умрида кўрмаган бу ажойиб хотинлар уни турган жойидан қимирлатмас эмиш. У худди ерга михлангандай қотиб, ўрnidан кўзғала олмабди. Хотинлардан бири: «Балки берган муз-димиз оз бўлгандир!» – дебди опасига қараб.

Опаси яна бир динор беришга буюрибди.

«Йўқ, – дебди ҳаммол, – берган музdlарингиз кам эмас, ортиқ. Лекин сизларнинг ёлғизлигингиз, сизларни овутадиган бирорта эркак йўқлиги хаёлимни чулғаб қўйди. Ахир иморат учун тўрт устун кераклигини ўзларингиз биласизлар-ку! Сизлар учун тўртинчиси етишмайди. Хотинларга эркаклар билан вақт ўтказишдан яхшироқ лаззат йўқ ахир, шоир айтгандай:

Рубобу чангу уду даф, суҳбатга мос тушмиш,
Муносибдир қизил гул, оқ гулу себарга бор бўлса.
Яна руҳдантиришга базмни, бир илтимос тушмиш:
Шароби арғувону гулшану гулчеҳра ёр бўлса.

«Сиз уч киши. Сизга тўртинчи – ақлли, зийрак, ўткир сир сақловчи бир эркак керак», – дебди ҳаммол.



«Биз хотинлармиз, – дейишибди улар, – сир сақлай олмайдиган кишиларга сиримизни билдиришдан қўрқамиз».

Сирингни сақламасанг, бошқа сенга сир айтмас,
Сени ҳалок қилур, элга фош этилган сир.
Туголмадинг сен уни, сир яна сенга қайтмас,
Биров нечук тутилсинки бу сир учун йўқ тадбир.

«Менинг эсим бор, – дебди ҳаммол, – ишончли киши-ман, кўп китоблар ўқиганман, тарихларни ўрганганман, яхшисини ошириб, ёмонини махфий тутувчиларданман».

Ишончли кишиларгина сирни сақлайдилар. Энг яхши одамлар наздида сир яшириндир:

Тутилса сир яширин: бу ишончнинг матлабидир,
Менимча сир: Бу – калитсиз бекик қулф кабидир.

Афтидан, ҳаммолнинг сўзларини эшитгач, хотинларда мойиллик пайдо бўлибди. Бекаси ҳаммолга қараб: «Сен биз билан ўтиришни истайсан. Лекин ўзинг биласанки, биз бу нарсаларга жуда катта пул сарф қилдик. Бу чиқимларга шерик бўлишинг керак! Сенда ҳеч нарса борми?» – дебди.

Хотинлардан бири: «Молсиз севги, сув оқмас куйдир-ги, деган гапни сен кўп эшитган бўлсанг керак», – дебди. Иккинчиси сўзга қўшилибди: «Бирор нарсанг йўқ эса, индамай жўна бу ердан!»

«Эй сингиллар, – дебди учинчиси, – уни қийнаманг-лар, бирор беадаблик қилгани йўқ. Бошқа биров бизнинг қаршимизда бунча сабрли бўлолмас эди. Бунинг ҳиссасини мен ўзим тўлайман».

Ҳаммол суюнганидан қуллуқ қилиб, ер ўпибди. Та-шақкур билдирибди.

– Бўлмаса, – дебди тахт устида ўтирган хотин, – биз сени бир шарт билан қолдирамиз. Сен оғир ва чидамли бўласан, сенга дахли бўлмаган нарсани асло сўрамайсан.



«Бош устига, – дебди ҳаммол, – шартларингизни жондилим билан бажараман. Мана, мен ҳозирдан бошлаб тилсизман».

Хотин ўрнидан туриб, май келтирибди. Дастурхон ёзиб, егулик ва ичимликларни ҳозирлабди. Кейин ўзи қаторга келиб ўтирибди. Хотин майни қуя бошлаганда, ҳаммол уларнинг ораларида ўтириб, ўзини худди туш кўраётгандек ҳис қилар эмиш. Биринчи, иккинчи, учинчи қадаҳни тўлдириб ўзи ичибди. Сўнг тўлдириб ҳаммолга узатар экан, шу байтни ўқибди:

Ичар бўлсанг агар май, завқ билан ич,
Даводир, дард билан ғамдан қилур тинч.

Ҳаммол қадаҳни қўлига олгач, миннатдорчилик билдириб, жавоб қайтарибди:

Шароб ўлган кишига жон бағишлар,
Тирикларга шифобахш, шўх насимдек.
Кийик кўзлар қўлидан ич демишлар,
Татир, ҳар қатраси дардингга эмдек.

Хотин қадаҳни тўлдириб, ўртанча синглисига узатибди. У қадаҳни қўлига олар экан миннатдорчилик билдирибди.

Яна қадаҳ тўлдирилибди. Бу сафар хотин қадаҳни тахтада ўтирган бекага узатибди. Сўнг яна тўлдириб, ҳаммолга тутибди. Ҳаммол ташаккур билан қизнинг қўлини ўпибди-да, шоирнинг шеърини мадҳ қилибди:

Узатсам нигорга шафақ ранг шароб,
Олиб қўлга, кулди, қилиб эҳтисоб:
Шаробга қўшибсиз юзим янглиғ ранг,
Ўғирлабмисиз ё юзимдан, қаранг!



Дедим: Тухмат этманг менга дилрабо,
Юзингизга бу ўхшамас мутлақо!
Пишибдир бу, оҳим шарори билан,
Қизармиш кўзим ашкбори билан.

«Эй маликам, – дебди ҳаммол хотинга яқин келиб. – Мен сенинг сотиб олмаган қулингман. Умрим борича хизматкорингман», – деб қуйидаги байтни ўқибди:

Эй, юраги тоза одам, яралишдан пок инсон,
Эй, азамат мева дарахт, марҳаматинг унутма.
Бечора қилсанг карам, қорни очга берсанг нон,
Унда ҳам бор сендек юрак, ундан ёмонлик кутма.

«Хотиржам бўл, тинчлан, соғлиқка кўтар, яхши йўлдан борарсан», – дебди хотин қадаҳни узатиб. Ҳаммол қадаҳни олиб, хотиннинг қўлидан ўпибди. Тахтдаги хотин ҳам қадаҳ кўтарибди. Кейин тахтдан тушиб, сингиллари ёнига ўтирибди. Ичишибдилар. Ўйин тушибдилар, кулишибдилар, шеър ўқишибдилар, қасидалар, ашулалар айтишибдилар.

Қисса шу ерга келганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоясини тўхтатди.



Ўнинчи кеча

– **Э**й саодатли шоҳ, – деб сўз бошлади Шаҳризод, – ўпишибдилар, қучишибдилар, чимчилашибдилар, туртишибдилар, бир-бирларини йиқитишибдилар. Бири бирини урибди, бири иккинчисини шапалоқлабди, иккинчиси унга гул келтирибди. Ҳаммол жуда ҳам завқли вақт кечирибди. У ўзини худди жаннатдаги хурлар орасида ҳис қилар эмиш. Хотинлар ҳаммолга: «Қани тайёрлан, йўлга туш! Орқангдан томоша қилайлик», – дебдилар.



«Менга бу ердан чиқишдан кўра танамдан жоним чиқиши осонроқ, – дебди ҳаммол ялиниб, – эрталабгача суҳбатлашайлик, эрта билан ҳар ким ўз йўлига, ўз ишига кетар».

Бозорчи хотин орага тушибди. «Келинлар, – дебди у опаларига, – бу киши хушчақчақ, сўзга чечан, эҳтиёткор одам экан. Яна шундай бир одамга йўлиққаннимизча ким бору, ким йўқ. Шу кеч қолишига рухсат этинлар!»

Сен бу кеч бир шарт билан бизда қолишинг мумкин дейишибди улар, бизнинг буйруғимизга томоман бўйсунасан. Кўрганларинг тўғрисида ва уларнинг сабаблари ҳақида ҳеч нарса сўрамайсан!

«Яхши, – дебди ҳаммол. «Ўрнингдан туриб, эшикка ёзилган хатни ўқи», – дейишибди улар.

Ҳаммол туриб, эшикка томон юрибди. Эшик устига олтин ҳал билан қуйидаги сўзлар ёзилган экан:

Бу ерда, ўзига дахли бўлмаган сўзга аралашувчилар, ўзлари кутмаган жазога учрайдилар.

«Сизлар гувоҳ бўлинглар. Дахлсиз нарсалар ҳақида оғиз очмайман», – дебди ҳаммол.

Ўтиришибдилар. Шам ёқилиб, уд тутатилибди. Яна дастурхонга ўтириб, суҳбатни давом эттираётган эканлар, шу чоқ эшик тиқиллабди. Хотинлардан бири эшикни очиш учун ўрнидан турибди. Эшик олдига борибди-ю:

«Бу кеч жуда ажойиб, жуда шодлик кеч», – деб қайтибди. «Нега? Эшик тақиллатган ким?», – деб сўрашибди улар. «Учта мусофир, – дебди у давом этиб. – Учови ҳам соқол, мўйловларини қирдирган. Шуниси қизиқки, учовининг ҳам чап кўзи кўр. Чехралари ҳам кулгили, ўзлари Арзирумдан, Бу шаҳарга биринчи марта келаётган эканлар, йўл адашиб, тақиллатган эканлар».

«Чақир, лекин сўралмаган нарса ҳақида гапириб, сўнг хафа бўлмасликларини шарт қил!» – дебди бека суюниб.

Шундан сўнг бири эшикка чиқиб уларни бошлаб келибди. Улар киргач тиз чўкиб, таъзим қилибдилар. Қиз-



лар ҳам уларни қарши олиб, жой кўрсатибдилар. Улар ўтиргач, аҳволни кўздан кечирибдилар. Ҳаммаёқ ораста, хотинлар ҳам улуғвор, шоҳона аёллар эмиш. Ҳаммолга кўз ташлабдилар, у сархуш эмиш. Улар ҳаммолни бир-бирларига кўрсатиб:

«Бу ҳам бизга ўхшаган йўловчига ўхшайди», – дебдилар.

Бу сўзни эшитгач ҳаммол, кўзларини олайтирибди: «Беҳуда сўзлагунча жим ўтириш маъқулроқдир. Эшикдаги хатни кўрмадингларми?» – деб танбеҳ берибди у.

Қизлар кулишибди.

Мусофирларга овқат келтирилиб, шароб узатилибди.

Қадаҳ айлангач, ҳаммол улардан:

«Бирор қизиқроқ ҳикояларингиз йўқми?» – деб сўрабди. Меҳмонларнинг ҳам бошлари қизиб қолган экан. Чолғу асбоблари бўлса, машқ қилиб беришларини билдирибдилар. Хотин уларнинг учовларига учта чолғу – даф⁶, танбур, чанг келтириб берибди. Бирлари даф, бирлари танбур, бирлари чангни олгач, созлаб чала бошлашибди. Қизлар ашула айтибдилар. Шовқин баланд кўтарилган пайтда, бирдан эшик тақиллабди. Дарвозабон хотин эшик очгани чиқибди.

Шу кечаси Хорун ар Рашид ўзининг Жаъфар ва Масрур исмили вазирлари билан шаҳар аҳволини билиш учун сафарга чиққан экан. Савдогарлар кийимини кийиб, баъзан шундай айланиш халифа Хорун ар Рашиднинг одати экан. Улар шу кеча шу уй олдида ўтиб кетаётган эканлар, тасодифан мусиқа товуши эшитилибди. Халифа Жаъфарга қараб:

«Мен бу уйга кираман. Бу товуш эгаларини кўраман», – дебди.

«Улар маст бўлса, кўнгилсиз воқеа юз бермаса деб кўрқаман», – дебди Жафар.

⁶ Даф – чилдирма.



«Албатта, кириш керак, – дебди халифа, – фақат қай йўсинда кириш тўғрисида ўйлаш керак».

«Бош устига», – дебди Жаъфар ва бориб эшикни қоқибди. Бир хотин киши чиқиб эшик очибди.

«Эй хоним, – дебди Жаъфар, – биз табар савдогарларидан бўламиз. Ўн кундан бери Бағдоддаги савдогарлар саройида турар эдик. Бу кеч бизларни бир бой меҳмонга чақирган эди, анчагина суҳбатлашиб қайтдик. Мусофирчилик, йўлдан адашдик. Марҳаматларингиз соясида бир оқшом ётиш учун жой берарсиз, деган умидда эшик тақиллатиб, тинчсизлангирдик».

Хотин буларга разм солибди. Улар яхши кийинган, кўринишлари ҳам салобатли эмиш. У опалари ёнига кириб воқеани баён қилибди. Ҳаммалари кенгашиб, мусофирларнинг киришларини мувофиқ топишибди. Хотин эшик очиб, уларни киритибди. Қизлар меҳмонларни туриб қарши олибдилар. Уларни ҳурмат қилиб, тўрдан жой кўрсатибдилар.

«Меҳмонларга роҳат ва фароғат бўлсин! – дейишибди аёллар. – Лекин нолойиқ сўз эшитмаслик учун сўралмаган нарса ҳақида гапирмасликларингиз шарт».

Улар «хўп», дебдилар. Ичкилик бошланибди. Халифа ўтирган қаландарларга кўз ташлабди. Учови ҳам бир хилда, чап кўзлари кўр эмиш. Халифа ажабланибди. Қизларни кўздан кечирибди. Улар ғоят чиройли эмишлар. Халифа ҳайрон бўлибди. Суҳбат давом этибди. Ичкилик навбатдаги халифага келиб, унга қадаҳ тутибдилар. У узр айтибди.

Хотин сакраб туриб ўрнидан турибди-да, олтин чакмали дастурхон келтирибди. Бир чиройли идишда қанд билан аралаштирилган лимон суви устига муз солиниб, алоҳида тайёрланган ичимлик келтириб қўйибди. Халифа миннатдорчилик билдирибди. Дилида бу абжир хотинни эртага мукофотлашга жазм қилибди. Суҳбатни давом этдирибдилар. Бошлари қизишгач, уй бекаси ту-



риб, меҳмонларга хушвошлик⁷ қилибди. У бозорчи хотиннинг қўлидан тутибди-да: «Қани келинлар, – дебди буйруқомуз,– қарзимизни бажарайлик!», «Яхши», – деб жавоб беришибди улар. Эшик очган хотин ўрnidан туриб, уни йиғиштира бошлабди. Қаландарларни бир тарафга, халифа, Жаъфар, Масрурларни бир тарафдаги ўриндиққа ўтқазиб, ҳаммолни чақирибди.

«Шундай ҳам камидрок бўладими киши,– дебди у ҳаммолга, ахир сен бегона эмассан-ку».

Ҳаммол ўрnidан туриб, белбоғини сиқиб боғлабди.

«Хўш, хизмат?» – дебди у.

Бозорчи хотин ўрnidан туриб, уй ўртасига узун ўриндиқ қўйибди-да, ҳаммолга қараб: «Менга ёрдам бер», – дебди.

У қараса, занжирга боғланган иккита қора ит турганмиш.

«Буларни етакла!» – дебди хотин. Ҳаммол занжирдан ушлаб уйнинг ўртасига келтирибди. Уй бекаси ўрnidан туриб, билакларини шимарибди-да, қўлига қамчи олиб:

«Бирини келтир!» – дебди ҳаммолга.

Ҳаммол итнинг бирини хотиннинг ёнига олиб борибди. Ит хотинга бошини силкитиб акиллармиш. Хотин итнинг бошига қамчи билан ура кетибди. Ит бўғилиб, қаттиқроқ акиллабди.

Ахийри беканинг қўли қамчини тута олмас даражада толибди. У қамчинни улоқтирибди-да, итни кўкрагига босиб, бошларидан ўпибди, кўз ёшларини артибди.

«Буни ол, иккинчисини келтир», – дебди хотин ҳаммолга. Ҳаммол иккинчисини келтирибди. Хотин уни ҳам аввалгидай азоблабди. Халифа тинчсизланиб, юраги сиқилибди. Бу икки ит ҳодисасини билиш учун сабрсизлана бошлабди. У Жаъфарга бу фикрни имо билан англабди. Жаъфар халифага юз ўгириб, ишорат билан гап

⁷ Хушвошлик – хуш кўрдик демак.



кўзғамаслик зарурлигини билдирибди. Уй бекаси бозорчи хотинга:

«Тур, вазифангни бажар», – дебди, – «Яхши», – дебди у.

Уй бекаси ўрнидан турибди, эшик очган хотинга қараб: «Қани, нима бор, беринглар», – дебди.

Эшик очувчи туриб, уй бекаси яқинидаги ўриндиққа ўтирибди. Бозорчи хотин туриб, бир уйга кирибди-да, атласдан тикилган филофда соз олиб чиқибди. У уй бошлиғи ёнига келибди. Филофдан чолғуни олибди-да, созлаб шу байтларни ўқибди:

Муродим васлингу мақсуд менда доимо сенсан,
Нечукким, ғуссаму дардимга бешубҳа даво сенсан.
Қораймиш рўзгорим, ҳажр ила бошимда минг савдо,
Бўлиб сендан жудо мен, бўйлаким, қилган жудо сенсан.
Менинг фаҳрим эрур ошиқлиғим, кўйингда, эй дилбар,
Демассен бир йўли кўнглим учун: ошиқ гадо сенсан.

Кетидан шу ғазални ўқибди:

Жунуний ишқ, ғолибликда номус пардасин йиртар,
Етаклар дашту саҳро сориға, беихтиёр элтар.
Тағофил пардасин йирт сен ўзинг, раҳму мурувват қил,
Қидирдим бир умр васлингни, сен ҳам бир йўли ахтар.
Сиримни фош қилди шум сиришк, халқ ичра, тинмасдан,
Жудолик етмагандек, бу маломатлар мени ўртар.
Кетиб ақлу ҳушим, истар сени қайларда, билмасмен,
Ўзим маъюс, кўзим шабкўр, тилим лолу қулоғим кар.
Муҳаббат шоҳи сен, қилгил адолат, бу мақомидир,
Мурувватпеша бўл, юмшоқ кўнгил бўлу ғарибпарвар.
Ҳамиша нозанинлар қаҳр этар ошиққа, қўрқамен,
Рақиблар фитнаси ғолиб чиқиб, ўлдирмасанг дилбар.
Қийин бўлди менга занжири меҳрингдан халос бўлмак,
Тараддуд айладим, бўлмас халос, тушдим яна бадтар.
Кўрармен сувратинг кўз ёшларим акси жилосида,
Қачон боқсам анга, ёшим оқар, пажмурда тан титрар.



Бўшашмас бу кўнгил, ҳажрингда юз бор оҳ-воҳ чексам,
Жудолик бу кўнгилни қийнару оҳ ургали қистар.
Эмас Лайлонинг ишқи, Қайсни саҳрода кездирган,
Тоғиб, таълим олай деб ишқ дарсидан, мени истар.
Шароби антаҳуринг даъватин қўй, қилма, эй соқий,
Нигоҳ эт қайрилиб, шу бас менга, эй нозанин соғар.

Уй бекаси бу ғазални эшитиб, ҳаяжонга тушибди.
Оҳ-воҳлар билан ҳушдан кетибди. Ёқасини чок қилиб,
ихтиёрсиз йиқилибди.

Шу пайт халифа унинг баданида қамчи изларини
кўриб, ниҳоятда ҳайрон бўлибди. Ҳамма ўтирганларнинг
ҳам кўнгли ғаш бўлибди. Қандай сир борлигига ҳеч ким
тушуна олмабди, халифа Жаъфарга қараб:

«Бу хотиннинг баданидаги қамчи изларини ўзинг ҳам
кўраётгандирсан? Бу икки қора ит воқеаси ва бу хотин
аҳволини билмагунча кўнглим тинчимайди», – дебди.

«Эй халифам, – дебди Жаъфар, – ахир улар бизга
дахлсиз нарса устида сўз юритмасликни, акс ҳолда кўнгилсиз
гап эшитиб, ўпкаланмасликни бошида шарт қилдилар-ку!»

Шу орада уй бекаси хотинларга:

«Яқинроқ келинг, вазифангизни бажаринг! – деб хи-
тоб қилибди.

«Жоним билан», – деб жавоб беришибди улар. Бо-
зорчи хотин созни кўкрагига қўйибди-да, бармоқларини
тор қиллари устида ўйнатиб, шу ғазални ўқибди:

Уни севган ўзинг, кўрмай эзилсанг энди не чора,
Умид этким, келиб, кўрсатса шафқат сен учун, зора.
Муҳаббат шарҳини, мушкул эрур сенга изоҳлашга,
Биров васл иладир мамнун, биров ҳажр ила овора.

Соғинмоқ касб эмас, гулчехралар касби тағофилдир,
Яқин борсанг анга, ноз айлагай у сенга тобора.
Ўзим ёлғиз дема, ул ёр ҳуснининг харидори,
Вафосизлар солур ҳар доимо ҳуснини бозора.



Газал тамом бўлмасданоқ, бека яна аввалги ҳолатига тушибди. Кийимларини йиртибди, кейин оқ уриб, ҳушсиз йиқилибди. Хотин унинг юзига сув сепиб, бошқа кийимлар кийгизибди-да, кўтариб ўрнига ўтқазибди.

Уй бекаси ўтирган ерида: «Қарзимни тамомла, бут қил!» – дебди.

Хотин созни қўлига олиб, байт ўқишда давом этибди:

Ҳимоя айла эй ёр, мен каби зор, беҳимоянгни,
Кутурмен интизорлик ила инсофу риоянгни.
Кўришмоқ бўлди мушкул мен учун, эй қомати шамшод,
Тушир бошимга лутфан, гоҳ– гоҳ ўтганда соянгни.

Тараххум қил менга бир бор, майли сўнгра қурбон мен,
Рамаққа етди жон, тортарда жаври бениҳоянгни.
Ўтар, тақдирга тўнкаб моху солим, бу қаро бахтим,
Бунга боис ўзинг, ҳеч кимга айтмайман ҳикоянгни.

Бу байтларни эшитган уй бекаси кийимларини пора-пора қилибди. Яна ҳушсиз йиқилибди. Қамчи излари баданининг ҳар еридан очиқ кўриниб турган эмиш. Қаландарлар ҳам таъсирланибдилар:

«Бу уйга кирмаган бўлсак кошки эди», – деб ачинишибди улар. Халифа қаландарлардан: «Нега?» – деб сўрабди. «Дилимиз вайрон бўлаётир», – дебди улардан бири.

«Ҳали сизлар бу уйдан эмасмисизлар?» – дебди халифа.

«Йўқ, – дейишибди улар, – бу уйни ҳозиргина кўриб турибмиз».

Бу сўзни эшитган халифа ҳайрон бўлибди.

«У киши-чи, – дебди халифа ҳаммолни кўрсатиб, – балки бу ҳодисаларни у билар?»

«Мен боғдодликман-у, лекин умримда бу хонадонга биринчи маротаба киришим. Бу ерда бўлишимнинг ўзи



ажойиб», – дебди ҳаммол. «Биз сени шу уй кишиси деб ўйлаган эдик. Маълум бўлдики, сен ҳам бизга ўхшаш бегона экансан», – дейишибди улар.

«Биз етти кишимиз, – дебди шунда халифа, – улар учта хотин, холос. Воқеани сўранглар, яхшиликча айтмасалар, зўрлаб бўлса ҳам айттирамиз».

Жаъфардан бошқа ҳаммалари бу фикрга қўшилибдилар.

«Бу ҳақда менинг фикрим бошқачароқ, – дебди Жаъфар. – Бу фикрдан қайтинглар. Ахир биз буларга меҳмонмиз. Улар бизга шарт қўйдилар, биз кўндик. Бас, бизга бу ишни қўзғатишдан жим қолиш афзалроқдир».

«Тонг отишига оз қолди. Биз ҳар биримиз ўз йўлимизга кетамиз! Эртага уларни чақиртириб, тарихини сўраймиз, – дебди халифага Жаъфар имо билан.

Халифанинг аччиғи келибди: «Буларнинг сирларини кечиктиришга тоқат йўқ! Ҳеч бўлмаса қаландарлар сўрасинлар», – дебди у.

«Мен бунга қаршиман», – дебди Жаъфар.

Улар бу ҳақда узоқ сўзлашибдилар. Ахири кимнинг сўраши тўғрисида гап қўзғалибди. Ниҳоят, ҳаммол сўрасин, деган қарорга келибдилар.

Бирдан «Нима шивир-шивир?!» – деб сўрабди уй бекаси хитоб билан улардан.

Ҳаммол унга тикилиб:

«Булар, – дебди ҳаммол, – у итлар воқеасига қизиқаётирлар. Уларни уриб қийнадинг, сўнг ўпиб кўз ёшларини артдинг, сабабини сўзлашингни илтимос қилаётирлар».

«Тўғрими?» – деб сўрабди уй бекаси.

Жаъфардан бошқа ҳаммалари: «Тўғри», – деб тасдиқлашибди.

«Эй меҳмонлар, – дебди хотин, – сизлар мени қаттиқ ранжитдинглар! Ахир биз сиз билан, дахлсиз нарсани сўрамасликка шартлашган эдик-ку! Уйимиздан жой бердик. Боримизни қўйиб кутдик. Сизлар айбли эмас, сизларни киритишга рухсат этган биз айбли».



Кейин бека дарҳол қўлларини шимариб, уч маротаба ерни урибди.

«Шошилинглар», – деб бақирибди у. Бирдан даҳлиз эшиги очилиб, қўлларида қилич яланғочлаган етти қул чиқиб келибди.

– Бу оғзи бўшларнинг, – дебди хотин қулларга, – қўлларини орқасига қилиб, бир-бирига боғланг!

Улар боғлабдилар.

«Гарданларини узишга буюринг, муҳтарам бекам, – дейишибди улар. «Тўхтанг», – дебди бека, – «Уришдан олдин булардан баъзи нарсалари сўрай». Гап тамом бўлмасданоқ, ҳаммол ёлвора бошлабди.

«Эй хўжам,– дебди у титраб-қақшаб, – бошқалар гуноҳи учун мени ўлдирма! Мендан бошқа ҳаммалари гуноҳ қилдилар. Худо ҳаққи, шаҳримизни хароб қилиш учун келган бу шум қадам қаландарлар бўлмаганда, кечамиз, албатта, яхши ўтар эди».

Ҳимоя айласанг-чи, мен каби зор, беҳимоянгни,
Афв эт эй улуг зот, айла инсофу риоянгни.
Бировлар чун мени қурбон қилурга кўп шитоб этмай,
Тушир бошимга лутфан, гоҳ-гоҳ ўтганда соянгни.

Ҳаммол сўзини битиргач, бека кулибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўн
биринчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб сўз бошлабди Шаҳризод,– бека кулибди. У мусофирларга қараб шундай дебди: «Ҳаммангиз ўз тарихингизни сўзлангиз, фақат бир соатгина умрингиз қолди. Агар юрт катталари, амалдорлар, қозилар бўлмаганингизда бунчалик ботирлик қилолмас эдиларингиз».



«Надомат сенга, – дебди халифа Жаъфарга, – бизларни танит! Бўлмаса беҳуда ҳалок бўлишимиз мумкин».

«Қулингизман, сизга муносиб аҳвол шу», – дебди Жаъфар халифага.

Халифа бақирбди: «Ҳазилнинг вақти бор. Иш чатоқлашмасин. Олдини олиш керак».

Шу фурсатда бека қаландарлар ёнига бориб, улардан: «Сизлар ака-укамисизлар?» – деб сўрабди.

«Йўқ – дебдилар улар, бизлар фақир мусофирлармиз». «Сен туғма кўрмисан?»– дебди уларнинг бирига бека. «Йўқ»,– дебди у,– мен бошишдан ажойиб ҳодисалар кечирган одамман. Қўзим ҳақидаги воқеа нина билан кўз оқиға ёзарлик ибратомуздир.

Бека, иккинчи, учинчи қаландардан ҳам сўрабди. Булар ҳам худди биринчи биродарларидек жавоб берибдилар.

«Эй маликам, – дейишибди улар, – ҳаммамиз ҳар томонданмиз, ҳар биримиз ер-сувлик, қуллик-қўлончилик ҳукмдорлар, шаҳзодалармиз». Гап шу ерга етганда хотин: «Ҳар ким ўз ҳикоясини ва бизга келиш сабабини сўзласин», – дебди.

Дастлаб ҳаммол сўз бошлабди:

«Эй бекам, – дебди у, – мен ҳар кимларнинг юкини кўтариб кун кўрувчи ҳаммолман. Бу хотин мени бозорда кўриб, менга юк орқалатди. Қассобдан, аттордан, шакарпаздан, баққолдан, мева дўконларидан олинган нарсаларни орқалаб келганимни ўзингиз ҳам кўрдингиз. Бу ердаги воқеа ҳам ўзингизга аён. Менинг воқеам шул.

Хотин кулибди-да:

«Бошингни қутқаз, жўна!» – дебди ҳаммолга.

«Ўртоқларим воқеасини эшитмагунча кетмайман», – дебди ҳаммол.

Биринчи қаландар сўз бошлабди.



БИРИНЧИ ҚАЛАНДАР ҲИКОЯСИ

Менинг отам шоҳ эди. Отамнинг укаси ҳам бошқа бир шаҳарда шоҳ эди. Тасодиф бўлиб амакимнинг ўғли билан бир кунда туғилибман. Ойлар, йиллар ўтиб биз улғайдик. Баъзан амакимни кўргани борар эдим. Бир қанча ойлар у ерда қолар эдим. Шу одат бўйича бир навбат амаким зиёратига бордим. Амакимнинг ўғли мени яхши қарши олди. Беҳад ҳурматлади. Қўй сўйди. Ичимлик тайёрлатди. Ичишиб ўтиришган эдик, кайфимиз ошди. Амакимнинг ўғли менга қараб:

«Сенга муҳим бир илтимосим бор, қаршилиқ қилмаслигингни сўрайман», – деди.

«Бош устига», – деб жавоб бердим мен. Қасам билан бу ваъдамни таъкидлатди. Шу замонқ ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Бироз ўтгач, қайтиб кирди. У билан бирга бениҳоя қийматли кийим билан ясанган бир хотин ҳам бор эди.

Амакимнинг ўғли менга яқин келди. Хотин унинг орқасида турарди. У менга бир гўристонни тайин қилди. Хотинни олиб тайинланган мақбарада мени кутишга буюрди. Қаршилиқ қилмадим. Онт ичганим учун қаршилиқ қилишим мумкин ҳам эмас эди. Хотин билан йўлга тушдим. У билан бирга тайинланган жойга бордик. Мақбарага кирдик. Эндигина ўтирган эдик, амакимнинг ўғли етиб борди. Қўлида бир тосда сув, бир халтада ганч ва теша бор эди. Тешани олди-да, гўристон ўртасида бир сағана олдига келди. Сағанани очди. Фишларини бир ёққа тўдалади. Сўнг теша билан қабр тагини қазий бошлади. Худди кичик эшикчадай темир қопқоқ очилди. У ерда пастга тушиш учун нарвон бор экан. Амакимнинг ўғли хотинга қараб: «Истаганинг тайёр», – деган эди, хотин нарвондан тушди.

У менга тикилиб:



«Ваъдага вафо қил, мен тушгач, темир қопқоқни жойига қўй, устидан тупроқ тортиб, қабрни аввалгисидай қилиб кўм. Мана бу сув билан тупроқни қўшиб қориштир, гишлар устидан худди илгаригисидек қилиб сува. Шундай қилки, ҳеч ким эски гўр очилибди, деб шубҳаланадиган бўлмасин. Мен бир йилдан бери шуни очиб, ёпиб иш қиламан, ҳеч ким сезмайди. Сендан ўтинадиган илтимосим шу».

Шундан сўнг у нарвондан пастга тушиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен темир қопқоқни ёпиб, устидан тупроқ тортидим. Янги сувалганини ҳеч ким сезмайдиган қилиб, ганч билан сувадим. Ишқилиб, нима буюрган бўлса қилдим. Мастлардек гаранг эдим. Амакимнинг саройига қайтдим. Мен ётиб ухладим. Тонг отди. Кечаги воқеа хаёлимни чулғар эди. Бу ишга кўнганимга пушаймон қилардим. Гўристонга бордим. Кечаги қабрни изладим, бироқ таний олмадим. Биридан иккинчисига ўтиб изладим, кеч бўлди. Тополмай, саройга қайтдим. Емадим ҳам, ичмадим ҳам. Унинг ҳоли нима кечди деб, фақат амакимнинг ўғли тўғрисида хаёлга чўмардим, эзилардим. Кечани ҳам шундай кечирдим. Эртасига яна гўристонга бордим. Кечгача ҳамма ёқни ахтардим. Тополмадим. Етти кун шундай ўтди. Тополмадим. Ташвишим ортди. Тамоман ақлдан озиб қолмаган бўлсам ҳам, эсим кирарли-чиқарли даражага етган эди. Ўз юртимга, отам олдига қайтишдан бошқа чора топмадим.

Отам юртига боришим биланоқ, шаҳар дарвозасида бир қанча кишилар мени ўраб олиб, қўлларимни орқамга қилиб боғладилар. Бу ишга ҳайрон эдим. Ахир шаҳар шоҳининг ўғли бўлсам, булар отамнинг хизматкорлари – қуллари бўлсалар-да, менга шундай муомала қилсалар, деб кўнглим ғаш бўлди. Хавф босди. Отамга бир ҳодиса бўлганми, деб ташвишландим. Мени олиб борувчилардан сабабнини сўрадим. Лекин улар жавоб бермадилар. Анчадан сўнг улардан бири (у менинг хусусий хизматко-



рим эди) менга: «Замон отангни тахтдан ҳайдади. Унга қарши аскарлар қўзғалди, вазир уни ўлдирди ва ўрнига ўзи шоҳ бўлди. Бизлар унинг фармонига мувофиқ сенинг келишингни пойлар эдик», – деди.

Эсим оғди. Ўзимни йўқотдим. Улар мени вазирнинг олдига олиб бордилар. Мен билан вазир орасида эскидан бир адоват бор эди. Адоватнинг сабаби шу эдики, мен камалак билан ғўлак отишни ҳаддан ташқари яхши кўрар эдим. Бир куни сарой томида камалак билан турган эдим, бирдан вазир саройининг томига бир қуш келиб қўнди. Вазир ҳам у ерда турар эди. Қушга ғўлак отдим, ғўлак бориб вазирнинг кўзига тегди. Бир кўзини нобуд қилди.

Лекин отамдан ҳайиқиб, вазир бир нарса дея олмади. Шундан сўнг вазир менга бошқачароқ қарай бошлади. Лекин вазир бу ҳолни отамдан ҳайиқиб сездирмас эди. Бугун унинг қўлига тушдим. Қўлим орқамга боғланган ҳолда унинг олдига турар эдим. Бошимни узишга буюрди:

«Нима гуноҳим учун мени ўлдирасан?» – деб сўрадим.

«Бундан ортиқ қандай гуноҳ бўлади», – деб кўзини кўрсатди.

«Уни атайлаб қилмаган эдим-ку», – дедим.

«Сен атайлаб қилмаган бўлсанг, мен атайлаб қиламан», – деди.

Мени унинг ёнига олиб бордилар. Бармоғини ўнг кўзимга тиқиб олди. Шу кундан бошлаб, кўриб турганингиздек ёлғиз кўз бўлиб қолдим. Сўнг оёқ-қўлларимни боғлаб, сандиққа жойлатди-да, жаллодга:

«Қиличингни қайра, буни шаҳар ташқарисига олиб бориб, калласини ол-да, итлар, қушларга ҳадя қил!», – деб буюрди.

Жаллод мени олиб кетди. Шаҳардан чет бир яланг жойга олиб бориб, сандиқни очди. Оёқ-қўлларим чамбарчас боғлиқ эди. Жаллод кўзимни боғламоқчи бўлди. Мен қаттиқ йиғладим. Кўз ёшларим жаллод кўнглини



бўшаттирди шекилли, у ҳам кўзига ёш олди. Шунда мана шу байтларни ўқидим:

Мен сени душманга ўқталган қуролим деб эдим,
Сен қурол бўлдинг, сени ағёр ўқталди менга.
Заҳри ҳажрингдан аминман, шаҳду болим деб эдим,
Ажратиб сендан рақиблар, заҳрини солди менга.
Ҳасратим тинглашга бир дам бемалолим деб эдим,
Оҳким, қаҳринг ҳамиша келди, кўзғалди менга.

«Кошки ихтиёр менда бўлса. Ўзингга маълумки, мен эрксиз қулман», – деди. Бироз ўйлаб, сўнг: «Хайр, майли. Бор ўзингни қутқаз! Бу ерларга оёқ босма! Бўлмаса ўзингни ҳам, мени ҳам ҳалок қиласан», – деди.

Жаллоднинг қўлларини ўпдим. Қутулганимга ишонмас эдим. Кўздан ажралганимга парво ҳам қилмай қўйдим. Йўлга тушдим. Амакимнинг шаҳрига етдим. Отам воқеасини, ўз кўргулигимни, кўзимни ўйиб олганларини ва бошқаларни бирма– бир сўзладим. Амаким ўз ғамини айтиб:

«Ғамимга ғам қўшдинг, аламимга алам, – деди у йиғлоқ товуш билан, – бир неча кундирки, сенинг жигаринг – менинг ўғлим йўқолди. Изламаган жойим қолмади. Ҳеч ким била олмайди», – деб йиғлаб ўзидан кетди. Ихтиёрсиз, мен ҳам йиғига қўшилдим. Афтидан, у менинг кўзимга даво қилмоқчи бўлди. Қарадики, бефойда, сўнг менга:

«Бир кўзинг билан қутулибсан, хафа бўлма, қолган жонинг фойда», – деди.

Мен амакимнинг ўғли тўғрисида жим қола олмадим. Бўлган воқеани батафсил сўзладим. Амаким хурсанд бўлиб:

«Бирга борамиз, менга кўрсат», – деди.

«Қаерда эканини билмаслигимни, шу воқеадан сўнг бир неча қайта борганим, излаб топа олмаганимни ай-



тдим. Кейин амаким билан гўристонга бордик. Ўнгу сўлга қарадим. Аниқладим. Шунча излаганда топилмаган бу жойнинг осонгина топилганига хурсанд бўлдик. Амаким ҳам суюнди. Амаким билан мақбарага кириб, тупроқни тортишдик ва темир қопқоқни кўтардик. Бирга нарвондан пастга тушдик. Эллик зина босиб охирига етай деганда, қуюқ тутунга кўмилдик. Кўзларимиз хираланди. Тимискилаб битта-битта йўл босдик. Ҳар хил дон ва бошқа озиқ-овқатлар қопларга тираб қўйилган бир уйга етдик. Унинг ўртасидаги тахтга парда тутилган эди. Амаким тахтда ўғли ва у билан бирга тушган хотинни кўрди. Улар бирга ётар эдилар. Ҳар икковлари ҳам, хандақда атайлаб куйдирилгандек қоп-қора кўмирга айланган эдилар. Буни кўргач, амаким ўғлининг юзига тепди-да, ғазаб билан:

«Сенинг жазонг шу эди!» – деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўн
иккинчи
кеча

– Эй, саодатли шоҳ, – деб сўз бошлади Шаҳризод. – Қаландар ҳикоясини давом эттирибди. Хотинлар, халифа, Жаъфар ва бошқалар тинглабдилар.

«Амаким ўғлини топди. Мен ҳайрон бўлдим. Куйиб ёндим. Ахир шундай йигит, шундай жувонни бу ҳолда кўргач, куймай бўладими? Амакимга:

– Бу азоб етмасидики, сиз унинг устига чиқиб тепасиз! – дедим.

– Эй биродарзодам, – деди у, – ўғлим жуда ёшлиқдан ўз сингисини севди. Мен уни бу йўлдан қайтариб, бир-биридан узоқ сақладим. Ўзимча, ҳали сағирлар, дер эдим. Катта бўлишгач бир-бирлари билан қовушишди. Эшитдим, тасдиқламадим. Лекин қаттиқ танбеҳ бердим:



«Бунгача ҳеч ким қилмаган, бундан сўнг ҳам ҳеч ким қилмайдиган жиноятдан сақлан! Бўлмаса ўлгунимизча эл-юрт орасида бу исноддан қутула олмаймиз. Ҳамма бизга лаънат ўқийди. Агар шундай иш бўлса ёмон азоб бераман, қийнаб ўлдираман», – дедим.

– Ифлос синглиси ҳам акасини беҳад севар эди. Бибировларини кўриша олмагач, ўғлим ер остидан ўзига жой ҳозирлабди. Ўзинг кўрганча у ерга озиқ-овқат тўплабди. Овга кетганимдан фойдаланиб, бу ерга келишибдию, жазоларини тортишибди, – деди-да, ўзини тўхтатолмай, яна йиғлай бошлади. Мен ҳам йиғладим, бирдан амаким:

– Энди унинг ўрнига сен ўғил бўл, – деди. Мен анча вақт дунё ҳодисалари устида фикрга чўмдим. Отамнинг вазири томонидан ўлдирилиши, унинг ўрнига вазирнинг шоҳ бўлиши, кўзимни ўйиши, амаким ўғлининг ажойиб воқеаси, ҳаммаси бирин-кетин кўз ўнгимдан ўтди. Йиғладим. Сўнг биз юқорига чиқдик. Қопқоқни ўрнига қўйдик. Тупроқ тортдик. Қабрни олдинги ҳолига келтириб, суваб, жойимизга қайтдик.

Ҳали ўтирганимизча ҳам йўқ эдики, ноғора, карнай-сурнай товушлари эшитилиб, ҳамма ёқни чанг-тўзон босди. Баҳодирларнинг бақир-қайқир-қилари, тўда-тўда отларнинг галма-гал кишнашлари, одамларнинг қий-чувлариди жуда яқиндан эшитиларди. Биз ҳайрон бўлдик. Шоҳ воқеани сўради.

«Биродарингизнинг вазири, – дейишди одамлар, – беҳисоб аскарлар билан келиб шаҳарга ҳужум қилди. Одамлар уларга бардош бера олмай шаҳарни топширдилар».

Агар чиқсам отамнинг аскарлари мени танийди, эларимни бир бурладан қилиб, қарға-қузғунга ташлайди, дер эдим. Отам воқеасини, онам хотирасини ўйлар, нима қилишимни билмас эдим. Кийимимни ўзгартириб, соқолимни қирдирдим ва шаҳардан четга қочдим. Воқе-



ани халифа Хорун ар Рашидга етказиш мақсадида бу шаҳарга йўл солдим. Кечаси шаҳарга кириб келдим. Қаёққа боришимни билмай, ҳайрон бўлиб ўтирган эдим, бир қаландар етиб келди. Унга салом бердим: «Борар жойим йўқ, мусофирман», – деган эдим, у менга:

«Мен ҳам сизга ўхшаш ғарибман», – деди. Шу орада учинчи ҳамроҳ етиб келди. У бизларга салом берди-да, мусофир эканини айтди. Бизлар ҳам унга ўзимизни танитдик. Уч ғариб йўлга тушдик. Қоронғилик босди. Юриш мумкин бўлмай қолди. Насиб сизларга элитди. Мана менинг соқол қирдиришим билан кўзимнинг нобуд бўлиш воқеаси.

«Бошингни қутқаз, жўна!» – дебди унга бека.

– Бошқа биродарларим воқеасини эшитмагунимча кетмайман, – дебди қаландар. Ҳаммалари ҳикояга ажабланибдилар. «Бундай воқеани энди эшитишим», – дебди халифа Жаъфарга.

Иккинчи қаландар кўзғалиб ер ўпгач, ҳикоясини бошлабди.

ИККИНЧИ ҚАЛАНДАР ҲИКОЯСИ

Мен шоҳ ўғли шаҳзода эдим, етти хил қироат билан Қуръон ўқир эдим. Энг катта олимларга дарс берардим. Илми нужумда, тиб илми, адабиётда ва бошқа илмларда замонанинг яғонаси бўлдим, ўз вақтида менинг олдимга тушар киши йўқ эди. Шуҳратим ҳам, таърифим ҳам бошқа мамлакатларга ёйилди. Дунё подшоҳларининг қулоғига ҳам етди. Ҳинд подшоҳи кўп ҳадя ва тортиқлар юбориб, отамдан мени сўради. Отам олтига кемани жиҳозлаб бизни кузатди. Роса бир ой дарёда кездик, дарё қирғоғига етгач, кемадаги от ва туяларни туширди. Ўнта туяни ясашиб, аталган тортиқни унга



юкладик. Бирозгина юрган эдик, ердан чанг-тўзон кўтарилиб, ҳамма ёқни қоплади. Кундуз соат бирлар чамаси эди, қарасак, элликта отлиқ келяпти. Улар темир совут кийишган, худди арслон каби ваҳимали эди. Улар йўл тўсувчи қароқчилар экан. Бизнинг озчилик эканлигимизни ва қимматли молларимизни кўриб, биз томонга от солишибди. Биз ишора билан ҳинд шоҳи ёнига кетаётган вакиллар эканимизни айтиб, озор бермасликларини сўрадик.

Улар: «Биз ҳинд шоҳига қарашли ҳам, унга тобе ҳам эмасмиз», – деб ҳужумга ўтдилар.

Кулларнинг бир қисми жангда ҳалок бўлди, бир қисми қочди. Мен ҳам қаттиқ ярадор бўлганимдан кейин қочдим. Қочган бўлсам ҳам қуруқ гавдамни қутқаздим, холос. Пул, бошқа бору йўқни қароқчилар тортиб олдилар. Қаёққа боришимни билмас эдим. Азиз эдим, хор бўлдим. Оёғим тортган томонга йўл солдим. Бир тоғ чўққисига чиқдим. Тонг отгунча ўша ердаги ғорда ётдим. Тонг отгач, яна йўлга тушдим, Омира деган обод шаҳарга етдим. У ерда қиш кетиб, баҳор келган, ҳар томон кўк майсалар, чечаклар билан безалган эди. Ариқларда сувларнинг шилдираб оқиши, гала-гала қушларнинг ёқимли сайрашлари кўнгилларга аллақандай шодлик бахш этарди. Шундай жойга етганимга севиндим. Ташвиш тортганим ва чарчаганимдан рангим сарғайган эди. Қаерга бош суқишимни билмас эдим. Муюлишда бир дўконга кўзим тушиб, унга яқинроқ бордим. Ташқаридан разм солсам, мошкичири соқолли, қотма бир одам тирсак камзулга жияк ўтқазар эди. Ичкари кириб, салом бердим. Қўл бериб кўришди-да:

«Хуш келдингиз», – деб ўрин кўрсатди.

Ўтириб фотиҳа қилдим. Қаёқдан ва қандай сабаблар билан келганимни сўради. Воқеани бошдан оёқ ҳикоя қилдим. Тикувчи менга ачиниб: «Зинҳор-базинҳор бу воқеаларни ҳеч кимга изҳор қилма!» – деди. Акс ҳолда



шаҳар шоҳидан жазоланишинг аниқ. Чунки у сенинг отангнинг ашаддий душмани, пайти келса ҳар нарса қилишдан ҳам қайтмайдиган киши.

Мен унинг гапларини тинглар эдим. Дастурхон ёзиб чой, нон келтирди. Бирга чой ичдик. Кечаси билан сўзлашиб ўтирдик. Кечқурун дўкони яқинидаги бир жойга олиб борди. Кўрпа– ёстиқ келтириб, менга жой ҳозирлади, уч кун у ерда турдим. Сўнг мendan: «Бирор ҳунаринг борми?» – деб сўради.

– Фатво илмига, китобат, чиройли ёзув илмига, ҳисоб, ҳандаса⁸ илмига ва бошқа илмларга моҳирман, – дедим.

«Бу илмларингга бизнинг жойда талаб йўқ. Бу шаҳарда илмлар эмас, ўқув, ёзувни билувчи кишининг ўзи йўқ. Бу шаҳардагилар фақат молни биладилар».

– Шу айтганларимдан бошқа ҳеч нарсани билмайман, – дедим.

«Бўлмаса, белингни маҳкам боғла, қўлингга болта билан ўроқ ол, анови яланг жойдан тўнка кавла! Бир тирикчилигинг ўтар, лекин сирингни ҳеч кимга билдирма! Ўлдирадилар», – деб таъкидлади.

Ўзи менга болта, арқон келтириб, ўтинчиларга қўшиб юборди. Уларнинг менга ёрдам кўрсатишларини илтимос қилди. Мен улар билан бирга ўтин олиб келишга бордим. Кечгача тўнка кавладим. Бир боғ ўтинни бошимга қўйиб бозорга олиб бордим. Ярим динорга сотдим. Пулнинг бир қисмини сарф қилиб, бир қисмини сақладим. Роса бир йил шу ҳолда кун кечирдим. Бир кун одатдагича тўнка кавлашга борган эдим, йўғон бир илдизга дуч келдим. Илдиз жуда пастга чўзилган экан, анча чуқур кавлашга тўғри келди. Бирдан болтанинг юзи бир темирга бориб теккандай бўлди. Яна чуқурроқ кавлаб, тупроқни юқорига тортдим. Ҳалиги темир ер остига ўрнатилган бир эшикнинг ҳалқаси экан. Эшикни кўтардим. Қарасам,

⁸ Ҳандаса – геометрия.



эшик остига нарвон қўйилган эди. Нарвондан пастга тушдим. Катта бир дарвоза бор экан. Дарвозадан ичкари кирдим. Ҳайҳот! Алоҳида зийнатлар билан банд қилиниб ишланган сарой экан. У ерда дилдаги ҳар қандай қайғу-қаламни емирувчи, ҳар қандай сўфининг аҳдини буздирувчи олижаноб бир хотин бор экан. Шундай ҳам кўркем инсон дунёда яратиларми, деб ёқамни ушладим. Икки букилиб, салом бердим. Хотин менга қаради:

«Жинмисан, одаммисан?» – деб сўради. «Одам», – дедим. «Сени бу ерга ким келтирди? Йигирма беш йилдан бери мен бу ерда яшаб, одам зотини учратмаган эдим», – деди.

Унинг жуда ёқимли сўзлари мени бутунлай мафтун қилди.

«Мени бу ерга бахт юлдузи юборди», – дедим. Бутун воқеани бошдан-оёқ ҳикоя қилдим. У менинг кулфатларимга ачиниб йиғлади.

«Мен ҳам ўз саргузаштимни сўзлаб берай», – деб қуйидагича ҳикоя қилди:

«Обнус жазираларининг эгаси – Афтимус деган шоҳнинг қизиман. Дадам мени амакимнинг ўғлига узатмоқчи бўлди. Никоҳ кечаси иблис Холаснинг набираси Жиржис ибн Ражмус деган дев мени олиб қочиб шу ерга келтирди. Кийим-кечак, зийнат асбоблари, ейиш-ичиш ва бошқа керакли нарсаларни ҳам шу ерда ҳозир қилди. Ҳар ўн кунда бир келади. Бир кеча кўниб ўз йўлига кетади. Кечми-кундузми бир зарурат юз берса, ана шу деворга ёзилган икки сатр устидаги қуббага қўлимни босаман. Бугун унинг кетганига тўртинчи кун. У яна олти кундан кейин келади. Менинг олдимда беш кун туролмайсанми? Келишидан бир кун олдин кетар эдинг.

Севинганимдан: «Яхши», – дедим. У ҳам хурсанд бўлиб ўрнидан турди. Қўлимдан ушлаб, гумбазли уйга олиб кирган эди, қарасам, жуда ҳам чиройли, озода бир ҳаммом экан.



Мен ечиниб, иссиқхонага кирдим-да, бироз ўтирдим. У ҳам ўтирди, ювиндик. Ҳаммомдан чиқдик. Хотин бир ўриндиққа ўтириб, мени ҳам ўтиришга таклиф қилди. Ширин сув билан овқат келтирди. Таомлардан еб, сўзлашиб ўтирдик. У менга: «Чарчагансан, ухлаб дам ол», – деди. Ётдим, бутун ташвишларимни унутдим. Миннатдорчилик билдириб ухладим. Кейин уйғондим. Қарасам, хотин оёқ томонимда ўтириб, оёғимни уқалар эди.

«Ер остида бир ўзим йигирма беш йилдан бери яшаб, жуда сиқилганман, сўзлашишга одам топа олмас эдим. Сенинг келишинг ажойиб бахт бўлди», – деб, қуйидаги шеърни ўқиди:

Айлаган чоғингда ташриф, билдириш лозим бўлур,
Чунки, бу кўз гавҳарим йўлга поёндозим бўлур.
Молу дунё тухфа этмоқликка етмас қурбатим,
Жонни мен тутсам, қабул этсанг, бу эъюзим бўлур.

Шеърни эшитиб, ҳадсиз қувондим. Унинг муҳаббати дилимга қаттиқ ўрнашди.

Кечани умримда кўрмаган шод ва ширинлик билан суҳбатлашиб ўтказдик. Ҳар иккимиз шод ва мамнуният билан суҳбат қилардик.

– Сени мудҳиш дев панжасидан, қоронғи зиндондан қутқазиб, ёруғликка олиб чиқмасдан қўймайман, – дедим. Хотин кулди.

«Шошилма, тинчлан, – деди у. – Ўн куннинг фақат бир кунида дев бу ерда бўлади. Қолган тўққиз кунини сен билан маишат қилиб ўтказамиз».

Мен уни қутқазишга белимни маҳкам боғладим. Гўё шу соатдаёқ қуббани боссам, дев келса-ю, у билан курашиб ўлдирсам дер эдим. Хотин бу шеърни ўқиди:

Фироқ отига миниб, сайр этишни ҳавас қилма,
Олиб кетар сени у, кўп йироқ-йироқларга.



Шошилма кўп, етасан, тез етишга интилма,
Сени дучор қилур ишқ, оғир фироқларга.

Таъсирчан шеър ҳам фикримдан қайтара олмади. Қуб-
бани босдим».

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя
айтишни тўхтатди.



Ўн
учинчи
кеча

– Эй, саодатли шоҳ, – деб давом этди
Шаҳризод, – қаландар ҳикоясини давом этти-
рибди.

«Қуббадан қўлимни олмасданоқ бирдан
ҳамма ёқни қоронғулик босиб, зилзила пай-
до бўлди. Чанг-тўзон кўтарилди. Мени хавф
босди. Хотин менга: «Сенга айтдим, кулоқ
солмадинг, мана, дев ҳам етиб келди. Энди ўзингни
қутқаз, келган йўлингдан жўна!» – деди.

Қўрққанимдан ковушимни, болтамни ташлаб, орқамга
қарамай қочибман. Иккинчи зинага қадам босганимни
биламан, ер ёрилгандай бўлди. Унинг остидан мудҳиш
ва даҳшатли дев чиқиб келди-да, хотинга қараб: «Нима
учун шунчалик қаттиқ ва шунчалик шошилиш хабар
қилдинг?» – деди. «Ҳеч нарса бўлгани йўқ, фақат юра-
гим сиқилди, кўнгил кўтариш учун бироз май ичдим,
бошим оғирлик қилиб йиқилдим, бошим қуббага тегди,
– деди хотин: «Алдама олчоқ, хоин», – деди дев бўки-
риб, ўнгга, чапга қараган эди, кўзи болта билан ковушга
тушди:

«Бу нарсалар шубҳасиз одам келаганидан хабар бера-
ди. Ким келди? Айт!» – деди дев бақириб.

«Мен ҳозиргина кўриб турибман, балки улар ўзинга
илашиб келгандир», – деди хотин. «Бу беъмани гапларни
қўй! Бу гаплар билан мени алдай олмайсан, ростини
айт», – деди дев. Кейин у ғазаб билан хотиннинг бўйни-



га сиртмоқ солиб, сиқа бошлади. Хотиннинг алам дийда йиғисини эшитиш менга ғоят оғир эди, тоқат қилолмадим. Титраганимча юқорига кўтарилдим. Эшикни аввалгисидай қилиб беркитдим ва тупроқ тортдим. Қилган бу номаъқулчилик ишимга ўзимни-ўзим койир эдим. Бечора хотин, унинг ҳусни, малъун дев унга қандай азоб бераётгани кўз олдимдан бир дам нари кетмасди. Йигирма беш йилдан бери у билан яшаган бўлса ҳам, хотин азобланмаган эди. Энди-чи, мен ақлсизнинг дастидан азобланаётир, деб куйинардим. Эсимга шу байт келди:

Фалак етурса жафо сенга, тортмагин ташвиш,
Бўлурсан эртага шод, бу фалак фани шу эмиш.

Тикувчи биродарим томон йўл олдим. Мени кутаётган экан. Мени кўриши биланоқ ўчоққа ўт қалади.

«Кечадан бери сендан хавотир олиб, кўнглим нотинч эди, – деди тикувчи, – ваҳший ҳайвонлардан ёки бошқа бирор нарсадан кулфат етмаганмикан деб хавфда эдим». Кейин у қозиққа илиғлиқ олача тўннинг ёқасини йўрмай бошлади. Унинг ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдириб, ўз ҳужрамга кирдим. Бошдан ўтказган воқеаларни ўйлай бошладим. Қуббани босиб ақлсизлик билан қилган ишимга пушаймон бўлдим. Биродарим тикувчи кириб келди.

«Дўконга сени ажамлардан бир киши сўраб келди, – деди у, – унинг қўлида сенинг кавушинг, болтанг бор, афтидан, у киши эрталаб намозга кета туриб ковуш билан болтани йўлдан топиб олган бўлса керак. Одамлардан сўраганда, улар сенинг турар жойингни кўрсатиб берганлар. Ҳозир у одам дўконда. Бориб нарсаларингни ол-да, у кишига миннатдорчилик билдир!»

Бу сўзни эшитганимдан кейин рангим оқарди. Аҳволим ўзгарди, чеҳрамда қўрқув аломатлари пайдо бўлди.



Шу орада, билмадим ерданми, осмонданми, қаердандир ҳалиги киши кириб келди. Қарасам, ўша дев. Хотинга даҳшатли азоб берган бўлса ҳам, ундан аниқ бир нарса била олмабди. Ковуш билан болтани қўлга олиб: «Агар мен иблис зурриётидан, Жаржис бўлсам, бунинг эгасини топмагунча қўймайман», деб қасам ичган экан. Тўппатўғри одамлар ёнига келиб, ковуш билан болтани йўлдан топганини айтибди. Улар мени кўрсатишган экан – ҳужрамга кирди-ю, бирдан мени кўтариб учди. Юқори кўтарилди, сўнг пастга шўнғиб, ерга тушди. Мен ўзимни йўқотаёзган эдим. Мени хотин ўтирган уйга олиб кирди. Бечора хотиннинг бутун аъзои бадани қонга бўялган эди. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. Хотинни судраб ёнимга келтирди.

«Эй хотин, ошиғинг», – деди у бўкириб.

Хотин менга қаради-да: «Мен буни танимамайман. Буни фақат ҳозир кўриб турибман», – деди. «Бўлмаса, деди дев, – қилични олиб, унинг бўйнини уз!»

Хотин қилични олиб, менга яқин келди. Қошим билан унга ишора қилдим. Кўз ёшларим мўлдираб оқар эди. Ишорани сизди. Менга имо билан «Шу ташвишлар сенинг дастингдан», дегандай бўлди.

«Кечиринг», – дедим. Қалб тили билан шу шеърни ўқиди:

Кўнгул сирига тилим гоҳ таржимонлик этар,
Сиримни фош этар халқаро, ёмонлик этар.
Дучор келсам агар дилбаримга, мен лолу
Мени ҳимоя қилиб шунда, нуктадонлик этар.
Келурда раҳми менга, ҳажр ўртаган тунлар,
Секин-секин гапириб гоҳ, ширин забонлик этар.

«Мен, – деди хотин, – бир умр танимаган, гуноҳсиз бир кишининг қандай қилиб калласини оламан, умрига зомин бўламан».



У қилични улоқтириб, кетига тисланди.

Дев: «Севгилингни ўлдириш, албатта, сен учун оғир», – деди-да, менга тикилди: «Бу хотинни танийсанми?» – деди у, салмоқланиб. «Қим ўзи бу? Мен уни биринчи марта кўришим». «Агар танимаслигинг, биринчи кўришинг аниқ бўлса, бу қилични ол ва хотиннинг танидан калласини жудо қил! Шундагина сўзингга ишонаман, шундагина сени азобдан озод қиламан», – деди дев. «Яхши», – дедим ва астойдил қилични қўлга олдим. Хотин ёнига бордим. Қилични кўтардим. Хотин ишора билан ўзининг гуноҳсизлигини билдирди. Мен ҳам жон бериб, уни сақлашга тайёр эканимни ишора билан аниқлатдим.

Кўзларимдан тинмай ёш оқар эди.

«Эй зўравон баҳодир, – дедим девга. – Ўзинг кўриб турибсан, у хотин боши билан мени танимагани учун бегуноҳга қилич уришга журъат қила олмади. Энди мен қандай қилиб танимаган хотинга қилич урай. Ўлсам бу ишга рози бўлмайман», – деб қўлимдаги қилични улоқтириб ташладим.

«Ораларингиздаги севги бир-бирингизга маълум. Қарға-қарғанинг кўзини чўқимади, албатта. Бир-бирингизга озор бермаслигингиз табиий. Мен сизларга шундай мукофот берайки, умрингизда бу ҳол доимий сақланиб қолсин», – деб қилични қўлига олди. Хотиннинг бир қўлини узди. Қайта қилич уриб, иккинчи қўлини узди. Шу йўсинда ўнг оёғини, чап оёғини қилич билан узди. Узилган аъзоларининг ҳар қайсисига яна бир қайта қилич солди. Мен кўзимни узмас эдим.

Хотин худди «кўриб турибсанми», деб хайрлашаётгандек менга тикилиб турарди. Иблис буни пайқади... «Ҳали ҳам кўзинг кўрар экан», – деди-да, қилич билан хотиннинг бошини узиб менга юзланди: «Бизнинг шариатда, – деди у, – хотин зино қилса, уни ўлдириш керак, никоҳ кечаси уни олиб қочганимда, ўн икки яшар қиз эди. Мендан бошқани



кўрмаган эди. Ҳар ўн кунда мен ажам суратида бир келиб кетар эдим. Хотиннинг мана шундай хиёнатини аниқлагач, уни ўлдирдим. Аммо сенинг ишинг бошқача. Сен мени алдадинг деб айта олмайман. Лекин сени зарарсиз ҳам қўймайман. Фақат сен ўз хоҳишингни айт!»

Мен хурсанд бўлиб, кечирим сўрадим.

«Йўқ, сени, албатта, сеҳрлаш керак, – деди дев. – Лекин ит суратидами, эшак суратидами, маймун суратидами, бунни танлашинг мумкин. Бутунлай кечириш ҳеч мумкин эмас».

Жуда кўп илтимос қилдим. Фақат рад жавобини берарди, холос. Шундан сўнг бирдан мени кўтариб учди. Шундай юқори кўтарилдики, кўзимга ер сув ўртасидаги тухумдек кўринар эди. Мени бир тоғ устига ўтказди. Ердан бирозгина тупроқ олиб, бир нарсалар деб унга шивирлади-да, баланд овоз билан:

«Бу суратдан чиқар, маймун суратига кирит!», – деб тупроқни менга сочди.

Шу вақтдан юзга кирган маймун суратига кирдим. Ўзимнинг хунук башарамни кўриб, юм-юм йиғладим. Замон кулфатига чидашга мажбур бўлдим. Чунки вақт доим бир хилда турмаслигини билардим. Тоғдан пастга тушдим. Бир ой чамаси йўл юриб, Шўр дарё соҳилига етдим. Баландроқ бир ерга чиқиб ўтирдим-да, атрофни кўздан кечира бошладим. Шу вақт кўзим дарё ўртасидаги бир кемага тушди. Кема соҳил томонга шиддат билан келарди. Мен дарё лабидаги тошлар орасига яшириниб, кеманинг келишини кутиб турдим. Етиб келиши биланоқ лип этиб кемага жойлашдим. Менинг чиққанганимни кўрган бир йўловчи: «Уни кўрдингларми, ҳайданглар у шум қадамни», – деб бақирди. «Ажали етгандир», – деди дарға. «Мана шу қилич билан ўлдираман», – деди учинчиси. Мен дарға ёнига бориб суйкалдим. Кўзимдан ёш оқар эди. Унинг раҳми келди. Савдогарларнинг менга озор бермасликларини таъкидлади. Кемачи нима деса,



дарров бажардим, унинг ҳар қандай хизматини ўз вақтида ўрнига келтирдим, унга қўмаклашдим. Менга дарғанинг муҳаббати тобора ортиб борди. Кемамиз елдек учарди. Эллик кунда бир шаҳарга етиб келдик. Шаҳар катта, одамлар беҳисоб экан. Кема тўхтаган ҳамон, бир қанча ҳукумат вакиллари югуриб келиб, савдогарларга салом бердилар-да, шу сўзларни дедилар: «Шоҳ соғлигингиз ва муваффақиятларингиз билан табриклар, шу гул қоғозни сизларга бериб юборди. Ҳар ким қоғозга бир қатор хат ёзсин», – деб буюрди.

Мен тикка туриб, қоғозни олишга ҳаракат қилар эдим. Улар қоғозни йиртиб қўяди, деб мендан қўрқиб, олиб қочишар, мени бақриб ҳайдашарди.

Воқеа шундай экан. Шоҳнинг энг хушхат вазири ўлган экан. Подшоҳ ўшандай хушхат бир кишини топиб, вазир қилмоқчи бўлибди. Мен йиртмайман, ёзаман, деб ишора қилдим.

«Мен бунақа зийрак маймунни энди кўрдим, – деди дарға, – қоғозни беринглар. Агар ёза олса, мен ўғил қилай. Ёза олмаса, қоғозни ишдан чиқарса, уни жазолайлик».

Қоғозни менга бердилар: мен хатти руқо, хутти райҳоний, хатти сулис⁹ ва насх хатларининг ҳар тури билан икки байтдан чиройли қилиб ёздим:

Саховат аҳли номи дostonларда ёзилмишдир,
Фазилат дурлари назм ипларига ўтказилмишдир.
Сенинг лутфинг билан фазлингни қандай жам этиш мумкин?
Қуёшдек кенг жаҳонга фазлу эҳсонинг ёйилмишдир.

Қалам соҳиблари эл хизматидан манфаат кўзлар,
Ҳаво, иқлим билан сув сингаридир у деган сўзлар.
Ёзар ҳар сатри анҳор бўлса, қолдирган асар – дарё.
Унинг номи, китобат кўкида порловчи юлдузлар.

⁹ Руқо, райҳоний ва сулис хатлари – чиройли ёзув турлари.



Сен мудом шод қилиш мақсадида ур қаламинг,
Нега даркор биз учун ҳасратингу қайғу, ғаминг?
Сени шод этмас экан руқъанг агар, қўй, ёзма!
Ўчирур базм шамини оҳ ила, эсганда даминг.

Иззат-ҳурмат истар бўлсанг, ёмон ёзма, яхши ёз,
Тама қилма, мурувватинг сиёҳига қўл чўзма.
Нозу неъмат хазинаси – сиёҳдонинг қандай соз?
Шундай улуғ дастурхоннинг мавсумини ўтказма, –

деган мисраларини ёзиб, қоғозни топширдим. Шоҳга олиб бориб бердилар. Афтидан, шоҳга фақат менинг хатим маъқул бўлибди.

«Боринглар, – дебди шоҳ навкарларига, – мана шу хатнинг ёзувчисини топинглар, сарупо кийгизинглар, аравага ўтқазиб келтиринглар».

Бунни эшитиб навкарлар кулишибди. «Мен буйруқ бераётирман, сизлар куласизлар», – деб ғазабланибди шоҳ. «Бизлар сабабсиз кулмадик, эй муҳтарам шоҳ», – дейишибди навкарлар.

«Қандай сабаб?» – дебди шоҳ ғазаб билан. «Эй шоҳ, – дебди навкарлар, – сен айтган хатнинг ёзувчиси одам эмас, кемачининг кемасидаги бир маймун». «Чинми?», – дебди шоҳ. «Ҳа, чин», – дейишибди улар.

Шоҳ бу сўзга ҳайрон бўлиб шодланибди. «Кемачидан сотиб оламан», – дебди у.

Кейин қимматбаҳо саруполар билан махсус арава жўнаибди.

Мен кемада эдим. Кемачидан мени сўроқлаб, эгнимга саруполар кийгиздилар. Аравага ўтқаздилар. Халойиқ ҳайрон бўлиб, ҳеч ким мендан кўзини олмас эди. Мени шоҳ ҳузурига олиб кирдилар. Шоҳ олдида уч бор тиз чўкиб таъзим қилдим. Шоҳ ўтиришга буюрди, мен тиз чўкиб ўтирдим. Турганларнинг ҳаммаси муомаламга қойил қолдилар. Ҳаммадан ортиқ шоҳ донг қотган эди. Шоҳ



хаммани тарқалишга буюрди. Саройда мен, улуғ шоҳ, тавоши ва бир кичик қул қолдик. Шоҳ дастурхон ёзишни буюрди. Дастурхон ёзилди, овқат келтирилди. Турли қуш гўшларидан ҳозирланган ранго-ранг овқат кўзларни қамаштирарди. Шоҳ овқат ейишга ишора қилди. Ҳурматига ўрнимдан туриб, таъзим қилдим, бирга овқатландик. Дастурхон йиғилгач, ўрнимдан туриб, қўлимни ювдимда, дово- қалам олдим. Девони хат билан иккита рубоий ёздим.

Қўй сути дардга даво,
Асал – айна муддао.
Сен учун яратилмиш,
Ейиш – сен учун раво.

Боқ кўзлар дастурхонга,
Бу неъмат, сен инсонга.
Саралаб е, танлаб е,
Дучор бўлма Луқмонга.

Яна икки рубоий ёздим:

Сариғ ёғ е, хоҳ асал,
Бўлмайин десанг касал.
Еганларда армон йўқ,
Емаган зарбулмасал.

Нафс тўйса ҳам кўз тўймас,
Қўлинг олишни қўймас.
Аждаҳо бўлсанг ҳам сен,
Тўйдиргансан, энди бас!

Ёзув варақасини шоҳ олдига сурдим ва ўрнимдан туриб, узоқроқ бориб ўтирдим. Ёзганимни шоҳ олиб, ўқиб ҳайрон бўлди. Ўз-ўзига: «Маймунда ҳам шунча санъат бўладими? Ахир бу хат ҳеч ким ёза олмайдиган



ажойиб бир ҳуснихат», – дер эди. Бир вақт шоҳ менинг олдимга шахмат тахтасини сурди-да:

«Шахмат ўйнашни биласанми?» – деб сўради.

Мен бошим билан «ҳа» дегандай ишора қилдим. Доналарни тахтага тердим. Икки марта ўйнадим. Ҳар икки ўйинда ҳам шоҳни мот қилдим. Шоҳ ҳайрон бўлиб: «Агар бу одам бўлса, замонасининг энг юқори ва энг илмли кишиларидан бири бўлар эди», – дер эди ўз-ўзига. «Қизим маликани чақир, келсин. Бу ажойиб маймуннинг таҳсинга сазовор санъатларини кўрсин», – деди шоҳ тавошига.

Тавоши кетди, бир дамдан кейин қайтди. У билан биргаликда хоннинг қизи малика ҳам келарди. Мен кўргач, малика бирдан юзини яширди. «Эй ота, бегона эркак ҳузурига мени чақирингизга қандай қилиб рози бўлдингиз?» – деди малика.

«Жон қизим, олдимда кичик қул, ўзингнинг чўринг, тавоши ва маймундан бўлак ҳеч ким йўқ-ку! Кимдан яширинаётирсан? – деди шоҳ. «Бу маймун, Обнус жазиралари подшоҳи – Иморнинг ўғлидир. Иблис авлоди Жаржис деган дев бунни сеҳр қилган. У дев Ақномус шоҳнинг қизини ўлдирган, сен маймун деб ўйлаган бу одам зўр олим ва ақлли киши», – деди қиз.

Шоҳ қизининг сўзига ҳайрон бўлиб, менга қаради.

«Бу гаплар ростми?» – деб сўради мендан. Бошим билан «тўғри» дегандек ишора қилиб йиғладим. «Сен қаердан билдинг?» – деб сўради шоҳ қизидан. «Ёшлигимда мени тарбия қилган энага кампир, жодугар эди», – деди қиз. «Менга у ўзининг сеҳр қилиш ҳунарини ўргатган, мен ўрганиб олган эдим. Бир юз етмиш хил сеҳрлашни биламан. Кичик бир хил сеҳр билан шаҳар гишталарини Қоф тоғининг орқасига уйдираман, шаҳар ичини тўлиб оқар дарёга айлантираман. Шаҳар халқини эса дарёда яшовчи балиқлар суратига киритаман». «Ундай бўлса, – деди шоҳ, – бу йигитни қутқаз, мен бу ақлли, зийрак йигитни ўзимга вазир қилай».



«Жоним билан», – деди малика, кейин у қўлига пичоқ олиб, бир доира ясади.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўн
тўртинчи
кеча

– Эй, саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Қаландар ҳикоясини давом эттириб дебди:

Шоҳнинг қизи доира ичига бир нарсани ёзди. Киши тушунмайдиган бир нарсаларни ўқиди. Бироздан сўнг уй қоронғилаша бошлади. Бирдан қўрқинчли, бадбашара дев кириб келди. Биз хавф остида қолдик. Малика унга: «Ло аҳлан, валосаҳлан, яъни сенга макон ҳам йўқ, роҳат ҳам», – деди.

Дев дарров шер суратига кирди.

«Эй хоин, сен аҳдни буздинг! Бир-биримизга зарар бермаймиз деб ваъдалашмаган эдикми?» – деди дев қизга. «Эй малъун, – деди қиз, – қани сенда аҳд?» «Келганини ол бўлмаса», – деди-да, дев оғзини очиб қизга ҳужум қилди. Қиз тезлик билан сочидан бир нечта толаларни юлиб олиб, бир нарсалар деб шивирлаб силкитган эди, соч толалари ўткир қилич тусига кирди. Қилич билан шерни уриб уни икки нимта қилди. Бирдан шернинг боши чаёнга айланди. Малика катта илон тусига кириб, девга ҳужум қилди. Чаён бургутга, илон каркасга айланди. Анча уришдилар. Жин қора мушукка, қиз бўри тусига кирди. Кўп олишдилар. Мушук енгилди. Бироздан кейин дев ўзгариб, бир катта қизил анорга айланди-да, саройдаги ҳовузга бориб тушди. Бўри анорни олиб отди, анор ерга тушиб ёрилди. Доналари ҳамма ёққа сочилиб кетди. Ер анор донасига тўлди. Бўри хўрозга айланди, доналарни териб ея бошлади. Битта ҳам дона қолмади. Хўроз аллақандай нарса



етишмагандай тинчсизланиб типирчилар, қанот қоқиб қичқирар, бизларга ҳам аллақандай ишора қилгандек ҳар томонни айланарди. Бирдан ҳовуз бурчагида қолган бир анор донасига кўзи тушди. Уни олиш учун сакраб отилди. Бироқ дона ҳовузга тушди. Балиққа айланиб, сув остига бекинди. Хўроз жуда катта балиқ суратига кирди. Балиқнинг кетидан шўнғиди. Анча вақт ўтди. Бирдан шовқин-сурон кўтарилди. Биз хавфга тушдик. Дев шуъла шаклида пайдо бўлди. У оғзини очар, унинг оғзидан, кўзларидан, бурнидан тутун аралаш ўт чиқарди. Кейин малика чиқди. У худди баҳайбат лахча чўғ эди. Жин билан олиша кетди. Бир– бирига ўт сочишар, бизга ҳам ўт сачрарди. Маликадан сачраган ўт зарарсиз, аммо девдан сачраган ўт зарар келтирарди. Бир чўғ менинг кўзимга тегиб, бир кўзимни нобуд қилди. Мен ҳамон маймун тусида эдим. Бир ўт парчаси шоҳ юзига ёпишди. Юзининг пастки ярмини, пастки жағини, тишларини ўпириб кетди. Катта бир ўт тавоши кўкрагига келиб тегди. У ўша онда куйиб ўлди. Биз ҳам ҳаётдан умид уздик. Бирдан аллақардан «Енгди» деган овоз эшитилди. Қарасак, малика девни куйдирган экан. Дев кўз олдимизда бир сиқим кул бўлиб ётарди. Қиз бизларга қараб: «Бир жомда сув келтиринглар», – деди.

Сув келтирилди. Сувга қараб бир нарсалар сўзлади: «Қутқаз, аввалги аслига кирит!», – деб сувни менга сочди. Сесканиб кетдим. Ўша он қадимги ҳолимга қайтдим. Лекин бир кўзим йўқ эди.

Қиз: «Олов-олов», – деб бақирди шоҳга қараб.

«Отажон, мен ортиқ яшай олмайман. Мен девлар билан курашишни машқ қилмаган эдим. Одамлардан бўлганда, аллақачон ўлдирар эдим, анор донаси сочилганда, мен кучдан толдим. Девнинг руҳи бор бир донани тополмай шошдим. Уни олганимда аллақачон ўлдирган бўлар эдим. Лекин у сув ичига кириб, яна балиқ сура-



тида пайдо бўлди. Ер остида, сувда, ҳавода у билан қаттиқ курашдим. У менга ўт сеҳрини қўллашга қадар мен уни ҳар турли сеҳр билан даф қилар эдим. У ҳам менга қарши бошқа бир сеҳр билан мудофаага ўтар эди. Ўт сеҳридан жуда кам кишилар соғ қоладилар. Лекин кўлим баланд келди. Мен уни бунда ҳам ўзимдан олдин куйдирдим. Лекин мен ўламан», – деди у.

Орадан кўп вақт ўтмай, унинг кўкрагидан қоп-қора ўт кўтарилди ва тезда юзларига ҳам тарқалди. У йиғлай бошлади. Бизларга термулар эди. Бирдан девнинг кули ёнида ўзи ҳам бир ҳовуч кулга айланди.

Бунни кўрган шоҳ қолган соқолларини юла бошлади. Юзларига урар, кийимларини йиртар эди. Мен ҳам ўзимни ерга уриб йиғлардим. Сарой маъмурлари, амирлар, вазирлар келишди. Хушсиз ҳолатдаги шоҳ ва унинг ёнидаги икки ҳовуч кулни кўришди. Улар ҳайрон бўлиб, шоҳ атрофида турар эдилар. Шоҳ ҳушига келгач, қизи билан дев воқеасини сўзлади. Эшитувчиларнинг фиғони кўкка кўтарилди. Етти кун аза тутдилар. Шоҳ катта сағана ясаиб, қизининг кулини унга солдирди, қандиллар остирди. Девнинг кулини кўкка совурди. Бир қанча вақтдан сўнг шоҳ касал бўлди. Бир ой чамаси қаттиқ хасталаниб ётди. Сўнг сиҳатланиб, мени чақиртирди.

«Эй йигит, сен келгунингча, биз фароғатда яшар эдик, тинч ва шод ҳаёт кечирардик. Сен орқали биз озмунча азобланмадик. Юзта эркакка арзирли қизимдан айрилдим, тишларимдан айрилдим, қаттиқ ярадор бўлдим, тавоши ҳалок бўлди. Шунча ташвишларга сабаб бўлган хунук башарангни кўришга энди тоқатим йўқ. Омон-эсон жўна!» – деди шоҳ.

Қайғули йўлга чиқдим. Омон келишимга ишонмас, қаерга бораримни билмас эдим. Кечирган кунларимни ўйлай-ўйлай бир ой йўл юрдим. Ҳинд шаҳрига кириб боришим, қароқчилар ҳодисаси, тикувчи ошнам, ўтинчилигим, ер остидаги ишларим, девнинг маймун қилиб сеҳрлагани ва ниҳоят шоҳ ҳузурида бўлишим, ҳаммаси бирма-бир кўз ўнгимдан ўтар эди. Қайғуриб шу байтларни тўқидим:



Тўлди сабрим косаси оғуга, сипқордим уни,
 Дилдаги аччиқ аламларга қўшиб қордим уни.
 Бу кўнгул аччиқ қаноатлар гирифтори эди,
 Барча билсинким, ичиб оғуни, қутқордим уни.
 Тўлди қон, зардобга дил ҳажрингда, мен қутқаргали,
 Наштар киприкларинг ўйлаб туриб, ёрдим уни.
 Елкамдаги бу ғам юкини тоғ кўтаролмас,
 Филларга тушар ларза-ю, титроқ кўтаролмас.
 Вақт етса, ажал шарбатидан нўш этишинг бор,
 Ичганда уни хоҳ касалу соғ кўтаролмас.
 Келганда хазон фасли чаманга, тўкилур барг,
 Эсганда шамол аччиғи, япроқ кўтаролмас.
 Қилганда баён шарҳи ғамимни, оқадир ёш,
 Тинглашда уни дўст ила ўртоқ кўтаролмас.

Фақат бир кўзим кўр бўлди. Аммо жоним омон қолди деб, яна ўзимга-ўзим тасалли бериб, севиначим. Ҳаммомга бордим. Соқолларимни қирдирдим. Йўлга тушдим. Ойлаб йўл юрдим. Кўп шаҳарларда бўлдим. Бағдодни орзу қилдим. Бу воқеаларни Бағдод халифасига етказишга қасд қилдим. Шу кеч Бағдодга етиб келдим. Йўлда қаёққа бораримни билмай турган эдим, иккинчи қаландарни учратдим. У билан сўзлашиб турар эдик. Учинчи қаландар келиб салом берди.

«Мен ғариб, мусофирман», – деди у. Бизлар ҳам ғариблармиз дедик. Биз уч киши йўлга тушдик. Биз бир-биримизнинг воқеа ва сирларимизни билмас эдик. Қоронғида юриш мумкин бўлмай қолди. Шу эшикка кирдик. Бир кўзимнинг кўр бўлиши, соқол қирдиришимнинг сабаблари шу, – дебди қаландар.

«Бошингни қутқаз, йўлингга жўна!» – дебди бека.

– Биродарларим воқеасини эшитмагунча кетмайман, – дебди қаландар.

Учинчи қаландар ўрнидан турибди.



УЧИНЧИ ҚАЛАНДАР ҲИКОЯСИ

– **М**енинг ҳикоям, – дебди у сўз бошлаб, – буларникидан ҳам ғарайиброқ. Булар мажбурият остида соқол қирдирган, бир кўздан ажраган бўлса, мен ўз хоҳишим билан қилганман. Мен шоҳ ўғли – шаҳзода эдим. Отам ўлиб, ўрнига шоҳ бўлдим. Адолат билан ҳукм сурдим, фуқарога яхшилик қилдим. Денгиз кезишни яхши кўрардим. Шаҳримиз сув устида эди. Денгиз кенг, кўпгина жазиралар бор эди. Сувда элликта савдо, элликта кичик йўл ва юз элликта уруш қуроллари билан жиҳозланган ҳарбий кемаларим кезар эди.

Кўнгили жазиралар томошасига майл қилди. Бир ойлик озиқ-овқат ғамлаб, ўнта кема билан йўлга чиқдим. Йигирма кун йўл юрдим. Бир кеча йўлда кезар эдик. Телба шамол кўзғала бошлаб, ҳамма ёқни қоронғилик босди. Бу ҳол тонг отгунча давом этди. Кейин тўлқин тинчланиб, кун ҳам чиқди. Бир жазирага йўл солдик. У ерга тушиб қозон осдик. Овқатландик. Икки кун шу ерда дам олиб, туриб қолдик. Яна йигирма кун йўл юрдик. Бирдан кемамизга сув кирди, кемачи олдини ҳам сув босди. Кемачи денгизни кўра олмай қолди.

«Денгизга қара-чи», – деди назоратчига. Назоратчи чиқиб, диққат билан ўнгу сўлни текширди. «Ўнг томонда, – деди у, – сув юзида бир балиқ кўрдим. Сув ўртасида эса бир нарса бор. Баъзан оқариб, баъзан қорайиб кўринаётир».

Бу сўзни эшитиб, кемачи бошидан салласини олиб ерга урди, соқолларини юла бошлади. Бизларга қараб: «Огоҳ бўлинглар, ҳаммамиз ҳалок бўламиз, ҳеч ким қутула олмайди», – деб йиғлаб кетди. Бизлар ҳам қўшилишиб йиғлашдик. Мен кемачидан назоратчининг кўрганларини сўрадим.

«Эй шоҳим, – деди у, – у кунги тўполондан сўнг икки кун кўниб, йўлга чиққанамизга йигирма кун бўлди.



Шу кундан бошлаб нотўғри юраётган эканмиз. Эртага оҳанграбо тоғи дейилган Қоратош тоғига етамиз, сув бизни кучлаб у томонга тортаётир. Кема михларини оҳанграбо ўзига тортади-да, кема тахталари ажралиб, бузилиб кетади. Қадимдан бу тоғ ёнида кўп кемалар хароб бўлиб келган. Денгиз қирғоғида ўнта устунга ўрнатилган, сариқ мисдан ясалган гумбаз бор. Қўлида мис найзали бир киши гумбаз устидаги сариқ мисдан ясалган от устига миниб ўтиради. У кишининг бўйни қўрғошиндан ясалиб, устига хатлар ёзилган лавҳа осифлиқ. У киши отга миниб турган пайтда, одамларни, албатта, ҳалок қилади. Фақат отдан тушган вақтдагина ундан қутилиш мумкин».

Бизлар ҳар биримиз ҳалок бўлишга жазм қилдик. Ҳар ким ўз яқини билан узр-маъзур айтишди. Шу кеч ухламадик. Тонг отгач, тоққа яқинлашдик. Сув бизни куч билан тортар эди. Кема тоққа яқинлашгач, унинг михлари, темирлари суғурилиб, оҳанграбо томонга учдилар. Кема тахталари, билмадим, неча бўлак бўлиб кетди.

Кечки пайт қарасам, тоғ ён бағридаман. Кўплар сувга чўккан. Лекин саломат қолганлардан ҳам, тўлқин ҳар томонга олиб бориб ташлаганлардан ҳам хабарсиз эдим. Айланиб, тоғ устига чиқиш учун худди атайлаб қилинган зина сингари йўл топдим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўн
бешинчи
кеча

– Эй, саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – қаландар саргузаштини сўзлашда давом этиб. Саломат тоққа чиқдим. Омон-эсон қолганимга беҳад хурсанд эдим. У ерда гумбаздан бошқа пана жой йўқ эди. Гумбаз ичига кирдим. Намоз ўқиб, уйқуга ётдим. Уйқумда кимдир менга: «Уйғонгач, оёғинг



остини кавла, бир қанча нарсалар ёзилган учта кўрғошин ўқ билан бир мис камон чиқади. Уни олиб, от устидаги кишини от! Бу балойи азимдан кишиларни кутқар! Сен отгач, отлиқ сувга йиқилади, камон кўлинг-да қолади, камонни ўз жойига яшир! Шу вақтда сув тоғ тепасига кўтарилиб, тоққа бараварлашади. У ерга мис кийган бир киши қайиқ ҳайдаб келади. Қайиққа ўтир! Ўн кунда у сени Офият дарёсига етказди. У ерда ўз томонингга кетадиган кишини топасан», – деди.

Чўчиб уйғондим. Унинг айтганидай қилдим. Ер қазиб, камонни топдим. Ўқ отиб, отлиқни қулатдим. У дарёга ағнади. Камонни ўз жойига яширдим. Денгизда тўлқин бошланди. Сув кўтарилиб, тоққа бараварлашди. Бир дақиқа ҳам ўтган йўқ эдики, денгиз ўртасида бир қайиққа кўзим тушди. У мен томонга келарди. Кема ёнимга сузиб етгач, кўкрагига бир турли хатлар ёзиқлик кўрғошин осилган, мис кийимли кишини кўрдим. Индамай қайиққа ўтирдим. Ўн кун йўл юрдик, қарасам, тинчлик жазирасига етибмиз. Ғоят шод бўлдим. Камоли суюнчимдан ўз ўзимга сўзлай бошладим, такбир, таҳлил айтдим. Кемадаги киши мени сувга ташлади. У ўз йўлига қайтди. Шу кун кечгача сувда суздим. Қўлларим, оёқларимда мадор қолмади. Кучсизландим, хавф босди. Ўламанми деган эдим, бирдан қаттиқ шамол кўзғалиб, тўлқин яна авж олди. Кучли бир тўлқин мени қирғоққа ирғитганини ўзим ҳам сезмай қолдим. Кийимларимни ечдим, сиқиб қуритиш учун тош устига ёйдим, кеч кирди, уйқуга ётдим. Тонг отди. Кийимларимни кийдим. Бориш йўлимни мўлжаллаб, атрофга кўз солдим. Ўрмонзор яқин эди. Унга кириб, бошдан оёқ кездим. Мен турган жойнинг атрофи сув билан ўралган кичик бир жазира эканини билиб ҳайрон бўлдим. Бир кулфатдан қутулиб, иккинчисига йўлиқаётганимга таажжубланардим. Бундан кўра ўлганим яхшироқ деб қайғурдим. Ўз фожиаларим устида ўйланиб, ўзимга ўлим тиладим. Шу вақт узоқдан, анча



одамлар билан бир кема кўринди. Диққат билан қарасам, кема мен турган жазира томонга келар эди. Ўрнимдан турдим. Бир дарахт устига чиқдим. Кема жазирага етиб келиб тўхтади. Кемадан ўн киши тушди. Ҳаммаларининг қўлларида кураклари бор эди. Улар шошилиб жазиранинг ўртасига бориб тўхтадилар-да, бир ерни кавлай бошладилар. Бир эшик кўринди, эшикни олиб, ер ости йўлини очдилар. Сўнг яна кемага қараб йўл солдилар. Кемадан: ун, ёғ, гўшт, асал ва бошқа озуқаларни ҳалиги жойга ташлай бошладилар. Кўп миқдорда ҳар турли озиқ-овқат бор эди. Улар кўп марта қатнадилар. Ниҳоят янги кийимлар кийиб чиқдилар. Ўрталарида ёшини яшаган, жуда мункиллаб қолган қари бир чол ҳам бор эди. Чолни жуда ҳам келишган, ўспирин бир йигит қўлтиқлаб борар эди. Улар бир уй эшигига етгач, пастга тушдилар. Анча вақт у ерда қолдилар. Сўнг йигитдан бошқалари қайтиб чиқишди-да, эшикни ўрнига қўйишиб, устига тупроқ тортишди. Худди олдингисидай қилиб бекитишди. Кемага ўтириб йўлларига жўнашди. Улар кўздан узоқлашгач, мен дарахтдан тушдим. Улар тушган ер остидаги уйга тушмоқчи бўлдим. Тупроқни четга тортдим. Бир эшик кўринди. Худди тегирмон тоши сингари доира қилиб тахтадан ишланган қопқоқ экан. Эшикни кўтардим. Айланма қилиб тошдан ишланган нарвон бор экан, ҳайрон бўлдим. Зинадан пастга тушдим.

Ҳайҳот! У ер ипак гиламлар билан жиҳозланган, безалган, ҳашаматли бир сарой экан. Бу қандай жой экан, бир кўрай дедим-да, ҳар турли нақшлар билан ишланган эшикни очдим. Эгарланган, юганланган қорабайр от боғлиқ турарди. Отни ечдим-да, устига миндим. Минишим биланоқ у учиб кетди. Аллақандай бир томга бориб кўндю, мени тушириб, думи билан кўзимга шикаст етказди. Кейин ўзи қаёққадир ғойиб бўлди. Томдан тушдим. Ўнта кўр йигит ўтиришган экан. Мени кўргач: «Сенга жой йўқ, бевақт келдинг», дейишди. «Қабул қилмайсизларми, ўтир-



сам», дедим. «Йўлингдан қолма», дейишди. Ғамгин йўлга тушдим. Йиғлар эдим. Саломат Бағдодга етдим. Соқолимни қирдириб, қаландар бўлдим. Шу икки қаландарни йўлда учратдим. Уларга салом бердим. Ғариблигимни билдирдим. Улар: «Биз ҳам ғарибмиз», дедилар.

Кўзу соқолим воқеаси шул, деб сўзни тугатибди учинчи қаландар.

«Бошингни қутқаз, йўлингга жўна!» – дебди бека.

«Бу йўлдошларим саргузаштини эшитмагунча кетмайман», – дебди у.

Бека халифа, Жаъфар, Масрурларга қарабди:

– Сизлар ҳам, – дебди у, – ўз саргузаштларингизни сўзланглар!

Жаъфар ўрнидан тарибди-да, киришда эшик очувчига айтган сўзини такрорлабди.

«Баъзиларингиз учун баъзиларингизни кечирдим», – дебди бека.

Шунда халифа қаландарлардан: «Қаёққа борасиз?» – деб сўрабди. «Қаёққа боришимизни билмаймиз», – дейишибди улар. «Бизникига қўнинглар», – дебди халифа. Кейин Жаъфарга: «Буларни олиб бориб, эртага менинг ҳузуримга олиб кир! Воқеани ёздирамиз», – деб буйруқ берибди. «Бош устига», – дебди Жаъфар.

Халифа ўз қасрига жўнабди, кечаси ухлолмай, тонг отгач, тахтга ўтирибди. Сарой маъмурлари тўплангач, шоҳ Жаъфарга:

– У уч жувонни ҳам, уларнинг итларини ҳам, қаландарларни ҳам келтир, – дебди.

Жаъфар уларни халифа ҳузуринида ҳозир қилибди. Жаъфар уларга қараб: «Кеча бизларни танимаган ҳолда кўрсатган карамларингиз учун сизларни кечирдик. Мен сизларни огоҳлантиришим керак. Ҳозир сизлар аббосий халифаларнинг бешинчи авлоли халифа Хорун ар Рашид ҳузуринида эканингизни билингиз! Фақат тўғри сўзлангиз!» – деб огоҳлантирибди уларни.



Энг олдин хотинларнинг улуғи сўз бошлабди:

«Менинг бошимга тушган ҳодиса кўз оқларига нина билан ёзарли ибратомуздир».

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўн
олтинчи
кеча

– Эй, саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – бека шундай дебди:

«Бу икки кучук туғишган сингилларимдир. Бир отадан уч қиз эдик. Баданида қамчи излари кўринган бу икки қиз-она бошқа, ота бир сингилларимдир. Отамиз ўлгандан кейин меросдан ҳар ким ўз ҳиссасини олди. Бир неча кундан сўнг онамиз ҳам қазо қилди. Онамдан уч минг динор пул қолди. Ҳар бир қиз минг динордан бўлиб олдик. Мен энг кичиги эдим. Опаларим ўзларига жиҳоз қилиб, турмуш қуришди. Бир қанча вақт бирга яшаганларидан сўнг ҳар икки куёв ҳам сафарни ихтиёр қилдилар. Мол тўпладилар. Хотинларидан минг динордан пул олдилар. Ҳаммалари бирга йўлга чиқдилар. Мен ёлғиз қолдим (Менинг ҳақимда оғиз ҳам очмадилар). Бир йўла беш йил бедарак кетдилар. Эрлари пулларини тамом қилишиб, ҳоллари хароб бўлибди, сўнг номард эрлари хотинларини бегона юртга ғариб қилиб, ташлаб кетибдилар. Беш йилдан сўнг катта опам келди. Енгил бош, юз ямоқ, оқ латта, кўк латта, иркитлигига киши тоқат қилолмайди. Афту ангорининг нимасини айтасиз, бамисоли гўрдан чиққан мурда унинг олдида афзалроқ. Дастлаб таний олмадим. Аллақаерларини кимгадир ўхшатиб тикиламан, эслай олмайман. Эҳтимол, агар унинг ўзи ва кўз ёшлари танитмаганда, қанча диққат қилсам ҳам таний олмас эдим.

Аҳвол сўрадим. «Эй синглим, пешонам шўр, кўргилигим кўп экан. Сўзлашдан фойда йўқ», – деб сўзни қисқа қилди.



Ҳаммомга олиб бордим, уст-бош кийдирдим.

– Эй опа, – дедим мен унга, – сен онам ўрнига онам, отам ўрнига отамсан. Мен сенга бир нарса дейишим ноўрин. Лекин айб кишининг ўзида бўлади. Мен ҳам сизлар билан бирга мерос олган эдим. Ҳаммадан яхши яшаб келаётирман.

Опам бир йил мен билан бирга турди. Кўп яхшиликлар қилдим. Кичик опамни ўйлар эдим кўп ўтмай, у ҳам келди. У катта опамдан кўра ҳам фожиалироқ бир ҳолда эди. Унга каттасидан ҳам ортиқ яхшилик кўрсатдим. Бир қанча вақт ўтгач, улар ҳар иккиси ҳам: «Ёлғиз ўтиришга тоқатимиз йўқ, эрга чиқамиз», – дейишди. Ҳозирги эркаклар ёмон, шу замонда яхши эркак топаман деган киши овора бўлади. Ахир ўзларингиз эрларни синаб кўрдиларингиз-ку дедим. Сўзимга кўнмадилар, менинг ризолигимсиз яна эр қилдилар. Қараб тура олмадим. Керакли анжомларига қарашдим. Улар ўзларининг эрлари билан жўнашди. Бироз вақт бирга яшадилар. Сўнг эрлари ҳийла қилиб бор-йўқларини қўлга олибдилар-да, буларни ташлаб кетибдилар. Опаларим яланғоч, бўйин эгиб кириб келишди. Мендан афв сўрашди. «Бизни жазолама», – деб ёлворишди. «Сен биздан ёш бўлсанг ҳам ақлда улугсан, бундан сўнг биз эр отини атамаймиз. Бизни оқсочликка ол, қорнимиз тўйса кифоя».

– Бажону дил, – дедим мен, – уйимнинг тўри сизларники, сизлардан қимматлироқ кишим йўқ.

Илгаригидан зиёда ҳурмат кўрсатдим.

Шу аҳволда бир йил ўтди. Басра шаҳрига бориш учун кема ҳозирладим. Моллар, йўлга керакли озиқ-овқатларни кемага жойладим-да, уларга: «Мен бир шаҳарга бориб келмоқчиман, уйда ўтирасизларми ё мен билан бирга борасизларми?» – дедим.

«Сен билан бирга кетамиз. Сендан айрилмаймиз», – дедилар.

Мен буюмнинг ярмини ўзим билан олдим. Башарти кемада бир ҳодиса бўлса, қайтгач пулсиз қолмайин деб,



ярмини бир ерга яширдим. Учта опа-сингил йўлга чиқдик. Кун юрдик, тун юрдик. Кемамиз адашган экан, кемачи ҳам кемамиз бошқа томонга кетганини анча кейин пайқабди. Шамол ўн кун яхши бўлиб турди. Аллақанча йўл босдик. Назоратчи юқори кўтарилиб, йўлга разм солди. Сўнг: «Шаҳарга яқинлашибмиз», – деди. Биз ҳам суюндик. Кундузи соат бирлар чамаси эди. Шаҳар жуда яқиндан кўрина бошлади. «Бу шаҳарнинг номи нима?» – деб сўрадик кемачидан. «Билмайман, – деди у, – умримда бу шаҳарни кўрмаганман ва бу денгизда юрмаганман. Нима бўлса ҳам бу шаҳарга тушиш керак. Икки кун шу ерда дам оламиз. Йўлга ҳозирланиб, сўнг қайтамиз», – деб маслаҳат берди дарға.

Шаҳарга етдик. Кемачи шаҳарга тушди. Биз уни кутар эдик. Анчадан кейин қайтиб келди-да: «Туринглар, шаҳарга тушинглар», – деди бизга. Шаҳарга тушдик. У ёқ-бу ёққа назар солдик. Шаҳар дарвозаси олдида байроқ кўтарган дарвозабон турар эди. Яқин бордим, қарасам, улар тош бўлиб, қотиб қолган эканлар. Шаҳар ичига кирдим. Унда ҳам ҳаммани қора тошга айланган ҳолда кўрдим. Бутун бозорни айландим. Ҳар кимнинг моли, олтин-кумуш, шундай қолиб, эгалари тошга айланган эди. Шаҳарда бирор тирик жон учрамади. Ҳайрон бўлдик. Бирор сир бўлса керак, деб ўйлардик. Яна ҳаммамиз шаҳарнинг ҳар тарафига тарқалишдик. Ҳар ким олтин-кумуш йиғиш билан овора эди. Мен сарой ичига кирдим. Сарой жуда ҳам дабдабали экан. Шоҳ ўрдасига кирдим. Ҳамма асбоблар олтиндан экан. Шу уйдаги ҳарир парда орқасида сарой маъмурлари, амирлар, вазирлар, ақлни ҳайрон қолдирарли кийимлар кийиб ўтирар эдилар. Яқинроқ бориб қарадим. Шоҳ олтин-кумуш ва ҳар турли қимматбаҳо тошлар ва дурлар билан зийнатланган тахтда ўтирарди. Унинг атрофида ҳар турли ипак кийимлар кийинган эликта қул қилич ялонғочлаб, шоҳни муҳофаза қилишарди. Буни кўриб, анча



хавфландим. Бироз юрдим. Маликанинг ҳарамига кирдим. Деворларига олтин чакмалар билан ишланган паллақлар осифлиқ эди. Малика ётарди. У ялтироқ дурлар қадалган кийимлар кийган эди. Бошида ҳар турли қимматбаҳо гавҳарлар ўрнатилган тож, белида яна алоҳида зийнатли камар бор эди. Бўйнига кўзни қамаштирувчи ҳар хил дурдоналардан ишланган зебигардон осифлиқ эди. Булар ўз ҳолича, аммо малика қоп-қора тош тусига кирган эди. Ўнда яна бир очиқ эшик бор эди. У ерга кирдим. У ерда юқорига чиқиш учун етти пояли нарвон бор эди. Нарвондан чиқдим. У ер рангба-ранг гиламлар ёзилган, алоҳида зийнатли жой экан. Мармардан ясалган тахтага ҳар турли ноёб дуру гавҳарлар ўрнатилган. Бир томонда ярқираган шуъла кўзга ташланди. Диққат билан қарасам, у нарса бир кичик курси устига қўйилган, ғоз тухумига тенг келадиган гавҳар экан. У худди чироқ каби ёнар, ҳар томонни ёритар эди. Бу курсига кишини ҳайратлантирарли турли хил ҳарир матолар ёйилган эди. Буни кўриб ҳайрон бўлдим. У ерда ёқилган шам ҳам бор эди. Албатта, бу шамни бир киши ёққан бўлса керак, деб ўйлардим. Бошқа жойларга кирдим. Уйларни айланиб камоли таажжубдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Кеч бўлди. Чиқиб кетмоқчи бўлдим. Лекин эшикни топа олмадим. Яна қайтиб шам ёқилган уйга кирдим. Тахтага ўтирдим. Устимга нарсалар ёғдим. Ухламоқчи бўлган эдим, уйқум келмади. Ярим кечада бировнинг ёқимли товуш билан Қуръон ўқиётганини эшитдим. Шу томонга бордим. Овоз чиқаётган жойнинг эшиги берк экан, очдим, қарасам, ибодатхона экан. Осифлиқ иккита шамдонда шам ёниб турарди. Меҳроб олдига жойнамоз солинган. Унда келишган, чиройли бир йигит чўкка тушиб ўтирар эди. Бу шеърлар унинг шаънига айтилган:

Мунажжим юзини кўк сари бурди,
Осмонда серҳашам гўзални кўрдим.



Киймиш зарбоб либос у, икки қават,
Зухал юлдузидек барно, басавлат.

Икки нақшонида икки мушк холи,
Ҳусну малоҳатда Миррих сингари.
Киприклар ўқ бўлса, қошлардир камон,
Гўё ошиқларга доим беомон.

Юзда Аторуддек дониш белгиси,
Қалбида мавж урур мағрурлик ҳиси.
Ой қолиб ҳайратда, сўнг салом берди,
Юзга парда тортиб, хиймага кирди.

Бутун шаҳар аҳолиси орасида фақат унинг саломат қолгани мени ҳайрон қолдирди. Ичкари кириб, салом бердим. Менга қараб, саломимга алик жавобини қайтарди.

«Бир нарса сўрасам, жавоб берасизми?» – дедим. Йигит менга қараб табассум қилди.

«Эй қиз, – деди у, – сен аввал бу ерга қандай қилиб кирганингни айт».

Айтиб бераман дедим-да, ўз тарихимни гапирдим. У ҳайрон қолди. Сўнг мен шаҳар халқи ҳақида сўрадим. У: «Ўз тахтида қора тош ҳолда кўрганинг менинг отам – бу шаҳарнинг шоҳи эди. У уйда кўрганинг курси устида тошга айланган хотин – менинг онам эди. Турган жойларида тошга айланган бу кишиларнинг ҳаммаси ўтга сиғинар эдилар.

Онам кўп замон бола кўрмаган экан. Қариган вақтида мен туғилибман. Мени тарбиялабдилар, катта бўлдим. Қари бир кампиримиз бўлиб, у мусулмон эди. Лекин у ўзининг диний эътиқодини ота-онамга билдирмас эди. Отам уни ўз динимизда деб тушунарди. Шунинг учун ҳам уни ортиқ ҳурмат қиларди. Мени тарбия қилишни отам унга топширди. Кампир менга ислом динидан таълим берди. Намоз ўқишни ўргатди. Ҳаммасини ўргангандан сўнг кампир менга: «Бу сирни отанга билдирма,



яширин тут, агар у билса сени ўлдиради», – деб пухта-лади. Мен кампир айтгандек, сирни отамга сездирмадим. Шу аҳволда бир қанча вақт ўтди. Кампир ўлди. Шаҳар халқи ҳамон ўтга сиғиниб, гуноҳга ботар эди. Бирдан узоқ ва яқинга баравар эшитиладиган момақалдироқ сингари қаттиқ:

«Эй шаҳарда яшовчи халойиқ, ўтга сиғинишдан қайтинглар, Тангрига ибодат қилинглар!» – деган бир овоз эшитилди.

Одамларни қўрқув босди. Ҳаттоки ҳалигача юракларимиз дукуллаб ураётир, ҳамма одамлар отам ҳузурига тўпланишди. «Кишини таҳликага солувчи бу мудҳиш товуш нима?» – деб сўрашди улар отамдан.

«У товуш сизларни қўрқитмасин. Бунинг учун сиз ўз динингиздан қайтманглар», – деди отам.

Одамларга шоҳнинг сўзи маъқул бўлди. Тинчландилар. Яна ўз динларида мустаҳкам турдилар.

Шундан сўнг бир йил ўтди. Ҳалиги қўрқинчли овоз қайта такрорланди. Яна бир йил ўтгач, учинчи марта такрорланди. Аммо булар ўз эътиқодларида қола бердилар. Осмондан ҳалокат ёғилди. Кун чиқар вақтида менадан бошқа ҳамма жонли мавжудот билан бирга булар ҳам тошга айландилар. Шундан бери мен мана шу аҳволда намоз ўқийман, рўза тутаман, тиловат қиламан.

Сўзлашадиган бир киши ҳам йўқ. Бир ўзим ғоят зерикдим ва жуда сиқилдим.

«Мен билан Бағдодга боришга рози бўлмайсизми? У ерда олимлар билан сўзлашасиз. Маълумотингиз ортиб, фикрингиз тўлади, – дедим мен, – шуниси ҳам борки, қаршингиздаги бу чўри уруғ-авлодли бир хотиндир. Бу ерда мол ортилган кемам бор. Тақдир бизларни бу шаҳарга келтирди. Баҳона билан биз бу воқеаларнинг шоҳиди бўлдик, ҳаммасидан муҳими сиз билан кўришдик».

Яна кўп нарсаларни сўзлаб, уни ўзим билан кетишга кўндирдим.



Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўн
еттинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – бека ўз саргузаштини давом эттириб, дебди:

«Шодликдан ўзимга ишонмас эдим. Кечаси унинг оёқ томонида ётдим. Тонг отгач, ўриндан туриб, хазинага кирдик. Баҳоси қиммат, ўзи энгил нарсалардан олиб, қўрғондан чиқдик. Кемачи ва куллар билан учрашдик. Улар мендан хавотирланиб юрган эканлар. Хурсанд бўлдилар. Мендан аҳвол сўрадилар. Кўрганларимни айтдим. Йигит воқеасини, халқ бошига келган ҳодисаларни уларга сўзладим. Ҳайрон қолдилар. Мана бу икки ит – менинг опаларим. Мени бу йигит билан бирга кўргач, ҳасад қила бошладилар. Улар бирлашиб, менга озор бериш пайига тушдилар. Кемага ўтирдик. Шамол йўқ эди. Бироз кутдик, шамол қўзғалди. Елканларни кўтариб, жўнаб кетдик, опаларим: «Бу чиройли йигитни нима қилмоқчисан?» – деб сўрашди.

«Мен у билан умр қилмоқчиман», – дедим-да, йигит томонга ўгирилиб: «Бир сўзим бор, қарши бўлмасангиз айтар эдим», – дедим. «Бошт устига», – деди у. Сўнг мен опаларимга: «Мен учун бу йигит кифоя. Молларнинг ҳаммасини сизлар олақолинглар», – дедим.

Улар «хўп» дедилар-у, лекин менга қарши ёмонлик ниятларини яширар эдилар.

Шамол яхши. Кемамиз суръат билан ҳаракат қиларди. Тўхтовсиз йўл босдик. Хатарли денгиздан кечиб, тинч дарёга етдик. Бироз юриб, Басра шаҳрига яқинлашдик. Шаҳар бинолари ярқираб кўрина бошлади.

Кеч кирди. Бизнинг ухлаб қолганимиздан фойдаланиб, опаларим мен билан йигитни ётган жойимиздан



кўтариб, дарёга ташлашибди. Йигит сузишни яхши билмас экан, сувга ғарқ бўлди. Мен денгиздаги кичик бир ёғоч устига ўтириб олдим. Тўлқин ёғоч билан мени кўп чайқата- чайқата, ниҳоят денгиз қирғоғига чиқариб ташлади. Қуёш чиққан эди. Мен кийимларни офтобга ёйиб қурутдим. Тор бир сўқмоқ йўл учратдим-да, шу йўл билан боравердим. Шаҳарга тахминан икки соатлик йўл қолган эди. Қарасам, хурмо дарахтига ўхшаган йўғон бир илон гоҳ ўннга, гоҳ сўлга талпиниб, тезлик билан менга тикилиб келаётир. Орқасида ингичка, лекин узун бир аждаҳо қувиб келаётган экан.

Илон аждаҳодан қочиб келаётган экан. Аждаҳо унинг думидан тутди. Кўзларидан ёш оқар, тез ҳаракат қилганидан илоннинг тиллари осилиб тушган эди. Раҳмим келди. Аждаҳога тош отдим. Аждаҳо ўша ондаёқ ўлди. Илон қанот чиқарди-ю, ҳавога кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен ҳайрон бўлдим. Чарчаган эдим, ўтирдим, уйқу элитди. Уйғониб қарасам, оёқ томонимда бир қиз ўтирибди. Олдида иккита ит ҳам бор. У қиз оёғимни уқалар эди. Мен уялиб оёғимни йиғдим.

«Сен ким бўласан, синглим?» – дедим мен. «Дарров мени унутдингми? – деди у. – Менга катта меҳрибонлик қилдинг-ку. Мен боя сен ўлимдан қутқазган илон бўлман, ўзим жинларданман. Аждаҳо ҳам жинлардан бўлиб, у менинг душманим эди. Мен ундан сен туфайлигина қутулдим. Мени қутқазганингдан кейин дарров ҳавога учиб, кеманг олдига бордим. Ундаги нарсаларнинг ҳаммасини уйингга олиб бориб қўйдим. Кема сувга ғарқ бўлди. Опаларингни итга айлантирдим. Бу икки қора ит – сени сувга ташлаган опаларинг».

Сўнг мен билан бирга итларни ҳам кўтарди-да, уйимизнинг томига келтириб қўйди. Кемада бўлган ҳамма нарсаларни бекаму кўст уйда кўрдим. У ҳар кун буларни уч юз дарра уриш кераклигини, агар шундай қилмасам, ўзимни уражагини билдирди. Мен ваъда бердим.



Ваъдага мувофиқ ҳар кун шундай ураман. Лекин уларга ачинаман. Улар ҳам айб менда эмаслигини биладилар.

Халифа таажжубланибди. «Сенинг баданингдаги қамчи изларининг сабаби нима?» – деб сўрабди халифа иккинчи хотиндан.

Хотин сўз бошлабди: «Отам ўлди. Ундан кўп мол-дунё қолди. Орадан кўп вақт ўтмай, ўз замонасининг энг бахтли кишисига эрга чиқдим. У билан бир йил ҳаёт кечирдим. У ўлди. Ундан саксон минг динор олтин мерос қолди. Бу овоза ҳамма ёққа тарқалди. Ўнга кўйлак тиктирдим, ҳар бири минг динорли эди. Бир кун энди-гина тушки овқатни еб бўлиб турган эдим, бир кампир кириб келди. Ияклари тушган, устки жағи оғзи ичига кирган, онда-сонда қолган қош туқлари жуда ўсиқ, чўнқир кўзли, тишлари оғзининг у ер-бу ерига атайлаб қўйилган тирговуч каби ўйнаб чиққан, ҳар хил узун– қисқа оппоқ сочига хас-чўп илашган, букри, сўлғин ранг, бурунлари ҳам шунга ярашиқ эди. Шоирнинг мана бу шеъри худди кампирни эслатади:

Дунё шундай золим-у, шундай маккора,
Бир юзи оқ унинг, бир юзи қора.
Жим, ювош аврайди бор коинотни,
Берар, қайтиб олар бахтни, ҳаётни.

Ўргимчак сингари боғлар ипларга,
Ғолиблик кўрсатур, куч-ҳарифларга.
Йигитларни бошлар бузуқ йўлга у,
Етаклар гоҳи қўрқулик йўлга у.

Аёлларни ҳам йўлдан у оздирур,
Биров чун бировларга гўр қаздирур...

У тўғри келиб: ер ўпиб салом берди-да:
«Менинг бир етим қизим бор. Уни узатаётирман. Шу кеч унинг никоҳи. Мусофирмиз, ҳеч кимни танимаймиз,



кўнгилларимиз синиқ. Тўйимизга борсанг-у, зора сенинг шарафинг билан бошқалар ҳам келиб, бечора етимнинг ҳам кўнгли очилса, тўйимиз тўйдек бўлса», – деб йиғлади. Оёғимни ўпди. Раҳмим келиб: «Бош устига», – дедим. «Одамлар келганда, ўзим келиб олиб кетаман», – деб яна қўлимни ўпди-да, чиқиб кетди.

Мен боришга ҳозирландим. Орадан бироз вақт ўтгач, кампир кириб келди. Таъзим қилди, шаҳар улуглари келишди, мен сизнинг келишингизни билдирдим, хурсанд бўлдилар. Улар сизни кутаётирлар», – деди кампир.

Ўрнимдан турдим. Чўри қизни ҳам ўзим билан бирга олдим. Кўчалар озода, супурилган, сув сепилган эди. Ёқимли шамол эсарди. Мармардан ишланган баланд гумбаз остида икки табақали катта дарвозага етдик. Кампир эшикни тақиллатди, очдилар. Ичкари кирдик. Йўлларга гилам, поёндозлар солинган эди. Қатор шамлар ўрнатилган катта шамдонда шамлар ёнар эди. Зийнатда тенги йўқ бир уйга кирдик. Алоҳида ипак гиламлар солинган, икки қатор терилган шамлар ёнарди. Уйнинг тўрида ҳар хил қимматбаҳо тошлар ўрнатилган ўриндиқ, кўзни қамаштирувчи гулдор атлас пардалар билан зийнатланган эди. Парда орқасидан бир ёш қизнинг чиқиб келганини пайқамай қолдим. Одам ҳам шундай гўзал бўлар эканми? У шу шеърни ўқиди:

Агар уй сезса эди, бу ерга ким кирди:
Аёғингни ўпишга ҳозир бўлар эди,
Дер эди: Марҳамат, эй олижаноб,
Мен ҳам сизга лойиқ, сиз ҳам менга боп.

«Хуш келдингиз, қадрли опа! Ғоят шод ва бениҳоя миннатдорман, – деди-да, ёнимга келиб ўтирди. – Менинг бир акам бор, у сизни қаердадир: тўйда, байрам кунларидами кўрган, сўнг бутун фазлу камолатингизни эшитган. Шундан бери у сизнинг ишқингизда беқарор. Шубҳасиз, сиз бир алоҳида зотсиз, у ҳам сиздан қолиш-



майдиған келишған йигит. У сиз билан қовушмоқ истаб, шу йўлни тутди. Рухсат этсангиз, расмий равишда никоҳ маросимини ўтказмоқчи».

«Бош устига», – дедим мен. Қиз хурсанд бўлди. Сўл томондаги бир эшикни очган эди, барваста, келишған бир йигит чиқиб келди. Шоир айтганича:

У уйғонди. Ўрнидан туриб, аста
Керишди, энгашиб, қилди ораста
Ётган ўрнини, сўнг кийди либос,
Бу тасвир, бадий шеърятга хос...

Узун икки зулфи ўпди товондан,
Хушбўйлик анқиди ҳар бир томондан.
Лаб очиб эснашда очилди ғунча,
Чаманда очилса, бўлмас у шунча.

Боқиб ойнага, қилди карашма,
Ўзига ўзи дер: Ҳаддингдан ошма.
Жаҳонга хол бўлди ҳуснинг, чиройинг,
Ойнинг мақомидир – мақоминг – жойинг!»

Куёш қилмоқ учун уни томоша,
Дераза ёнига келди, қир оша.

Кўришим биланоқ унинг мафтуни бўлдим. Йигит келиб ўтирди. Энди сўзлаша бошлаган эдик, қози ва унинг ёнида тўрт киши, тўртта ваколат берувчилар билан кириб келишди. Саломатлашдик, улар ўтирдилар.

Никоҳ хати битилди. Улар кетдилар. Йигит менга тикилиб:

«Муборак кеч, эй маликам, – деди, – мен бир шарт ҳақида сўзламоқчиман».

«Қандай шарт экан», – дедим мен.

«Мендан бошқага майл қилмасликка, қарамасликка онт ичишингни сўрайман».



Мен дарров розилик билдирдим. Йигит шодланди. Муҳаббатим борган сари зиёдалашар эди. Дастурхон ёздилар. Едик, ичдик. Кеч кирди. Уйқуга ётдик. Бахтга қарши тонг отди. Бир ой шундай шод ва хуррамлик билан ҳаёт кечирдик. Бир ойдан сўнг мен бозорга бориб кийимлик олишга рухсат сўрадим. Рухсат берди, кийиндим. Кампирни олиб бозорга бордим. Кампир дўконда ўтирган бир йигитни менга таништира бошлади: «Бу катта бойнинг ўғли эди. Отаси ўлди. Жуда кўп дунё қолди. Бунда нима десанг топилади. Ҳеч қаерда йўқ нарсалар бу йигитда бўлади. Кейин йигитга қараб: «Энг яхши ва энг қимматбаҳо кийимликларингизни кўрсатинг», – деди. «Жоним билан», – деди йигит.

Кампир яна йигитни мақташга тушди.

– Мунча мақташнинг нима ҳожати бор? – дедим мен кампирга аччиқланиб. – Ахир биз кийимлик олгани келдик. Оламиз-у, кетамиз-да.

Йигит сўраганимни кўрсатди. Пул бердик. Йигит пул олишдан бош тортди.

«Бу менинг бу кунги зиёфатим, пул олмайман», – деди у.

– Агар пул олмаса, молини қайтариб беринг, – дедим мен кампирга.

«Булар бир бўса учун менинг совғам», – деди йигит. Йигитнинг муддаосини билдим.

«Бир ўпса ҳеч зарари йўқ. Шунча нарсаларни олсан», – деди кампир.

«Худо сақласин, – дедим мен, – ахир ўз олдингда қандай шарт қўйганини унутдингми?»

Кампир бўғиқ овоз билан: «Дуруст, сен тескари қараб турсанг, у ўпса, шартинг бузулмайди», – деди.

Гап анча чўзилди. Охири кўндим ва кўзимни юмиб турдим. Йигит чачвоним ичига бош суқиб, оғзини олиб келди. Шундай қаттиқ ўпди-ки, юзимнинг гўшти узилиб чиқди, эсим оғиб қолди. Кампир мени қучоғига олиб,



тиззасига ўтказди. Ҳушимга келдим. Дўкон қулфланган, кампир тепамда қайғуриб ўтирар эди. У менга: «Юр, уйга борамиз. Эрингни шубҳалантирмаслик учун ўзингни касалликка сол, ўралиб ёт! Мен дори келтираман. Тезда соғайиб қоласан!» – деди.

Бир соатдан сўнг ўрнимдан турдим, қўрқар эдим. Ҳар турли бўлмағур фикрларга чўмган ҳолда уйга етиб бордим. Ўзимни касалликка солиб, бурканиб ётдим. Кеч бўлди, эрим кириб келди. – «Нима бўлди, маликам?» – деб сўради.

– Касалман, бошим оғрияпти, – дедим. Шамни ёқди. Яқинроқ келиб, юзимга кўзи тушди.

«Юзингдаги жароҳат нима?» – деди у таажжубланиб.

«Шу кун сизнинг рухсатингизга мувофиқ кўчада кетаётганимда, – дедим мен, – кўчанинг танг жойида ёғоч ортилган бир туяга дуч келдим. Ҳар қанча эҳтиёт қилсам ҳам, ёғоч тегиб чаквонимни йиртди. Юзимга қадалиб, кўриб турганингиздай яра қилди. Хайрият кўзимга зарар бўлмади. Шаҳар кўчалари икки одам сиғмас торлиги ўзингизга маълум», – дедим.

«Эртага ҳокимга шикоят қиламан, шаҳардаги ҳамма ўтинчига солиқ солади», – деди у.

– Бировлар хатоси учун ташвишланманг. Тўғриси, мен эшак миниб кетаётган эдим, эшак қоқилиб йиқилди. Устидан отилиб тушдим. Юзим ерда ётган бир ёғочга бориб тегди-ю, шилиниб кетди, – дедим.

«Эртага воқеани Жаъфарга айтаман. Шаҳардаги эшакларни ўлдирсин», – деди.

– Мени деб ҳаммани ҳалок қилманг, бўлар иш бўлди. Айб эшакни эплаб мина олмаганимда, – дедим.

Менга қаттиқ-қаттиқ гапириб, ўжарларча туриб олди. Ўрнимдан туриб, баланд овоз билан бақирди. Эшик очилиб, еттита қора қул кириб келди. Улар мени қўлимдан тортиб турғизишди-да, ҳовли ўртасига олиб чиқишди. Қуллардан бирига икки кифтимни босиб туришга, яна



бирига икки оёғимни тутиб туришга, учинчисини қилич яланғочлаб, ҳозирланишга буюрди. Айтганини қилдилар. Қилич ҳозирлаган қул:

«Хўжайин, мен буни қилич билан иккига бўламан. Бир бурдадан қилиб, Дажлага ташлайман. Балиқлар есин. Онтни бузганларнинг жазоси шундай бўлиши керак», – деди.

Эримнинг ғазаби яна ортиб, шу шеърни ўқиди:

Севгимга ўзгалар бўлса муштарак,
Ундан беҳудаликда ўлмоғим керак.
Шериклик муҳаббат, рақиблик ёрдан,
Ўлим минг бор афзал! Шундан бер дарак!

Эрим қулга «Қилич ур!» – деган эди. Қул қилични яланғочлади. Кейин менга қараб:

«Сўнгги дақиқалар устида турибсан, тилакларингни айт!» – деди.

– Эй яхши одам, – дедим қулга, – менга бироз муҳлат бер, васиятимни сўзлай. – Кейин бошимни кўтардим. Қандай иззатли эдим, хўрликка тушдим. Кўз ёшларим тинмай оқар эди. Алам билан йиғлаб, шу байтларни ўқидим:

Сен тунда ухладинг, мен бедор ўтдим,
Кўз очдинг, маст бўлиб ўзни унутдим.
Аммо фикрим менинг, бўлди қошингда,
Хаёлим чарх уриб юрди бошингда.

Юрак бетоқату жоним бетиним,
Кезсам атрофингда, демадинг: сен ким?..
Боқишга фурсатинг топсам агарда:
Кўзим ёши оқиб, тўсгай бу парда.

Ҳамиша биргаман, лекин кўриш йўқ,
Боқиб ҳуснингга, бир дам ўлтириш йўқ.



Агар ўлсам, мени қилгин сарафроз,
«Мусофир маъшуқнинг қабри бу!» – деб ёз!

Эрим ғазаб билан боқиб, шу байтларни ўқиди:

Бағрим тешиб, бўлакларга ёр бўлдинг,
Бегонани кута-кута, зор бўлдинг.
Мен ўзимга бир муносиб ёр топгум,
Номуносиб ёрга учраб, хор бўлдим.

Бу байтларни эшитгач, яна бадтарроқ йиғлаб, кечири-
шини умид қилиб, шу назмни ўқидим:

Юрагинг тор, инсоф сиғмас кўнглинга,
Бағрим узиб, ташлаб қўйдим йўлингга.
Бу аламли жароҳатга назар сол,
Жирканмасдан, ушлаб тургин қўлингга.

Сўзни тугатдим. Тўхтовсиз йиғлар эдим. Эрим эса
йиғлаганим учун ортиқроқ ғазабланар эди. Кейин у шу
назмни ўқиди:

Инсоф қани? Бошқаларга кўз суздинг,
Узоқ кетиб, алоқангни сен уздинг.
Ташлаб кетган бевафони ташлайман,
Мен бузмадим ўз аҳдимни, сен буздинг.

Гапини тугатгач, йиғлаб илтижо қилдим. Балки сўз
билан алдарман, зора жазони камайтирса, деб ўйлардим.
Шу вақт кампир:

«Эй ўғлим, – деди, – берган оқ сутим ҳурмати бу
хотинни кечир. Ахир бунинг шунчалик гуноҳи йўқ. Сен
ҳам ёшсан. Бунинг қарғишидан қўрқаман».

Шу сўзларни деб, кампир ҳам хўн-хўнг йиғлайверди.

«Кечдим, – деди йигит, – лекин бутун умрида изи
сақланадиган бир жазо беришим керак». Қулга кийимла-



римни ечишга буюриб, беҳи новдасидан калтак ҳозирлатди- да, шу калтак билан ура бошлади. Эсим оғиб, ҳушим кетганга қадар савалади. Сўнг қулга: «Қоронғи тушгач, кампир билан бирга ўзининг уйига олиб бориб ташланглар!» – деди.

Улар хўжалари буюрганча қилдилар. Уйимда даволандим, ярамга дори қўйдим. Баданимни тарбия қилдим. Тузалди, лекин кўриб турганларингиздек, калтак излари қолди.

Тўрт ойгача ўзимни даволаб, охири шифо топдим. Сўнг ана шу ҳодисалар юз берган уйга қайтдим. Саройдек ҳовли тамом харобаланиб, уйга кириладиган кўчалар бошдан оёқ бузилиб кетибди. Биз турган уй ахлатхонага айланибди. Ҳайрон бўлдим. Нима сир ўтганини билолмадим. Мана бу ўгай синглимникига кедим. Унинг ёнида ана шу иккита қора ит турган экан. Салом бердим, ҳол-аҳвол сўрашдик. Бошдан кечирганларимни сўзладим. Синглим саломат қолганимга суюнди. У ҳам ўз саргузаштларини сўзлади. Бирга тура бошладик. Мен ҳам, синглим ҳам эрни тилимизга олмай қўйдик. Бизларга бу бозорчи синглим келиб қўшилди. У ҳар кун бозорга чиқар, бизга керак нарсаларни сотиб олиб келар эди. Ўтган кунгача шу йўсин ҳаёт кечирдик. Одатдагича, бозорчи синглим озиқ- овқат харид қилгани бозорга чиққан эди, шу ҳаммолга йўлиқибди. Бироз вақт ўтгач уч қаландар, сўнгра савдогарлар либосида сизлар кириб келдинглар. Ҳали биз бу ҳодисаларни эслаганимизча ҳам йўқ эди. Ўзимизни сизнинг ҳузурингизда кўраётирмиз. Бизнинг воқеамиз шу деб, сўздан тинди хотин.

Шоҳ ҳайрон бўлди. Бу ибратомуз ҳикояни ёзиб олиб, сақлашга буюрди халифа.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўн
саккизинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод, – сўнг халифа биринчи хотиндан: «Синглингни сеҳр қилган жиннинг қаердалигини баласанми?» – деб сўрабди. «Биламан, – дебди у. – Менга бир неча соч толаларини берган, истаганда уларнинг бирини тутатсам, Кўҳиқофда бўлса ҳам ҳозир бўлади». «Толаларни келтир», – дебди халифа.

Хотин келтирибди. Халифа бир толани куйдирибди. Сочнинг ҳиди эндигина чиқа бошлаган экан, галдиргулдур товуш эшитилибди, сарой қимирлагандек бўлибди. Шу топда қаердандир жин пайдо бўлиб, салом берибди.

«Бу хотин, – дебди жин халифага қараб, – менга яхшилик қилди. Мен ҳам қайтаришим зарур. У мени ўлимдан қутқарди, душманимни ўлдирди. Мен унинг сингиллари нималар қилганини билар эдим. Қасос олишни зарур ҳисобладим. Бунга етказган зиёнлари учун сингилларини ўлдиришни ўйлаган эдим. Мен қутқазган хотин хафа бўлмасин деб, ит суратига сеҳрладим. Эй халифа, агар уларни қутқазмоқ истасангиз, – дебди жин, – сиз ва у хотиннинг ҳурмати учун қутқазаман».

«Қутқаз буларни, – дебди халифа, – текширамиз, агар ростдан улар бу хотинга жабр қилган бўлсалар, тегишли жазога тортилулар».

«Хўп халифа, мен уларни қутқазаман, суриштириб билурсиз», – дебди жин.

Сўнг жин қўлига сув тўлдирилган жом олибди-да, сувга қараб бир нарсалар дегач: «Олдинги суратингизга қайтингиз», – деб сувни итларга сепибди. Улар сесканибдилар-да, ўзларининг аввалги ҳолатларига қайтибдилар.

«Бу хотин, – дебди жин, ўғлинг Альамин урган хотиндир». Альаминнинг бунга ошиқ бўлгани, катта шарт-



лар қўйиб уйлангани ва бошқа воқеаларни бошдан оёқ сўзлабди. Халифа ўғлини чақиртирибди, хотин воқеасини сўрабди.

Ўғли ҳам жин айтгандек ҳикоя қилибди. Шоҳ қози ва гувоҳларни чорлатибди. Уч қаландарни чақиртирибди-да, ҳалиги хотин билан унинг сеҳрланган икки сингисини ҳозир қилиб, шоҳ авлоди эдик, деган бояги уч қаландарга никоҳ қилдирибди. Уларнинг ҳар қийсисига жой берибди. Керакли анжом билан таъминлабди. Калтакланган хотинни ўғли Альаминга никоҳ қилдириб, кўп дунёлар берибди. Вайрон бўлган жойларни бўстонга айлантириш, янги иморатлар қуришга буюрибди. Халифа бозорчи хотинни ўз никоҳига олибди. Кечаси ётибдилар. Тонг отгач, унга махсус олий қаср тайинлаб, куллар белгилабди.

УЧ ОЛМА ҲИКОЯСИ

Бир куни шоҳ вазири Жаъфарга шундай дебди:

«Бугун шаҳарга тушиб, амалдорлар ҳаракатини текшира-
рамиз, ким тўғрисида норозилик эшитсак, уни мансабдан
узоқлаштира-миз».

– Жоним билан, – дебди Жаъфар. Халифа, Жаъфар,
Масрур шаҳарга тушибдилар. Улар бозорнинг чеккасида-
ги йўлдан кетаётганда, бошига сават кўтариб, қўлида
ҳасса ушлаган бир чолни учратибдилар. У битта-битта
қадам босиб, шу байтни ўқиётган эмиш:

Ўшатиб ойга менинг илмимни, бермишлар баҳо,
Мен дедим: илмимга ортиқ бу баҳо, балким хато.
Чунки бу давронда илмининг қадри йўқ, давлат керак,
Бу баҳо илм аҳлига лойиқ эмас, ҳам не раво.

Розиман, илмим қўяй бир кунлик ризқимга гаров!
Ким учун даркор қалам, қоғоз уни олмас биров.



Биз фақирдирмизки, хорликда яшармиз беомон,
Ёзи овқатсиз ўтар, қишда оловсиз, беаёв!

Ўтса илм аҳли, қопиб итлар, уни хорлайдилар,
Зорларин ҳеч ким эшитмас, кимга ҳол зорлайдилар?
Биз фазилат аҳлига бўлганда тинч жой қабр агар,
Аҳли давлат, ой бўлиб, кўк устида порлайдилар.

«Гапларига қараганда муҳтож одам бўлса керак», – деди халифа. Сўнг у: «Қандай ҳунаринг бор, ота?» – деб сўрабди мўсафиддан.

«Мен балиқчиман, бола-чақам бор, уйдан чиққанимда кун кўтарилмаган эди. Шу вақтгача ҳеч нарса топмадим. Болаларим олдига нима деб боришимни билмай, уларнинг кўз ёшларини кўришга тоқат қилолмай, ўлимимга рози бўлиб кетаётирман, чироғим», – деб жавоб берибди чол. «Биз билан Дажла дарёсига борсанг, бизнинг бахтимизга қармоқ солсанг, нима чиқса, юз динор берар эдим», – дебди халифа.

«Жоним билан», – дебди чол севиниб.

Балиқчи улар билан бирга дарё бўйига борибди. Қармоқ ташлабди, бир нарса илингандек бўлибди, қармоқни тортибди. Қараса, қопқоғи қулфланган сандиқ экан. Халифа сандиқни қимирлатмоқчи бўлибди. Оғирлик қилибди. Кейин балиқчига юз динор пул берибди, балиқчи уйига кетибди. Жаъфар билан Масрур сандиқни кўтариб, халифа билан саройга қайтибдилар. Шам ёқилибди. Сандиқ шоҳ олдида турар экан. Жаъфар билан Масрур келиб сандиқни бузибдилар. Унда қизил гул билан ўралган бир қути бор экан, уни ҳам бузибдилар. Қутида ёйилган гилам парчаси, гилам остида эса паранжи кўринибди. Паранжини очиб қараган экан, бўғизлаб ўлдирилган жуда чиройли бир хотин ётган эмиш.

Буни кўрган халифанинг раҳми келиб, кўзларидан ёш оқибди.



«Эй вазирлар ичидаги ит, – дебди Жаъфарга қараб, – бу қандай гапки, менинг давримда одамларни бўғизлаб, дарёга ташлабдилар. Ахир бунинг жавобгарлиги менинг зиммамда-ку! Қотилни, албатта, топиб, уни энг даҳшатли азоб билан ўлдираман. Менинг зурриёдим – Аббосий халифалар ҳаққи», – дебди қасам ичиб халифа. Сўнг Жаъфарга қараб: «Бунинг қотилини топиб келтирма-санг, сени ва сенинг қирқ уруғингни мана шу сарой дарвозаси олдида дорга остираман», – дебди.

Жаъфар уч кун муҳлат сўрабди, халифа муҳлат берибди. Ўша ондаёқ Жаъфар шаҳарга йўл олибди. У нима қилишини билмай, ғамгин бўлибди. Бу хотиннинг қотилини қаердан топаман, агар тўхматдан бошқани келтирсам, уволига қоламан деб ўз-ўзига айтибди. Нима қилишини билмай, уч кунни ўтказибди. Тўртинчи куни халифа киши юборибди. Жаъфар халифа ҳузурига келибди.

«Қотил қани?» – деб сўрабди, халифа. «Мен қаердан билай?» – дебди Жаъфар.

Халифа ғазабланибди. Жаъфарни сарой дарвозаси ёнига олиб бориб осилишга буюрибди. Осмасдан олдин бутун шаҳар халқига халифанинг вазири Жаъфари бармаки ва унинг қирқ авлодининг осилиши тўғрисида жар солишни буюрибди. Жаъфар ва унинг қирқ авлодини жазолашни кўриш учун ҳар томондан одамлар тўпланибдилар. Лекин уларнинг осилиш сабабини ҳеч ким билмас экан. Дор ҳозирланибди. Вазир ва бошқалар дор остига келтирилибди. Жаллодлар халифанинг фармони кутар эканлар.

Шу пайт жуда ҳам чиройли бир йигит шошиб етиб келибди. У одамлар орасини ёриб, Жаъфарга томон интилар экан, Жаъфар олдида келиб унга: «Сен бу жазодан қутулгансан, сандиқдаги ўлик хотиннинг қотили мен, мени осинглар! Мендан қасос олинглар», – дебди. Жаъфар ўзининг дор остидан қутилишига севиниб, ёш



йигитнинг аҳволига ачинибди, бу йигитни кўрганлар ҳайрон бўлиб, бир-бири билан шивирлашиб гапиришар эканлар. Бирдан мункайган бир чол етиб келибди. У жуда шошилиб, югурганча ва одамларнинг орасини ёриб, Жаъфар олдига борибди.

«Эй вазир, бу йигитнинг сўзига ишонманг. У хотинни мен ўлдирганман. Мен жазоланишим керак», – дебди. Йигит бўлса: «Эй вазир, бу қари чол ақлдан озган, гапирган гапининг мазмуни нимадан иборат эканини ўзи ҳам билмайди. Хотинни мен ўлдирганман, мени осинглар», – дермиш. «Эй ўғлим, – дебди чол, – сен ёшсан, ҳали дунё орзу-ҳавасларига қонмагансан! Мен эса ёшимни яшадим, ошимни ошадим, орзу-ҳавасларнинг ҳаммасини кўрган, дунёдан безган бир кишиман. Бу хотинни мен ўлдирдим, мен жазоланишим керак, тез осинглар», – дебди чол.

Вазир ҳайратда қолиб, йигитни ҳам, чолни ҳам шоҳ олдига олиб борибди. Халифа олдида улар ер ўпибдилар.

«Хотинни ўлдирган қотилни келтирдим», – дебди вазир. «Қани у?» – дебди халифа. «Мана бу йигит хотинни мен ўлдирганман дейди, – дебди вазир. – Бу мўйсафид бўлса, йигит ёлғон айтяпти, унинг қотили мен», – дейди. Уларнинг ҳар иккисини сизнинг ҳузурингизга келтирдим.

Халифа чолга ҳам, йигитга ҳам диққат билан қараб, «Қайси биринг ўлдиридинг?» – дебди ғазаб билан.

«Мен!» – дебди йигит. «Бўлмаган гап, мен ўлдирдим», – дебди чол.

«Ҳар иккисини ҳам ос!» – дебди халифа Жаъфарга. Жаъфар қарши чиқибди. «Буларнинг ҳар иккисини осиб адолатдан эмас, шоҳим», – дебди Жаъфар.

«Хотинни мен ўлдирдим», – дебди йигит.

Халифа ҳайрон бўлиб, бу воқеага қизиқибди.

«Нима учун хотинни ноҳақ ўлдиридинг, ҳеч ким билмаган бу сирни ўзинг келиб билдириб, қасос кутаётирсан!» – дебди халифа.



«Хурматли халифа, – дебди йигит, – бу хотин амакимнинг қизи, менинг хотиним эди. Бу чол қизнинг отаси-амаким бўлади.

Биз анча умр кечириб, уч ўғил кўрдик, у мени жуда яхши кўрар эди. Мен ундан ҳеч қандай ёмонлик кўрмаган эдим. Шу ойнинг бошида у қаттиқ касал бўлди, табибларга қаратдим, тузалди. Ҳаммомга олиб бормоқчи бўлдим.

«Ҳаммомдан олдин, бир нарсага ҳавасим кетаётир», – деди. Нима истайсан, айт, – дедим.

«Олма бўлса ҳидлар, бирозгина ер эдим», – деди. Мен олма топиб келиш учун шаҳарга жўнадим. Бутун шаҳарни изладим, тополмадим. Агар биттаси бир динор турса ҳам олар эдим. Фамгин хаёллар билан кечани ўтказдим. Тонг отгандан кейин шаҳар боғларини бир-бир айланиб юриб, бир кекса боғбонга дуч келдим-да, ундан сўрадим.

«Эй ўғлим, ҳозир олмани топиш қийин, балки топилмас, – деди у. – Уни ҳозир фақат Басрадаги ҳоқимнинг боғидан топиш мумкин. Унда боғбонлар халифа учун олма сақлайдилар».

Мен уйга қайтдим. Унга бўлган муҳаббатим кўнглимни тинчитмади. Боғбон тайинлаган томонга жўнадим. Кечакундуз демай ўн беш кун йўл босдим. Басра саройининг боғбонидан учта олма сотиб олиб, хотинимга келтириб бердим. У олмани олиб қўя қолди. Унинг касали кучайди. Ўн кун қаттиқ ётиб қолди, кейин тузалди. Мен ҳам дўконга ишга чиқдим. Олиш-сотиш билан машғул бўлдим. Туш вақти дўконда ўтирган эдим, бир қора қул ўтиб қолди. Унинг қўлида олмалардан бири бўлиб, ўйнаб борар эди.

– Эй яхши киши, бу олмани қаердан олдинг, менга ҳам керак эди? – деб сўрадим ундан.

– Ўйнашимдан олдим, – деб кулди қул. – Мен бошқа ёққа кетган эдим, қайтиб келдим. Суюкклим касал экан.



Ёнида учта олма турган экан. «Аҳмоқ эрим, шу олма учун Басрага бориб, уч олмани уч динорга сотиб олиб келди», – деди. У менга берини ҳадя қилди.

Қул сўзини эшитган замон, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кўринди. Бу сўзларни эшитиб, девона бўлган эдим. Ўрнимдан туриб, дўконни беркитдим. Хотиним ёнига бордим. Қарасам, оламанинг иккитаси турибди.

– Учинчиси қани? – деб сўрадим. «Билмадим, эйтибор ҳам берганим йўқ», – деди у.

Қулнинг сўзи тўғрилиги тасдиқланди, пичоқни қинидан олдим. Орқадан келиб, кўксига тиззамни тираб ўтирдим, индамай гарданига пичоқ урдим-да, калласини шартта кесиб олдим. Парда билан ўраб, қутига жойладим, устига гиламча ёпиб, сандиққа солдим. Ўз хаширимга ортиб, Дажлага олиб бордим. Ўз қўлим билан дарёга ташладим. Мендан тезроқ қасос олинг! Бу сирни ҳеч ким билмаган эди, катта ўғлимга кўзим тушди. У йиғларди. У онасининг воқеасидан беҳабар эди.

– Нега йиғлайсан? – деб сўрадим.

«Мен, – деди ўғлим йиғлаб, – олмаларнинг бирини олиб, укаларим билан кўчада ўйнаб юрган эдим, новча бир қора қул келиб, сапчиб олмани қўлимдан одди. «Қаердан олдинг?» – деб дўқ уриб сўради.

«Қасал онам учун отам атайлаб Басрага бориб, у ердан учтасини уч динорга келтирди», – дедим. Мен бу гапни икки-уч қайта такрорладим. Лекин қул олмани қайтармади. Аксинча, мени уриб, ўз йўлига кетди. Ойимдан кўрққанымдан, ўшандан бери уйга киролмай, укаларим билан шаҳар атрофига чиқиб айланиб юрибман».

Бу сўзни эшитиб, қулнинг сўзи амакимнинг қизи учун тамом туҳмат эканини аниқ билдим. Ниҳоят, ўлдирганимга пушаймон бўлиб, аламимдан йиғладим. Кейин бу мўйсафид амаким кириб келди. Мен ўтган воқеани гапириб бердим. Ёнимга ўтириб, амаким ҳам йиғлай бошлади. Ярим кечагача йиғладик, беш кунгача аза тутдик.



Биз бу кунгача уни ноҳақ ўлганига қайғурамыз. Бунинг ҳаммаси ўша қулнинг касофати бўлди. Мана, унинг ўлдирилиш тарихи. Авлодингиз ҳурмати, мени тезроқ осингиз, усиз ҳаёт керак эмас», – дебди йигит.

«Албатта, шу қулни жазолайман», – дебди халифа.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўн
тўққизинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – «Йигит узрли экан, қулни ўлдириш керак, – дебди халифа Жаъфарга қараб. – Агар ўша қулни топиб келтирмасанг, унинг ўрнига сени ўлдираман».

Жаъфар ўрнидан қўзғалибди, қулни қаердан топаман деб, зор-зор йиғлабди, зора бу сафар ҳам аввалгидек қутулсам, деб умид қилибди. Бирор ҳийла излаб топишни истамай, уч кунгача уйдан чиқмай ўтирибди.

Тўртинчи куни уйига қозини чақиртириб, васият қилибди. Болалари билан хайрлашибди. Болалари тинмай йиғлабди. Жаъфар ҳам ўзини йиғидан тўхтата олмабди. Бирдан халифа юборган киши кириб, шундай дебди: «Халифа жуда ғазабланган, сизни йўқламоқда. Агар бугун қулни топмасангиз, ўзингизни ўлдиради».

Жаъфар бу сўзни эшитиб, яна йиғлай бошлабди. Болалари билан йиғлашиб, хайрлашибди. Жаъфар хайрлашиш учун энг севган кичик қизи ёнига борибди. Чунки уни бошқа болаларидан кўра яхши кўрар экан. Унинг бошини кўкрагига босиб, хайрлашмоқчи бўлган экан, қизининг чўнтагидаги дўппайган бир нарсага кўзи тушибди.

«Чўнтагингдаги нима?» – деб сўрабди у қизидан.

«Олма, – дебди қиз, – мен бунни олганимга тўрт кун бўлди. Қулимиз Райҳон келтирган экан, икки динор пулга зўрға сотиб олдим».



Жаъфар қул билан олманинг дарагини эшитгандан кейин ўзида йўқ хурсанд бўлиб: «Райҳонни чақир», – дебди.

Райҳон келиб салом берибди.

«Бадбахт, – дебди Жаъфар Райҳонга, – бу олмани қаердан олдинг?!» «Эй хўжам, – дебди қул. – Агар ёлғон кишини ҳалокатдан қутқазса, ҳақиқат ҳам қутқазади. Мен бу олмани сизнинг хужрангиздан ўғирлаганим йўқ. Бундан олти кун илгари шаҳарнинг бир кўчасидан ўтиб кетаётган эдим, бир тўда ёш болаларга кўзим тушди. Бирининг қўлида шу олма бор экан, тортиб олдим. Болани урдим, у йиғлаб туриб шундай деди: «Эй амаки, бу олма ойимнинг олмаси. Ойим касал эди, отамдан олма сўради. Отам шу билан тузалармикан деб, Басра деган жойдан учта олмани уч динорга сотиб олиб келди. Мен бирини ўйнаш учун билдирмай олиб чиқдим». Бола беринг деб қанча ялинса ҳам, мен унга эътибор бермай, олиб келавердим. Бу ерда кичик малика икки динор олтинга сотиб олди».

Жаъфар бу гапни эшитиб, хотиннинг ўлимига унинг қули Райҳон сабаб бўлганини англабди. Қул унга яқин бўлганлиги учун ачинибди. Лекин ўзининг қутулганига ичидан севиниб, ушбу шеърни ўқибди:

Қулдан зарар кўрган киши, ўз ҳаёти йўлида,
Шу қулини қурбон этар, яна олар бошқа қул.
Қўп қулларни топиш, сотиш, хўжанинг ўз қўлингда,
Аммо ўзинг сингарини тополмайсан сен буткул.

Ўзгалар васл ила ўз дардига дармон қиладир,
Бўлмаса васл менга, мен нима дармон қиламан.
Ишқ аҳли ҳаммадан ишқини пинҳон қиладир,
Мен унинг меҳрини фош, жабрини пинҳон қиламан.
Бул ҳавас ўзини ишқ куйида эълон қиладир,
Айрилиқ даштида мен, нола-ю, афғон қиламан.



Жаъфар қулни ўзи билан бирга шоҳ олдига олиб бориб, воқеани бошдан оёқ гапириб берибди. Халифа бу воқеани эшитиб, ҳайрон бўлибди. Шоҳ ибратомуз бу ҳикояни ёзиб тарқатиш зарурлигини айтибди.

«Бу ҳикоя, – дебди Жаъфар халифага, – Нуриддин билан унинг биродари Шамсиддин ҳикоясидан қизиқ эмас». «У қандай воқеа экан?» – деб сўрабди шоҳ. «Эй шоҳим, – дебди Жаъфар, – қулимни ўлимдан қутқазсангиз айтаман». «Ҳикоянг бу воқеадан қизиқ бўлса, қутқараман», – дебди шоҳ.

Вазир ҳикоя қилишга киришибди.

ВАЗИР НУРИДДИН БИЛАН УНИНГ БИРОДАРИ ҲИКОЯСИ

Бир вақтлар Мисрда бир подшоҳ бўлиб, адолатли ва марҳаматли экан. Унинг тадбирли, доно вазири бўлиб, у анча ёшларга борган, оппоқ соқолли бир киши экан. Унинг бир-биридан чиройли икки ўғли бор экан. Каттасининг оти Шамсиддин, кичигининг оти Нуриддин экан. Кичиги каттасидан ҳам кўра кўркавроқ экан. Ҳатто уни томоша қилгани чет эллардан одамлар келар экан. Кунларнинг бирида вазир бетоб бўлиб қолибди-ю, бир неча кун ётиб вафот этибди. Шоҳ хафа бўлибди. Унинг болаларига меҳрибонлик кўрсатиб, сарполар тақдим қилибди:

«Сизлар, – дебди шоҳ, – отангиз ўрнида вазирлик вазифасини ўтанглар!» Улар хурсанд бўлибдилар, шоҳ қошида икки букилиб, таъзим қилибдилар. Роса бир ой оталарига аза тутибдилар. Сўнг вазирлик мансабига ўтириб, оталарининг ўрнини эгаллабдилар. Шоҳ бирор томонга сафар қилса, навбат билан улардан бирини ўзи билан олиб кетар экан. Бир куни кечки пайт шоҳ тонг отач, сафарга чиқажагини эълон қилибди. Навбат каттасиники экан. Шу кеч ака-ука уйланиш тўғрисида сўзла-



шибдилар: «Улғайдик, уйланишимиз керак. Ҳар иккимиз бир кунда уйлансак, кўп кўнгилли иш бўлади», – дебди акаси. «Қаршилиқ йўқ», – дебди кичиги. Шунга қарор берибдилар.

«Биз бир кечада тўй қиламиз. Хотинларимиз баробар бир кунда туғадилар. Сенинг хотининг ўғил, менинг хотиним қиз туғса, уларни бир-бирига уйлантираамиз. Улар эру хотин бўладилар», – дебди Шамсиддин.

«Эй ака, – дебди Нуриддин, – у вақтда қалин учун менинг ўғлимдан қанча нарса оласиз?» «Қизим учун уч минг динор пул, уч боғ, уч қишлоқ оламан. Зотан, никоҳ учун бундан кам бўлиши тўғри ҳам эмас». «Менинг ўғлим шунча қалин тўлайдими, – деб эътироз билдирибди Нуриддин. – Ахир икковимиз ака-ука ва бир даражадаги вазирлар бўлсак, бир-биримиздан шунча катта маҳр талаб қилсак, яхшими?»

«Мен билан бегонадек баҳс қилмоқчига ўхшайсан, – дебди Шамсиддин. – Ҳеч шубҳасиз сен ҳозир калтабинлик қилаётирсан. Ўғлингни менинг қизимдан ортиқ кўраётирсан. Вазирлик мартабаси учун сенда на ақл бор, на ахлоқ. Мен сени бу мартабага киритишимдан мақсадим ўзга эди. Бир тарафдан, менга ёрдамчи бўларсан, иккинчидан кўнглинг ўксимасин, хафа бўлмагин деган эдим. Модомики, сен кишининг юзига одобсизларча оёқ қўйиб, бу гапларни сўзладинг, энди ўғлингга қизимни бермайман!»

Нуриддин акасининг бу сўзини эшитиб ғазабланибди. «Мен ҳам ўғлимга қизингни олиб бермайман», – дебди у. Шунда Шамсиддан: «Агар сафарга кетмаганимда адабингни берар эдим. Афсус кетаётирман. Кўп шошма, ҳали сафардан келай, кўрасан», – дебди.

Нуриддиннинг ғазаби алангаланибди. Дунёдан чиқиб кетгудек бўлибди. Лекин у ўзини босиб, ортиқ айтишмабди. Ҳамма гапларни кўнглига тугибди. Ҳар бири ўз ҳолича ғамгин, кечани ўтказибдилар.



Тонг отгач, шоҳ сафарга ҳозирланибди. Вазир Шамсиддин бирга йўлга тушибди. Тонг отгач Нуриддин намозни ўқиб, хазинага борибди. Бир хуржунга олтинни тўлдириб олибди. Акасининг сўзларини, таҳқирлаганини эслаб шу шеърни ўқибди:

Сафар қилмас худди кўлмак сувга ўхшайди,
Сасиб, бир ерда турса сув узоқ, оғуға ўхшайди.
Эшитмоқ, кўзда кўрмоқ фарқи бор ер ила осмонча,
Бировнинг айтгани туш, тинглаши уйқуга ўхшайди.
Кезишнинг гашти бор, ким гаштни севмас тошдан фарқсиз,
Саёҳат нисбати, тоғлар ошар оғуға ўхшайди.
Ўқинг отилмагунча тегмагай мақсад нишонига,
Аялган жон, кўмирга тенг бўлур, у қадр қимматда,
Хазина турса, гўё у, соқов хушруга ўхшайди.

Шундан сўнг Нуриддин қулларидан бирини чақирибди. Хачирга ипак тўқимлар, тилла жабдуқлар, эгарлаш-ни буюрибди. Кейин хачирга хуржун ортибди. У қулларга: «Юрагим сиқилиб кетди. Уч кун шаҳар четига, Алқайлубия қишлоғига бориб айланиб келаман. Ҳеч ким орқамдан бормасин», – дебди-ю, шошилич жўнабди. Шу кетишда Мисрдан дашти-биёбон томонга йўл солибди. Туш вақтида, Билбис шаҳрига кириб бориб, хачирдан тушибди. Ўзи дам олиб, хачирга ҳам дам берибди. Билбисдан ўзи учун ҳам, хачир учун ҳам бироз озиқ олиб, яна йўлга равона бўлибди. Иккинчи кун тушда Қуддус шаҳрига кириб борибди. Ўзи дам олиб, уловига ҳам дам берибди. Гиламни тагига солиб, хуржунни бошига қўйиб шу ерда ётибди. Ҳамон аччиқланарди. Тонг отгач, хачирга миниб, яна йўлга тушибди. Халабга етгунча уловдан тушмабди. Халабга етгач, бир карвонсаройга кирибди. У ерда уч кун кўнибди. Ўзи ҳам дам олиб, уловга ҳам дам берибди. У ёқ-бу ёқни айланиб, яна йўлга тушибди. Қаёққа боришни ҳам



билмас экан. Басра шаҳрига бориб, карвон саройга қўнибди. Гиламни ёзиб, хуржунни олибди. Хачирни дарвозабонга совутишга топширибди. Дарвозабон хачирни совутиб юрган экан, сарой дарвозасидан кўчани кузатиб ўтирган вазир хачирни кўриб қолибди. «Қимматбаҳо жабдуқлар билан безалган бу улов, – дебди вазир ўз-ўзига, – ё шоҳ, ёки вазирлар минадиган уловку, ким келган экан?» деб ўйлаб, аниқлай олмабди. Хачир етаклаган дарвозабонни чақирришга буюрибди. Уни чақириб келибдилар. Вазир анча кекса одам экан. Дарвозабондан хачирнинг эгасини сўрабди.

«Эгаси, – дебди дарвозабон, – савдогарлар авлодидан, ҳуснда тенгги йўқ бир йигит, яқиндагина келиб саройга қўнди». Вазир ўша ондаёқ ўрнидан қўзғалиб, карвонсаройга йўл олибди. Йигит олдига борибди. Нуриддин вазирни кўриши биланоқ шошиб-пишиб ўрнидан турибди-да, вазирга салом берибди. Вазир отдан тушиб, Нуриддин билан кўришибди. «Қаердан, нима иш билан келдингиз, ўғлим?» – дебди вазир Нуриддинга.

Нуриддин воқеани бошдан оёқ сўзлабди: «Мисрдан келдим. Отам вазир. Мен, – дебди у, – ниҳоятда сиқилдим. Ҳамма шаҳарни, ҳамма томонни кезиб чиқмагунча, юртимга қайтмасликка қарор бердим». «Эй ўғлим, – дебди вазир, – бунчалик эрка бўйсунуш кишини ҳалокатга элтади. Бу йўлда сени катта фожиалар кутмаса деб кўрқаман».

Шундан сўнг хуржунни хачирга ортиб, бирга ўз уйига ортиб борибди. Уни ўз хонаси қаторидаги бир уйга киритибди. Ортиқ ҳурмат кўрсатибди. Вазирнинг кўнглида йигитга нисбатан аллақандай муҳаббат пайдо бўлибди: «Мен қариб қолдим, – дебди у, – ўғлим йўқ, бисотимда сенга тенглашарли бир қизим бор, холос. Бунгача кўп совчиларни ёқтирмай қайтардим. Лекин сенинг муҳаббатинг дилимга жо бўлди. Қизимни чўри-



ликка олишга розилик берсанг, мен сени Басра шоҳига укамнинг ўғли деб танитай, ўрнимга вазир қилиб, оёғимни узатай».

Бу сўзни эшитган Нуриддин бошини қуйи солиб, «хўп» деган жавобни берибди. Вазир шодланиб, одатда амалдорларни кутадиган алоҳида уйни зийнатлашга амр қилибди. Сўнг ўзининг дўстларини, давлат арбобларини, бойларни чорлабди. Ҳамма ҳозир бўлгач: «Ҳаммаларингизга маълумки, – дебди вазир, – Басра юртида вазирлик қилиб турган акамнинг икки ўғли бор. Акамнинг болалари катта бўлгач, шу қизимни ўғилларининг бирига беришни илтимос қилган, мен эса рози бўлган эдим. Ваъдага мувофиқ бу кун ана шу ерда ўтирган ўғлини юборибди. У келиши билан қизимни никоҳлашга қарор бердим. Ҳеч шубҳасиз у ҳар қандай бегонадан минг марга афзал. Агар хоҳласа мен билан шу ерда тура берар. Отаси ёнига кетмоқ истаса, қизим билан қўшиб юбораман».

У ерда ўтирганлар: «Жуда яхши ўйлабсиз», – дебдилар – да, йигитга разм солибдилар, у ҳаммага ёқибди. Вазир қози ва гувоҳларни чақирибди. Улар никоҳ хати тузибдилар. Уд тутатибдилар.

Вазир қулларга уни ҳаммомга олиб боришни буюрибди. Ҳаммомдан чиққач, унга қимматбаҳо сарполар тақдим қилибди. Нуриддин ҳаммомдан чиққанда у ўн тўрт кечалик ойдек экан. Ҳачирга минибди. Ёнида қуллар билан тўппа-тўғри вазир саройига келиб, қасрга кирибди. Вазирнинг қўлини ўпибди.

Қисса шу ерга етганда – тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Йигирманчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этибди Шаҳризод. – Вазир Нуриддиннинг қўлини сиқар экан: «Энди сен хотининг олдига кир, бу кеч ўтсин, эртага сенга яхши тилаклар тилаб, шоҳ олдига олиб бораман», – дебди. Нуриддин ўрнидан туриб, қизнинг ёнига кирибди.

Энди Шамсиддиндан эшитинг. Бир неча кундан сўнг сафардан қайтиб қараса, укаси йўқ эмиш. Қуллардан суриштирибди, улар: «Сиз шоҳ билан сафарга кетган кун, кетингиздан ўзининг хачирини эгарлатиб, унга минди. Дилим сиқилган, бир неча кун айланиб келаман. Қалюбия томонга бораман, деб йўлга чиқди. Ҳеч ким орқамдан бормасин деб таъкидлади. Шундан бери у тўғрисида ҳеч хабар эшитмадик», – дейишибди.

Шамсиддин укасидан ажралганига хафа бўлибди. Аҳволи бутунлай ўзгарибди. «Бунинг сабаби, – дебди Шамсиддин ўзига-ўзи, – ўша кеча қаттиқ гапириб, хафа қилганимдан бошқа нарса эмас. У гапларни укам кўнглига олган, қаттиқ сиқилган, нима қилишини билмай, йўлга тушгандир».

Шамсиддин воқеани шоҳга баён қилибди. Шоҳ ўзига қарашли шаҳар валиларга хат ёзибди.

Бироқ Нуриддин йигирма кун орасида жуда ҳам узоқлашган экан. Ҳар томонни излабдилар. Лекин ҳеч ким бирор аниқ хабар келтира олмабди.

Шамсиддин қайғуга чўмибди. У ўзининг қилмишига афсусланиб, қисқа ўйлагани, тадбирсизлигига ачинибди. Бироз вақт ўтгач, Шамсиддин Қоҳира шаҳридаги бир бойнинг қизига уйланибди. Таажжуб бир тасодифки, Нуриддиннинг вазир қизига уйланиши ҳам, акасининг савдогар қизига никоҳи ҳам бир кечада бўлибди.

Бошда сўзланган шартга мувофиқ хотинларининг туғишларини ҳам бир кунга тўғри келибди. Шуниси қизиқ-



ки, худди Шамсиддин айтгандай, Нуриддиннинг хотини жуда ҳам чиройли бир ўғил, Шамсиддиннинг хотини эса оламда тенгги йўқ, чиройли бир қиз туғибди. Шоирнинг шеъри унга аталган:

Бунинг алоҳида бир кайфият ва ҳолати бор,
Бағишлагай кишига шавқу завқ, бу базм оро.
Ким у билан ўтириб сўзлашар, ҳаловати бор,
Бу хил гўзални ҳали кўрмаганмикан дунё...
Жаҳон гўзалларини у билан солиштирса,
Улар оёғин ўпиб, юз сураар ҳижолатдан.
Фазилатдан олиб озгина қориштирса,
Уларга юққай эди ҳусн ҳам маҳоратдан.

Нуриддин ўзининг ўғлига Ҳасан деб ном қўйибди. Вазир ғоят шодланибди. У жуда катта, шоҳлар болаларига муносиб тўй қилиб берибди. Сўнг у Нуриддинни шоҳ ҳузурига олиб борибди. Нуриддин шоҳ ҳузурида ер ўпибди. У жуда чиройли, жуда ёқимли, сўзга чечан ва ўткир йигит эмасми, шоҳ ҳақида қисқа, лекин мазмундор мадҳия ўқибди, шоҳ уни яхши қарши олиб, миннатдорчилик билдирибди. Вазирдан у ҳақида сўраган экан: «Акамнинг ўғли бўлади», – дебди. «Қайси акангизнинг ўғли, биз ҳеч эшитмаган эдик-ку», – дебди шоҳ. «Шоҳим, – дебди вазир, – акам Миср тупроғида вазир эди, у ўлди. Ундан икки ўғил қолди. Каттаси акам ўрнига вазир бўлди. Кичиги шу ҳузурингиздаги йигит, менинг ҳузуримга келди. Қизимни унга никоҳлаб бердим, мен қаридим. Куч-қувват кетди. Қулоқларим яхши эшитмайдиган бўлиб қолди. Жаноби шоҳимиздан ўрнимга шу йигитни вазирлик мансабига тайинлашни сўрардим. Бу йигит олдин, менинг фақат жигарим бўлса, энди куёвим ҳам. Ўзи шу вазифага лойиқ, ҳушёр йигит ва агар шоҳим буни шу вазифага тайинлар эканлар, мен аминманки, маслаҳатлик, мувофиқ иш бўлар эди». Вазирнинг



таклифи шоҳга маъқул тушибди. Шоҳ Нуриддинни вазирлик мансабига тайинлабди. Унга энг қимматбаҳо сарпо кийгизишни буюрибди. Ўзининг энг яхши хачирларидан бирини унга тақдим қилибди. Маош тайинлабди. Нуриддин шоҳнинг қўлини ўпибди. Вазир билан бирга уйга қайтибдилар. Қайната, куёв икковлари ҳам ғоят хурсанд бўлибдилар. «Чақалоқ – Ҳасан пойқадамлик келди. Бу мартабага эришиш, албатта, унинг хосиятидан», – дебдилар.

Эртаси Нуриддин шоҳ қошига бориб, ер ўпибди-да, шу байтларни ўқибди:

Э, шарафли шоҳ, бундан ҳам саодатманд бўл,
Етмасин бир лаҳза қайғу, доимо хурсанд бўл.
Душманинг ер бирла яксон бўлсину топсин завол,
Адлда оламда, яъни офтоб монанд бўл.

Шоҳ уни вазирлик курсисига ўтиришга буюрибди. Нуриддин курсига ўтириб, хизматини адо эта бошлабди. У худди тажрибали вазирлар каби иш олиб борибди. Шоҳ унинг муомаласига, ақлига таҳсин ва офаринлар ўқиб, завқланиб, ундан мамнун бўлибди. Хизмат вақти тугаб, девон ёпилгач, Нуриддин уйига қайтибди. Воқеани қайнатасига айтибди. У бу маваффақиятдан ҳаддан зиёд шодланибди.

Нуриддин шу йўсинда бир неча вақт иш олиб борибди. Унга нисбатан шоҳнинг муҳаббати борган сари орта борибди. Унинг маошини оширибди. Бир неча марта мукофотлабди. Нуриддиннинг давлати, обрўси кундан-кун ортибди. У махсус савдо кемалар юритата бошлабди. Унинг қарамоғида қуллар, махсус хизматчилар пайдо бўлибди. Кўп вақт ўтмай катта ерларга, боғларга эга бўлибди. Нуриддиннинг ўғли Ҳасан тўрт ёшга кирганда, бобоси вафот этибди. Нуриддин жуда катта таъзия ўтказиб, дафн қилибди. Сўнг ўғлининг тарбиясига Нурид-



диннинг ўзи киришибди. Бироз улғайгач, ўз уйида ўқитиш, тарбия қилиш учун махсус муаллим тайинлабди. Бир тарафдан, унинг билими ортса, иккинчидан, унинг кўрки камолга эришаверибди. Шоир айтганидек:

Ўзини камтар солиб, тўлган ойга ўхшатди,
Эшитди ой, қизариб, пардага кириб ётди.
Қуёш чиқарда бутун коинот бўлиб бедор,
Бу бир қарашда бутун ишқ элини уйғотди.

Муаллим кеча-кундуз саройда Ҳасанни тарбия қилиш билан машғул бўлаверибди. Кунлардан бир куни Нуриддин ўғлини чақирибди, қимматбаҳо кийимлар кийгизибди. Ихчам, лекин жуда келишган бир хачирга миндирибди-да, саройга олиб бориб, шоҳ ҳузурига олиб кирибди. Шоҳ боланинг ҳуснини томоша қилибди, ҳақиқатда боланинг ҳусни ҳар кимни ҳайратга солар экан. Отаси билан келаётганини кўрган кишилар, яна бир бор кўриш учун йўлда уни кутиб туришибди. Унинг тасвирига шоирнинг қуйидаги шеъри мос келади:

Мунажжим юзини кўк сари бурди,
Осмонда серҳашам гўзални кўрди.
Зарбобдан тўн киймиш у икки қават,
Миррих юлдузидек барно, басавлат.

Нақш олма юзида икки мушкун хол,
Ҳусну малоҳатда у Зухра мисол.
Киприklar бўлса қошлари камон,
Ошиқлар жонига доим беомон.

Аторуд донишлик юзда белгиси,
Қалбида мавж урар мағрурлик ҳиси.
Ой қолиб ҳайратда, сўнг салом берди,
Юзини беркитиб, ҳиймага кирди.



Шоҳга бола ниҳоятда манзур бўлиб, унга катта инъом-эҳсонлар берибди.

«Ҳар куни, – дебди шоҳ вазирга, – ўғлингни ўзинг билан бирга олиб кел!»

«Бош устига», – дебди вазир. Ота-бола уйга қайтибдилар. Нуриддин ҳар куни ўғлини ўзи билан бирга шоҳ саройига олиб борадиган бўлибди.

Кунлардан бир куни, бола ўн ёшга етганда Нуриддин бетобланиб, ўғлини ўз ёнига чақирибди. «Ўғлим, – дебди у, – мен сенга маслаҳат бермоқчиман. Қулоққа олиб, мен айтганча иш қилсанг, хор-зор бўлмайсан. Одамлар билан яхши алоқада бўл, ҳар бир иш устида мулоҳаза юритиб, эҳтиёткор бўлишга одатлан. Сўнг Нуриддин акаси Шамсиддинни эсга олиб, кўз ёшини аранг тўхтатган ҳолда давом этибди: – Эй ўғлим, менинг Шамсиддин номли акам бор, сенга амаки бўлади. У Мисрда вазирдир. Мен унинг розилигисиз Мисрни ташлаб, ундан узоқлашдим. Сен бир қоғоз ол-да, айтганларимни ёз!»

Ҳасан қоғоз олиб отаси айтган гапларни ёза бошлабди. У ҳамма кечирмаларини бошдан оёқ сўзлабди. Басрага келиб, вазир билан учрашгани, уйланган кунларидан тортиб, хат ёзилиш вақтигача юз берган воеиаларни ёздирибди.

«Мана менинг акамга мактубим, – дебди у, ўғлига, – бу хатни эҳтиёт қил! Бунда кимлигинг, уруфинг, авлодинг ҳаммаси ёзилгандир. Агар сенга бирор ҳодиса юз берса, йўлни билиб ол, Мисрга бориб, унинг уйини топ, амакингни сўра! Менинг мусофир шаҳрида зору интизорлик билан ўлганимни билдир!»

Ўғли хатни эҳтиётлик билан буклаб, ип билан ўрабди, сўнг тўнининг елка қисмига, астар орасига жойлаб тикибди. Отасидан ёш ажралаётгани учун йиғлабди.

Нуриддин ўғлига қараб: «Сенга беш васиятим бор, – дебди, – бири шуки, бемаъни кишиларга аралашма! Шунда уларнинг ёмонликларидан сақланажаксан. Иккинчиси,



бировларга хусумат қилма! Учинчиси, ўз айбингни бил, бировлар айбини сўзлашдан сақлан! Тўртинчиси, ичкилик ичма, у кишини ақлдан оздиради, масхаралайди. Ҳар қандай фитнага сабабчи бўлади. Бешинчиси шуки, пулни тежа, эҳтиёт қил. Ўйламасдан ўринсиз сарф қилишдан сақлан, бўлмаса энг тубан кишиларга муҳтож бўласан».

Нуриддин васиятини тугатиши биланоқ, жони узилибди. Ҳаммани ғам босибди. Шоҳ ҳам, амирлар ҳамма қайғурибдилар. Расмиятларни тўла бажариб кўмибдилар. Ҳасан икки ой мотам тутиб, девонга бормабди. Шоҳга ҳам учрашмабди. Шоҳ ғазабланибди. Унинг ўрнига сарой хизматчиларидан бирини вазир қилиб тайинлабди, молу мулкини мусодара қилиб, бутун хўжалигини шоҳлик мулкига қўшишга фармон берибди.

Янги вазир фармони олийни амалга оширишга киришибди. Ҳатто Ҳасаннинг қамоққа олмоқни мўлжаллабди. Ҳарбийлар орасида, марҳум Нуриддиннинг яқин қулларидан бири бу воқеани эшитибди. Ўша онда Ҳасаннинг ёнига чопиб келиб, воқеани сўзлабди. Тезлик билан ўзини четга олиш зарурлигини айтибди. «Уйга кириб, бирор нарса олсам вақт йўқми», – дебди Ҳасан қулга. «Тез бўл, ўзингни қутқаз», – дебди унга қул.

Ҳасан этагини бошига илиб, югурганича шаҳар четига чиқибди. Кўчада одамлар: «Шоҳ, ўлган вазир Нуриддиннинг мол-мулкларини мусодара қилишга, ўғлини тутиб ўлдиришга янги вазирни юборибди», – дер эмишлар. «Эссиз Ҳасан, шундай барно йигит», – деб ачинар эмишлар. Бу сўзларни эшитиб Ҳасан ихтиёрсиз йўл босиб, отасининг мазорига бориб қолганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Мазорни айланиб юриб, отасининг қабри ёнига бориб ўтирибди. Этагини бошидан тушириб, ҳали нафасини ростлагунча ҳам йўқ эканки, бир яҳудий етиб келибди. У басралик экан. «Нима учун рангингиз кетди?» – дебди у Ҳасанга. «Ҳозир ухлаган эдим, – дебди Ҳасан сўзида давом этиб, – отамни туш кўрдим. Қабрини зиёрат



қилмаганим учун отам мендан аччиқланар эди, чўчиб уйғондим. Иш билан айланишиб келолмай қолишликдан кўрқдим-да, уйқудан туриб, тўппа-тўғри шу ерга келдим.

«Отанг, – дебди яҳудий, – савдо кемалари юборган эди. Биринчиси етиб келди. Истасанг шу кемалардаги молларга минг динор олтин бериб сотиб олмоқчиман». Шундан сўнг Ҳасаннинг жавобини ҳам кутмай, қопидаги динорлардан минг олтин бергач, қоғозга қўл қўйиб, муҳр босиб беришини сўрабди.

Ҳасан қоғозни олиб, қуйидаги сўзларни ёзиб берибди:

«Шу хатни ёзувчи – мен, Нуриддин вазирнинг ўғли Ҳасанман, Исҳоқ яҳудийга отамнинг савдо кемаларидаги молларини минг динорга сотдим, пулини батамом олдим».

Яҳудий қоғозни олибди, Ҳасан йиғлармиш. Кеч кирибди, отасининг қабри ёнида ой чиққунча бошини қабрга қўйиб ётибди. Бўйни оғрибди. Бошига тош ботибди. Шундан кейин юзини осмонга қилиб ётибди. Ой ёруғида унинг кўркам юзи барқ уриб кўринибди. Мозорда жинлар бор экан. Бирининг кўзи бунга тушиб, унинг ҳуснига ҳайрон қолибди: «Бу, албатта, жаннатнинг одамларидан бўлса керак», – дебди-да, осмонга учибди. Йўлда учиб бораётган бир девни учратиб, салом берибди. Дев жавоб қайтармабди.

«Қаердан келаётирсан?» – дебди жин девга: «Мисрдан», – дебди дев. «Қабр устида ухлаётган бир йигитнинг ҳуснини томоша қилишга мен билан бормайсанми?» – дебди жин. «Бораман», – дебди дев.

Улар бирга учиб, қабр тепасига қўнибдилар.

«Умрингда шундай чиройли бир йигитни кўрганмисан?» – дебди жин.

«Бунинг тенгги йўқ, – дебди дев, – лекин мен бу йигитга ўхшаш кўркам бир қизни кўрганман». «У қаерда?» – дебди жин.



«Мирсда, Миср шоҳининг вазири Шамсиддин исмли кишининг қизидир. Бу қиз таърифини Қоҳира шоҳи эшитиб, қизнинг отасини чақиртирибди: «Эй вазир, – дебди шоҳ, Шамсиддинга, – сенинг қизинг борлигини менга билдирдилар. Менга никоҳлашга қарши бўлмассан, деб ўйлайман». «Эй шоҳим, – дебди вазир, – узримни қабул қил. Кўз ёшларимга раҳм қил! Сенга маълумки, укам Нуриддин биздан кетиб қолган, ҳануз қаердалиги номаълум. У вазирликда ҳам шеригим эди. Бир кун болаларимизнинг уйланиши тўғрисида сўзлашиб ўтирган эдик, у мендан хафа бўлди. Мен қизимни унинг ўғлидан бошқага бермасликка бундан ўн саккиз йил олдин қасам ичган эдим, – деб воқеани бошдан оёқ сўзлабди. – Укам Нуриддин Басра вазирининг қизига уйлангани, ҳозир унинг ўғли бор эканини яқинда эшитдим. Укам ҳурмати учун қизимни фақат унинг ўғлига бераман. Бошқа ҳеч кимга бермайман. Қизим туғилган кунни амакисининг ўғлига бешик кетди қилинган. Муҳтарам шоҳ учун қизлар беҳад кўп».

Бу жавобдан шоҳ қаттиқ ғазабланибди: «Мен қизингни сўрадим-у, – дебди ғазаб билан шоҳ, – сен ўринсиз далиллар билан ноз қилдингми? Онт ичаманки, шу сўзинг учун қасддан қизингни энг тубан ходимларимдан бирига бердираман».

Подшоҳнинг икки ёқлама бир букри отбоқари бор экин. Подшоҳ уни келтиришни буюриб, унга вазирнинг қизини никоҳ қилдирмоқчи бўлибди. Шу кечадаёқ унинг алоқа қилишга мажбур эканини билдирибди.

Букри ҳаммом олдида шам кўтариб турган қуллар орасида турар экан. Қуллар букридан кулиб, уни масҳара қилар эдилар. Вазирнинг қизи хотинлар орасида эди. Ана ўша қиз шу йигитга ўхшайди. Қизнинг отаси қаёққадир юборилган. Умримда бундан чиройли қиз, ўша букридан хунукроқ киши кўрган эмасман.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Йигирма биринчи кеча

– Эй саодатли шоҳ,– деб давом этибди Шаҳризод. – Девнинг бу сўзларига жин ишонмабди. «Ёлғон айтасан, – дебди жин девга, – бу йигитдан чиройли одам яратилмаган. Бу йигит ўз замонасининг гўзаллиги, кўркида танҳодир». «Э синглим, – дебди дев, – такрор айтаман у қиз бу йигитдан чиройли. Лекин бир-бирларига ўхшашликлари бор. Балки булар қариндош-уруғ, аммавачча ёки холавачча бўлсалар. Букри учун шундай қиз хайф!»

«Кўтар буни бўлмаса, – дебди жин. – Учиб, ўша сен мақтаётган қиз олдига олиб борамиз. Қайси бири чиройли эканлигини ўша ерда кўрамиз». «Хўп, – дебди дев. – Бу шубҳани ечишда шундан қулай йўл йўқ». Кейин у Ҳасанни кўтариб, ҳавога учибди. Қоҳира шаҳрига бориб тушибдилар. Йигитни ўриндиққа ўтқазибдилар-да, уйқудан уйғотибдилар. Йигит уйғониб қараса, отасининг қабри ёнида эмасмиш. Ўнга-сўлга қарабди. Ўзини томоман нотаниш бошқа бир шаҳарда эканини сезибди. Додлаб юборишга оз қолибди. Жин шам ёқибди-да: «Сени бу ерга мен олиб келдим. Сенга яхшилик қилмоқчиман. Бу шамни ол, уни кўтариб ана у ҳаммомга кир, одамлар ичига аралашиб кет, улар билан тўйхона эшигига бор. Етиб боргач, ҳаммадан олдин ўтиб, ботирларча уйга кир. Уйга кирганингдан кейин букри куёвнинг ўнг биқинида тур, хизматчилар, созандалар, яллачилар келганда чўнтагинга кўлингни тиқ. Тўла олтин бўлади. Уларга сиқимингни тўлдириб олтин олиб бер! Келганларнинг ҳаммасига шундай олтин соч, ҳеч нарсадан қўрқма!»

Ҳасан тушуна олмай ҳайрон бўлибди. «Бу қандай қиз, нима учун бунча яхшилик?» Ҳасан жин айтгандек иш қилибди: шам ёқиб ҳаммомга борибди. От устида букри-



ни учратибди. Бошда салла, олтин чакмали кийимлар билан одамлар орасига кириб борибди. Ҳар гал келган созандалар, яллачиларга чўнтагидан ховучлаб олтин чиқариб бераверибди. Ҳеч ким Ҳасанчалик пул қистирмабди. Тезда яллачилар чўнтаги динор билан тўлибди. Улар жуда шодланиб кетибдилар. Одамлар Ҳасаннинг ҳуснига, кўркига ҳайрон қолибдилар.

Вазирнинг уйига киргунча шу ҳол давом этибди. Дарвозабонлар ташқаридан келган одамларни ичкари киритмабдилар, шунда яллачилар: «Агар бу йигит кирмаса, биз ҳам кирмаймиз,– деб қатъий туриб олибдилар.– Ахир бизга ҳаммадан кўра кўпроқ шу йигит пул қистирди. Йигит кирмаса қизни куёвга бермаймиз», – дебдилар. Ҳасанни келин тушадиган уйга олиб кириб, букри куёв ёнига ўтқазибдилар. Амирлар, вазирларнинг хотинлари билан сарой маъмурларининг хотинлари даҳлиздан бошлаб то келиннинг ўриндиғигача икки қатор ўтирибдилар. Ҳар бир хотиннинг қўлида шам бор эди. Улар очиқ ўтирар эдилар. Хотинлар Ҳасаннинг кўркига, ёқимлилигига, ҳуснига ҳайрон қолибдилар– да, ихтиёрсиз унга мойил бўлибдилар. Яллачилар: «Бизларга фақат мана шу йигит динор ўгирди. Бундан ҳеч нарсани аяманглар, айтганини қилинглар», – дер эмишлар.

Хотинлар йигит атрофига уюлиб, юзларидан чачвонларини олибдилар. Унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб қолибдилар. Ҳар бирлари йигит ёнида бир йил, бир ой, ҳеч бўлмаса бир соат бўлишни орзу қилибдилар. Йигитга соғлик тилаб, шундай қизни шу букрига никоҳлаш учун сабаб бўлганларга қарғиш ёғдирибдилар. Созандалар дафларни, торларни ўйнай бошлабдилар. Хотинлар чиқиб келибдилар. Уларнинг ораларида вазирнинг қизи келар эмиш. Қиз ғоят безанган, сочлари майда қилиб ўрилган, мушки-анбарлар сепилган, қимматбаҳо кийимлар кийган, қўйинг-ки, эртақлардаги ҳур унинг олдида бир қўғирчоқ бўлиб қолармиш. Хотинлар унинг атрофи-



ни ой атрофидаги юлдузлар каби ўраб олибдилар. Ҳасан ўтираркан. Қиз мағрур ҳолда йигитга яқинлашибди. Букри ўрнидан туриб ўпмоқчи бўлган экан, қиз юзини ўгириб, орқага тисланибди. Шунда Ҳасанга илгаригидан ҳам яқинлашибди. Ҳамма кулиб, шов-шув кўтарибди. Яллачилар қийқирибдилар. Ҳасан уларга чўнтагидан бир сиқим олтин чиқариб берибди. Улар яна ҳам шодланибдилар. «Бу қиз, сеники бўлишини истаймиз»,– дейишибди яллачилар. Ҳаммалари йигит атрофини ўрабдилар. Букрининг ёлғиз ўзи шўппайиб қоронғида қолибди. Ҳасан олдида хотинлар шам тутиб турган эмишлар. Ҳасан шодланиб амакисининг қизининг ойдек юзига суқланиб қарармиш. Машшота¹⁰ хотинлар Ҳасан қошида қизга етти хил кийим кийдирибдилар. У ҳар кийим кийганда алоҳида жозибадор тусга кирар, бирини-биридан ортиқроқ кўриб, баҳо бериш учун ақл шошар эмиш.

Бу маросим битгач, тарқашга жавоб берилибди. Ҳаммалари тарқалишибди. Фақат Ҳасан билан букри қолишибди. Машшоталар қизни гўшанга кийимини кийинтириш учун олиб кирибдилар.

«Эй йигит, – дебди букри Ҳасанга. – Бу кеч эҳсонларинг билан шод қилдинг. Базмимизни қизитдинг, энди уйингга кетмайсанми?» Ҳасан эшикка чиқаётиб, девга йўлиқибди. «Тўхта,– дебди дев,– букри ётоқхонага кирганда сен ҳам бирга кир. Парда ичида ўтир! Қиз келгач: «Сенинг эринг менман, кўз тегмасин деб, бу найрангни ишлатган эдим. У кўрганинг букри отбоқарларимиздан бири» – дегин-да, қиз ёнига ўт. Юзингни оч, ҳеч нарсадан кўрқма!»

Ҳасан дев билан сўзлашиб турар экан, букри уйга кириб ўтирибди. Дев сичқон суратида қўлида бир идиш сув билан кириб борибди-да, «чи-чи»лаб чийиллабди. «Бу нима», – деб ҳайрон бўлибди букри. Сичқон аста-секин

¹⁰ Машшота – безантирувчи.



катталашиб мушук бўлибди. «Мов-мов» деб миёвлабди. Яна катталашиб кучук бўлибди. «Вов-вов» деб вовиллабди. Кучук катталашиб эшак бўлибди. Букрининг юзига қараб ҳанграбди. Букри кўрқибди. «Келинлар, ёрдам беринглар», – деб бақирибди. Эшак катталашиб, ваҳимали ҳўкиз бўлибди. Бутун уйни эгаллабди. Кейин у одам тили билан сўзлабди: «Хайф сенга, эй букри! Эй хунуқлар хунуқи», – дебди у. Букри қалтирай бошлабди. Кўрққанидан тишларининг тақиллаши анча узоқдан эшитилиб турганмиш. «Сенга ер торлик қилдими,– дебди дев,– менинг маъшуқамдан бошқа хотин топмабсан?» Букри жим турган эмиш. «Жавоб бер!» – деб бақирибди дев, – бўлмаса тупроққа жойлайман». «Мен гуноҳкор эмасман, – дебди букри, – мени зўрладилар. Мен бу қизнинг ҳўкиздан севгилиси бор эканини билганим ҳам йўқ. Тавба қилдим. Мени кечир».

«Агар ҳозир бу ердан кетмасанг, кун чиқмасдан олдин оғиз очсанг, ўлдираман. Кун чиққачгина ўз йўлингга кет, бу уйга қадам босма!» – дебди-да, букрининг оёғини осмонга қилиб қўйибди. «Кун чиққунча қимирламай шу ерда ўтир! Мен шу ерда пойлаб тураман».

Ҳасан парда ичига кириб ўтирибди. Бир кампир қизни олиб келибди. Ҳасанга парда орқасидан: «Келинни ол, ўғлим», – дебди у. Келин гўшангага кирибди. Келиннинг исми Ситтулҳусн экан. У ғоят маъюс эмиш, қиз ўз-ўзига: «Ўлдирсалар ҳам мен бу букрига тегмайман», – дермиш. У қараса, гўшангада Ҳасан ўтирган эмиш.

«Эй суюклим, – дебди қиз, – ҳали ҳам ўтирибсанми? Мен бу букри билан шерикмисизлар деб ўйлаган эдим». «Қандай қилиб букри сенга яқинлашсин! Қандай қилиб у сенга нисбатан менинг шеригим бўла олсин?», – дебди мағрурланиб Ҳасан.

«Менинг эрим ким, – дебди қиз: – сенми ёки у?» «Эй Ситтулҳусн, – дебди Ҳасан – Биз бу ишни букридан қутилиш учун қилган эдик. Сенинг ҳуснингга кўз тегма-



син деб, отанг атайлаб букрини ўн динорга ёллаган эди. Қайғурма, у кетиб қолди».

Қизнинг юзига кулги югурибди. «Сен менинг меҳримни оширдинг», – дебди Ҳасанга қиз. Кейин унинг қучоғига отилибди. Улар қовушибдилар. Айтинг-айтинг, печакгул чирмовиғини мақтовчилар буларни кўриб қолмадилар. Шоирнинг бу шеъри уларга жуда мос:

Чўчиб ҳасад элидан, ёрдан узоқлашма,
Фироқ дардида сўнг кезма дашту тоғ ошма.
Тушун, ҳасадга ўрин йўқ бу ишқ мазҳабида,
Ҳасадга зарба беру ишқ билан видолашма.
Рақиб таънасидан қўрқма, бор висолга яқин,
Курашма, нозга чида, қил қаноату шошма.
Муҳаббат анча оғир нарса, уни кўтармоққа,
Агарда жонни аяр бўлсанг, унда ўйнашма.

Жин девга: «Вақт яқинлашиб қолди. Тонг отмасдан йигитни жойига олиб бориб қўйиш керак», – дебди. Ҳасан қаттиқ уйқуда ётган чоғида дев уни кўтариб учибди. Жин ҳам бирга учибди. Ҳасан қўйлакчан экан.

Тонг отмасдан Дамашқ шаҳрига етибдилар. Дев Ҳасанни Дамашқнинг бир дарвозаси ёнига қўйиб, ўзи ҳавога учибди. Тонг отгач, дарвоза очилибди. Кўчага чиққан кишилар бу чиройли йигитни қўйлакчан кўрибдилар. У узоқ замон уйқудан қолган киши сингари қотиб ухлаб ётган эмиш. Биров: «Бу келишган йигит билан бу кеча қандай бахтли одам бирга бўлган экан деса, иккинчиси бу бебош йигит кечаси билан қаҳвахонада маст бўлиб, бу ерда ҳушини йўқотган», дер эмишлар.

Ҳасан уйғонибди. Қараса, атрофига одамлар тўпланишган, ўзи бир дарвоза олдида ётганмиш. У ҳайрон бўлибди. «Мен қаердаман, сизлар нега тўпландингиз, орамизда бирор ҳодиса бўлдими?» – деб сўрабди Ҳасан. Улар жавоб беришибди: «Эрта тонг биз қарасак, сен



дарвоза ёнида ухлаб ётган экансан. Шундан бошқани билмаймиз. Кечаси қаерда эдинг?» дейишибди. «Мен бу кеч уйқуга ётган чоғимда Қоҳирада эдим», – дебди Ҳасан. Одамларнинг бири: «Кўкнори ичибсан» деса, иккинчиси: «Ёнғоқ тагида ётибсан», учинчиси: «Сен жинни экансан», дермишлар. Ахир ўзинг ўйлаб кўрсанг-чи, кечаси Қоҳирада бўлган киши Дамашқда ётадимми?

«Худо ҳаққи, эй яхшилар, – дебди Ҳасан, – мен рост гапни айтаяпман, кечаси Мисрда эдим, кеча кундузи Басрада эдим». Шунда кимдир: «Эссизгина, ёш йигит девона бўлибди», – деб юборибди. Одамлардан бири: «Эсингни йиғ, тўғриси гапир!» – дебди.

У кеча Мисрда куёв эдим, дермиш. «Балки тушингда шундай бўлгандир», – дейишибди одамлар. Ҳасан қанча вақт букри билан бирга ўтиргани, сўнг ёлғиз ўзи қолгани, кийимларини ечгани, қиз билан бирга бўлгани, олтинларини яширганини эслабди. «Йўқ туш эмас, ўнгимда бўлган», деб ўйлабди.

Шундан кейин у кўчаларда санғиб юра бошлабди. Болалар унинг орқасидан эргашиб, унга ҳар нарсалар отишибди, унга тегажоглик қилиб ўйнашибди. У бир ошпаз дўконига кирибди. Ошпаз баҳайбат, гавдали, катта ўғри экан. У ошпазлик дўконини ҳам ўғрилиқ орқасидан орттирган экан. Дамашқ аҳолиси ундан қўрқар экан. Йигитнинг ошпаз дўконига кирганини кўриб, унинг кетидан юрган катта-кичик тарқалибди. Ошпазнинг дилида болага нисбатан муҳаббат пайдо бўлибди. У Ҳасанга оталарча ғамхўрлик қила бошлабди: «Қаердансан, яхши йигит, воқеани сўзла? – дебди ошпаз. – Сен менинг наздимда доно кўринасан». Ҳасан воқеани бошдан оёқ сўзлабди. «Эй яхши йигит, – дебди ошпаз, – тарихинг қизиқ экан, ажойиб воқеаларни бошдан кечирган экансан. Лекин бу ҳикояларни сир сақла, ҳеч кимга айтма! Мана шу ерда мен билан тур! Менинг болам йўқ, сени ўғил қилай», – дебди ошпаз. «Хўп бўлади, ота», – деган жавобни берибди Ҳасан.



Ошпаз дарров бозорга бориб, Ҳасанга қимматбаҳо кийимлар олибди. Кейин бошлаб қози ёнига олиб борибд-да, Ҳасанни ўғил қилганини тасдиқлатибди. Ҳасан Дамашқ шаҳрида ошпазнинг ўғли бўлиб танилибди. У ошпаз дўконида хазиначилик вазифасини бажара бошлабди.

Амакисининг қизи Ситтулхусн тонг ғира-шира ёришган пайтда уйғонибди. Бироқ қараса, Ҳасан ўрнида йўқ эмиш. Ўзича: «Ташқарига чиққан бўлса керак», деб ўйлаб, келишини кутиб ўтирибди. Бироз вақт ўтгач, бирдан қизнинг отаси кириб келибди. У қизининг отбоқар букрига зўрлаб берилгани учун ғоят хафа экан. «Агар қизим шу ифлосга берилган бўлса, уни, албатта, ўлдираман», – дебди вазир. У ўриндиқ яқинига бориб, «Ситтулхусн», – деб чақирибди. Қиз отасининг товушини эшитиб: «Лаббай», – дебди-да, шодланиб чиқибди. Отаси қаршисида икки букилиб, таъзим қилибди. Қизнинг юзлари яна ҳам порлоқ бир тусга кирганмиш. Қизини шундай шод кўргач, вазир ғазабланибди:

«Эй лаънати, – дебди у, – сен шу отбоқар букрига шунча шодландингми?» Қиз кулибди. «Бас, – дебди у отасига, – кеча у букри устидан одамларни кулдирганингиз етар! Эримнинг тирноғига ҳам арзимайдиган у букрини яна эслатасизми? Кечагидай яхши кечани мен умримда кўрмаганман. Ортиқ мендан кулманг. У букрини менга яна эслатманг!»

Вазир яна ҳам ортиқроқ ғазабланиб, кўзлари қинидан чиқаёзибди. Қизига бақириб, бу ёлғонларни қаердан тўқидинг, хайф сенга. Сен билан отбоқар букри бирга бўлган-ку, – дебди. «Менга уни эслатманг, ҳазил қилманг, – дебди қиз аччиқланиб, – отбоқарни кулги учун ўн динорга ёллаган эканлар. Ўша вақтдаёқ кетиб қолган. Мен гўшангага киргач, эримни кўрдим, яллачилар уни менга олдин кўрсатган эдилар. У олтинларни ҳовучлаб сочди. Шу ердаги созандалар, яллачилар ва бошқалар-



нинг чўнтагини олтин билан тўлдирди. Бу кеч мен шу кўркам йигит билан бирга бўлдим».

Отанинг кўзига дунё қоронғи бўлибди. «Эй бадбахт, – дебди у ғазаб билан, – нималарни сўзлаётибсан, ақлинг қаёқда?» «Эй ота, менинг дилимни вайрон қилаётирсиз, эзаётирсиз, нега бунча билмасликка соласиз. Менинг эрим, у кўркам йигит, ташқарига чиқди-ку». Вазир ҳайрон бўлиб, ўрнидан турибди. Ҳожатхонга кириб қараса, у ерда отбоқар букрини боши ерда, оёғи осмонга кўтарилган ҳолатда кўрибди.

Вазир ҳанг-манг бўлиб қолибди. «Эй букри», – дебди унга вазир. Букри уни жин деб ўйлаб, кўрққанидан жавоб бермабди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Йигирма иккинчи кеча

– **Э**й саодатли шоҳ, – деб гап бошлади Шаҳризод. – Букри кўрқиб жавоб бермабди. Шунда вазир: «Сўзла, агар сўзламасанг, мана шу қилич билан каллангни оламан!» – дебди. «Эй жинлар подшоҳи! – дебди букри, шу ерга қўйиб кетганингдан бери бошимни кўтарганим йўқ. Раҳм қил, жуда қийналдим». Бу сўзни эшитиб, вазир: «Нима деб валдираяпсан, мен жин эмасман, қизнинг отаси бўламан», – дебди. «Бўлмаса, – дебди букри, – мени шу ҳолга солган дев келмасидан олдин йўлингга кет. Мен ҳўкиз ва жинлар маъшуқасига уйлантирмоқчи бўлган экансизлар. Бу ишга сабабчи бўлганларга лаънат!» «Тур! Бу ердан чиқ!» – дебди вазир унга. «Мен жиндан рухсатсиз сен билан кетиб ақлдан озганим йўқ! Жин менга кун чиққандагина ўз йўлингга кет деган. Кун чиқдим, ёки ҳали вақт борми? Чунки мен кун чиққунча бу ердан қўзғалмаслигим керак», – дебди букри. «Ким сени бу ерга келтир-



ди?» – деб сўрабди вазир. «Кеча кечқурун мен бу ерга ёзилиш учун кирган эдим, – дебди букри, – сув орасидан бир сичқон чиқиб келди. Чийиллади. Борган сари катта жонивор шаклига кираверди. Энг охири ҳўкиз суратига кирди. Бир нарсалар дегани қўлоғимга чалинди. Оёғимни осмонга қилиб, ўзи йўқолди. Келинга ва мени унга никоҳлаганларга лаънат бўлсин».

Вазир унга яқин бориб, мурдорни жойидан тортиб олибди. Букри кун чиққанига ишонмай югурганча шоҳ ҳузурига борибди. Бўлган ҳодисани унга айтибди.

Вазир уйга кирибди. Қизи билан бўлган воқеадан таажжубланибди. «Воқеани баён қил», – дебди у қизига. «Кеча менга кўрсатганлари, – дебди қиз сўз бошлаб, – чиройли йигит, кечаси мен билан бирга бўлди. Мен ундан ҳомиладор бўлдим. Агар ишонмасанг, хонтахта ёнида унинг салласи, ўрин остида, билмадим, нимадир, бир халта ва унинг кийимлари бор». Отаси бу сўзни эшитгач, гўшангага кириб саллани қўлига олибди: «Мавсалияда ишланган бу салла, албатта, вазирлар салласидир», – дебди вазир ўз-ўзига. Ўралган нарсани очиб бир-бир кўрибди. Кийимлар орасидан бир ҳамён топибди. Унинг ичидан минг динор пул билан бир парча қоғоз чиқибди. Бу қоғоз Қоҳира вазири Нуриддин ўғли Ҳасаннинг яҳудийдан олган минг динор пули тўғрисида ёзилган қоғоз экан. Шамсиддин қоғозни ўқир экан, ҳушидан кетиб йиқилибди. Бироздан сўнг бошини кўтариб, воқеага тушунибди. «Кечаги йигитни билдингми?» – деб сўрабди Шамсиддин қизидан. «Йўқ», – дебди қиз. «У, – дебди Шамсиддин очиқ юз билан, – сенинг амакинг, менинг укам Нуриддиннинг ўғли Ҳасан экан. Бу минг динорни у сенга маҳр учуни қолдирган. Афсуски, бу воқеани мен билмай қолганман».

Шундан сўнг вазир Ҳасаннинг чопони елкасида дўппайиб турган чокни сўкибди. У ердан бир хат чиқибди. Хат укаси Нуриддин тилидан ёзилган эмиш:



Хотираларни кўриб, шу дам эриб оқдим,
Қаерда у яшамиш, юз суриб, тавоф этаман.
Айирдингиз мени ундан! Яна сўраб боқаман;
Етиштиринг мени унга. Қачон унга етаман?..

Шеърини тугатгач, хатини ўқибди. Унда Басра вазирининг қизига уйланиш тарихидан бошлаб вафотигача кечирган кунлари, ўғли Ҳасаннинг туғилиши тарихи мукамал ёзилган эмиш. Таажжубда қолиб, камоли шодликдан титрармиш. Бу тарихларни ўз тарихига солиштирибди. Уларнинг никоҳ кунлари, туғилиш тарихлари бири-бирига тамоман мос эмиш. Хатни олиб, шоҳ ҳузурига борибди. Воқеани бошдан оёқ сўзлабди. Шоҳ ҳайрон бўлибди. Дарров воқеани ёзишга буюрибди. Вазир укасининг ўғлини кечгача кутибди. Лекин у келмабди. Эртаси ҳам, индини ҳам, етти кунгача кутибди. Ундан дарак бўлмабди. Вазир ўзича қандайдир ҳодисаларни хаёлига келтирибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ўйгирма учинчи кеча

– Эй, саодатли шоҳ, – деб давом этибди Шаҳризод. – Вазир ўзича бир нималарни ўйлаб қўлига қалам олибди. Уйнинг режасини чизибди, гўшанга жойларини тахминлабди. Ҳамма уйларни, ҳатто омборхонанинг ҳам турган ўринларини, буларнинг бири-биридан узоқлигини аниқлабди. Уйдаги бор нарсаларни ёзиб, хатни буклабди-да, нарсаларни уйдан олиб чиқишга буюрибди. Саллани, кийимларни, халтани Шамсиддиннинг ўзи олибди. Уйни қулфлабди.

Орадан ойлар, кунлар ўтиб қизнинг ой-куни яқинлашибди. Ойдек бир ўғил туғибди, у худди отасига ўхшаб жоду кўзли, кулча юзли эмиш. Унга Ажиб деб ном



қўйиб, чўрига топширибдилар. Унинг учун кун ойдек, ой йилдек баракали бўлибди. Етти ёшга киргач, вазир уни муаллимга топшириб, тарбия қилиш, илм ўргатишни буюрибди. Ажиб тўрт йил мактабга қатнабди. Болалар билан уришадиган, сўкишадиган бўлибди. Болалар ундан безор бўлибдилар. У болаларга мақтаниб: ким мен билан тенг-лашади, мен Миср вазирининг ўғлиман дер, ҳар кимни уриб, сўкармиш. Болалар йиғилиб халифага шикоят қилибдилар. Халифа уларга: «Мен сизларга бир нарса ўргатаман, келганда унга айтсаларингиз, мактабга келмайдиган бўлади. Ундан қутуласизлар», – дебди. «Тезроқ айтинг», – дейишибди болалар халифага. «Эртага келганда, – дебди халифа, – бир ўйин ўйнамоқчи бўлиб, унинг атрофига тўпланинглар, бу ўйинда отасининг, онасининг исмларини айтиб берганлар қатнашади, билмаганлар ҳаромидирлар, улар биз билан ўйнамайди», – денглар.

Тонг отгач болалар мактабга келибдилар. Ажиб ҳам келибди. Болалар уни ўрабдилар-да: «Биз бир ўйин ўйнаймиз, лекин биз билан онаси, отаси ва ўзининг исмини айтиб бермаганлар ўйнамайди», – дебдилар.

Болалардан бири: «Исмим Мажид, онамнинг исми Алавия, отамнинг оти Иззатдин», – дебди. Иккинчи, учинчи болалар, ҳамма шу равишда ота-оналари ва ўзларининг исmlарини айтибдилар. Гал Ажибга келгач: «Исмим Ажиб, онамнинг исми Ситтулхусн, отамнинг исми вазир Шамсиддин», – дебди. Болалар қарши чиқибдилар: «Шамсиддин сенинг отанг эмас», – дейишибди улар. Ажиб: «Отам», – деб туриб олибди. Болалар кула бошлабди, уни изза қилибдилар: «Сен отангни билмас экансан, кет бизнинг орамиздан, биз билан отасининг исмини билмаганлар ўйнамайди», – дебдилар-да, дарров унинг олдидан четлашибдилар. Ажибнинг юраги сиқилибди. Ҳўнграб йиғлай бошлабди.

Муаллим унга: «Вазир отанг эмас, у онанг Ситтулхусннинг отаси – сенинг бобонгдир. Отангни сен ҳам



билмайсан, биз ҳам билмаймиз, чунки шоҳ онангни отбоқарга бермоқчи бўлган эди. Дев келиб онанг билан бирга ётди. Сенинг отанг йўқ», – дебди.

Ажиб бу сўзни эшитган замон ўрнидан туриб, онаси Ситтулхусн ёнига борибди. Йиғлаб онасига ҳасрат қилибди. Лекин йиғи аралаш гапирилган бу гапни она англаёлмабди. Ситтулхусн ўғлининг йиғисини эшитиб, унга юраги ачибди. «Нега йиғлайсан, гапир?» – дебди Ситтулхусн.

Ажиб болалардан ва муаллимдан эшитганларини айтиб, отаси кимлигини сўрабди.

«Отанг Миср вазири», – дебди Ситтулхусн. «Ёлғон айтма, у менинг отам эмас, сенинг отанг, агар тўғриси-ни айтмасанг, мана шу ханжар билан ўзимни ўлдираман», – дебди Ажиб.

Бу сўзни эшитиши билан амакисининг ўғли Ҳасан Ситтулхусннинг кўз олдида гавдаланибди. Ситтулхусн унинг кўркини, ҳуснни эсида сақлаб қолган экан. У шу байтларни ўқибди:

Бутун хаёлим олиб бирга, у узоқ кетди,
Хувилладим бир ўзим бунда, иштиёқ кетди.
Етишганимда яқин энди мен висолига,
Қўйиб фироқни менга энди яхшироқ, кетди.
Кўзимдан уйқу қочиб, кетди тан ҳолати ҳам,
Боришга жон ила дил, жанжал-у улоқ кетди.
Дейишга нолаларимни, гувоҳ тариқасида,
Кўзимнинг ёши демайким, оқиб булоқ кетди.
Кўзимдан ўчди қачон оқ бадан, қаро кўзлар,
Тўкилди аввали гавҳар, кейин оқ кетди.

Аёл ҳам, Ажиб ҳам ўзларини туголмай йиғлашаверибди. Шу пайт вазир кириб келибди. Буларнинг йиғлаётганларини кўриб, унинг дили вайрон бўлибди: «Нега йиғлайсизлар?» – дебди у.

Ситтулхусн мактабдошлари билан бўлган воқеани сўзлаб берибди. Вазир ҳам йиғлай бошлабди. У укасини эслар,



ораларидаги воқеани, қизи ҳодисасини хотирлар, нима сир борлигини тушунмас эди. Шу ондаёқ вазир шоҳ ҳузурига кириб, воқеани айтибди. Шарққа – Басра шаҳрига бориб, укасининг ўғлини излаш учун рухсат сўрабди. Шоҳдан, уни қаердан топса келтириш учун ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмаслик ҳақида барча шаҳар ҳокимларига фармон беришни ўтиниб сўрабди. Шоҳ ҳузурига у ўзини тўхтатолмай, йиғлайверибди. Шоҳнинг раҳми келибди. Шоҳ барча иқлим ва шаҳар ҳокимларига мактуб ёзибди. Вазир хурсанд бўлибди. Ўша замони шоҳ билан хайрлашиб, сафарга ҳозирланибди. Йўлга керакли нарсаларни, қизини, набираси – Ажибни олибди. Йўлга тушибдилар. Йўл юришиб, йўл юришса ҳам мўл юришиб, Дамашқ шаҳрига етиб борибдилар. Шаҳар обод, чиройли, серсув, сердарахт экан. Шоирнинг шу шеъри унга мос айтилган:

Дамашқ шаҳрида ким мен каби саёҳат этар,
 Бўлак шаҳарга бориб, сўнг нечук у тоқат этар?
 Десамки янги туғилдим, бўлур қасам ичсам,
 Туғилмаган кишилар бунда, кўп надомат этар.
 Жуғур-жуғур қиладир ҳар дарахтда юз-юз қуш,
 Майин насим эсар, жону тан ҳаловат этар.
 Шамол – ўқишга китоб, барглар варақларидир,
 Саҳарда гул шохиди андалиб қироат этар.
 У нақшу манзаралар кўз қамаштирур боқсанг,
 Бошингда қанчаки кўп завқу шавқ башорат этар.

Вазир қулларига: «Шу ерда икки кун дам оламиз», – деб бир майдонга чодир тикдирибди. Қуллар шаҳарга кетибдилар. Бири нарса олибди, бири сотибди, ким ҳаммомга борибди, ким дунёда тенгги йўқ Бани ўмайя¹¹ жомини томоша қилибди. Ажиб ҳам тавоши билан шаҳарга тушибди. Улар шаҳар тузилишига, шаҳар тартиби-

¹¹ Бани ўмайя – Аббосийлардан етишиб чиққан хонлар.



га ҳайрон қолибдилар. Ажиб олдинда, қул орқасида бораверишибди. Ажибга яқин келган туяни уриш учун қул қўлида қамчи тутиб борар экан. Ажибни кўрган дамашқликлар ундан кўзларини ололмай, тикилиб қолишармиш. Баъзилар унинг орқасидан эргашиб ҳам юришибди.

Ажиб қули билан кетаётиб, тасодифан Ҳасаннинг ошхонаси ёнида тўхтабди. Ҳасаннинг кўзи ўғли Ажибга тушибди-ю, унинг ҳуснига оғзи очилганча ҳаяжон билан тикилиб қолибди. Ҳасан ширин анор доналаридан овқат ҳозирлаётган экан. Аранг ўзини босиб, Ажибни чақирибди: «Эй ҳурматли меҳмон, мени қарорсизлантирган йигитча, – дебди Ҳасан,– дўконимга кирсанг, бироз овқатлансак, аламли кўнгилни даволаган бўлардинг».

У кўз ёши тўкибди. Ҳасан ким бўлгани ва ҳозирги ҳолини эслаб, кўз ёшлари яна зиёдалашибди. Ажибнинг унга раҳми келиб, юраклари тепа бошлабди-да, қулга қараб: «Назаримда, бу бечора ҳам биз билан ҳамдарад кўринади. Кел, унинг дўконига кириб, бироз дам олайлик, овқатланиб унинг кўнгилни тинчитайлик». Қул эътироз билдирибди: «Вазирнинг ўғлига ошхонга кириб овқат ейиш ярашмайди, ахир мен бирор ҳодиса юз бермасин деб, қўлга қамчи кўтариб юрибман. Бу ерга кириш ҳеч мумкин эмас».

Бу сўзни эшитиб, Ҳасан ҳайрон бўлибдида: «Кирса нима бўлади, ахир?» – деб сўрабди қулдан. – «Бир нафас дам оласизлар, мен ҳам хурсанд бўламан», – деб илтимос қилибди ошпаз. Кейин у шу шеърни ўқибди:

Ҳамиша яхши хулқ ҳурматидан,
Шаҳаншоҳ ёнида у боқи бўлди.
Келишган қомати ҳам санъатидан,
Гоҳи созанда, гоҳи соқи бўлди.

Қул ҳайрон бўлиб, Ажиб билан дўконга кирибди. Ҳасан анор донасидан тайёрлаб, қаймоқ қўшилган овқат-



ни келтирибди. Бу овқатга қанд билан бодом ҳам ара-лаштирилган экан.

«Кириб, мени жуда шод қилдинглар, овқатдан олинглар», – дебди Ҳасан.

Икковлари ея бошлабдилар. «Ўзингиз ҳам ўтиринг, биз билан овқат енг, – дебди Ажиб, – зора истаган кишимиз билан кўришсак». «Ёш чоғингда суюклилар фироқига йўлиқдингми?» – сўрабди Ҳасан. «Шундай, – дебди Ажиб, – суюкли отам фироқида дилим вайрондир. Мен, бобом, онам бирга ҳар қаердан уни излаб юрибмиз. Бу шаҳарга ҳам уни қидириб келдик. Оҳ, меҳрибоним билан қачон кўришар эканмиз».

Унинг йиғисига Ҳасан ҳам қўшилибди. У ўз дардида йиғлабди. У ҳам ота-оналарини эслабди. Ҳасаннинг кўз ёшларига қулнинг раҳми келиб, у ҳам йиғига қўшилибди.

Улар овқатни жуда тўйиб ебдилар, кейин хайрлашиб, келган йўлларига қараб кетибдилар. Ҳасан улардан ажралиб ўтира олмабди. Ўзини худди жони чиқиб, танаси қолган каби ҳис қилиб, тоқатсизланибди. Ортиқ чидаёлмай, дўконни қулфлабди-да, уларнинг кетларидан йўлга тушибди. Ҳали улар катта дарвозадан ўтиб улгурмасларидан етиб олибди. «Нега келаётирсан?» – деб сўрабди ундан қул.

«Сизлар олдимдан чиқиб кетгач, мен ўзимни аллақандай ҳис қилдим. Жоним чиққандек тоқатсизландим. Шаҳарда учрашадиган ишим бор эди. Сизларни кузатиб қўймоқчи бўлиб қайтдим».

Бу гапдан қул ачиқланибди: «Мен шу ишдан қўрққан эдим, – дебди у Ажибга, – ўйлаганимдек бўлиб чиқди. Овқатини еймиз деб, ташвишда қолдик». Ажиб ошпазни кўриб хафа бўлибди. «Кўябер, кела берсин, – дебди у. – Агар турар жойимизгача бораверса ҳайдаймиз».

Ажиб бошини қуйи солиб бораверибди, қул ҳам унинг кетидан изма-из юраверибди. Улар чодирларига яқинлашиб қолибдилар. Лекин ошпаз ҳамон айрилмасмиш. Ажиб



аччиқланибди. Қул воқеани бобомга айтмаса, деб хафаланибди. Ажибнинг юраги сиқилибди. Ошпазга ғазаб билан тикилибди. Бироқ ошпазнинг кўзлари худди отасининг кўзлари каби кўриниб, индамабди. Аммо Ажибнинг хавфи ортиб, Ҳасаннинг кўзларини хиёнаткор бир кўз каби ҳис қилибди.

У қўлига тош олибди. Ўз отаси Ҳасанни тош билан урибди. Ҳасаннинг юзидан қон оқиб, хушсиз йиқилибди. Ажиб қул билан чодирларига кириб кетибди. Ҳасан хушига келибди. Салласидан йиртиб, қонларини боғлабди. Ҳасан қилган ишига, сабрсизлигига пушаймон қила бошлабди. Ўз ўзига: «Болани хафа қилдим, ахир ўзим ёмон мақсадда пойлаган киши сингари уларнинг изига тушдим», – дер ва Басрадаги онасини эслаб йиғларди. Кейин дўконига бориб, олди-сотди ишига машғул бўлибди, шу байтларни ўқибди:

Замон инсофига кўнглингни қўйма,
Надомат бирла сўнг кўксингни ўйма.
Замонда бўлса инсоф, сен тўярдинг,
Қаноат айла-ю, қўй, майли, тўйма.

Ҳасаннинг амакиси – вазир Дамашқда уч кун туриб, сўнг Ҳимсга жўнабди. Йўлда қаерга қўнса, у ерлардан Ҳасанни суриштирибди. Мордин, Мавсал, Диёрибакр шаҳаридан ўтиб, Басрага етибди. Вазирлар юкларини бир ерга жойлаб, шаҳар шоҳи ҳузурига борибди. Шоҳ билан кўришибди, шоҳ унга ҳурмат кўрсатиб, тўрдан жой берибди. Вазирдан унинг келиш сабабини сўрабди. Вазир воқеани баён қилибди. Нуриддин ўз укаси эканини сўзлабди. Шоҳнинг унга раҳми келиб шундай деби:

«Бундан ўн беш йил муқаддам, у менинг вазирим эди, мен уни жуда севар эдим. Ундан бир бола қолди. У шу ерда эди. Отасининг ўлимидан икки ой кейин ғойиб бўлди, қаердалигини ҳеч ким билмайди. Унинг онаси шу ерда, ўз уйида туради».



Шамсиддин укасининг хотини ҳаёт эканини эшитиб хурсанд бўлибди. «Хурматли шоҳим, – дебди вазир, – укамнинг хотинини кўришга рухсат берсангиз».

Шоҳ рухсат этибди. Шамсиддин укасининг уйига бо-рибди. Остоналарни ўпибди. Укаси Нуриддиннинг шу ерларда ғариб бўлганини эслаб, шу байтни ўқибди:

Яшаб, ўтмиш бу уйларда гўзал Лайли,
Деворлардан кўзларимни ололмадим.
Уйга эмас, вафо ҳаққи, ишқ туфайли,
Ҳурмат билан, кўзни узмай, турардим жим.

У уйларда яшаганларга бўлган муҳаббатимдандир.

Эшикдан катта ҳовлига ўтиб, ҳар турли нақшлар билан зийнатланган гумбаз остидаги бир эшикка кўзи тушибди. Уйнинг ичкарасига кирибди. Деворда укасининг олтин ҳал билан чиройли қилиб ёзилган номини ўқибди. Хатни ўпиб, йиғлабди. Укасидан узоқлашганини эслаб, қайғу билан шу шеърни ўқибди:

Сўрайман ҳолингиз, чиқса қуёшдан,
Агар чақмоқ чақилса, тоғу тошдан.
Омонлик истагайман ўлтиришда,
Саломатлик тилайман сизга тушда.

Азиз дўстларни ёдларман ётарда,
Ётарда, туш маҳалда, тонг отарда.
На офтоб ҳам, на ой бирлан ишим бор,
Кўнгулда якка-ёлғиз ташвишим бор.

Асал ютсам, татир менга заҳарча,
Жудоликдан бу қалбим парча-парча.
Ўзингиз бўлдириб, мамнун этинг сиз,
Ва ё мактуб билан мазмун этинг сиз.

Менга шундан бўлак бўлмас тасалли,
Мени ташлаб кетиб, дўстларга балли!



Нарироққа юриб укасининг хотини яшаб турган уйга кирибди. Укасининг хотини боласи йўқолгандан бери кеча– кундуз йиғлар, бетини юлар, кийимларини пора– пора қилар экан. Бир қанча вақт ўтгач, у ўз ўғлига атаб, уй ўртасида сағана қурибди. У эртаю кеч сағана ёнида ётиб, йиғлагани-йиғлаган экан. Вазир уй яқинига келганида бир нарсалар ўқиляётгани эшитилибди. Эшик ёнига келиб, қулоқ солса, шу байтлар ўқиляётган эмиш:

Қўрқинчли лаҳад! Севгили ёримни яширдинг,
Қоши қаламим, кўзи хуморимни яширдинг!
Гул сайр қилар чоғида топмай гўзалимни,
Келдим қидириб, лола узоримни яширдинг!

Ёр ўғрисими? Ёки жаҳаннам эшиги сен,
Фирдавси беҳишт, юзлари норимни яширдинг!
Осмон ҳам эмас, боғ ҳам эмассан, бу таажжуб,
Ой юзлигиму сарв равонимни яширдинг!

Шу вақт Шамсиддин ичкарига кириб, ўзини хотинга танитибди. Ўтган воқияларни айтибди. Ҳатто унинг ўғли Ҳасан, вазирнинг қизи Ситтулхусн билан никоҳ кечаси қовушганини, ундан бола бўлганини, болага Ажиб деб ном қўйилганини, у болани ўзи билан олиб келганини, Ҳасан ўша кечаси эрталаб ғойиб бўлганини – ҳаммасини батафсил гапириб берибди. Аёл бу сўзларни эшитгач, хурсандлигидан ҳушидан кетиб, ерга йиқилибди.

Шамсиддин Ажибга киши юборибди, Ажибни олиб келибдилар. Хотин набирасини маҳкам кучоқлаб, йиғлабди. «Ҳозир, – дебди Шамсиддин, – йиғининг вақти эмас. Сен кетишга ҳозирлан! Биз билан бирга кет!» Хотин: «Бош устига», – деб, ўша ондаёқ ўрнидан кўзғалибди. Нарсаларини йиғиштирибди. Шоҳ вазирга, Миср султониغا атаб қимматбаҳо тортиқлар берибди.

Шамсиддин йўлга тушибди. Дамашққа қайтиб, чодир тикибдилар.



«Биз бу ерда, – дебди Шамсиддин ёнидагиларга, – бир ҳафта турамыз. Шоҳга қимматбаҳо тортиқ излаймиз».

Ажиб кулига:

– Шаҳарга борайлик, овқатини еб бошини ёрган ошпазимизнинг аҳволидан хабар олиб келамиз, – дебди. «Бош устига»,– дебди қул. Ажиб қул билан йўлга чиқибди, ошпаз дўконига етиб борибди. Кун ботай деб қолган экан. Ошпаз яна хуборрўмон номли овқат ҳозирлаётган экан. Ажиб унга яқинроқ бориб кўз ташласа, тош теккан жойида ҳали ҳам яранинг ўрни бормиш. Ажиб салом берибди: «Ҳамма вақт, – дебди у, – хаёлим сенда бўлди». Ҳасан ҳаяжонланганидан тили сўзга келмай, бошини ерга эгтанча тураверибди. Анча ўтгач, бошини кўтарибди. Аллақандай бир вазиятда Ажибга тикилиб, шу байтларни ўқибди:

Келганингдан хабар етди, мен бечорага,
Йўқ юрак, чиқмоққа, айланган эди юз порага.
Арзи ҳол этмоқни дўстлар ўйламанг, йўқдир мажол,
Қайдадир сабр ила тоқат менда, бир назорага.
Нега дафтар бўлди ҳасратлар, бу ҳижрон қиссаси,
Не ҳавасдир, бу менингдек бекасу оворага.

Сўнг Ҳасан уларга:

– Ичкари киришлар, овқатланишлар, дардимга малҳам бўлишлар. Ўтган сафар эсим оғиб, сизларга эргшиб кета берибман. «Сен бизларни севганингнинг боиси қандай, ахир, – дебди Ажиб, – берган озгина овқатинг учун орқамизга тушиб, шарманда қилмоқчи бўлдинг. Биз кириб овқатингни еймиз, башарти бизнинг кетимиздан чиқиб текшириб юрсанг, иккинчи марта қадам босмаймиз. Биз бу шаҳарда ҳали анча турамыз. Амаким шоҳга арзирлик инъом топгунча анча вақт ўтади». «Жоним билан, – дебди Ҳасан, – айтганларингиздек қиламан». У



шундай деб овқат келтирибди.– «Ўзингиз ҳам ўтиринг», – дебди Ажиб.

Ҳасан шодланиб, улар билан овқатлана бошлабди. У Ажибдан ҳеч кўзини узмасмиш. У бутун вужуди билан Ажибга боғланибди.

– Сен, – дебди Ажиб Ҳасанга, – май яхши кўришинг билан кишини жиғига тегар экансан. Мен бошда ортиқ боғланмасликни шарт қилдим. Лекин сен ҳамон ўз билганингдан қолмаяпсан, мендан кўзингни олмаяпсан. Бу сўзни эшитиб, Ҳасан шу байтларни ўқибди:

Муҳаббатим сирини сақладим бу сийнамда,
Жавоҳирки асл, сақланар хазинамда.
Хазина сирини ҳеч кимга фош этолмасман,
Умр ўтар шу зайил, васлига етолмасман.
Чирою ҳуснига бир нечани қилиб банда,
Демайки бандагина, қилдинг ойни шарманда.
Мен ой эмасман, одам! Лутф эт, иноят қил,
Мурувват айла менга, жабрини ниҳоят қил.
Висол – жаннатиму лабларинг менга кавсар,
Лабинг хаёли мудом ташналикларимни кесар.

Ҳасан уларга овқатни галма-гал ошатиб тамомлабди. Улар кўзғалибдилар, кўлларига сув қуйиб, сочиқ тутибди. Устларига ёнидан мушк анбар олиб сепибди. Сўнг улар шошилинч йўл олибдилар. Ажиб бувисининг ёнига кириб борибди. Бувиси Ажибнинг пешонасидан ўпиб, ўғли Ҳасан тўғри-сида узоқ хаёлга чўмган ҳолда шоир шеърини эслабди:

То умид этдим висолинг, тарки жон бўлди қийин,
Васли меҳрингда бўлмоқ комрон: бўлди қийин.
Ё умидим узмадинг, ё васл базмин тузмадинг,
Билмадим, номеҳрибон ё меҳрибон? Бўлди қийин.

«Қаерга бординг?» – деб сўрабди бувиси Ажибдан. «Дамашққа», – дебди Ажиб.



Бувиси овқат келтириб, қулни ҳам ўтиришга буюрибди. Ажиб ғоят тўқ экан. Овқатдан бир ошам олибди-да:– «Жуда таъмсиз овқат экан», – дебди у жеркиб.

– Мен тайёрлаган овқатни ёмонлаётирсан. Бундай овқатни, – дебди бувиси энтикиб, – мендан бошқа ҳеч ким қилолмайди. Бундай овқатни фақат сенинг отанг Ҳасан биларди, холос. «Ғоят бемаза, кўнгил айнирлик даражада экан, – дебди Ажиб, – биз Дамашқда бир ошпаз тайёрлаган овқатдан едик, ана таом».

Бувиси ғазабланиб қулга ўқрайибди:

«Сен боламни ошхоналарга ўргатиб бузаяпсан!» – дебди у ғазаб билан қулга. Бўғилиб қарғабди. Қул қўрқиб, ошхонага кирганидан тонибди. «Биз ошхонанинг ёнидангина ўтдик», – деб важ қилибди у. Қисса бу ерга етганда, тонг отибди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Йигирма тўртинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб сўз бошлабди Шаҳризод. – Қул ошхонанинг ёнидангина ўтдик, – деб важ қилибди.

«Биз ошхонага кириб овқатландик. Унинг овқати сизникидан неча ҳисса ширин ва лаззатли», – дебди Ажиб.

Хотин бориб, воқеани вазирга айтибди. Вазир қулнинг бу ишидан ғазабланиб, уни чақиртирибди: «Болани нега ошхонага олиб кирдинг?»

Қул қўрққанидан титраб: «Ошхонага олиб кирмадим», – дебди секингина.

«Биз кирдик, тўйгунимизча хуббурўмон едик. Ошпаз бизга оби новотлар ҳам тугди», – деб бақирибди Ажиб.

Вазир ундан бадтар ғазабланибди, қул ҳамон тониб тураверибди.

«Агар, – дебди вазир қулга, – сўзинг тўғри бўлса, бу ерга ўтир. Кўз олдимизда овқат е!» Қул яқинлашиб, овқатдан тотинмоқчи бўлибди-ю, бироқ ея олмабди.



«Мен ўтган кундан бери тўқман», – дебди у.

Вазир ошхонада унинг овқатланганини билиб олиб, унга жазо беришни буюрибди. Алам ўтгач, қул: «Мени урманглар, тўғриси айтман», – дебди. Уришдан тўхташгач, қул дебди: «Биз ошхона ёнидан ўтар эдик, ошпаз хуббурўмон отли овқат ҳозирлаётган экан, бизни чақириб, олдимизга таом келтирди. Мен ундай овқатни умримда емаган эдим. У, албатта, бу овқатдан таъмли эди».

Ҳасаннинг онаси ғазабланибди: «Ҳозир ошхонага борда, – дебди у, – ошпазнинг хуббурўмонидан келтир. Хўжайининга едир! Қайсиси ширинлигини у киши айтсин». «Яхши», – дебди қул.

Хотин унга идиш билан ярим динор пул берибди. Қул дўконга жўнабди. Ошпазнинг ёнига бориб: «Уйда ҳам хуббурўмон овқати тайёрланган экан, биз сизнинг овқатингиз ширинлиги тўғрисида узоқ тортишдик. Мана шу ярим динорга овқат беринг, лекин эҳтиёт бўлинг, бу тўғрида еган калтагимнинг зарби ҳали кетгани йўқ», – дебди унга.

«Бу овқатни мен ва менинг онамдан бошқа киши тайёрлай олмайди-ку. Онам бўлса жуда узоқда», – деб ўйлабди Ҳасан. Кейин у қулнинг қўлидан идишни олиб, овқат сузиб берибди. Қул зум ўтмай овқатни келтирибди. Ҳасаннинг онаси овқатдан тотиб кўрибди. У жуда яхши пиширилган, ширин ва жуда лаззатли эмиш. Буни ким пиширганини билибди-ю, оҳ уриб, ҳушидан кетибди.

Вазир шошиб қолиб, дарров сув сепибди. Аёл бироздан сўнг ҳушига келиб дебди:

«Агар менинг ўғлим тирик бўлса, буни, албатта, ундан бошқа одам пиширмаган. Чунки бу овқатни мен билар эдим, ўғлимга ҳам ўргатганман».

Буни эшитиб, вазир шодланибди: «Укамнинг ўғлини кўрар кун бор экан», – дебди ўзича. Дарров қулларни чақирибди: «Йигирма киши бориб ошхонани бузинглар».



да, ошпазнинг оёқ-қўлини боғлаб, бу ерга келтиринглар, лекин шикаст етказманглар». Улар: «Хўп», – дебдилар. Вазир Дамашқ ҳокимига бориб, воқеани айтибди. Унга шоҳ қоғозини кўрсатибди. Ҳоким қоғозни ўпиб, кўзига суртибди: «Сизни безовта қилган киши қаерда?» – деб сўрабди ҳоким. «У бир ошхонада ошпаз, – дебди вазир.

Ҳоким дарров уни келтиришга киши юборибди. Улар бориб қарашса, ошхона бузилган эмиш. Вазирнинг қуллари, ўша ондаёқ дўконни бузиб, Ҳасанни боғлаб келтириб, вазирни кутиб туришган экан.

Ҳасан ўзича: «Овқатдан бир нарса чиқдимикан, ё бошқами», – деган хаёлларга бориб ўтираверибди. Вазир келибди, ўз чодирига кириб, ошпазни йўқлабди. Уни салласи билан боғланган ҳолда келтирибдилар. Ҳасан амакиси қаршисида қаттиқ йиғлабди: «Эй хўжам, менинг гуноҳим нима?»

«Хуббурўмонни сен пиширганмисан?»

«Ҳа, унда каллакесарлик бирор нарса топдингларми?»

«Бу энг енгил ва энг яхши қасос»,– дебди вазир ғазаб билан.

«Гуноҳимни айтмайсизми?»

Вазир: «Ҳозир», – деб қулларини чақирибди-да, туяларни келтиришга, Ҳасанни сандиққа солишга буюрибди. Улар бўйруқни бажарибдилар. Уни туяга ортибдилар-да, йўлга равона бўлибдилар, кечгача йўл босибдилар. Кечқурун бир ерга кўниб овқатланибдилар. Ҳасанни ҳам сандиқдан бўшатиб, овқат берибдилар. Сўнг яна сандиққа солибдилар. Шу йўсинда йўл юриб, Қамри деган жойга етибдилар. Ҳасанни сандиқдан чиқарибдилар.

«Хуббурўмонни сен пиширдингми?» – деб сўрабди вазир.

«Мен», – дебди Ҳасан.

«Боғланглар!» – дебди вазир.

Олдингисидай боғлаб, сандиққа солибдилар. Йўлда давом этиб, Қоҳирага етибдилар.



Вазир Ҳасанни сандиқдан чиқаришга буюриб, дурадгор устани чақиртирибди. «Ёғочдан қўғирчоқ яса», – дебди вазир устага.

«Уни нима қиласиз?» – деб сўрабди Ҳасан.

«Сени у қўғирчоққа ёпиштириб михлайман. Шу кўйда бутун шаҳарни айлантираман», – дебди вазир.

«Нима учун мени бундай қийнайсиз?» – дебди Ҳасан.

«Ҳуббурўмонни қалампирсиз пиширганинг учун».

«Гаримдориси кам бўлгани учун шу ишларни қилаётирсизларми?»

«Шунча қамаб қўйганингиз, ҳар куни бир луқма овқат берганингиз етмасмиди?!»

«Биз сенга қайта шундай иш қилмаслигинг учун яна ҳам ортиқроқ жазо беришимиз керак».

«Арзимаган бир нарса учун менга берган бу жазоларингиз мени ортиқ қийнайди», – дебди Ҳасан.

«Сени, албатта, осиш керак», – дебди вазир.

Шу пайт дурадгор қўғирчоқни келтирибди. Ҳасан ҳайрон эмиш. Кеч бўлибди. Вазир қўғирчоқни сандиққа солибди. Вазир Ҳасаннинг ухлашини кутибди. У ухлабди. Вазир сандиқни отга ортиб, уйига элтибди-да, қизи Ситтулҳуснга:

«Никоҳ куни қовушган амакингнинг ўғлини топиб келдим, – дебди. – Ўрнингдан тур. Уйга ўша кеч қандай бўлган бўлса, ўшандай қилиб жой сол, безат!»

Қиз ўрнидан туриб шамни ёқибди. Вазир ўзи чизган режасини олибди. Ҳамма нарсаларни жой-жойига қўйибди, кийимларини ҳам, ҳамёнларини ҳам ўз жойига қўйибдилар. Кўрган киши, бу ер шунча вақтда озгина ҳам ўзгармаганига ҳайрон қоладиган бўлибди. Вазир қизига худди ўша кечадаги кийимларини кийиб ётишни буюрибди. «Амакингнинг ўғли кирганда, – дебди вазир, – мени кутдириб ташлаб кетдингиз дегин, эрталабгача сўзлашиб ёт. Тонг отгач, хатни кўрсатамиз».

Вазир сандиқдан Ҳасанни олибди. Оёқ – кийимларини, уст кийимларини ечиб, фақат юпқа, ич кўйлак билан



қолдирибди. Шунда ҳам Ҳасан ҳеч нарсани сезмай ухлаб ётган эмиш. Ётар экан бир ёнига ағдарилибди. Кўзи очилиб, ўзини ёруғ йўлакда кўрибди: «Қандай алғовдалғов ҳаёт?» – деб ўйлабди. Ўрнидан туриб, иккинчи эшиккача бироз юрибди. Қараса, у уй никоҳ кечасидаги уй эмиш. Унинг кийимлари, саллалари ўзи қўйганча ўриндиқда турганмиш. Буни кўриб шубҳаланибди. «Уйқумми, ўнгимми?» – деган хаёлга борибди. Пешоналарини артибди. Ҳайрон бўлибди. «Бу ҳеч шубҳасиз ўша уй. – Мен сандиқда эмасмидим?»

У шу йўсин ўз-ўзига сўзлар экан, Ситтулхусн кўзғалиб, гўшанганинг бир четини очибди-да: «Кирмайсизми? Қачонгача кутдирасиз?» – дебди.

Ҳасан бу ҳолдан ажабланиб кулибди. «Ҳақиқатда ширин хаёл бўлса керак», – деб ўйлаб, ҳар турли фикларга чўмибди. Нима бўлганини тушунолмади ақли шошибди. Кийимларини, саллаларини, ҳамёнларини кўргач, ҳайрати яна ошибди. Шу вақт Ситтулхусн: «Мен сени кечаси кўрган шод ҳолда эмас, аксинча, хаёлларга чўмган ҳолда кўраётирман», – дебди. Ҳасан кулибди: «Менинг сендан узоқлашганимга қанча вақт бўлди?»

«Ҳеч қанча. – дебди Ситтулхусн шубҳали қиёфада, – нега янглишаётирсан! Ҳозиргина ҳожатга чиқдик-ку!» Ҳасан ҳайратланибди: «Тўғри айтасан, лекин мен даҳлизда эканман, туш кўрдим. Тушимда Дамашқ деган жойга бордим. У ерда ўн йил ҳаёт кечирдим, ошпазлик қилдим. Бир кун давлат арбобларининг болаларидан ёш бир йигит келди. Унинг ёнида қули ҳам бор эди», деб қўли билан пешонасини силаб кўрибди, зарб билан урилган из билиниб турганмиш. – «Эй маликам, бу туш эмас, ўнгдир. Чунки у уриб, пешонамни яралаган эди, изи ҳали турибди. Бас, албатта, ўнгда бўлган бўлиши керак. Сен билан қўшилган кеча мен Дамашққа йўл солдим. Кийимларим шу ерда қолган эди. Мен ошпазлик қилардим, – бироз сўздан тўхтаб, яна давом этибди. – Мен хуббурумон



отлиқ овқат пиширдим, унга гаримдоридан камроқ солган эдим... Балки мен даҳлизда ухлаб қолиб, буларнинг ҳаммасини тушда кўргандирман».

«Тушда бундан бўлак яна нималар кўрдинг?» – дебди, Ситтулхусн. «Агар уйғониб қолмаганимда, – дебди Ҳасан, – улар мени ёғоч қўғирчоққа михлаб қўйишар эди».

«Нега?»

«Ҳалиги овқатда гаримдори кам бўлгани учун шу вайдан улар дўконимизни буздилар, асбобларимни синдирдилар. Ўзимни сандиққа солдилар– да, дурадгорни чақириб, ёғоч қўғирчоқ яшашга буюрдилар. Хайрият, булар ҳаммаси туш экан», – деб суюнибди Ҳасан.

Ситтулхусн кулиб, ёрини кўкрагига тортибди. Ҳасан ҳам шундай қилибди. Ҳасан ўйлаб-ўйлаб: «Булар туш эмас, ростга ҳам ўхшайди», – деб қўярмиш.

У нима сир ўтганига тушунмай хаёлга борибди. Баъзан у «уйқуда кўрдим», дер баъзан «ўнгда бўлди», дермиш.

Тонг отибди. Амакиси вазир Шамсиддин кириб келибди. Саломлашибдилар. Ҳасан унга тикилибди: «Мени сандиққа қамаб қўйган, ёғоч қўғирчоққа михламоқчи бўлган, дўконимизни бузишга, асбобларимни синдиришга буюрган сиз эмасмисиз?» – дебди у амакисига.

– Эй ўғлим, – дебди у, – сир очилди, ҳақиқат юзага чиқди. Сен укамнинг ўғли экансан. Бу ишларни қилишдан мақсад, ўша кеч сенинг қизим билан бирга бўлганингни исбот қилиш эди. Шубҳада эдим. Ҳозир аниқ бўлдимки, шу кеч қизим билан бирга бўлган сен экансан, сен уйларни, ётган жойларни, саллаларингни, кийимларингни, ўз қўлинг билан ёзилган хатни, ҳаммасини танидинг. Аниқлаб тасдиқладинг. Мен сени олдин кўрмаган эдим. Танимас эдим. Ойингни Басрадан бирга олиб келдим», – дебди, Ҳасанни қучоғига олиб, йиғлай бошлабди.

Ҳасан ҳам йиғлаб, амакисини қучиб, ғоят шодланибди. Шамсиддин:



«Буларнинг сабаби отанг билан менинг ўртамда ўтган можародир»,– дебди-да, укаси билан ораларида бўлиб ўтган воқеани сўзлабди. Сўнг вазир Ажибни чақиртирибди:

«Мана мени тош билан урган йигит», – дебди Ҳасан.
«Бу ўз ўғлинг», – дебди вазир.
Ҳасан болага ўзини ташлаб, шу байтларни ўқибди:

Ҳаёт тарқоқ эди, тўплаш уни, ундан эди мушкул,
Муяссар айлади, Тангри муножотим этиб маъкул.
Ўғил келди етиб, фурқат сўзини тилга олмайман,
Кўзимнинг ёши оқмас, усти-бошим энди қилмас ҳўл.
Агар мен йиғласам ҳам, бу йиғим завқу қувончимдан,
Гар йиғласам, қаҳқаҳ урарман энди мен минг йил.

Шу орада унинг онаси кириб келибди. У шу шеърни ўқибди:

Шум фалак қийнаш учун аввал қасамёд айлади,
Сўнг келиб инсофга андакроқ, мени шод айлади.
Ажратиб ўғлимдан, аввал қўйди фарзанд доғига,
Сўнг бериб, кўнглимдаги доғларни барбод айлади.

Онаси у кетганидан кейин бошидан кечирган саргузаштларини ўғлига сўзлаб берибди. Ҳасан ҳам ўз кечинмаларини батафсил айтибди. Вазир Шамсиддин икки кундан сўнг шоҳ ҳузурига бориб ер ўпибди, унга миннатдорчилик билдирибди. Шоҳ хурсанд бўлиб, кўрган кечирганлари ҳақида сўзлашга ундабди. Вазир воқеани бошдан оёқ сўзлабди.

«Излаганингни топибсан, зиёнсиз келтирибсан. Мен уни, албатта, кўришим керак. Эртага уни девонга келтир»,– дебди шоҳ.

«Қулингиз эртага ҳозир бўлади»,– дебди Шамсиддин. Эртаси Ҳасан амакиси билан шоҳ ҳузурига борибди, ер ўпиб салом берибди. Шоҳ кулиб, ўтиришга ишора қилибди.



Ҳасан амакиси Шамсиддиннинг ёнига ўтирибди. Шоҳ ундан исмини сўрабди.

«Камтарин қўлингиз Басралик Ҳасандир», – дебди у. Афтидан, шоҳга унинг сўзи ғоят маъқул тушибди. Шоҳ уни бир мунча саволлар бериб синабди. Ниҳоят «Ҳуснинг айрим хусусиятлари нималардан иборат?» – дебди шоҳ.

«Ҳусн кўп нарсаларга нисбатлидир, – деб жавоб берибди Ҳасан. – Масалан, юзга нисбатан: Ҳусн юзнинг ёқимли кўринишлиги, бадан юмшоқлиги, бурун бичимининг келишганлиги, кўзнинг жозибадорлиги, оғзининг бошқа аъзога муносиб кўриниши, тилнинг нозиклиги, ширинлиги билан боғлиқ томонлари, улар ҳаммаси маълум даражада чирой белгиларидир», – дебди. Шоҳ Ҳасанга адабиёт соҳасида яна бир неча саволлар берибди. Ҳасаннинг жавоблари шоҳга маъқул бўлибди. Шоҳ таҳсин ўқибди, уни ўз саройида хизматга тайинлабди.

Сўнгра Шаҳризод: – Бу ҳикоя машиначи, букри, яҳудий, шоҳид ва насоролар ҳикоясидан қизиқ эмас, – деди. Шоҳ:

– У ҳикоя қандай? – деб сўради. Қиз ҳикояни бошлади:

МАШИНАЧИ, БУКРИ, ЯҲУДИЙ, ШОҲИД ВА НАСОРОЛАР ҲИКОЯСИ

Қадим замонларда Хитой шаҳарларининг бирида бир машиначи бўлиб, у ҳазил-мақтовни ортиқ севар экан. Баъзан у ўз хотини билан ўйнагани шаҳарга чиқар экан. Шу одати бўйича, у бир куни эрта билан хотинини олиб, томоша қилгани чиқибди. Улар кун ботар пайтда уйга қайтишаётиб, йўлда бир букрини учратиб қолишибди. Унинг кўриниши ҳар қандай



хафа кишини кулдирадиган экан. Машиначи хотини билан унинг ёнига борибди. Чақчақлашиб кўнгил очиш мақсадида уни уйларига таклиф қилишибди. Букри рози бўлиб, улар билан бирга борибди. Машиначи бозорга чиқиб нон, қовурилган балиқ, лимон ва ширинликлар олиб қайтибди. Балиқни келтириб букрининг олдига қўйибди. Ҳаммалари ўтириб, ея бошлабдилар. Машиначининг хотини катта бир бўлак балиқни олиб, букрининг оғзига солибди-да, унинг оғзини қўли билан беки-тибди. «Сен шуни бирдан ютмагунингча тинчитмайман», – дебди хотин, букри бирдан ютибди. Унда катта бир қилтаноқ бор экан, букрининг томоғига тиқилиб қолибди. Орадан кўп вақт ўтмай, букри нафас ололмай ўлибди.

Бу ҳақда шоир шундай деган:

Кутмасанг эртадан яхши натижа:
Мушаваш ўтарсан кундуз ва кеча.
Телбадек оловни ушларсан сезмай,
Тонглар отдирасан, қоқмасдан мижжа.

Не билан овутдинг кўнглингни ғамдан,
Не учун маҳрумсан, шу яхши дамдан?

«Нима қиламиз?» – дебди машиначи хотинига. «Ипак рўмолга ўраймиз-да, дебди хотин, – сен кўтариб оласан, мен олдинда бораман. Агар биров сўраса, ўғлим касал бўлиб қолди, онаси билан табибга элтаётирмиз, дейсан. Кўчалар қоронғи, ҳеч ким сезмайди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Йигирма
бешинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этибди Шаҳризод. – Кўчалар қоронғи, ҳеч ким сезмайди, – дебди хотин. Машиначига бу фикр маъқул тушибди. Машиначи букрини катта рўмолга ўраб, кўтариб олиб бораверибди. Хотини унинг ёнида: «Болагинам, қаеринг оғрияпти, эмчи ёмон эмладими, нега тинчсизланаётгирсан?» – деб кетаверибди. Кўрганлар: «Албатта, касал болани олиб кетишаётган бўлишса керак», – деб ўйлар эдилар. Улар йўлда учраган кишидан табибнинг уйини сўрашармиш. Кимдир биров яҳудий табибнинг уйини кўрсатибди. Бориб эшикни тақиллатишибди. Бир қора чўри хотин чиқиб, эшикни очибди, қараса, касал бола кўтарган эр-хотин келишганмиш.

«Нега келдинглар?» – деб сўрабди чўри хотин.

«Табибга касал ўғлимизни кўрсатгани келтирдик. Мана бу чорак динорни хўжайинингга бериб бизнинг илтимосимизни айт! Биз шу ерда турамиз. Қоронғи экан, табибнинг ўзлари туша қолсинлар», – дебди хотин.

Чўри хотин хабар бериш учун болахонага чиқиб кетган экан, хотин йўлакка кирибди-да, машиначига: «Букрини йўлакка қўй! Жонимизни қутқарайлик», – дебди.

Машиначи букрини зинапояга суяб қўйибди-да, эр-хотин чиқиб кетишибди. Чўри хотин табиб олдига кириб дебди:

«Эшик олдида қандайдир бир киши касал бола кўтариб турибди, ёнида бир хотин ҳам бор. Улар сенга мана бу чорак динорни бердилар. Тушиб касални кўришингни, дори беришингни илтимос қилдилар».

Чорак динорни кўриши билан табиб суюниб, чопганича пастга тушибди. Йўл қоронғи экан, шошилишда



букрига қаттиқ қоқилиб кетибди. Букри анча нарига отилиб тушибди. Бундай қараса, у ўлиб ётган эмиш.

«Бу қандай ҳодиса, – деб бақирармиш табиб, – мен кўрмай касалга қоқилиб кетган эдим, зўрға турган касал ўлиб қолди». Ҳовлиқиб қолганидан нима қиларини билмай, букрини кўтариб уйига олиб чиқибди. Хотинига воқеани айтибди.

«Нега ўтирибсан, агар бу ўлик тонг отгунча уйда қолса борми, сен ҳам, мен ҳам ҳалок бўламиз, буни кўтарайлик-да, қўшнимиз мусулмоннинг томига ташлайлик. Унинг қўшниси шоҳнинг ошпази. У уйига ҳар турли гўштлар келтириб туради. Кўпинча уни мушуклар, кучуклар олиб қочиб юради».

Шундай қилиб, хотини билан яҳудий букрини кўтаришиб, томдан назоратчининг ҳовлисига тушибдилар-да, ўликни деворга суяб қўйиб, уйларига чиқиб кетибдилар. Улар ҳали уйларига кириб улгурганларича йўқ экан, қўшнилари эшик очиб уйга кирибди. Унинг қўлида фонуси бор экан, ошхона бурчагида биқиниб турган одамга кўзи тушибди: «Нарсаларимни ўғирлайдиган ўғри шу бўлса керак», – дебди ўз-ўзига. Кейин унга яқин борибди-да: «Ҳали, – дебди у бақириб, – гўштларни сен ўғирлар экансан-да, мен уни мушук, кучуклардан кўриб юрибман. Шунинг учун ҳам шунча гуноҳни устимга олиб, кўчадаги мушук, кучукларни қириб ташладим. Томдан тушасанми – йўқми?» – дебди-да, қўлига катта тўқмоқ олиб букрининг олдига келибди. Мўлжаллаб туриб, тўқмоқ билан букрининг кўкрагига урибди. Қараса, букри ўлиб ётганмиш. У бу қилган ишидан афсусланибди: «Нима касофат уриб бу кишини ўз қўлим билан ҳалок қилдим», – дермиш. Сўнг тепасига келиб қараса, у букри экан. «Букрилигинг етмасмиди, гўшт-ёғлар ўғирлаганинг нимаси эди!» – дебди-да, кифтига қўйиб, уйдан чиқибди. Бозор бошига олиб бориб, бир долон ёнидаги дўкон олдига қўйибди-ю, изига қайтибди. Шу орада шоҳнинг



даллоли бир насоро келиб қолибди, у маст экан. Гандираклаб-гандираклаб букри ёнига келиб қолганини ўзи ҳам сезмабди. Унинг рўпарасида туриб таҳорат синдирибди, бир пайт рўпарада турган қора нарсага кўзи тушибди. Унга худди биров ўтиргандек туюлибди. Шу кеч бош кийимларини ўғирлатиб қўйган экан. Уни кўриши билан қандайдир хаёлларга борибди-да, югуриб бориб, гарданига ўхшатиб мушт туширган экан, букри йиқилибди. Насоро бақириб, бозор қоровулини чақирибди. Мастлик билан у букрининг устига миниб олиб дўппослабди.

Қоровул келибди, қараса, бир киши иккинчисининг устига миниб ураётган эмиш. «Нима гап?» – дебди қоровул. «Қолпоғимни олиб қочмоқчи бўлган эди, тутиб олдим», – дебди насоро. «Тур ўрнингдан», – дебди қоровул. Насоро ўрнидан турибди. Қоровул букрига яқин бориб қараса, ўлиб ётган эмиш.

«Насоро мусулмонни ўлдириб қўйди», – деб бақирибди қоровул. Сўнг у насоронинг қўлларини боғлаб, ҳокимнинг уйига олиб борибди.

«Калтакнинг зарбидан ўлдими-а?» – деб ҳайрон бўлибди насоро. Унинг кайфи ҳам тарқалиб, турли-туман хаёлларга чулғанибди. Насоро тонг отгунча ҳоким уйида қолибди. Ҳоким келгач, дарҳол жаллодни чақиртирибди. Қотил осишга ҳукм қилиниб, дор ҳозирланибди. Насоро дор остида осилиш олдида экан, бирдан шошилиб, одамлар орасидан назоратчи чиқиб келибди: «Уни осаманглар, – деб бақирибди у, – чунки букрини насоро эмас, мен ўлдирганман».

«Нега ўлдирдинг?!» – дебди унга ҳоким.

«Кеча кечқурун, – дебди назоратчи, – мен уйга кирсам, у томдан тушиб, нарсаларимни ўғирлаётган экан. Қўкрагига тўқмоқ билан урдим. Ўша онда тил тортмай ўлди. Уни кўтариб, бозор бошига олиб бордим. У ерда бир долон ёнидаги дўкон олдига қўйдим. Мен бир



мусулмонни ўз қўлим билан ўлдирганим етар. Менинг гуноҳим билан яна бир насорони ўлдириш ортиқча. Ундан эмас, мендан қасос олинглар», – дебди назоратчи.

Бу сўздан сўнг ҳоким насорони қутқозишга буюрибди. Жаллодга ўз иқрори билан назоратчини ошишга амр қилибди. Жаллод насоро бўйнидан арқонни ечиб, уни ошпазнинг бўйнига боғлабди. Жаллод ошпазни дор остига келтириб, осмоққа ҳозирланибди. У ҳокимнинг ишоратини кутиб турган экан, шу пайт яҳудий табиб одамлар орасидан: «Уни осма, кеча кечаси уни мен ўлдирганман, – деб қичқирибди, – воқеа шундай бўлди: кечқурун мен уйда ўлтирган эдим. Бир эр, бир хотин эшикни тақиллатдилар. Шу букри касал қўлларида экан. Чўри чиқиб эшикни очди. Улар чўридан менга чорак динор пул киргизиб, тушиб касални кўришимни илтимос қилибдилар. Чўри чиқиб менга пулни берди-да, воқеани баён қилди. Қоронғи эди. Мен касални кўриш учун пастга тушаётиб, болага қоқилиб кетдим. У зинадан отилиб тушиб, тил тортмай вафот этди. Бизлар эру хотин уни кўтариб, ён қўшнимиз ошпазнинг томига олиб чиқдик. Ошхонасининг олдига олиб бориб, деворга суяб қўйдик. У буни ўғри деб ўйлаб, тўқмоқ билан урибди. Шундан сўнг мен ўлдирдим деб ўйлабди. Билмасдан бир мусулмонни ўлдирганим ҳам етар, билиб туриб яна бировни ўлдиришдек гуноҳни устимга ололмайман».

Ҳоким жаллодга ошпазни озод қилишга, унинг ўрнига яҳудийни ошишга фармон берибди.

Жаллод яҳудий бўйнига арқон солиб, ошишга ҳозирланаётган экан, машиначи чиқиб келибди: «Яҳудийни озод қилинглар, букрини у эмас, мен ўлдирганман», – дебди-да, ҳодисани сўзлашга киришибди:

«Бир куни хотиним билан сайр қилиб, кеч уйга қайтар олдидан букрини кўчада учратдик. У маст эди. Унинг қўлида кулгили дўмбираси ҳам бор эди. Мен уни уйга олиб келдим. Балиқ олган эдим, ўтиришдик, балиқдан



тотиндик. Хотиним бир бўлак балиқни унинг оғзига солди. Букри уни ютган эди, томоғидан ўтмай, ўша онда ўлди. Биз эру хотин уни кўтариб, яҳудий уйига олиб бордик. Бир хотин чиқиб эшикни очди. Менга уни хўжайинингга айт, бир эру хотин бемор боласини олиб келибди, шуни кўрар экансиз, дегин, дедим-да, хўжайинга топшириш учун чорак динор пул бердим. Хотин хўжайинга хабар бергани кетди.

Мен букрини зина устига қўйиб, хотиним билан қайтдим. Яҳудий зинадан тушарда унга қоқилган, букри отилиб тушган. У ўзича, букрини мен ўлдирдим, деб ўйлаган. Тўғрими?» – деб сўрабди яҳудийдан.

«Тўғри»,– дебди яҳудий.

Машиначи ҳокимга юзланиб: «Яҳудийни озод қилинг, у гуноҳсиз, мени осинг»,– дебди.

Ҳоким ҳайрон бўлибди. «Ҳақиқатда,– дебди ҳоким, бу оламга дoston бўларли воқеа экан», – деб жаллодга яҳудийни озод қилиш, машиначини осигга амр қилибди. Жаллод: «Боғла, бўшат буйруқларидан ҳам ўлиб бўлдик. Бирини ос, бирини бўшат, қуруқ фармон, холос», – деб тўнғиллаб, машиначининг бўйнига арқон солибди.

Маълум бўлишича, букри шоҳнинг қизиқчиси бўлиб, шоҳ ундан ажралмас экан. Букри маст бўлгач, ўша кеч кўринмаган, иккинчи кун туш вақтларида шоҳ уни сўроқлаган. Кимдир биров, букрини ҳокимга ўлик ҳолда келтиришган, ҳоким қотилни ўлдиришга буюрган, лекин осиг олдида иккинчи қотил, учинчи қотил пайдо бўлган. Улардан ҳар бири «У эмас, мен ўлдирганман» деб, қандай қилиб ўлдирганликларини сўзлаганлар, деб хабар берибди.

Шоҳ дарҳол дарвозабонни чақирибди-да: «Бор, уларнинг ҳаммасини менинг ҳузуримга олиб кел!» – деб буюрибди. Дарвозабон борса, ҳоким машиначини остириш олдида экан: «Тўхтанглар», – дебди дарвозабон ва ҳокимга шоҳ сўзини етказибди. Уларнинг ҳаммасини шоҳ ҳузурига олиб боришибди.



Ҳоким шоҳ қаршисида ер ўпгандан сўнг воқеани сўзлабди. Шоҳ бу ажойиб воқеага ҳайрон қолиб: «Буни олтин ҳал билан ёзиш керак», – дебди. Кейин шоҳ қаршисида турганларга хитоб қилиб: «Бундан қизиқ ҳикояни эшитганмисизлар?» – дебди.

Насоро кўзғалиб, шоҳ олдида ер ўлибди: «Мен, – дебди у, – бу ерга сизнинг қўл остингизга мол билан келдим. Ўзим Қоҳираликман. У ернинг Қибтилариданман. Ўша ерда тарбияланганман. Отам даллол эди. Мен балоғатга етиб одамлар қаторига қўшилганимдан кейин отам ўлди. Унинг ўрнида мен шу касбни қила бошладим. Кунлардан бир кун бозорда ўтирган эдим. Жуда ҳам чиройли бир йигитга кўзим тушди. У ғоят яхши кийинган, эшак миниб борар эди. Мени кўриб салом берди. Ҳурмат юзасидан оёққа турдим. У қўлидаги рўмолдан бироз кунжуг чиқариб, унинг баҳосини сўради. «Юз дирҳам», – дедим мен. «Бўлмаса, – деди у, – ҳаммол билан тарозибонни ол-да, Бобуннасрдаги¹² Жавволи саройига бор! Мени ўша ердан топасан».

У рўмолдаги кунжугни олувчиларга кўрсатдим. Юз йигирма дирҳамдан сўзлашдим. Тўртта ҳаммол чақириб тайинланган жойга бордим. У кутиб турган экан. Мени кўриши билан ўрнидан туриб, ғаллаxonани очди. Кунжугни тарозида тортдик. Беш минг дирҳамли эллик ардаб¹³ чиқди. Йигит менга даллол ҳаққи учун ҳар бир ардабга ўн дирҳамдан бермоқчи бўлди. У: «Пулни сотган кишингдан ол-да, тўрт минг беш юз дирҳамни менга олиб қўй. Бўлак ғаллаларни сотиб битиргач, сендан бориб оламан», – деди. «Хўп», – деб қўлини ўпдим-да, уйга қайтдим. Мен шу савдодан минг дирҳам фойда қилдим.

Роса бир ой ўтгач, йигит келиб, пулини сўради. Мен ўрнимдан туриб, у билан саломлашдим. Меҳмонхонага таклиф қилиб, овқатланишни сўрадим.

¹² Бобуннаср – жой исми.

¹³ Ардаб – икки гектолитр.



«Вақт йўқ, пулни тайёрла, қайтарда оламан», – деди-да, қаёққадир кетди. Мен пулни ҳозирлаб, унинг келишини кутдим. Бир кун ўтди келмади, икки кун ўтди келмади, бир ой деганда кириб келди. «Пул қани?» – деди у. Меҳмон бўлишга ундадим. Овқат қиламан, деб қистадим.

«Пулни тайёрла, қайтарда оламан», – деди-да, яна кетди. Мен пулни тайёрлаб, уни кутдим. Бироқ у бу сафар ҳам бир ой ўтганда келди. У жуда ҳам яхши кийинган эди. Бу гал хачир миниб келди. У келишган йигит худди ҳозир ҳаммомдан чиққандек қизариб товлар, шоир айтгандек кўркам эди:

Ой ҳам кунни бир кечада ҳали ҳеч ким кўрмаган,
Ҳар иккиси қўл ушлашиб, кўк устида юрмаган.
Таажжубдан ёқам ушлаб, тикилганча қолдим мен,
То тонггача на кўз юмдим, термулиб, на толдим мен.
Хаёлимни ўғирлади ҳар иккиси шу тунда,
Икки кўзим гоҳ унда-ю, икки кўзим гоҳ бунда.

Кўрган замон мен туриб қўлини ўпдим. Унга хайр-хоҳлик тиладим: «Пулингни олмайсанми, яхши йигит?» – дедим. «Шошилишнинг нима ҳожати бор, – деди у, – мен ўз ишларимни битирай, сўнг оламан», – деди-да, йўлга тушди. Унинг пулини шунча вақт ишлатиб, фойдаланганимни, шунинг учун эндиги келганда, албатта, меҳмон қилиб кутишимни айтдим. У йил охирида келди. Аввалгига қараганда ҳам ортиқроқ кийинган эди. Мен уйга киришга, овқат ейишга зўрладим. Харажат унинг бўйнига бўлгандагина киришга рози бўлди. Мен унинг таклифига кўндим. Уни уйга ўтирғиздим. Лойиқ овқатларни тайёрлаб келтирдим. Бирга овқатландик. Олдин мен сезмаган эканман, қарасам, у овқатни чап қўли билан еяпти. Овқат тамом бўлди, қўлига сув қуйиб, артишга сочиқ бердим, кейин суҳбатга киришдик.



«Муҳтарам меҳмон, – дедим мен унга, – овқатни чап –қўлда еганинг учун мен аллақандай ташвишга тушдим. Қўлинг оғрийдимми ёки бошқами, менга билдириб, ташвишимни энгиллатишингни сўрардим». Йигит оҳ уриб шу байтни ўқиди:

Дўстим сўраб, қалб ўтини, янгилама ярамни,
Мен ихтиёр қилганим йўқ, мунча қайғу, аламни!

Сўнг у қўлини энгидан чиқарди. Кафти кесилган экан. Мен ҳайрон бўлдим. «Такаббурликдан чап қўлда таом еди деб ўйлама,– деди йигит. – Ўнг қўлимнинг кесилиш сабаби ғоят мудҳишдир». «Хўш», – дедим мен.

«Мен боғдодликман,– деб сўз бошлади у, – отам Боғдоднинг атоқли кишиларидан эди. Мен сайёҳлар ва мисрликлардан Мисрнинг таърифини кўп эшитдим. Дилимда бу шаҳарни кўриш орзуси пайдо бўлди. Отам ўлгач, кўпгина пул ва ҳар турли моллар ҳозирлаб, Боғдоддан сизнинг шаҳрингизга сафар қилдим. Бу ерга саломат етиб келдим», – деб шу шеърни ўқиди:

Туғма кўрлар йиқилмаслар чуқурга,
Чуқурларга очиқ кўзлар йиқилар.
Жоҳил бормаи баъзан хато, қурсга,
Бу хатога гоҳ оқил тиқилур.

Машаққатли кун кечириб тўғрилар,
Хиёнаткор баъзан даврон суради.
Катта бойлик топган бўлса ўғрилар,
Хиёнатдан эмас, бахтдан кўради.

Шаҳрингизга етиб келгач, молларимни хон саройига тушурдим, юкларни очдим. Уларни ичкарига киритдим. Ходимга бирор овқат келтиришини буюриб, пул бердим. Бироз ухладим. Уйқудан туриб, Байналқасраин кўчасига бордим, айландим, уйга қайтдим. Кеч бўлди, ётдим.



Эрталаб турдим. Молларнинг бир қисмини бозорга олиб бориб кўрсатишга қарор бердим. Бироз молни ходимга кўтартириб, бозорга жўнадим.

Жиржис бозорига етдик. У ерда мени даллоллар яхши қарши олдилар. Молимни олиб бозорга солдилар. Лекин молнинг баҳоси ўз харидига бормаи, диққатим ошди.

«Сенга фойдали бир йўл шуки, – деди бозор оқсоқоли, – молларингни пухта ҳужжат билан маълум муддатга насыяга бер! Сенга ҳар пайшанба, душанба кунлари келишувга мувофиқ пул келтириб берадилар. Шунда ҳар дирҳамга икки ҳисса, балки ундан ҳам ортиқроқ фойдаланасан, ўзинг эса Қоҳира ва Нилни томоша қилиб юрасан!»

«Яхши маслаҳат,– дедим мен. Даллол билан бирга саройга жўнадим, молларни бозорга келтирдик ва насыяга ўтказиб, керакли қоғозни қўлга олгач, саройга қайтдим. Бир неча кунлар шу ерда туриб қолдим. Ҳар куни, албатта, шароб ичар, қўй гўшtidан овқат ҳозирлатар, ширинликлар истеъмол қилар эдим. Ниҳоят, ҳужжатга мувофиқ ҳафтада икки кун пул тўплайдиган муддат етди. Бозорга бордим, бойлар дўкони олдида ўтирдим. Сарроф ва даллоллар туш вақтида пул келтирдилар, мен пулни санаб ҳамёнимга солдим-у, саройга жўнадим. Кунлардан бир куни ҳаммомга бориб, саройга қайтдим. Шароб билан наҳорлик қилиб, уйқуга ётдим. Уйғониб яхна товуқ гўшти едим. Кейин зерикиб, Бадриддин Бўстоний номли бир таниш бойнинг дўконига бордим. У билан саломлашдим. Бозор очилгунча у билан сўзлашб ўтирдик. Шу пайтда қомати келишган улуғвор бир хоним келиб, Бадриддинга салом берди, у жавоб қайтарди. Бадриддин у билан сўзлашар экан, унинг сўзлари менга жуда ёқимли туюлиб, муҳаббати дилга жойланди. У зарбоф кийимлик кўрсатишни сўради. Бадриддин мендан олган молларидан бир кийимлик кўрсатди. Хотинга



маъқул бўлди. Бир минг икки юз дирҳамга келишдилар.
«Мен буни олиб кетиб, пулни уйдан юбораман»,– деди хотин.

«Йўқ,– деди Бадриддин,– мана молнинг эгаси ҳам шу ерда. Мен пулни ўз вақтида топширишим керак».

«Ҳайф сенга,– деди хотин,– ахир мен ҳар вақт сендан мол оламан, баҳоси учун кўп тортишмайман ҳам. Пулни уйдан бериб юбораман дедим-ку!»

«Тўғри,– деди дўкондор,– у вақт бошқа эди, мен шу кун хўжайинга пул тўлашим керак». Хотин жаҳл билан кийимликни Бадриддин олдига улоқтириб, ғазабли оҳангда: «Савдогарлардан ёруғлик чиқмайди, одамнинг қадрини билмайсиз!»– деди-ю, ўрнидан туриб, аста-секин йўлга тушди. Лекин менинг жоним у билан кетаётгандек бўлди. Ўрнимдан туриб:

«Тўхтаг опа! Одамни хафа қилманг, бу ёққа келинг»,– дедим.

«Сиз учун қайтдим»,– деди-да, қайтиб келди.

«Ўзингиз қанчага олгансиз»,– дедим Бадриддинга.

«Бир минг бир юз дирҳамга»,– деди у.

– Сенга яна юз дирҳам фойда бўлсин. Қалам-қоғоз бер, мен шу баҳога тилхат ёзиб берай,– дедим-да, кийимликни қўлга олиб, Бадриддинга тилхат бердим.

Кийимликни хотинга ўз қўлим билан тақдим қилиб: «Буни олиб кетаверинг! Агар хоҳласангиз, келар шу кунга пулни мана шу дўконга келтирарсиз, агар хоҳла-масангиз, мenden сизга совғам бўлсин!» – дедим.

«Қуллуқ»,– деб яна миннатдорчилик билдирди.

«Бугина эмас, яна шундай бир кийимлик берай. Фақат юзингизни бир кўрсатинг»,– дедим.

У юзини очди. Тилим тутилди, ақлимдан адашдим. Хотин юзини бекитиб, кийимликни олди. Кетар экан: «Мени соғинтириб қўйманг!» – деди-ю, йўлга тушди. Мен дўкон ёнида анча ўтирдим. Унинг муҳаббати қалбимни эгаллаган эди. Муҳаббат ғалаба қилди. Сирни яшириб



тура олмадим. У хотин тўғрисида бойдан сўрадим. У катта бир амирнинг қизи экан. Отаси ўлиб, ундан беҳад кўп дунё қолибди.

Бой билан хайрлашиб, саройга йўл олдим. Овқат келтирдилар. Лекин мен ҳамон хотин тўғрисида ўйлар эдим. Ҳеч нарса емай уйқуга ётдим, уйқум келмади. Тонг отди. Кийимимни ўзгартирдим. Бироз ичимлик ичиб, озгина овқат ҳам едим. Ўша дўконга бордим. Бой билан саломлашиб, ёнида ўтирган эдим, кечаги аёл келди. У аввалгидан ҳам яхшироқ кийинган, ёнида бир чўри қиз ҳам бор эди. У бой билан эмас, мен билан саломлашди-да:

«Бир минг икки юз дирҳамни олиб келиш учун менга бирор киши қўшиб юборсангиз», – деди у. Унинг сўзлари кечагидан ҳам ширинроқ, жозибадор эди.

«Нега мунча шошилинч»,– дедим мен. Ўтириб у билан сўзлашдим, бир ишорат қилган эдим, мақсадимни тушуниб, ўрnidан турди. У ҳадиксирарди. Менинг кўнглим эса унга қаттиқ боғланган эди. Мен у билан изма-из юриб бозорга чиқдим. Хотин мени ёнига чақириб, шундай деди:

«Эй суюклим, сизни севиб қолдим. Кечадан бери менда уйқу ҳам, ором ҳам йўқ. Емайман ҳам, ичмайман ҳам. Фақат сизни ўйлайман, холос».

– Сизни кўргандан бери,– дедим мен,– кўз ҳам юмганим йўқ. Менинг қайғум сизникидан ортиқроқ экани ранги– рўйимдан ҳам билинса керак.

– Эй суюклим,– деди хотин,– сизникига борайликми? Бизникига борасизми?

«Мен бу шарҳарда мусофирман, саройдан бошқа бирор жойим йўқ. Агар малол келмаса сизникига борамиз»,– дедим мен. Хотин: «Жуда яхши»,– деди-да, турар жойини баён қилди:

«Уловга мининг-да, машҳур Алхайбония гузарига бориб, Баракат деган кишининг уйини сўранг, у кишининг



лақаби Абушоммадир. Лақабини билмаган киши йўқ. Мен ўша ерда тураман. Эртага эрталаб кутаман, кечикманг!»

У шундай деб жўнади. Мен ўзимда йўқ даражада суюндим. Саройга қайтдим. Бир кеча бир йилдек туюлди. Тунни уйқусиз, аранг ўтказдим. Тонг отганига ишонмас эдим. Эрталаб туриб, янги кийимларимни кийдим. Бир рўмолга беш юз динор пул тугиб, саройдан чиқдим. Карвонсарой эшигига бориб, хачирга миндим. Унинг эгасидан Алхайбонияга элиб қўйишни сўрадим. У бир нафасда Алмункари деган кўча бошига етказди ва ўша ерда тўхтатди. Мен унга Абушомма лақабли, Баракат деган кишининг уйини сўраб билишини илтимос қилдим. У суриштиргани кетди. Бироздан сўнг қайтиб келиб: «Шу ерда экан, тушинг»,– деди менга.

– Сен ўша уйга бирга бор, кўриб қўй, эртага эрталаб хачирни шу ерга келтирасан,– деб тўрт динор олтин бердим. У кетди. Мен эшикни тақиллатдим. Бўйлари етган, иккита чиройли қиз чиқиб эшик очди. «Марҳамат,– дейишди улар,– бизнинг бекамиз сизни кутаётир, сизнинг келишингизни ўйлаб, кечаси ҳам ухламадилар». Мен етти эшикдан ўтиб, ичкари ҳовлига кирдим. Уйнинг катта боғга очиладиган қатор деразалари жуда ҳам чиройли ишланган эди. Боғ эса ҳар турли мевалари, тўлиб оқаётган анҳори билан кўнгилни ўзига жалб этарди. Турли хил қушлар тўхтовсиз сайраб турарди. Уйлар султоний оҳаклар билан оқартирилган эди. Деворлар киши аксини бемалол кўриш мумкин даражада ялтирарди. Шиплар яна алоҳида гуллар билан безалиб нақшланган, унга олтин ҳаллар билан ҳар турли хатлар ёзилган эди. Ерга мрамар тошлар ётқизилган бўлиб, ҳовли ўртасида ҳовуз бор эди. Ҳовузнинг тўрт бурчагига олтиндан ясалган турли қушлар ва тўрт илон ўрнатилган эди. Уларнинг оғизларидан чашма отилиб турарди. Уйдаги ҳар турли ипак гиламлар кишини ҳайратда қолдириб,



уни тўқиган санъаткорга беихтиёр раҳмат демай илож йўқ эди. Ҳали ўтирмасимданоқ аёл кириб келди.

Қисса шу ерга етганда, тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Йигирма олтинчи кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – У энди жуда алоҳида кийинган эди. Мени кўриши билан ғоят шодланди. Биз қандай қовушганимизни сезмай қолдик. У менга тикилиб: «Менинг уйимга келганингиз ростми?» – дер, мен бўлсам, бу кўришувга ишонмасдим. «Сенинг қулингман»,– дедим унга. У менга миннатдорчилик билдириб, келганим учун ташаккур изҳор этди. «Сенга етишар кун бор экан-ку. Кўрганимдан бери кўзда уйқу йўқ», – деди. Мен уялганимдан бошимни қуйи солиб турардим. Дарров дастурхон ёзиб, энг лаззатли овқатлар келтиришди. Сиркали гўштлар, асал билан ҳозирланган алоҳида таомлар, товуқлар, ичига тиқиб пиширилган турли хил овқатлар бор эди. Бирга ейишдик. Дастурхон йиғилди. Қўлни ювиш учун сув келтирилди. Қўлимни ювдим. Кейин юзларимизга ипор¹⁴ қўшилган гул суви сепдик. Сухбатлашиб ўтирдик. Хотин шу байтларни ўқиди:

Айлаган чоғингда ташриф билдириш лозим бўлур,
Чунки бу кўз гавҳарим йўлга поёндозим бўлур.
Еткуриб бошим фалакнинг тоқати бу муждадан,
Кенг фазо устига шавқим чиқса, парвозим бўлур.

Молу дунё тухфа этмоқликка етмас қурбатим,
Жонни мен тутсам, қабул этсанг, бу эъюзим бўлур.
Базми васлингда муғанний бўлмоғи лозим эмас,
Гирядан авжим, қўлимда ҳассадан созим бўлур.

¹⁴ Ипор – хушбўй ҳидли модда.



У менга ўз кечирмаларидан шикоят қилди. Мен унга ўз воқеаларимни сўзладим. Унинг муҳаббати мени томоман мафтун қилган эди. Пул, назаримда, писанд эмасдай эди. Биз ўйнашдик, тортишдик. Кеч бўлди. Қизлар ичимлик келтирдилар. Ярим кечагача ичишдик. Сўнг уйқуга ётдик. Эрталаб ўрнимдан турдим. Умримда бунақа кечани биринчи кўришим. Динор тугилган рўмолчани ўрин тагига қўйдим-да, у билан хайрлашиб йўлга тушдим. У: «Муборак юзингизни қачон кўраман?» – деб йиғларди. «Кечкурун ҳозир бўламан», – дедим мен. Эшикка чиқдим, хачирчи мени кутиб турган экан, миниб саройга жўнадим. Сарой дарвозида хачирдан тушиб, ҳайдовчига ярим динор пул бердим-да, кун ботар олдидан келишга буюрдим. У: «Хўп», – деди. Саройга кириб наҳорлик қилгач, молларнинг пулини ундиргани кетдим. Кўп ўтмай саройга қайтдим. Яхна гўштлар ҳозирлатдим. Ширинликлар олдим, ҳаммол чақирдим.

Буларнинг ҳаммасини саватга жойлаб, ҳаммол ҳаққини бердим-да, унинг уйини тайинлаб жўнатдим. Кун ботгунча ўз ишларим билан шуғулландим. Кун ботгач, хачирчи келди. Эллик динор пулни бир рўмолга тугиб, кўчага чиқдим. Хачирга миниб уйга етдим. Ичкари кирдим. Ҳаммаёқ супурилган, сув сепилган, артилган, тозаланган эди. Шамлар ёқилган, қадаҳлар ҳозирланган эди. Мени кўриши билан суюклим бўйнимга қўл ташлади. «Мени соғинтирдингиз», – деди у, ярим гиналик овоз билан. Дастурхон ёздилар, тўйгунча овқатландик. Қизлар дастурхонни йиғиб, ичимлик келтирдилар. Ярим кечагача тўхтовсиз ичишдик. Сўнг ётоқхонага кирдик. Эрталабгача бирга ётдик. Эрталаб туриб, эллик динор пул бердим-да, хайрлашиб чиқдим. Ташқарида хачир етакловчи кутар экан, хачирга миниб саройга келдим. Бироз ухлагач, кечки овқатлар ҳозирлашга киришдик. Турли мағизлар, ширинликлар, овқат масаллиқлари, турли хил мевалар ҳозирладим. Ҳаммолдан уларни жўнатдим. Уйга кириб, эллик динор пул олиб, рўмолга тугдим. Одатдагича



хачирга миниб жўнадим. Ичкари кирдим, саломлашдик, ейишдик. Эрталабгача бирга ётдик. Эрталаб турдим. Эллик динорни қолдириб, саройга жўнадим. Шу йўсинда бир қанча вақт ўтди. Пулим тамом бўлди. Ақалли бир динор ҳам қолмади. Ўша кеч ухламай тонг оттирдим. Адашган эканман, дедим. Қилган ишимга ўқиндим. Хотирамга қуйидаги шеър келди:

Камбағаллик кишиликнинг завқ нуруни сўндирар,
Кун ботганда унинг нури хиралашган сингари.
Камбағаллик кишиликни машаққатга кўндирар,
Орзуларин қанча ёзсин, тўлмас кўнгил дафтари.

Кўринмаса фақир одам, ҳеч ким уни йўқламас,
Хоҳ бўлсин у, хоҳ бўлмасин, ҳеч кимсанинг иши йўқ.
Хилват ерда кўз ёш тўкар, оҳ тортар у ҳар нафас,
Қариндош ҳам боқмас унга, ҳол сўровчи киши йўқ.

Саройдан чиқдим. Байналқасраин кўчасига бордим. Зувайла дарвозасига етдим. Жуда кўп халқ тўпланиб турар, одамлар кўплигидан дарвоза йўли тўсилиб қолган эди. Ёнимда дурустгина кийинган бир киши бор эди. Ихтиёрсиз унга жипслашиб қолдим. Қўлим беихтиёр унинг киссасига тушди. Чўнтакда ҳамён, ҳамёнда анчагина динор борлиги сезилди. Дарҳол қўлимни тортдим. Шу онда у йигит сезди, қўлини киссасига солди. Киссасида ҳеч вақо йўқ эди. У менга тикилди. Йигит қўлидаги таёғи билан бошимга урди, ерга йиқилдим. Бизни одамлар қуршаб олишди. Кимдир биров: «Тиқилинч тўполон бўлса, бу бечорада нима гуноҳ! Нега уни шундай қаттиқ урасан?» – дер эди. Йигитни айблар эдилар. У бўлса: «Бу лаънати ўғри экан, ёнимдан пулимни ўғирлади», – деб шовқин солди. Эсим ўзимга келди.

Баъзилар: «Бу чиройли йигит ҳеч нарса олгани йўқ», – десалар, баъзилар: «Олди», – дердилар. Гап-сўз чуваланди.



Одамлар мени у йигитнинг қўлидан қутқазिशга уриндилар. Бирдан дарвоза ёнига ҳоким ва мингбошилар келиб қолишди. Мен билан у йигит атрофига одамлар тўпланиб турганини кўришиб, бизга яқин келишди.

«Нима гап?» – деди ҳоким.

«Ҳурматли ҳоким,– деди йигит,– бу ўғри экан, тиқилинчда менинг ёнимдаги ҳамёнимни йигирма динар пули билан олиб қўйди».

«Ёнингда ҳеч ким бормиди?» – деди ҳоким.

«Йўқ», – деди йигит.

Ҳоким мингбошига мени тутиб, тинтишни буюрди. Кийимларимни ечдилар. Ҳамён кўйлагим ичидан чиқди. Ҳамённи ҳокимга бердилар. Ҳоким ҳамённи очиб, пулни санади: йигирма динар экан. Йигитнинг сўзлари тасдиқланди. Ҳоким ғазабланиб, посбонларни чақирди. Посбонлар мени унинг олдига элтдилар: «Тўғриси айт, эй йигит,– деди ҳоким ғазаб билан,– ҳамённи олганинг ростми?» Мен бошимни қуйи солдим. Ўз-ўзимга айтар эдим:

«Олмадим десам, ҳамён кўйнимдан топилди. Олдим десам, азоб беради», – деб бошимни кўтардим-да: «Олдим», дедим.

Ҳоким бу сўзни эшитиб ҳайратга тушди. Уч-тўрт кишини чақирди, улар гувоҳ бўлдилар. Ҳоким жаллодга бўйруқ берди, жаллод ўнг қўлимни чопди. Йигитнинг кўнгли тинчиди. Ҳоким ўз йўлига кетди. Одамлар тева-рагимни ўраб олишган эди. Менга бир қадаҳ шароб тутдилар. Йигит ҳамённи менга берди-да: «Дуруст йигит кўринасан, ўғри бўлмаслигинг керак»,– деди. Шу байтларни ўқидим:

Дўстлар! На ўғриман, на чўнтак кесар,
Мен ҳам хаёлимни ўғирлатганман.
Замон шаббодаси ҳар турли эсар,
Сиз ўтган йўллардан мен ҳам ўтганман.



Ғамгинлик, вавослик, қашшоқлик ортиб,
Енгилдим! Тангрининг отган қаҳри бу!
Бу ўқ, бошдаги тожим учириб, тортиб
Олиб кетди, менга қолди ғам-қайғу!

Кейин у ўз йўлига кетди. Қўлимга латта ўралган ҳолда мен ҳам йўлга тушдим. Аҳволим ўзгарган, рангим ўчган, кайфим қочган эди. Шу ҳолда хотиннинг уйига бориб, ўзимни ўринга отдим. Аҳволимни кўриб, хотин ҳайрон қолди: «Нима бўлди? Қаеринг оғрияпти, нега мунча паришонсан?»,- деди у менга. «Тобим йўқ, бошим оғрияпти»,- дедим мен. У хафа бўлди, тинчсизланди. – «Дилимни ёндирма,- деди у,- ўтир, айт, бугун сенга нима бўлди?» «Қўй сўрама»,- дедим. У йиғлаб: «Мени энди хоҳламай қолганга ўхшайсан,- деди. – Билиб турибман, сен тамоман ўзгаргансан». Мен индамасдим. У мен билан сўзлашмоқ истарди.

Кеч киргач, овқат келтирди. Мен чап қўл билан есам, билиб қолмасин деб, овқатни қайтардим. «Айт,- деди у яна зорланиб,- бугун сенга нима бўлди? Нега бунча хафасан, нега бунча дилинг синиқ?»

«Ҳозир айтаман»,- дедим унга. Менга ичимлик тутиб: «Буни ич, қайғунгни ҳайдайди. Албатта, ич! Менга воқеани сўзла!» – деди.

«Айтишим зарурми?»- дедим мен. «Албатта»,- деди у. «Агар айтишим зарур бўлса,- дедим мен унга,- ўз қўлинг билан ичир!» У тўлдириб ичирди, иккинчи қайта тутди. Уни мен чап қўлим билан олдим. Кўз ёшларим оқар эди.

«Нега йиғлайсан? Дилимни вайрон қилаётирсан. Нега қадаҳни чап қўлинг билан олдинг?» «Қўлимда чиқиқ бор»,- дедим мен. «Чиқар уни, сўриб оламан»,- деди у.

«Ҳозир вақти эмас, қўлимни чиқазмайман»,- деб яна қадаҳ кўтардим. Маст бўлгунимча, у қуйиб бераверди.

Мен бирга ётмадим. У менинг қўлимни кўрди. Ёнимни қидириб, олтинлик ҳамённи топиб олди. Қаттиқ хафа



бўлди. Эҳтимол дунёда ҳеч ким бунчалик хафа бўлма-
гандир. Бечора хотин мен учун эрталабгача азоб чекди.
Уйқудан турсам, тўртта товуқ солиб ҳалим қилибди.
Овқат келтирди. Ичимлик олиб келди. Едим, ичдим.
Ҳамённи қўйиб кетмоқчи бўлган эдим: «Қаёққа кетяп-
сан?»– деди у. «Кетма, ўтир», – деди. Мен ўтирдим.

«Менга бўлган муҳаббатинг бутун пулларингни та-
момлашга ва ҳатто қўлингдан айрилишга сабаб бўлибди.
Ишонтириб айтаманки,– деди у,– мен сендан ажралмай-
ман. Ҳозир сўзимнинг ростлигини исбот этаман».

Шундан сўнг у гувоҳларга киши жўнатди, гувоҳлар
келдилар: «Мени шу йигитга никоҳлаш учун ҳужжат
ёзинглар,– деди у. – Ҳужжатда керакли муҳрларни олга-
нимни кўрсатинглар».

Улар никоҳ хатини ҳозирладилар. «Сизлар гувоҳ бўлин-
глар,– деди у.– Мана шу сандиқдаги пуллар, қарамоғим-
даги қуллар, чўрилар, ҳаммаси бундан сўнг мана шу
йигитга тегишлидир».

Улар гувоҳликка рози бўлдилар. Мен инъомларни
қабул қилдим. Гувоҳларга тегишли ҳақ тўладим. Улар
кетдилар. Хотин қўлимни ушлаб, ҳужрага олиб кирди-да,
катта сандиқни очди. «Қара-чи, нима бор экан?» – деди
у. Мен қарадим. Сандиқ аллақанча рўмолга тугилган
пуллар билан лиқ тўла эди. «Буларнинг ҳаммаси сенинг
пулларинг, қандай келтирган бўлсанг, шундайлигича сан-
диққа ташлай берган эдим,– деди у. – Ол пулларингни.
Улар яна сеники бўлди. Бугун сен пулдорсан. Мен учун
азобландинг, ўз қўлингдан ажрадинг, мен ҳақингни адо
қилишдан ожизман. Агар жонимни ҳадя қилсам ҳам оз.
Ушанда ҳам ҳаққинг ортиқ. Молларингни ол энди».

Ғоят шодландим. Ғамларим тарқалди. Хотинимни ўпдим
ва унга ташаккур айтдим. Ўзининг мол-мулкларини ҳам
менга ҳадя қилди. Бу ҳақда мукамал бир ҳужжат ёзиб
қўлимга берди. Кеч бирга ётдик. Мен бутун воқеани
сўзлаб бердим. Шу зайлда бир ой ҳам ўтгани йўқ эдики,



у бетобланиб қолди. Касаллик борган сари кучайди. Эллик кунга етар-етмас вафот қилди. Мен жаноза маросимини ўтказдим. Кўп моллар садақа қилдим. Таъзия маросими тугагач, билсам унинг молу мулки, ҳар турли дон омборлари ҳам беҳад кўп экан.

«Менинг сизга сотган кунжутим ҳам унинг ғалла омборларидан биридаги дон эди. Бошқа молларни ҳам сотишга овора бўлиб, сизнинг ёнингизга кечикиб келдим. Ҳали ҳам кишилардан пулларимни олиб битирганим йўқ. Сиз қарши чиқманг, зиёфатингиз учун сиздаги кунжут пулини ўзингизга ҳадя қилдим.

Ўнг қўлим яроқсизланиб, чап қўлим билан овқатланганимнинг сабаби шу. Менга кўрсатган марҳаматларингиз учун миннатдорман», – деди у.

«Мен билан бирга бизнинг юртга бормайсизми, мен Қоҳира ва Искандария молларидан олдим», – дедим мен унга. Боргудек бўлса, беҳад миннатдор бўлишимни билдирдим. Бирга боришга рози бўлди. Бир ойдан сўнг юришга қарор бердик. У ҳам қўлларидаги молларини сотиб, у ёққа мос моллар олди. Бирга сафарга жўнадик.

«Букри воқеасидан бу ҳикоя қизиқ эмас, шунинг учун тўртовингни ҳам осий керак».

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Йигирма
еттинчи
кеча

– Эй саодатли шоҳ, – деб давом этди Шаҳризод. – Назоратчи ўрндан турди-да, Хитой шоҳи қаршисига бориб ер ўпибди.

«Агар рухсат этсангиз, – дебди у, – мен букрига йўлиқмасдан олдинги кечирган воқеамни айтиб бераман. Агар бу воқеа букри саргузаштидан қизиқ бўлса, бизларнинг қонимиздан кечсангиз».

«Яхши», – дебди шоҳ.



Назоратчи сўз бошлабди:

– Ўтган куни мен бир тўда кишилар орасида бўлдим, улар хатми қуръон қилар эдилар. У ерда шариат илими олимлари ҳам бор эдилар. Қуръон ўқиб битирилгач, дастурхон ёзилиб, овқат тортилди. Овқатлар орасидан зарбоча¹⁵ деган таом ҳам бор эди. Бизлар ундан ея бошладик, фақат бир киши қўл узатмади. Зўрласак ҳам қўнмади: «Бўни еб, тортган кулфатим етар, зўрламанглар»,– деб шу байтни ўқиди:

Тангри дучор қилар бўлса бахтсизликка ҳар кимни,
Кўзини кўр, қулоқни кар, оёғини шол қилар.
Ибратдан сўнг қулоқ очиқ, тил ҳам ширин сўз бўлғай,
Аста-секин уйғонади яна ҳавас, иштиёқ.

Биз ундан зарбочани емаслик сабабини сўрадик.

«Мен бу таомни емайман, агар ейиш зарур бўлса, қўлимни қирқ марта ишқор билан ювиб, сўнг ейман»,– деди у. Мезбон қўлини чақириб, сув ва совун келтиришга буюрди. У ўзи айтгандек қилиб қўлини ювди. Қўрқиб қўл узатди, ер экан, чўчир эди. Биз ҳайрон бўлдик. Унинг қўллари титрарди. Диққат қилсак, унинг бош бармоғи кесилган экан.

«Бош бармоғингизга нима бўлган, туғма шунақами ёки бирор ҳодиса бўлганми?» – дедик биз.

«Ўртоқлар, – деди у,– фақат шу қўлим эмас, чап қўлим ҳам шундай», – деди-да, жароҳатли ерларини кўрсатди. Кўриб яна ҳайрон қолдик.

«Нега бундай?» – дедик биз.

«Менинг отам, – деди йигит, – Хорун ар Рашид замонида Бағдоднинг жуда катта бойларидан бири эди. У ичкиликка жуда берилган, мусиқа ва ашулани жуда севарди. Ўлганида ундан ҳеч нарса қолмади. Мен уни урф-одатга мувофиқ кўмдим.

¹⁵ Зарбоча – таом тури.



Кўп вақтгача кеча-кундуз отамни эслаб йиғладим. Сўнг унинг дўконини очдим. Дўконда арзимаган нарсалар бўлиб, отамнинг анчагина қарзи бор экан. Қарз эгаларига муҳлат беришларини илтимос қилдим. Улар кўнишди. Савдо қила бошладим. Фақат жума кунлари дўкон очмасдим. Кунлар ўтиб, қарзларни тўлай бошладим. Бирмунча вақт ўтди. Қарзларимдан қутулдим. Сўнг орттирганларим сармоёга қўшила борди.

Кунлардан бир кун дўконда ўтирган эдим, узоқдан келаётган чиройли бир ёш хотинга кўзим тушди. Умримда мен бундай гўзал хотинни кўрмаган эдим. У жуда ҳам қимматбаҳо кийимлар билан безанган, хачир миниб келар, хачирининг атрофини қуллар мудофаа қилиб юришар эди. Хачирни бозорга кираверишдаги бир бурчакда тўхтатиб, хачирдан тушди-да, бозорга кирди. Уни кузатиб юрган тавоши бундай деди: «Маликам, бозорга киринг, эҳтиёт бўлинг, зинҳор-базинҳор биров таниб қолмасин, акс ҳолда ҳаётимизга ўт ёқасиз».

Қул хачирни қантариб қўйди. Хотин дўконларни кезиб, сўнг менинг дўконим ёнига келди. Қул ҳам уни таъқиб қилиб юрарди. Қаршимга ўтириб, салом берди. Мен умримда бундай ширин, бундай нозик сўз эшитмаган эдим. У юзини очди. Бай-бай-бай, одам ҳам шундай кўркам бўлар эканми? Кўрдим-у, аллақандай хаёлларга чўмдим, дилимга ишқи жойланди. Мен дам ўтмай унинг юзига тикилар эдим. Шу байтларни ўқидим:

Ипакка ўралган жафогўй ёрдан:
Ип кийсин, вафодор бўлсин. Шу бехатар.
Меҳрибонлик қилса сенга ночордан:
Ундай вафодан қоч! Орқаси хатар!

Буни эшитиб, у қуйидаги шеърни ўқиди:



Севгинг билан, тоқатимни барҳам бердим, йўқотдим,
Кўзим тушса гар бошқага, маҳрум бўлсин нуридан!
Унутмадим, сени ўйлаб, чексиз шодликка ботдим,
Соф севгининг косасида, ичдим майнинг зўридан.

Соф севгининг косасида кошки сен ҳам ичсанг май,
Бу жонимни кошки эди, олиб кетсанг сен бирга.
Сен ўтганда, устухоним нола чекар гўё най,
Тилагини изҳор айлаб, ўзинг кўмган қабрда.

Шеърни битиргач, «Қимматбаҳо кийимларингиз йўқми?»– деди.

«Маликам,– дедим мен,– қулингнинг дасти қисқароқ– дир. Бироз сабр қил! Тезда бойлар дўконларини очадилар. Мен сенга маъқул бўларли кийимликни шу ерга келтираман».

Кейин у билан сўзлашиб ўтирдим. Мен унинг ишқ денгизига чўмиб борар эдим. Ақлдан адашаёзим. Бойлар дўконларини очдилар. Ўрнимдан туриб, унинг сўраганларини келтирдим. Беш минг дирҳамли эди. Хотин молларни олиб, хизматчисига берди. Хачирни келтирдилар, хотин минди. Улар пул ҳақида ҳеч нарса демай жўнаб кетдилар. Мен сўз очгани уялдим. Унинг ким экани, қаерлик эканини ҳам билмай қолавердим. Бойлар мендан кийимликнинг пулини талаб қилдилар. Беш минг дирҳамни ўз устимга олиб уйга қайтдим. Унинг ишқида маст эдим. Овқат келтирдилар, озгина едим. Унинг чиройи кўз олдимдан нари кетмасди. Ётдим, уйқум келмади. Бутун тун уни ўйлаб чиқдим. Шу йўсинда бир ҳафта ўтди. Бойлар пулни сўрай бошладилар. Мен улардан яна бир ҳафта муҳлат сўрадим. Бир ҳафтадан сўнг иттифоқо у хотин яна келди. Аввалгидек хачирни қуллар муҳофаза қилиб келишарди. У дўконга келиб, саломлашгач:

«Пулни беришга кечикдик. Афв этасиз, саррофни чақириб, пулни олинг»,– деди.



Сарроф келди. Қул унга пулни тутқазди. Дўконлар очилгунча у билан сўзлашиб ўтирдик. Дўконлар очилгач, у менга, бир неча нусха кийимликларни санаб, шуларни келтиришга буюрди. Мен бойлардан унинг айтганларини келтирдим. Хотин уларни олди. Пул тўғрисида менга ҳеч нарса демай йўлга тушди. У кетгач, пушаймон бўлдим: «Бу қандай севги?» – дер эдим ўз-ўзимга, ахир у беш минг дирҳам берди-да, бир минг динорли мол олди. Бойлар у хотинни танитайдилар. Улар фақат мени билладилар, деб ташвишландим. Бу хотин ҳийлакор хотин экан, ёшлигимдан фойдаланиб, юзини очди-ю, мени алдаб кетди, мен эса унинг ким эканини сўрамадим, деб тинчсизландим. У бир ойгача келмади. Бойлар мендан пулни сўрай бошладилар. Еримни сотиш учун эълон ёздим. Ҳар хил хаёлларга бориб, юрагим сиқилди. Бир куни дўконда хаёлга чўмиб ўтирган эдим, бирдан у хотин келиб қолди. Уни кўриш билан хаёлларим тарқалди – ташвишларни унутдим. У мен билан ширин-ширин сўзлашиб ўтирди.

«Саррофни чақиринг, пулни олинг»,– деди-да, молнинг нархидан ортиқроқ пул берди. Мен шодликдан теримга сифмасдим.

«Хотинингиз борми?»,- деб сўради у мендан.

«Йўқ, хотин зоти менга ёт»,– деб йиғладим.

«Нега йиғлайсиз?» – деди.

«Бир нарса эсимга тушди»,– дедим-да, пулдан бир неча динорини қулга узатиб, унинг воситачи бўлишини сўрадим. Қул қулиб шундай деди:

«Унинг севгиси сеникидан ҳам ортиқ. Кийимликларни ҳам сен учун, сенга бўлган муҳаббати туфайли олди. Хоҳлаган сўзингни бемалол айт! У сенинг сўзингга қаршилиқ қилмайди».

«Мен қулингга раҳм қилиб, қулинг орзусини рад қилма»,– деб дилимдагиларни сўзладим. Сўзларимга розилик билдириб, қулга: «Менинг хатимни бу йигитга



келтирсанг»,– деди, кейин менга қараб: «Қул айтгандек иш қил»,– деди-да, ўрнидан туриб уйига кетди.

Мен бойларга пулларини топширдим. Улар анча яхши фойдаландилар, лекин у кетиши билан яна ағдарилиб тун ўтказдим. Бир неча кундан сўнг қул келди. Мен жуда ҳурмат билан қарши олдим. Аҳвол сўрадим.

«Хотин касал бўлиб қолди»,– деди у. «Сенга оғир бўлмаса, у ҳақда бироз маълумот берсанг»,– дедим мен қулга. «Хўп»,– деб у қуйидагича баён қилди:

«Бу қиз, халифа Хорун ар Рашиднинг хотини Ситтузубайда тарбиясида бўлиб, унинг канизагидир. У ўз истаги билан саройга кириб-чиқиш учун рухсат олган. Ҳатто у сўнгги вақтда иш бошқарувчилик мансабига тайинланди. Ўзи эпчил, чаққон, хушёр қиз. У сенинг тўғрингда Ситтузубайдага айтиб, сенга никоҳлашини сўради. «Мен ўзим кўраман, агар сенга мос бўлса никоҳлайман, бўлмаса йўқ, – деб жавоб берди Ситтузубайда. – Мен сени саройга олиб бораман. Агар саройга саломат кира олсанг, марра сеники, иш битди. Агар сир бировларга ошкор бўлиб қолса, калланг кетади. Энди ихтиёр ўзингда. Хоҳласанг олиб бораман».

– Бораман, мени бирга олиб бор, айтганларингга, оғирликларга чидайман,– дедим мен.

«Бўлмаса,– деди қул,– кеч бўлгач, Дажлада Ситтузубайда бино қилган масжидга бор!»

«Хўп»,– дедим. Кеч бўлгач, ўша масжидга бордим. Тонг отар вақтида қайиқда иккита тавоши келди. Улар бир бўш сандиқ олиб келишган экан. Масжидга киришди. Диққат билан қарасам, улардан бири дўқонимга қиз билан бирга бориб, орамизда воситачи бўлган қул экан. Бироз вақт ўтгач, суюклим ёнимга келди, ўрнимдан туриб, қучоғимга олдим. Ўпдим, у ҳам мени ўпиб йиғлади. Бироз сўзлашдик, сўнг мени сандиққа жойлаб, уни қулфладилар. Сандиқни қайиққа солдилар. Орадан кўп ўтмай ўзимни Ситтузубайда саройида кўрдим. Мен ҳали



ўзимни ўнглаб олганим ҳам йўқ эдики, бирдан аллақанча ёш қизлар кийимлар келтирдилар. Бироз ўтгач, яна ҳам кўркавроқ йигирмата қиз ўртасида халифанинг хотини – Ситтузубайда келар эди. У кийган кийимлари, таққан зийнатларининг оғирлигидан аранг юрар эди. У келгач, канизаклар унинг атрофидан четлашдилар. Мен унга яқин бордим, қаршисида ер ўпдим. Ўтиришга ишорат қилди, ёнида ўтирдим. Мендан насл-насабим, касбим тўғрисида сўрай бошлади. Саволларига жавоб бердим. У шодланиб:

«Бизнинг тарбиямиз бекорга кетмаган экан,– деди-да, менга қаради: Бу қиз,– деди,– бизнинг ўз фарзандимиз ўрнидаги боламиз. Уни сенга топшираман».

Мен қуллуқ қилдим.

Шундай қилиб, Ситтузубайда қизни менга никоҳ қилишга розилик бериди. Мен ўн кун ўша ерда қизни кўрмай турдим. Фақат бир канизак овқат келтириб турарди.

Ситтузубайда бизнинг никоҳимиз тўғрисида халифа билан кенгашган экан, халифа рухсат бериб, ўн минг динор пул тортиқ қилибди. Ситтузубайда қози ва гувоҳларга киши юборди, улар келдилар. Қизни менга никоҳладилар. Сўнг ширинликлар, овқатлар ҳозирладилар, овқат келтирдилар. Овқатларнинг тури кўп эди, улар орасида зарбоча деган овқат ҳам бор эди. Мен ҳаммасидан кўра шу овқатни кўп едим. Қорним тўйди. Қўл ювиш эсимдан чиқибди. Қоронғи тушганча ўтирдим, шам ёқдилар. Соғларини кўтариб ашулачилар келишди. Улар қиз билан ҳамма уйларга бирма-бир кириб ашула қилар эдилар. Ҳар ким қизга олтин динорлар тақдим этарди. Ҳамма уйларни айланиб чиқдилар. Кейин қиз билан мени бир уйга киритдилар. Кийимларини ечдилар, уйда мен билан қиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Мен унга етишганимга ишонмас эдим, қучоғимга олдим. У менинг қўлимдан келаётган зарбоча ҳидини сезиб, қаттиқ бақирди, ҳар томондан канизаклар етиб келдилар. Мен кўрқдим. «Нима



гап экан?» – деб ҳайрон эдим. Канизаклар ҳам: «Нима бўлди?» – деб сўрадилар.

«Бу Мажнунни олдимдан олиб кетинглар. Мен уни ақли десам, жинни экан»,– деди хотиним.

«Нима жиннилик қилдим»,– дедим мен.

«Эй девона,– деди у бақириб,– нега зарбоча еб, қўлингни ювмадинг, худо ҳаққи, шу ақлсизлигинг, бета-мизлигинг учун сендан кечдим».

Кейин қамчини олиб орқамга, бўйинларимга ура кетди. Қамчи зарбидан ҳушим озди. У канизакларига: «Буни шаҳар бошлиғига олиб боринглар! Зарбоча еб ювмаган қўлларини кессин»,– деди.

Мен ҳайрон эдим. Зарбоча еб, қўлимни ювмаганим учун қўлимни кесадиларми?– дер эдим. Канизаклар унинг олдига келдилар: «Эй синглим,– дедилар улар,– бу сафарча гуноҳини кечир!»

«Бунинг баданидан,– деди у,– албатта, бирор ерини кесаман».

Шу сўзларни деб, қаёққадир кетди. Шу кетганча ўн кун ғойиб бўлди. Ўн кун ўтгач, кириб келди.

«Эй юзи қора,– деди у, ғазаб билан,– мен сенга зарбоча еб, қўл ювмасликни кўрсатаман», сўнг канизакларни чақирди. Улар келиб қўлимни боғладилар. Қиз қўлига ўткир пичоқ олди. Кўриб турганингизча, ҳар икки қўлим ва оёғимнинг бош бармоқларини кесди. Ҳушим кетди. Қон оқарди. Қандайдир дори сепгач, қон тўхтади. Мен бундан сўнг қўлимни юз йигирма марта ювмагунча, зарбоча емасликка сўз бердим. У менга бу сўзни унутмасликни таъкидлади. Бу ерда зарбоча овқатини кўришим биланоқ, у воқеа кўз олдимга келди. Рангим ўчиб, қоним қочди. Энди сизлар мени бу таомдан ейишга мажбур қилаётирсизлар. Албатта, мен шартни ўрнига қўйишим керак.

«Сўнг нима бўлди?»

Мен ваъда бергач, қизнинг кўнгли тинчиди. Бир мунча вақт бирга яшадик, ниҳоят хотиним: «Халифа сарой-



ида туришимиз яхши эмас. Бу ерга сендан бўлак ҳеч ким кира олмайди. Сен Ситтузубайданинг олижаноблиги туфайли бу ерга кира олдинг. Бундан ортиғи ўз иззатимизни йўқотишга сабаб бўлади,— деди-да, менга беш минг динор пул берди.— Бу пулни олгин, ўзимизга хос кенг ва яхши бир ҳовли ол».

Мен бу пулга кенг ва яхши бир ҳовли олдим. Хотиним ҳамма нарсаларини ўз ҳовлимизга келтирди.

— Бош бармоғимнинг кесилиш фожиаси шу,— дебди у.

«Бу ҳам букри ҳикоясидан қизиқ эмас, шунинг учун ҳаммангизни осиш керак»,— дебди хитой шоҳи. Яҳудий ўрнидан туриб, шоҳ олдида ер ўпибди: «Муҳтарам шоҳ,— дебди у,— рухсат этсангиз, мен букри ҳикоясидан қизиқроқ бир ҳикоя айтардим». «Айт»,— дебди шоҳ, у сўз бошлабди:

«Мен ёшлигимда Дамашқда яшадим, у ерда ўқидим. Кунлардан бир куни ўз уйимда ўтирган эдим, Дамашқ ҳокимининг сарой кулларидан бири кириб келди. «Сизни хўжа чақирётир»,— деди у. Мен ўрнимдан турдим, қул билан бирга подшоҳ саройига бориб, ичкари кирдим. Қасрнинг тўрида мрамрдан ишланиб, атрофи тилла билан зийнатланган тахтда бир йигит касал ётарди. У жуда ҳам чиройли эди. Умримда бундай хушбичим йигитни биринчи кўришим эди. Мен унинг бош томонига ўтирдим, унга соғлик тиладим. Йигит менга кўзлари билан жавоб берди. «Кўлингни бер»,— дедим. У чап кўлини узатди. Ҳайрон бўлдим. «Бу чиройли йигит мансабдор оиланинг фарзанди бўлса ҳам тарбиясиз экан»,— деган фикрни ўтказдим хаёлдан. Унинг томирини ушлаб кўрдим, дори бериб, ўн кунгача қатнаб турдим. У соғайди, сарой маъмури жуда катта мукофот бериб, мени Дамашқдаги касалхонасига табиб қилиб тайинлади. Мен йигит билан ҳаммомга бордим. Ҳаммомни тамом бўшатишга буюрдим. Ходимлар у билан бирга ҳаммомга кириб, кийимларини ечдилар.



Яланғоч бўлгач қарасам, йигитнинг ўнг қўли яқинда кесилган экан. Қасаллигининг сабаби ҳам шу экан. Мен буни кўриб ҳайрон бўлдим. Чиройли, ёш йигитга ачиндим. Унинг баданида қамчи излари бор эди. Йигит у изларга мой сурар эди. Бу ҳол мени ҳаяжонлантирди. Мендаги ҳаяжон йигитга ҳам сезилди шекилли, менга қараб:

«Эй табиб, аҳволимга ҳайрон бўлманг! Ҳаммомдан чиққач, бошимдан ўтган ҳамма воқеани сўзлаб бераман», – деди.

Ҳаммомдан чиқиб, уйга келдик. Ўтириб овқатландик, дам олдик. «Шийпонга жой қилдирсам, бироз кўнгил очсак, қарши эмасмисиз?» – деди у.

«Яхши», – дедим мен.

Қулга жой тайёрлаш, қовурдоқ ҳозирлаш ва турли мевалар келтиришни буюрди.

Бирга овқат ея бошладик. У чап қўли билан ер эди.

«Қўлингиз воқеасини айтмайсизми?» – дедим мен унга.

У сўз бошлади:

«Мен мавсалиликман. Бобом ўлиб, ундан ўнта бола қолган эди. Менинг отам улар орасида энг каттаси экан. Улар ҳаммалари ўсибдилар, уйланибдилар. Мен туғилибман. Отамнинг бошқа укаларида бола бўлмабди. Мен амакиларим орасида яшадим. Улар мени жуда яхши кўрар эдилар. Мен ўсиб катталар қаторига кирдим. Бир жума куни отам билан масжиди жомиъга намоз ўқигани бордик. Намозни ўқидик. Ҳамма масжиддан чиқди. Отам, амакиларим масжидда шаҳарлардаги ажойиб нарсалар ва алоҳида обод шаҳарлар ҳақида сўзлашиб ўтирдилар. Қоҳирани тилга олдилар.

«Ер юзида бундан чиройли шаҳар йўқ деб мақтайдилар, – деди амаким. – Айниқса одамлар унинг Нилини жуда мақтайдилар» – деди у. «Қоҳирани кўрмаган дунёни кўрмабди, дунёга келмабди», – деди отам. Кейин у Нил ҳақида шу шеър жуда тўғри айтилган деди:



Нил дарёси кўзни жалб этар, тортар,
Асир қилар қалбни. Гап унда эмас:
Ерларга сув бериб, қиймати ортар,
Шу баҳо кифоя, таърифга шу бас.

Усиз кенг саҳролар қонсиз, дармонсиз,
Усиз деҳқонлар ишлари доим оҳ.
У бор, саҳролар ҳам, халқ ҳам армонсиз,
Бунга ташна саҳро, чанқоқ эл гувоҳ.

Сўнг улар Мисрдаги бошқа шаҳарлар таърифига ўтдилар. Мисрни ва унинг Нилини мақтай бошладилар. Ниҳоят, сўзларини тамомлаб, ҳар ким ўз уйига тарқалди. Лекин Миср таърифи хотирамда қолди. Кеч бўлди. Уйкуга ётдим. Ухлай олмадим. Фикримни Миср ҳақидаги хаёл ўраб олган эди. Овқатим ҳам шу хаёлдан иборат бўлди. Бир неча кун ўтгач, амакиларим Мисрга отландилар, мен отамдан, амакиларим билан бирга юборишини сўраб йиғладим. Отам кўпгина баҳоналар кўрсатиб кўнмади. Мен уни ўз ҳолига қўймадим. Охири отам рози бўлди. Мени ҳам у ерга олиб бориш учун мол ҳозирлади. Мен улар билан Мисрга борадиган бўлдим. Отам уларга: «Буни Қоҳирага юборманглар, молларини Дамашқда сотсин», – деб тайинлади. Отам билан хайрлашдим. Йўлга равона бўлдик.

Масвалидан чиқдик. Халабга етдик. Бир неча кун Халабда кўниб, Дамашққа жўнадик. Дамашқдаги шалдираб оқаётган анҳорлар, ҳар томонда бўйи осмонга етдиган дарахтлар, боғлар, ҳар турли мевалар, қушлар кўнгилларни ўзига тортар эди. Биз бир саройга кўндик. Амакиларим ҳам сотдилар. Бир дирҳам беш дирҳам фойда келтирди. Мен бу катта фойда учун беҳад шод эдим. Амакиларим Мисрга жўнадилар. Мен Дамашқда қолдим. Тил билан мақтаб бўлмас даражада, жуда ҳашаматли, чиройли бир бинода турдим. Ойига икки динор



тўлар эдим. Яхши едим, яхши ичдим, қўлимдаги пул тамом бўлди. Бир куни эшикда ўтирган эдим, бир хотин келди. У жуда ҳам зийнатли кийимлар кийган эди. Кўзларим бундан ортиқроқ зийнатли кийимларни кўрмаган эди. Мен кўзимни қисдим. У дарров ичкарига кирди, мен ҳам орқасидан кирдим, эшикни ёпдим. Юзидан чачвонини олди, у ғоят кўркам эди. Ишқи дилимга жойланди. Дарров юқорига ўтқаздим. Даструхон ёздим. Мевалар келтирдим. Бирга ейишдик. Ўйнашиб ўтирдик. Сўнг ичимлик ичишиб, маст бўлдик. Эрталабгача бирга ётдик. Мен ўн динор пул бердим. У эътироз билдирди.

«Эй суюқлим, уч кундан сўнг кун ботарда мени шу ерда кут, келаман», – дедим-да, ўн динор пул чиқариб бердим. Бугунгидай дастурхон ёзишга буюриб, ўз йўлига кетди. Лекин у, эс-ҳушимни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Уч кун ўтгач келди. Олдингига қараганда ҳам зийнатлироқ кийинган эди. Мен у келмасидан олдин дастурхон ҳозирлаган эдим. Ўтириб бирга ейишдик, ичишдик. Ўтган сафаргидек эрталабгача бирга ётдик. Яна аввалгидек ўн динор пул бериб, уч кундан сўнг келишга ваъда қилди. Мен унинг келишига кераклича ҳозирландим. У келди. Бу сафар аввалгилардан ҳам ортиқроқ безанган эди.

«Мен чиройлиманми?» – деди у менга. «Албатта», – дедим мен. «Мендан чиройлироқ, мендан ёшроқ бир жувонни олиб келсам майлими? – деди у менга, – биз билан бирга ўйнашиб, кулишиб кўнгли очилар эди, жуда зериккан. Кўпдан бери мен билан бирга келишни, кечни мен билан бирга ўткашишни ўтинади». Қарши эмасман, дедим.

Сўнг биз ўтириб ичдик. Эрталабгача бирга ётдик. Бу гал у ўн беш динор пул берди:

«Жойни келадиган қизга ҳам мўлжаллаб кенгроқ қил!» – деди-да, ўз уйига кетди. Икки кун ўтгач, мен одатдагича меҳмонларга дастурхон ҳозирладим, жой тайёрла-



дим. Кун ботгач, жувон келди. У билан бирга паранжи ёпинган яна бир қиз бор эди. Улар ичкари кириб ўтирдилар. Жуда шодлик билан қарши олдим, шамни ёқдим. Юзларини очдилар. Ёш хотин яна ҳам гўзалроқ эди. Эҳтимол, унга тенглашадиган жувон оламда йўқдир. Дастурхон ёздим, овқат келтирдим, тўлдириб қадаҳ тутдим. Биринчи хотин ғазабланиб: «Айтганим тўғри эканми, бу мендан чиройли-а?» – деди.

Мен: «Ҳа» дедим. «Бу кеча сен у билан ёт! Мен шуни сўрайман», – деди.

«Бош устига», – дедим. У хотин туриб, ўзи ўрин солди. Мен эрталабгача у билан ётдим, эрталаб уйғондим. Кун чиққан эди. Қарасам, қўлларим қон эди. Ҳайрон бўлиб кўзимни каттароқ очдим, қизни уйғотдим. Боши танасидан узилиб ётган экан, ҳушим кетди. Рашк орқасида олдинги хотин қилган, деб ўйлар эдим. Ўтириб хаёлга ботдим. Ўрнимдан турдим. Кийимимни ечдим. Уйдан бир чуқур қазидим. Қизни бутун қимматбаҳо нарсалари билан чуқурга ётқиздим. Устидан тупроқ тортидим, сўнг ювиндим, тоза кийимларимни кийдим. Қолган пулимни ёнимга солиб, уйдан чиқдим. Уй эгаси ёнига бориб, бир йиллик ижара ҳаққини тўладим-да, мен амакиларим ёнига – Қоҳирага бораман, – дедим.

Йўлга тушдим, Қоҳирага бориб амакиларимни топдим, хурсанд бўлдилар. Улар ўз молларини сотиб, ишларини битирган эканлар: «Нега келдинг?», – дейишди менга. Сизларни соғиндим, дедим. Пулим озгина қолганини уларга айтмадим. Улар билан бирга Қоҳирада бир йил умр кечирдим. Қоҳирани томоша қилиб тўймас эдим. Қайтар вақтгача қолган пулларимни ҳам еб-ичиб битирдим. Улар кетар олдидан яшириндим, улар мени кўп изладилар, лекин топа олмадилар. Ниҳоят, Дамашққа кетгандир, деб ўйладилар шекилли, ўша томонга жўнадилар. Мен Қоҳирада ҳеч нарсам қолмагунча уч йил турдим. Ҳар йил уй эгасига ижара пулини юбориб турар



эдим. Уч йилдан сўнг ортиқ Қоҳирада туришга тоқатим қолмади, юрагим сиқилди, йўлга чиқдим, Дамашққа етдим ва ўша уйга тушдим. Хўжайин кўриб хурсанд бўлди. Уй мен кетганимдагича, ўшандай ёпиқ эди, эшикни очиб, нарсаларимни киритдим. Сўйилган қиз билан ётган тўшак тагидан қимматбаҳо тошлар қадалган олтин асбоб топдим. Қўлимга олдим. Қонларини артдим. Хўрлигим келиб йиғладим. Икки кун шу уйда қолдим. Учинчи кун қаммомга бордим. Кийимларимни ўзгартирдим. Қаммомдан чиқдим, ёнимда ҳеч пул қолмаган эди. Ҳалиги олтин асбобни олиб, бозорга бордим ва даллолга бердим. У мени ёнига ўтирғизиб, бироз бозор қизишини кутди. Кейин у нарсани бозорга солди. Кўрувчилар унинг жуда ҳам қимматбаҳо эканини аниқладилар. Икки минг динор баҳо бердилар. Даллол менинг ёнимга келиб:

«Бу зебигардонга жез аралаштирилган экан. Минг динор баҳо қилдилар», – деди.

– Бу менинг хотинимга мерос, – дедим мен. «Бориб пулини ол», – деди даллол.

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

МУНДАРИЖА

Шаҳриёр ва Шоҳизамон ҳикояси	6
Ҳўкиз, эшак ва бой деҳқон ҳикояси	13
Бой билан жин ҳақида	18
Охули чол ҳикояси	20
Икки итлик чол ҳикояси	23
Хачирли чол ҳикояси	26
Балиқчи билан дев	28
Юнон шоҳ, вазир ва ҳақим Рўён ҳикояси	32
Шоҳ Синдбод ҳикояси	37
Ҳийлакор вазир ҳикояси	39
Сеҳрланган йигит ҳикояси	51
Ҳаммол билан қизлар ҳикояси	60
Биринчи қаландар ҳикояси	76
Иккинчи қаландар ҳикояси	82
Учинчи қаландар ҳикояси	100
Уч олма ҳикояси	122
Вазир Нуриддин билан унинг биродари ҳикояси	130
Машиначи, букри, яҳудий, шоҳид ва насоролар ҳикояси	170

Адабий-бадиий нашр

МИНГ БИР КЕЧА

Араб эртаклари

1-27 кечалар. Биринчи китоб

Қайта нашр

Муҳаррир	Насиба ЮСУПОВА
Техник муҳаррир	Елена ДЕМЧЕНКО
Бадиий муҳаррир	Баҳриддин БОЗОРОВ
Мусахҳиҳ	Зебо НУРМОНОВА
Компьютерда саҳифаловчи	Феруза БОТИРОВА

Босишга рухсат этилди 29.10.2008. Бичими 84x108 1/32
Босма тобоғи 6,375. Шартли босма тобоғи 10,71.
Алади 1000. Буюртма 228. Баҳоси келишилган нарҳда

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қаторгол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими 278-36-89; Маркетинг бўлими 128-78-43.
Факс 273-00-14, e-mail: yangiasr@inbox.ru